

Қаландар
АБДУРАХМОНОВ

ЎЗБЕКИСТОНДА
ИНСОН ОМИЛИ ВА
МАНФААТЛАРИ – ЭНГ ОЛИЙ
ҚАДРИЯТ



Каландар АБДУРАХМОНОВ

ЎЗБЕКИСТОНДА
ИНСОН ОМИЛИ ВА
МАНФААТЛАРИ – ЭНГ ОЛИЙ
ҚАДРИЯТ




Хурматли _____!

Фохрли феълитингизга улкан муваффақиятлар
ила, доимо эл-юрт мағрида, эҳтиромда бўлиб,
серкуёни Ўзбекистонимизнинг буюк келажиги йўлида
амалга ошираётган энг юкларингиз салтанатини
қўршиниғизни тилайман.

Хурмет ва эҳтиром билан муниф _____
Каландар Абдурахмонов.

“02” апрель 2018 йил



Қаландар
АБДУРАҲМОНОВ

ЎЗБЕКИСТОНДА
ИНСОН ОМИЛИ ВА
МАНФААТЛАРИ – ЭНГ ОЛИЙ
ҚАДРИЯТ

Иқтисодий, илмий-таҳлилий рисола

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2017

УЎК 338.1:38(09)(575.1)

КБК 66.3(5Ў)

А 15

Тақризчилар:

Маҳмуд Болтабоев – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Мансур Бекмуродов – социология фанлари доктори, профессор

Нигина Раҳимова – иқтисодиёт фанлари доктори

Абдурахмонов, Қаландар.

Ўзбекистонда инсон омили ва манфаатлари – энг олий қадрият. Қ.Абдурахмонов. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. – 364 б.

Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Қаландар Абдурахмоновнинг ушбу китобида Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг ўтган чорак асрдан зиёд вақт давомида амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг натижалари, уларнинг халқ турмуш даражаси ва сифатини ошириш борасида қанчалик муҳим аҳамиятга эга бўлгани аниқ рақам ва мисоллар, жаҳоннинг тараққий этган давлатлари, халқаро ташкилотлар раҳбарлари томонидан мамлакатимиз тараққиёти ҳақида билдирилган фикрлар, уларнинг қиёсий таҳлили орқали очиб берилган. Муаллиф Ўзбекистон тараққиётини янги босқичга кўтариш борасида янгича куч-ғайрат билан олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг, изчил амалга оширилаётган модернизация ва туб янгиланишлар дастурининг назарий ва амалий аҳамияти, Ўзбекистонни янада ривожлантиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясининг маъно-мазмуни, шу йўналишдаги улкан ишлар ҳақида батафсил тўхталиб, амалий фикр ва хулосаларини баён этган.

Китоб кенг ўқувчилар доирасига мўлжалланган.



УЎК 338.1:38(09)(575.1)

КБК 66.3(5Ў)

© Қаландар Абдурахмонов

© Фафур Фулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий
уйи, 2017

ISBN 978-9943-4914-0-3



бораҳим Машраб, Муҳаммадризо Огаҳий каби улуғ аждодларимиз ҳақида ҳар қанча фикр-ифтихор билан гапирсак, арзийди. Ана шу бебаҳо ва бой тарих ҳамда маданий-илмий меросни ўрганиш, асраб-авайлаш, ривожлантириш бизнинг муқаддас бурчимиз бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Инсон борки, она тупроғи, азиз Ватани билан фахрланади, унинг ютуқларидан қувонади, тараққиётига ҳисса қўшишни олий мақсад, деб билади. Бинобарин, мамлакатимиздаги беқиёс янгиланишлар ҳар биримизга чексиз ғурур бахш этади. Айниқса, азим пойтахтимизда улкан бунёдкорлик ва ободончилик ишлари амалга оширилган ишларнинг кўлами кишини ҳайратга солади, битмас-туганмас завқу шавқ улашади. Бугун Тошкент шаҳри чиройда тенгсиз, таровати ҳузурбахш, фароғати қалбларда акс садо беради, десак, муболаға эмас. Хусусан, Мустақиллик майдонида олиб борилган яратувчанлик амаллари ушбу сўлим ва улуғвор майдоннинг нафақат манзарасини, айтиш мумкин, маънавий мазмун-моҳиятини ҳам тубдан ўзгартириб юборади.

Мустақиллик майдони ҳар бир ватандошимиз учун азиз ва мўътабар бўлиб, Ўзбекистонимизнинг чинакам тимсолига айлансин. Барчамизнинг истагимиз шуки, Бош майдонимиз асрлар давомида ҳалқимизга хизмат қилиб, элимизнинг, юртимизнинг эзгу интилишларини бутун дунёга намоён этсин.

Халқимизнинг озод ва обод ҳаёт, эркин ҳамда фаровон келажак барпо этишдек улуғвор интилишларини теронроқ ифодалаб, ёшларимизнинг маънавий оламини эзгу ғоялар асосида шакллантириш ва камол топтириш мақсадида 2005 йил мустақиллик майдонида Эзгулик аркаси бунёд этилиб, бахтиёр

она сиймоси ифодаланган ҳайкал ўрнатилади ҳамда ушбу мажмуага ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ҳамда эзгу ниятларимиз рамзи “Мустақиллик ва эзгулик монументи” деб ном берилади.

Мустақиллик ҳамда эзгулик эгизак тушунчалардир. Халқимиз истиқлолни қанчалар улуғласа, фарзандларини ёруғ дунёга келтирган оналарни ҳам ҳаётимизнинг чироғи, умримизнинг гули, деб эъзозлайди. Онани ардоқлаш – миллатимиз, халқимиз учун олий даражага кўтарилган фазилат. Мазкур икки қадрият замирида халқимизнинг асрий интилишлари, эзгу орзу-умидлари мужассам.

Муаззам майдон ранго-ранг гуллари, дарахтлари билан ҳам кўзни қувонтиради. Кундузи қуёш нурида, тунлари турфа чироқлар шуъласида жилоланувчи фавворалар майдон ҳавосини мўътадил сақлайди. Мустақиллик майдони эзгулик аркасидан бошланади. Унинг тепасидаги оппоқ лайлаклар тинчлик ва фаровонликни, қанот қоқаётган турналар давлатимизнинг порлоқ келажак сари дадил парвоз қилаётгани тимсолидир.

Бу ердан мактаб ўқувчилари, талабалар, нуруний отахону онахонлар, хорижлик сайёҳлар, турли касбкор эгаларининг қадами узилмайди. Зиёратга келган юртдошларимиз Мустақиллик ва эзгулик монументидаги Ер курраси тасвирида алоҳида ажралиб турган Ўзбекистон харитасини кўриб, ғурур-ифтихор туйғуларини ҳис этади. Фарзандини бағрига босиб турган бахтиёр она сиймосида ўз онасини, беғубор болалигини кўргандек бўлади.

Мустақил ҳаёт остонаси сари қадам ташлаётган келин-куёвлар пок ниятлар билан Эзгулик аркасидан ўтиб, бахтиёр она пойига гул қўяркан, унинг сий-

мосида беғубор орзу-умидларини кўргандек бўлади. Мустақиллик ва Эзгулик – ёшларга аждодлардан мерос қадриятларимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, келажак авлодларга етказиш масъулятини юклайди.

Ушбу муаззам майдондаги ҳар бир обида истиқлолимиз ва истиқболимиз рамзи сифатида қалбимизни ифтихорга тўлдириб туради.

Бугунги кунга келиб пойтахтимизнинг нафақат ушбу масканида, балки ҳар бир манзилида янги бир сифат, янги бир ноёб фазилат намоён бўлмоқдаки, бу шахримиз ҳар қанча қадимий бўлмасин, кундан-кунга яшариб бораётганини кўрсатади. Мустақиллик йилларида барпо этилган янги кўчалар, бири-биридан гўзал иморатлар, спорт иншоотлари, ўқув юртларининг саноғига етмайсан киши. Беихтиёр улуғ бобомиз соҳибқирон Амир Темурнинг “Қудратимизга шубҳа қилсангиз, биз қурдирган иморатларга боқинг!” деган сўзларини такрорлагинг келади.

Шуларнинг барчасини ҳисобга олиб, Ватанимизнинг умумий тарихи ва тараққиётига баҳо берадиган бўлсак, ҳеч шубҳасиз, мустақил Ўзбекистоннинг кейинги 25 йилдан зиёд босиб ўтган ривожланиш йўли, олтин узукка қўйилган йирик ёқут донасидек, алоҳида ажралиб туради. Яъни, қарийб уч минг йиллик қадимий тарихимиз кўзгусида яна 25 йилнинг ўрни ҳам, салмоғи ҳам беқиёсдир. Айнан ана шу чорак аср – 25 йил бизнинг мутақил давлат, том маънода эркин ва озод халқ, миллат бўлиб, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш, ўз тақдиримиз ва келажакимизни ўзимиз, фақат ўз куч ва гайратимизга таяниб белгилаш имконини берди. Албатта, чорак аср – тарихан жуда қисқа давр, аммо

ана шу йиллар давомида суверен давлатимиз Ватанимизни тараққий эттириш ва халқ фаровонлигини ошириш йўлида мислсиз ютуқларга эришиб, бугун бу йўлни янги босқичда изчиллик билан давом эттирмоқда.

Ҳолбуки, бундан атиги 25 йил олдин Ўзбекистон собиқ тузумга хос бўлган марказлаштирилган усулда режалаштириш ва тақсимлаш иллатлари сабабли СССР таркибида кескин инқироз гирдобига тушиб қолган эди. Унинг мустақиллик йўлидаги дастлабки қадамлари “қизил империя” деб ном олган ана шу “зулм салтанати” парокандаликка юз тутган даврга тўғри келди. Бу даврда юртимизда ҳукм сурган вазият ниҳоятда таҳликали ва қалтис бўлиб, диёримиз улкан табиий, минерал хомашё, меҳнат ва инсон салоҳиятига эга бўлишига қарамай, собиқ Иттифоқда аҳоли турмуш даражаси, ижтимоий ва гуманитар соҳалар ривожини бўйича охириги ўринлардан бирида турарди. Республикамиз иқтисодий асосан хомашё тайёрлашга йўналтирилган, бирёқлама ривожланиш ҳисобидан мўрт ва ночор ҳолга тушиб қолган, экология ва аҳоли генофондига ҳалокатли таъсир ўтказадиган пахта яккаҳоқимлиги вазиятни деярли жар ёқасига олиб келиб қўйган эди. Халқимизнинг миллий ғурури, тилимиз, динимиз, урф-одат ва қадриятларимиз аёвсиз топталгани, турли тор манфаатлар, маҳаллийчилик, сепаратизм ва миллатчилик каби нохуш ҳолатлар кучайгани шундоқ ҳам мураккаб вазиятни баттар чигаллаштираётган эди.

Ёш ва мустақил давлатимиз эндигина оёққа тураётган ўта таҳликали паллада бир йўла жуда кўп ва мураккаб вазифаларни дарҳол ва узлуксиз ҳал этиш

талаб этиларди. Энг аввало, жамиятда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, турли бошбошдоқликларнинг олдини олиш, узоқ йиллар давомида таркиб топган хўжалик алоқалари узилган вақтда корхоналарнинг касодга учраши, минг-минглаб ишчи-хизматчиларнинг ишсиз қолишига йўл қўймаслик, аҳолининг энг зарур озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни таъминлаш, самарали ижтимоий ҳимоя тизими-ни яратиш бўйича зудлик билан тегишли чоралар кўриш зарур эди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов томонидан ишлаб чиқилган, жаҳон ҳамжамияти томонидан тараққиётнинг “ўзбек модели” деб эътироф этилган ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатлари ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодиётни, халқимиз учун тинч, обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашига йўналтирилган кенг кўламли ислоҳотларга киришилди. Ана шу мустақиллик концепцияси айнан ана шу мураккаб даврда ҳаёт, тараққиёт тақозоси сифатида ишлаб чиқилгани айниқса муҳим тарихий аҳамиятга эга бўлди. Сиёсий ва иқтисодий тараққиёт дастури, янги давлат ва жамият қуриш стратегиясини ишлаб чиқишда халқимизнинг тарихан шакланган миллий ва маданий ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинди, мамлакатимизнинг мавжуд табиий-иқтисодий, минерал хомашё ва инсоний салоҳиятидан оқилона фойдаланган ҳолда, жаҳон хўжалик алоқалари тизимида, халқаро ҳамжамиятда ўзимизга муносиб жой эгаллаш эзгу мақсад қилиб қўйилди.

Қисқа вақт ичида миллий давлатчиликни шакллантириш ва ривожлантиришнинг пухта ҳуқуқий асослари яратилди, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоқлари ташкил этилди, ижтимоий тузилмалар, фуқаролик институтлари фаолияти йўлга қўйилди, иқтисодиётни эркин бозор муносабатларига ўтказиш жараёнини босқичма-босқич амалга оширишга киришилди.

Ҳаётга прогматик, реал ёндашув натижаси бўлган **“Иқтисодий мустақилликка эришмасдан сиёсий мустақилликни таъминлаб бўлмайди”** деган тамойилга қатъий амал қилинган ҳолда, миллий иқтисодиётни шакллантириш ва уни тубдан ислоҳ этиш бошланди. Юртимизда ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини шакллантириш, ҳақиқатий иқтисодий мустақилликка эришишда ёқилғи-энергетика ва ғалла мустақиллигини таъминлаш муҳим стратегик вазифа сифатида кун тартибига қўйилди ва муваффақиятли ҳал қилинди.

Мамлакатимизда 1992 йил 8 декабрда мустақил давлатимиз Конституцияси қабул қилинди. Унда бошқа кўпгина демократик қоида ва мезонлар қатори мулк шакллариининг хилма-хиллиги, жумладан, хусусий мулк дахлсизлиги аниқ белгилаб қўйилди. Бу эса юртимизда хусусий мулк ва мулкчилик муносабатларининг тикланиши, барча мулк шакллариининг тенг ривож топиши учун барча шарт-шароитлар яратилишига асос бўлди. Натижада амалда кўп укладли миллий иқтисодиёт шаклланди, янги синф – мулкдорлар ва тадбиркорлар синфи пайдо бўлди.

Ўзбекистон иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган қишлоқ хўжалигида туб таркибий ислоҳотлар амалга оширилди. Ер ва сув ресурсларидан сама-

рали ва оқилона фойдаланиш, экин майдонларини мақбуллаштириш ва янги, илғор агротехнологияларни жорий этиш, қайта ишлайдиган замонавий корхоналарни ташкил этиш бўйича кенг чоратадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Қишлоқда янги мулкдорлар синфи – фермерлик ҳаракати шаклланди.

Миллий иқтисодиётни ва бутун жамиятни ислоҳ қилишнинг энг мураккаб ўтиш даврида кучли ижтимоий сиёсат юритилди ва аҳолини ҳимоя қилишнинг самарали механизми ишлаб чиқилиб, муваффақиятли амалга оширилди. Аҳолисининг ярмидан зиёдини болалар ташкил этадиган Ўзбекистон шароити учун бу ўта муҳим, нафақат ижтимоий, балки сиёсий аҳамиятга молик масала эди. Кўмакка муҳтож оилаларга моддий ёрдам беришда асосан ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб тузилмаси – маҳалла институти имкониятларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилди. Бундай ёндашув амалда ўзини тўла оқлади. Юртимизда ижтимоий-сиёсий барқарорликни, айна пайтда ислоҳотлар ва мамлакатни янгилаш борасида олиб борилаётган сиёсатнинг халқимиз томонидан кенг қўллаб-қувватланишини таъминлашда узоқни кўзлаб олиб борилган ана шундай ислоҳотлар жуда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Маълумки, янги давлат ва жамият барпо этишдек ўта мураккаб, кенг қиррали вазифани ҳозирги замонда миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбияланган, мамлакатни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуриш йўлидаги мураккаб ва кенг кўламли вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган янги авлод кадрларини тайёрламасдан туриб ҳал этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам мам-

катимизда истиқлолнинг дастлабки босқичидаёқ бу масалага алоҳида эътибор берилди. Шу борада олиб борилган узоқ изланишлардан сўнг “Таълим тўғрисида”ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди. Шу асосда ўзининг мазмун ва моҳиятига кўра ноёб бўлган 12 йиллик умумий, мажбурий, бепул таълим тизими ҳамда бакалаврият ва магистратурадан иборат икки босқичли олий таълим тизимига асос солинди. 9+3 схемаси бўйича ташкил этилган 12 йиллик умумий мажбурий таълим тизимида болалар 9 йил умумтаълим мактабларида, 3 йил академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқийдиган бўлди. Шу тариқа юртимизда узлуксиз таълимнинг янги, яхлит тизими яратилди. Натижада янгича фикрлайдиган, ўз келажагини жамиятда демократик қадриятларни мустаҳкамлаш билан, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви билан боғлиқ ҳолда кўрадиган янги авлод вакилларини тарбиялаш имкони туғилди. Ҳозирги кунда ана шундай тизимда таълим-тарбия олган минг-минглаб ёшлар мустақил ҳаётга қадам қўйди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий дастурларнинг амалга оширилиши мамлакатимизнинг ўтиш даври қийинчиликларидан муваффақиятли ўтиб, изчил ва барқарор ривожланишини таъминлади. Мустақиллик йилларида миллий иқтисодиётимиз қарийб 6 марта ўсди. Бугун Ўзбекистон иқтисодиёти жадал ривожланаётган дунёдаги бешта давлат қаторига киради. Ватанимизда мутлақо янги, юқори технологияларга асосланган саноат тармоқлари, хусусан, нефть-кимё, кимё, автомобилсозлик са-

ноати, қишлоқ хўжалиги ва темир йўл машинасозлиги, фармацевтика, электротехника, тўқимачилик саноати, замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва бошқа соҳалар изчил ривожланмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган янгиланишлар ва модернизация дастурида муҳим ўрин тутадиган **“Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун”** деган эзгу ғояни амалга ошириш асосида аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини сезиларли даражада яхшилашга қаратилган ишлар давом эттирилмоқда. Бугунги кунда Давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилмоқда. 1991 йилга таққослаганда, аҳолининг реал даромадлари 12 баробардан зиёд кўпайди, иш ҳақи, пенсия ва ижтимоий нафақалар салмоқли даражада ошди. Истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни жадал суръатлар билан кўпайтириш ва аҳолининг уларга бўлган талабини қондириш таъминланмоқда.

Юртимизда илм-фан, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, спорт каби муҳим соҳалар ҳам фаол ривожланмоқда, халқимиз маънавияти, унинг онгу тафаккури изчил юксалиб борилмоқда.

Мамлакатимизда 2016 йил 4 декабрда бўлиб ўтган муҳим сиёсий воқеа – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови халқимизнинг хоҳиш-иродасини, юксак сиёсий онги ва фаол фуқаролик позициясини, ҳуқуқий онги ва маданияти, унинг сиёсий фаоллиги янада ошганини яққол кўрсатди.

Ўша куни Ўзбекистон халқи ўзининг ёруғ келажаци, Ватан равнақи ва фаровон ҳаёт учун овоз берди. Юртдошларимиз барча сайлов участкаларида уюшқоқлик ва кўтаринки руҳ билан овоз бердилар.

2016 йил 9 декабрь куни Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди¹. Унда 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фуқароларимиз ўзининг юксак сиёсий ва фуқаролик позициясини ҳамда Ватанимиз тақдирига дахлдорлик туйғусини намойиш этиб, овоз беришда фаол иштирок этгани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларидан келган баённомаларга асосан 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтган овоз бериш жараёнида сайловчилар рўйхати-га киритилган 20 миллион 461 минг 805 сайловчидан 17 миллион 951 минг 667 нафари иштирок этганини аниқлади. Бу рўйхатга киритилган сайловчилар умумий сонининг 87,73 фоизини ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг натижаларига кўра, Сарвар Саъдуллаевич Отамуратовни ёқлаб 421 минг 55 сайловчи ёки овоз беришда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 2,35 фоизи, Шавкат Миромонович Мирзиёевни ёқлаб 15 миллион 906 минг 724 сайловчи ёки овоз беришда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 88,61 фоизи, Ҳатамжон Абдурахмонович Кетмоновни ёқлаб 669 минг 187 сайловчи ёки овоз беришда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 3,73, фоизи, Наримон Мажитович Умаровни ёқлаб 619 минг 972 сайловчи ёки овоз беришда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 3,46 фоизи овоз берди.

Шундай қилиб, натижаларга асосан 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик

¹ “Халқ сўзи” газетаси, 2016 йил 10 декабрь.



партиясидан номзод Шавкат Миромонович Мирзиёев голиб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90-117-моддаларига, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 14-,35-,36-моддаларига, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 5-, 9-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Шавкат Миромонович Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланган, деб ҳисоблаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Мажлисида сайлов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Фуқарорлар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонунларга мувофиқ фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш ҳуқуқи таъминланган ҳамда умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш тамойлларига риоя қилган ҳолда бўлиб ўтгани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови-га тайёргарлик кўриш ва ўтказиш жараёнини 5 та халқаро ташкилот – Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари уюшмаси ва Ислом ҳамкорлик ташкилотидан ҳамда Америка, Европа, Осиё ва Африканинг 46 та давлатидан 600 нафарга яқин кузатувчи кузатиб боргани сиёсий кампания демократия талаблари асосида очиқ ва ошкора ўтга-

Ўзбекистон Республикаси сайлови ҳақида халқаро кузатувчилар ўзларининг юксак ва холис баҳоларини эълон қилдилар. Бу ҳақда таниқли олим ва жамоат арбоби, юридик фанлар доктори, профессор Акмал Саидовнинг “Хуррият” газетасининг 2016 йил 14 декабрдаги сонида эълон қилинган “Президент сайлови: хорижий кузатувчилар эътибори ва эътирофи” мақоласида батафсил фикр юритилган, ибратли ҳулосалар чиқарилган. Жумладан, муаллиф ўз фикрларини қуйидаги сўзлар билан яқунлайди: **“Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда Президент сайлови жамиятни либераллаштириш ва демократлаштиришнинг мутлақо янги, иқтисодиёт барқарор ривожланиши таъминланаётган, аҳолининг фаровонлиги ва турмуш даражаси ортаётган, Ўзбекистон халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллаган шароитда бўлиб ўтди. Ўзбекистондаги демократик янгиланишларнинг узвий давоми бўлган ушбу тарихий аҳамиятга эга сайлов жаҳон жамоатчилигининг эътиборида бўлди. Сайлов яқунлари Ўзбекистон ўз миллий тараққиётининг стратегик йўлини изчил давом эттиришини, ислохотлар янада чуқурлашишини, барқарор ривожланиш сари оғишмай илгари борилишини амалда тасдиқлади”**.¹

Тошкент шаҳрида 2016 йил 14 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбар-

¹ Акмал Саидов. Президент сайлови: хорижий кузатувчилар эътибори ва эътирофи. “Хуррият” газетаси, 2016 йил 14 январь.

лари, Марказий сайлов комиссияси аъзолари, мамлакатимиздаги хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Қўшма мажлисни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов очди. У юртдошларимиз ўзининг юксак сиёсий маданияти, Ватанимиз тақдирига дахлдорлик туйғусини намоён этиб, 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол қатнашганини, сайлов демократик талабларга тўла мос тарзда, миллий сайлов қонунчилиги ва халқаро стандартлар доирасида, очиқ ва ошкора ўтганини таъкидлади.

Марказий сайлов комиссияси раиси ана шу сайловда голиб чиққан Шавкат Мирзиёевни залда ҳозир бўлганлар ва сайловчилар номидан Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани билан самимий табриклади ва Ўзбекистон Республикаси Президенти гувоҳномасини, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг шаҳодатномасини топширди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 92-моддасига мувофиқ Президент Шавкат Мирзиёев қасамёд қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради. Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросими якунланди.

Ўша куни Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев тавсиясига кўра Ўзбекистон Рес-



Шавкат Мирзиёев,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

публикаси Бош вазири ўринбосари бўлиб ишлаб келган А.Ариповни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинди, деб хабар қилади Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги.¹

Мамлакатимизда 2016 йил 4 декабрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва унинг натижалари халқимизнинг мустақил тараққиёт, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, жаҳон ҳамжамияти билан яқин ҳамкорлик қилиш гоёларига содиқлигини, шу йўлда бошланган буюк ўзгаришлар сиёсатини давом эттириш ва янги босқичга кўтаришга тайёр экани, бунинг учун етарли куч, имконият ва салоҳиятга эга эканини яна бир бор яққол намоён этди. Албатта, бу сайлов мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Исом Каримов вафотидан сўнг ўтган даврда ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги энг йирик ва эсда қоладиган ёрқин воқеа бўлди.

Маълумки, Ўзбекистоннинг яқин ва олис хорижий мамлакатларда турли соҳа вакиллари ўртасида самимий дўст ва ҳамкорлари кўп. Улар мамлакатимизда юз бераётган ана шундай улкан ижобий ўзгаришлардан, эришаётган ютуқларимиздан доимо қувониб, халқаро майдонда Ўзбекистоннинг имиджи – обрў-эътибори юксалишига катта ҳисса қўшиб келмоқда. Халқимиз, Ватанимиз бизга доимо хайрихоҳ инсонларни юқори қадрлайди ва уларнинг сафи келгусида янада кенгайтирилишини истайди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлиси тўғрисида. ЎЗА. “Ишонч” газетаси, 2016 йил 15 декабрь.



Хорижлик ана шундай дўстларимиздан бири Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети ректори, профессор, халқаро миқёсда кўзга кўринган атоқли иқтисодчи олим, замонавий иқтисодий-сиёсий жараёнлар бўйича таниқли эксперт, тажрибали илм-фан ва таълим соҳаси ташкилотчиси В.И.Гришиндир. Унинг Ўзбекистонда замонавий иқтисодчи кадрлар тайёрлаш, хусусан, ўзи бошқараётган Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент филиалида таълим жараёнларининг юқори савияда олиб борилиши, Ўзбекистон ва Россия халқларининг маданий, илмий, гуманитар соҳалардаги алоқалари мустаҳкамланиши йўлида доимо катта ҳисса қўшиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев В.И.Гришиннинг ана шу хизматларини ҳисобга олиб ҳамда мазкур университет ташкил этилганининг 110 йиллиги муносабати билан уни юксак давлат мукофоти – “Дўстлик” ордени билан тақдирлади. В.И.Гришин 2016 йил 4 декабрда бўлиб ўтган Ўзбе-

Ўзбекистон Президенти сайловида халқаро кузатувчи сифатида фаол иштирок этди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевни мазкур лавозимга сайлангани ҳамда янги – 2017 йилнинг кириб келиши муносабати билан ўз таъриқларини йўллади. В.И.Гришинга 2017 йил 21 февралда “Дўстлик” ордени топширилди. У ушбу орденни қабул қилиб олар экан, юксак ҳурмат-эътибор учун Ўзбекистон Президентига чуқур миннатдорлик билдирди ва халқимизга тараққиётнинг ҳозирги янги босқичида улкан муваффақиятлар тилади.

Айни вақтда шу даврда юртимизда яна бир қатор улкан воқеалар бўлиб ўтгани, улар халқимизнинг бугунги ва эртанги тараққиёти учун ўта муҳим аҳамиятга эга эканини эътироф этиш лозим. Албатта, уларнинг ҳар бири ҳақида атрофлича тўхталиш, маъно-мазмуню аҳамияти ва моҳиятини очиқ бериш учун жуда кўп вақт талаб қилинади. Биз фақат уларнинг энг асосийлари ҳақида қисқача эслаб ўтмоқчимиз, холос.

Бу ҳақда гапирганда, 2016 йил 25 сентябрдаги Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг виртуал, яъни электрон қабулхонаси – ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси – ташкил этилгани миллий давлатчилигимиз ва ҳокимият бошқарув тизимида, халқ билан бевосита алоқаларни йўлга қўйиш амалиётида ўзига хос янгилик бўлди. Ўтган даврда ана шу қабулхонага мамлакатимиз фуқароларидан 400 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушган. Мурожаатларнинг қарийб аксарияти ечимини топган бўлса, яна бир қисми кўриб чиқилмоқда. “Очиқ айтишим керак, – деди Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бу ҳақда фикр юритар экан, – бу мурожаатлар таҳлилидан кўп нарса аён

бўлди. Таъбир жоиз бўлса, улар ҳаётимизда мавжуд бўлган ўткир муаммоларга кўзимизни очиб берди”.¹

Ҳақиқатан ҳам, халқ билан мулоқот қилишнинг бундай шаклининг самарасини одамлар ўз ҳаёти, кундалик фаолиятида ҳис этмоқда. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз Президенти бу тажрибани янада кенгайтириш мақсадида ҳар бир туман ва шаҳарда “Халқ қабулхоналари”ни ташкил этиш таклифини илгари сурди. Бундай қабулхоналар ҳозирги пайтда фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, давлат ташкилотлари, вазирлик ва идоралар, оммавий ахборот воситалари сиёсий партияларнинг виртуал қабулхоналари ташкил этилмоқда. Айни вақтда, бу қабулхоналарнинг ҳуқуқий мақомини, уларнинг ваколат ва мажбуриятларини ҳам аниқ белгилаб қўйиш зарурлиги давлатимиз раҳбари томонидан алоҳида таъкидланди.² Бу борада Президент қарори қабул қилиниб, бу масала ҳам ҳуқуқий жиҳатдан ҳал этилди.

Кейинги пайтдаги ҳаётимизнинг энг муҳим воқеаларидан яна бири **2017 йилнинг мамлакатимизда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилингани бўлди.**

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида шакланган эзгу анъанага мувофиқ 2016 йил 7 декабрда Тошкент шаҳридаги “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлди. Унда дав-

¹ Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт та-раққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. “Ўзбекистон овози” газетаси, 2016 йил 8 декабрь.

² Ўша манба.

латимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев маъруза қилди. Маърузада аввало Бош қомусимизнинг сиёсий-ижтимоий аҳамияти, бундан 24 йил олдин уни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг тарихий хизматлари қанчалик катта бўлгани ҳақида фикр юритилди.

Маърузанинг иккинчи қисмида 2016 йил давомида “Соғлом она ва бола” йили давлат дастури доирасида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, муҳим хулосалар баён этилди.

Маърузанинг учинчи қисмида кириб келаётган ҳар қайси йилга алоҳида ном бериш бўйича 1996 йилдан буён давом этиб келаётган эзгу анъананинг давоми сифатида 2017 йилни юртимизда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилиш таклифи берилди. Бу таклиф тантанали маросим иштирокчилари томонидан қизғин қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”нинг мақсад-вазифалари атрафлича баён қилинди.¹

Бу даврда мамлакатимизда халқаро аҳамиятга молик улкан тадбирлар ҳам бўлиб ўтди. Хусусан, октябрь ойида бўлиб ўтган Ислоҳ ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлиги кенгашининг 43-сессияси, 8 ноябрда Тошкент шаҳрида “Ўзэкспомарказ” мажмуасида иш бошлаган Биринчи халқаро мева-сабзавот ярмаркаси, XII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси каби нуфузли анжуманлар мамлакатимизнинг сиёсий ва иқтисодий соҳадаги обрў-эътиборини янада юксалтиришга катта ҳисса бўлиб қўшилди.

¹ Ўша манба.

Маълумки, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди дастурида бешта устувор йўналиш бўйича мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтариш бош ғоя сифатида илгари сурилган эди. Қарақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайловчилар вакиллари билан бўлган видеоконференция шаклидаги учрашувлар пайтида, давлатимиз раҳбарининг кейинги пайтдаги мамлакатимиз тараққиётининг энг муҳим масалалари бўйича сўзлаган нутқ ва маърузаларида ана шу дастурий ғоя янада ривожлантирилди, янги амалий фикр ва хулосалар, стратегик қарар ва ёндашувлар билан бойитилди. Ана шундай кенг кўламли изланиш ва ҳаётий тажрибалар асосида Ўзбекистонни 2017 – 2021 йилларда ривожлантириш, миллий тараққиётимизни янги босқичга кўтариш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий асосларини ўзида акс эттирадиган ноёб ҳужжат – Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси яратилди. Мазкур стратегия Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги фармони билан тасдиқланди.

Ҳаракатлар стратегияси ўзининг маъно-мазмуни, таркибий тузилиши, мақсад ва вазифалари ҳамда амалга ошириш механизмларига кўра жуда кенг қамровли ҳамда серқирра ҳужжатдир. У мамлакатимизни янада ривожлантириш бўйича 5 та устувор йўналишни ҳамда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурини қамраб олади. Бу ҳужжатнинг аҳамияти ва моҳиятини тушуниш учун Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонига шарҳда келтирилган қўйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш лозим, деб ўйлаймиз.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва унинг таркибидаги “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастури лойиҳалари аҳолининг кенг қатламлари орасида қизғин муҳокама қилинди. Лойиҳалар муҳокама учун турли ахборот майдонларига жойлаштирилди, бунинг натижасида кўплаб таклиф ва мулоҳазалар келиб тушди. Хусусан, лойиҳаларнинг “Қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизими” порталида йўлга қўйилган жамоатчилик муҳокамаси жараёнида 1310 та таклиф-мулоҳаза билдирилди, улар асосида Давлат дастурининг 41 та банди қайта кўриб чиқилди.

Шу билан бирга, 2017 йил 23–27 январь кунлари Тошкент шаҳрида медиа-ҳафталик ва халқаро давра суҳбати ташкил этилиб, уларда 1300 дан ортиқ мутахассис ва эксперт, жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар, шунингдек, Ўзбекистонда фаолият юритаётган йирик хорижий инвесторларнинг вакиллари иштирок этишди.

Ҳаракатлар стратегиясига Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан сайловолди жараёни, жамоатчилик, ишбилармон доиралар вакиллари ҳамда давлат органлари билан учрашувлар чоғида билдирилган мамлакатни ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий-гуманитар ривожлантиришнинг концептуал масалалари киритилди.

Ҳаракатлар стратегиясининг мақсади олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини тубдан оши-



HARAKATLAR STRATEGIYASI
2017-2021

**2017-2021 йилларда Ўзбекистонни
ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар
стратегиясининг бешта устувор йўналиши**



**давлат ва жамият қурилишини
такомиллаштириш**



**қонун устуворлигини таъминлаш
ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ
қилиш**



**иқтисодиётни янада
ривожлантириш ва
либераллаштириш**



ижтимоий соҳани ривожлантириш



**ҳавфсизлик, миллатлараро тотувлик
ва диний бағрикенгликни таъминлаш,
чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва
амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш**

ришдан, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратишдан, мамлакатни модернизация қилиш ва ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштиришдан иборат. Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатни ривожлантиришнинг қуйидаги 5 та устувор йўналиши белгиланди:

- давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш;
- қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш;
- иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш;
- ижтимоий соҳани ривожлантириш;
- хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш.

Ҳаракатлар стратегиясини беш босқичда амалга ошириш назарда тутилмоқда, бунда йилларга бериладиган номларга мувофиқ ҳар йили уни амалга ошириш бўйича Давлат дастури тасдиқланади.

Мазкур фармон билан тасдиқланган бу йилги “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурининг **“Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш”** деб номланган биринчи йўналишини амалга оширишда давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг ролини кучайтириш, қонун ижодкорлиги фаолиятининг сифатини тубдан яхшилаш, давлатнинг ҳаётида сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш назарда тутилган.

“Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш” деб номланган учинчи йўналишда кўрсатилган чора-тадбирларни рўёбга чиқариш учун миллий валюта ва нархларнинг барқарорлигини таъминлаш, валютани тартибга солишнинг замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш, ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, экспортга мўлжалланган маҳсулот ва материаллар ишлаб чиқариш учун замонавий технологияларни жорий этиш, транспорт-логистика инфратузилмасини, тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда хорижий инвесторлар учун инвестициявий жозибадорликни ошириш, солиқ маъмурчилигини яхшилаш, банк фаолиятини тартибга солишнинг замонавий принциплари ва механизмларини жорий этиш, кўп тармоқли фермер хўжалиklarини ривожлантириш, шунингдек, туризм индустриясини жадал ривожлантириш назарда тутилмоқда. Шунингдек, ушбу йўналиш хусусий мулкни, молия бозорини қимоя қилиш, қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, заргарлик соҳасини ривожлантириш, айрим миллий корхоналарнинг акцияларини (IPO) нуфузли хорижий фонд биржаларига дастлабки тарзда жойлаштиришга тайёргарлик кўриш бўйича чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олади.

2017 – 2021 йилларда умумий қиймати 40 миллиард АҚШ доллари миқдоридagi 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармоқ дастурларини рўёбга чиқариш режалаштирилмоқда. Натижада келгуси 5 йилда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 1,5 баробар, унинг ялпи ички маҳсулотдаги

улуши 33,6 фоиздан 36 фоизга, қайта ишлаш тармоғи улуши 80 фоиздан 85 фоизга ошади.

“Ижтимоий соҳани ривожлантириш” деб номланган тўртинчи йўналиш аҳоли бандлигини ошириш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг саломатлигини сақлаш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва модернизациялаш, аҳолини электр энергия, газ билан таъминлашни яхшилаш, аҳолининг муҳтож қатламларига кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам сифатини ошириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги мақомини ошириш, соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш, мактабгача таълим муассасаларининг қулайлигини таъминлаш, умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва олий таълим сифатини яхшилаш ҳамда уларни ривожлантириш чора-тадбирларини амалга оширишни назарда тутади. Хусусан, ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш бўйича қарийб 25 мингта инвестиция лойиҳасини рўёбга чиқариш ҳисобига 256,4 минг иш ўрни ташкил этиш орқали аҳолини иш билан таъминлаш дастурларини тўлиқ ижро этиш назарда тутилган. Ишсизлик даражаси энг юқори бўлган минтақаларда 46,8 минг янги иш ўрни ташкил этиш, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун таълим муассасаларининг 10 минг нафар битирувчисига кредитлар ажратиш режалаштирилмоқда.

Катта авлодни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий нафақалар бериш тартибини такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари киритилган. Жумладан, 78 та туман тиббиёт бирлашмасини, 7 та шаҳар ва 2 та вилоят кўп тар-

моқли тиббиёт марказини қайта қуриш, тез тиббий ёрдам хизматини 1200 та махсус автотранспорт билан таъминлаш режалаштирилмоқда. Қишлоқ жойларда 15 мингта арзон уй-жой, 415 километрлик сув таъминоти қувурлари, 316 километрлик газ таъминоти қувурлари ва 291 километрлик ички йўллар қуриш режалаштирилган. Аҳолига транспорт хизматлари кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида 86 та янги автобус йўналишини жорий этиш ва 537 та замонавий автобус харид қилиш назарда тутилмоқда.

“Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш” деб номланган бешинчи йўналиш доирасида республиканинг конституциявий тузумини, суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилишга доир чора-тадбирларни рўёбга чиқариш, киберхавфсизлик соҳасида ахборот, норматив-ҳуқуқий асослар тизимини такомиллаштириш, аҳолини фавқулодда вазиятлардан хабардор қилиш тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш, Орол фожиасининг оқибатларини юмшатиш, шунингдек, Миллатлараро муносабатлар соҳасидаги сиёсатнинг устувор йўналишлари концепциясини ҳамда Диний соҳадаги давлат сиёсати концепциясини ишлаб чиқиш назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга, хорижий ҳамкорлар билан сиёсий-дипломатик соҳадаги ҳамкорликни ривожлантиришга доир “Йўл хариталари”ни ишлаб чиқиш, Ўзбекистоннинг хорижий ҳамкорлар билан 2017 йилга мўлжалланган савдо-иқтисодий, инвестициявий, технологик ва молиявий-техник

ҳамкорлигини тубдан ривожлантириш ва кенгайтириш режалаштирилмоқда.

Давлат дастурининг юқорида қайд этилган барча чора-тадбирларини амалга оширишга 37,7 триллион сўм ва 8,3 миллиард АҚШ доллари йўналтирилади. Келгуси беш йилда мамлакатни ривожлантиришнинг стратегик ва устувор йўналишларини белгилаш мақсадида юқорида зикр этилган Фармон асосида, Ўзбекистон Республикаси Президенти бошчилигида Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича Миллий комиссия тузилиб, доимий фаолият кўрсатади.

Давлат дастурига киритилган тадбирлар тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини назорат қилиш Ҳаракатлар стратегияси бешта йўналишининг ҳар бири бўйича тузилган комиссиялар зиммасига юклатилган. Ушбу комиссиялар зиммасига нафақат юқорида қайд этилган вазифаларни амалга ошириш, балки 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича тегишли миллий давлат дастурлари лойиҳаларини тайёрлаш ҳам юклатилмоқда.

Ҳаракатлар стратегиясининг амалга оширилиши Ўзбекистон Республикасининг мамлакатни ислоҳ ва модернизация қилиш, ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, қонун устуворлигини, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлат chegarаларининг дахлсизлигини, жамиятда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш йўлидаги шахдам ҳаракатларига янги куч бағишлайди¹.

¹ “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 8 февраль.



HARAKATLAR STRATEGIYASI 2017-2021

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимиз ва халқаро экспертлар ҳамжамиятида жуда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу борада дунё миқёсида тан олинган атоқли сиёсатчилар, олим ва мутахассислар, жамоат арбоблари томонидан холис ва ҳаққоний фикрлар билдирилмоқда. Халқаро экспертлар томонидан қайд этилишича, Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган чора-тадбирлар БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари билан уйғундир. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мамлакатимизда фаолият юритаётган тузилмалари ваколатхоналари раҳбарлари ушбу дастуриламал ҳужжатнинг юртимиз келажаги учун долзарб аҳамиятга эга эканини таъкидлашмоқда.

Хусусан, БМТнинг мамлакатимиздаги доимий мувофиқлаштирувчиси Стефан ПРИСНЕР қуйидагиларни таъкидлайди:

“БМТнинг Ўзбекистондаги тузилмалари мамлакатингизнинг янги тараққиёт дастурини тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган чора-тадбирлар Ўзбекистоннинг бугунги ривожланиш босқичида жуда долзарб саналади. Унда маъмурий, суд-ҳуқуқ, иқтисодий ислохотлар, ижтимоий соҳани ривожлантириш, шунингдек, яқин қўшничилик, дўстлик ва миллатлараро бағрикенглик руҳида ташқи сиёсат олиб

бориш кўзда тутилган. Унда белгиланган кўплаб вазифалар БМТнинг 2016 – 2020 йилларга мўлжалланган Тараққиётга кўмаклашувчи доиравий дастурига мувофиқ БМТ тузилмаларининг мамлакатингиз билан ҳамкорлигининг устувор йўналишларига ҳамоҳангдир. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мамлакат гуруҳи Ҳаракат дастури ишлаб чиқиладиган даврда Барқарор ривожланиш мақсадлари асосидаги глобал траққиёт дастури ҳамда халқаро ҳуқуқий асослар, шунингдек, ҳамкорликнинг жорий ва истиқболдаги йўналишларини ҳисобга олган ҳолда, ўз тавсияларини берди. Шунини ишонч билан таъкидламоқчиманки, БМТ Тараққиёт дастури ва БМТ агентликларининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари бундан кейин ҳам мамлакатингиз билан ҳамкорлик қилишга, шу жумладан, Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга кўмаклашишга тайёр”.

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Криста ПИККАТнинг фикрлари ҳам диққатга сазовордир:

“Мамлакат раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегияси эътирофга лойиқ. Ушбу ҳужжатнинг жамоатчилик муҳокамаси ташкил қилинган манфаатдор томонларга, жумладан, фуқаролик жамияти институтларига муҳокамаларда иштирок этиш ва республика келажак тараққиёти йўли бўйича ўз фикрларини билдириш имконини берди. Бундай жараён халқнинг дилидаги гапларни эшитиш, ўз келажagini белгилашда иштирокини таъминлашда муҳим восита ҳисобланади. Бу, айниқса, Ўзбекистонда 2017 йил “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаат-

лари йили” деб эълон қилинган бир даврда янада аҳамиятлидир.

ЮНЕСКО Ҳаракатлар стратегиясини тушунтириш ва тарғиб қилишда оммавий ахборот воситаларининг фаол роль ўйнашини қайд этади. Шубҳасиз, журналистлар чуқур таҳлилий материаллари билан давлат ва жамият ўртасида кўприк бўлиб хизмат қилади.

Ҳаракатлар стратегияси мақсадлари мамлакатнинг келажак тараққиётини белгилаб беради. Айниқса, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишга эътибор қаратилаётгани, таълим сифатини оширишга урғу берилаётгани, қонун устуворлигини, миллатлараро бағрикенгликни таъминлаш асосий мақсад сифатида белгилангани диққатга сазовордир. Бу Барқарор ривожланиш мақсадларининг илғор ғояларига таянган ҳолда, инсон манфаатларини таъминлашнинг муҳим омили саналади.

Стратегия доирасида ЮНЕСКО таълим сифатини янада оширишга, оммавий ахборот воситалари масъулиятини юксалтиришга, мамлакатнинг маданий ва табиий меросини сақлашга кўмаклашиши мумкин. Ташкилотимиз ўз тажрибаси, илғор халқаро амалиёт билан Ўзбекистоннинг барқарор келажagini яратиш бўйича саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашда давом этади”.

БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ)нинг Мамлакатимиздаги Ваколатхонаси раҳбари Саша ГРАУМАНН фикрларига эътибор берайлик:

“БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинишини алоҳида

эътироф этади. Энг муҳими, Ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқишда фуқаролик жамияти институтлари, илмий доиралар, оммавий ахборот воситалари, халқаро ташкилотлар иштироки учун барча шароит яратилди, уни амалга ошириш бўйича тавсиялар инобатга олинди.

ЮНИСЕФ халқаро экспертлик кўмаги, илгор тажриба ва амалиёт билан Ўзбекистонда оналар ҳамда болалар ҳуқуқларини инобатга олган ҳолда ислоҳотлар амалга оширилишини қўллаб-қувватлаб келади. Хусусан, ЮНИСЕФ суд-ҳуқуқ соҳасида ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотлар доирасида халқаро қоидалар ва стандартларни имплементация қилиш масалаларида мамлакатингиз ҳукумати билан яқин ҳамкорлик ўрнатган. Судларнинг ихтисослашиши ҳамда ходимлар салоҳияти оширилиши “болаларга дўстона” суд тизимини яратишга хизмат қилади. Бу эса одил судлов жараёнида зарур кўмак беришда қўл келади.

БМТ Болалар жамғармаси давлат ташкилотлари ва НТТ билан ҳамкорликда болалар ҳуқуқларига дахлдор масалаларда ўз фаолиятини давом эттиради. 2013 йили БМТ нинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитаси Ўзбекистонга ўз таклифларини берган эди, ЮНИСЕФ ушбу тавсияларни амалга оширишда ҳар томонлама кўмаклашмоқда.

Ўзбекистон Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг учинчи факультатив протоколини ратификация қилиш масаласини кўриб чиқиш учун қўшимча имкониятларга эга. Биз Ҳаракатлар стратегиясини самарали рўёбга чиқа-

ришда Ўзбекистон билан фаол ҳамкорлик қилишга тайёрмиз”.

БМТ Аҳолишунослик жамғармасининг юрти- миздаги ваколатхонаси раҳбари Миёко ЯБУТА қу- йдагиларни таъкидлайди:

“Яқинда қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси Ўзбекистон Республикаси раҳбариятининг мамла- катни ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатдан жа- дал ривожлантиришга бўлган интилишининг яққол ифодасидир. Бу асосий мақсад сари, яъни 2030 йилда аҳоли жон бошига даромади юқори бўлган давлат- лар қаторидан жой олиш йўлидаги муҳим қадамдир. Ҳаракатлар стратегияси муҳокамаси жамият ҳаёти- нинг барча жабҳасида ислохотларни янада чуқур- лаштиришга одамлар катта иштиёқ билан қараёт- ганини кўрсатди. Баҳс-мунозаралар Ҳаракатлар стратегиясини янада бойитишга, унда одамларнинг эҳтиёжларини ақс эттиришга хизмат қилди. БМТ агентликлари ҳам муҳокамаларда фаол қатнашди. Бундай ҳамкорлик келажакда ҳам изчил давом эт- тирилади. Бу бизга бугунги кун талабларига жавоб берадиган давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга ўз ҳиссамизни қўшиш имконини беради.

Ташкилотимизнинг асосий фаолият йўналишла- ри, жумладан, хотин-қизлар ҳамда ёшлар фаро- вонлиги, уларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кен- гайтириш, аҳолининг репродуктив саломатлигини таъминлаш Ҳаракатлар стратегиясининг энг муҳим йўналишлари сифатида белгилангани қувонарли- дир. Ушбу ҳужжат оналар соғлигини муҳофаза қи- лиш, бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш даражасида репродуктив саломатликка эътибор қаратиш, тиб-

бий хизмат сифати ва ундан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасида аниқ чора-тадбирларни кўзда тутди. Айнан мана шу соҳаларда БМТ Аҳолишунослик жамғармаси катта тажрибага эга. Биз ушбу тажрибамиз билан ўртоқлашишга ҳозирмиз.

Биз Ўзбекистон ҳукумати, жамоат ташкилотлари билан халқингиз ҳаёт даражасини янада юксалтиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясининг тўлиқ амалга оширилишида бақамти ишлашга тайёрмиз”.

Энг муҳими, юртимизда тинчлик ва осойишталик, миллатлараро ва конфессиялараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро меҳр-оқибат муҳити мустаҳкамлангани, халқимизнинг эртанги кунга ишонч билан қараб, меҳнат қилгани, белгилаган режа ва мақсадларини амалга оширгани – фоят муҳим ютуқ бўлмоқда.

Буларнинг барчаси Ватанимизнинг ўзи танлаган йўлдан оғишмасдан, қатъият билан бораётганини кўрсатади, унинг келажаги яна ёруғ, ҳаёти фаровон бўлишидан далолат беради.

Албатта, ҳозирги кунда мамлакатимизда Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича миқёси ва кўламига кўра беқиёс улкан ишлар амалга оширилмоқда. Биз Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ҳудудларимизда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши билан яқиндан танишиш мақсадида Қарақалпоғистон Республикаси ва вилоятларимизга амалга ошираётган ташрифлари давомида, оммавий ахборот воситалари орқали бериб борилаётган янгиликлар орқали, қолаверса, ўзимизнинг кундалик ҳа-

ётимиз ва фаолиятимиз орқали деярли ҳар куни гувоҳ бўлмоқдамиз. Биз бу ўзгариш ва янгиланишлар ҳақида мазкур рисоламизнинг кейинги саҳифаларида, ўрни келганда яна тўхталамиз. Энг муҳими, Ўзбекистонда кенг кўламли ислоҳот ва ўзгаришларнинг янги босқичи бошланди ва тобора шиддатли тус олмақда. Бу ҳақиқатни бутун халқимиз эътироф этмоқда.



МОЗИЙГА ҚАЙТИБ...

Буюк адибимиз Абдулла Қодирий “Ўткан кунлар” романи сўзбошисида “Мозийга қайтиб иш кўриш хайрли” деган ҳикматни ёдга олиб, ўтмишдан хулоса чиқариб яшаш бугунги куннинг қадрига етишда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаган эди. Биз ҳам ҳозирги эркин ва озод кунларимизни қадрлаш, уларни кўз қорачиғидек асраш учун кечаги ҳаётимиз, босиб ўтган йўлимизга тез-тез назар ташлаб туришимиз лозим.

Маълумки, мамлакатимиз мустақиллиги, унга эришиш йўлидаги машаққатли курашлар ҳақида гап кетганида, 1989 йил 23 июнь санаси алоҳида тилган олинди. Чунки айнан ўша тарихий кунда Ўзбекистонда мустақиллик ҳаракатини бошлаб, унга раҳбарлик қилган, юртимизни озодликка олиб чиққан мард ва донишманд инсон – Ислом Каримов республикаимиз раҳбари сифатида иш бошлаган эди. Ўша пайтда юртимиз фуқаролар уруши, қон тўкишлар, миллатлар ва конфессиялараро можаролар хавфи остонасида турар эди. Бу вақтда собиқ Марказ томонидан юборилган, манфур Гдлян ва Иванов бошлиқ терговчилар гуруҳи томонидан тўқиб чиқарилган “пахта иши” бўйича халқ бошига мудҳиш қора кунлар солинган эди. Қанчадан-қанча бегуноҳ одамларга, бутун эл-юртимизга туҳматлар қилиниб, минглаб инсонлар қамоққа ташланганди. Бу қатағоннинг давоми сифа-

тида КПСС Марказий Қўмитаси томонидан Ўзбекистонга гўё кадрлар таркибини мустаҳкамлаш учун юборилган, аслида маҳаллий шарт-шароит, урф-одатлардан мутлақо беҳабар, халқ жуда топиб «десантчи»лар деб атаган гуруҳ ўша терговчиларнинг қонунсизлик ва зўравонликларини давом эттирди.

Ана шундай оғир шароитда, 1989 йилнинг май ойида Фарғона вилоятида бузғунчи кучлар томонидан оммавий тартибсизликлар ташкил этилди. Июньнинг охирига келиб бу тўполонлар ниҳоятда авж олиб, Бўка ва Паркент, Гулистонга ҳам ёйилди. Неча йиллар давомида ҳал этилмаган, халқнинг сабр косасини тўлдирган ўткир муаммолар охир-оқибатда ижтимоий ларзага олиб келиши муқаррар эди. Бундай ўта мураккаб ва фожиали вазиятда ўзини йўқотмасдан, босиқлик, чидам ва бардош билан иш тутиш, қатъий сиёсий иродани намоён этиш, юртимизни чуқур таназзулдан олиб чиқишга қаратилган, ҳар томонлама пухта ўйланган стратегияни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш учун жамиятдаги барча соғлом кучларни сафарбар этиш талаб этилар эди.

Кўп йиллар давомида молия вазири, Давлат режа қўмитасининг раиси лавозимларида ишлаган Ислон Каримов республикамизнинг иқтисодий аҳволидан ҳам жуда яхши хабардор эди. Фақат хомашё етказиб беришга асосланган, бирёқлама иқтисодиёт оқибатлари ҳар бир соҳада ўзининг ҳалокатли салбий таъсирини кенг миқёсда кўрсатаётган эди. Юртимизда беқарорлик, бошбошдоқлик ҳукм сураётган, халқимизга нисбатан собиқ марказдан оғир сиёсий ва маънавий-руҳий босим ўтказилаётган, тухмат ва маломатлар ёғдирилаётган шароитда Ислон Каримов нафақат узоқни кўрадиган ва стра-

тегик фикр юритадиган, айна вақтда ўта мураккаб воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини чуқур идрок этадиган, ўз юрти ва халқи, ҳар бир ватандошимизнинг тақдири учун улкан масъулият туйғусини тегран ҳис қиладиган етук давлат арбоби, айна пайтда букилмас ирода, фидойилик, мардлик ва ватанпарварлик, инсонийлик ва адолатпарварлик, самимийлик ва меҳрибонлик каби олижаноб фазилатларини ўзида мужассамлаштирган буюк шахс эканини тўла намоён этди.

Миллий тарихимизнинг энг кескин ва таҳликали даврида, миллатлараро тўқнашувлар ва бошқа зиддиятлар авж олган, мамлакатимизда фуқаролар уруши хавфи юзага келган, иқтисодиёт чуқур инқирозга учраган, бир сўз билан айтганда, эски замоннинг умри тугаб, янги замон бошланаётган бир пайтда Ислом Абдуғаниевичнинг республика раҳбари этиб сайланиши Яратганнинг халқимизга бебаҳо марҳамати бўлган эди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикасининг Президенти

Ўзбекистонда собиқ иттифоқдош республикалар орасида биринчи бўлиб жаҳондаги ривожланган демократик мамлакатлар тажрибаси асосида давлат бошқарувининг янги тизими – Президент лавозими таъсис этилди. 1990 йил 24 март куни республиканинг олий органи ҳисобланган Олий Кенгаш депутатлари яқдиллик билан Ислом Каримовни Ўзбекистоннинг Президенти этиб сайлади. 1991 йил 31 августда мустақиллик эълон қилинганидан сўнг ўша йили 29 декабрида муқобиллик асосида ўтказилган умумхалқ сайловида Ислом Каримов Ўзбе-



Эски шаҳар, Тошкент. 1989 йил.



Май-июнь ойларидаги воқеалар. Ўзбекистон, 1989 йил.



Ислом Каримов – Ўзбекистон Республикасининг
Биринчи Президенти, 1991 йил.



Мустақилликдан аввалги Ўзбекистон халқининг
турмуш шароити

кистон Республикасининг Биринчи Президенти этиб сайланди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилгач, янги суверен давлатнинг мақомини, ички ва ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари, умуминсоний қадриятлар, инсон ҳуқуқларини конституциявий жиҳатдан мустақамлаб қуйишга киришди. Ўзбекистон Олий Кенгашининг 1990 йил 20 июнда эълон қилинган Мустақиллик декларациясида ушбу ҳужжат янги Конституцияни ишлаб чиқишга асос бўлиши кўрсатилган эди. Конституция лойиҳасини тайёрлашда ўзбек халқининг бой давлатчилик тажрибасига, буюк аجدодларимизнинг кўп асрлик бебаҳо қадриятлари, ҳуқуқий меросига таянишга, айти пайтда тараққий этган мамлакатларнинг конституциявий тажрибасини ҳисобга олишга алоҳида эътибор қаратилди. Халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсули бўлган ушбу қомусда инсон ҳуқуқларининг давлат манфаатларидан, умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларининг эса миллий ҳуқуқий меъёрлардан устунлиги муҳрлаб қўйилди. Ҳеч шуҳбасиз, Ислом Каримов ҳақли равишда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий муаллифи ҳисобланади.

Конституциямиз ва унинг негизида яратилган қонунлар, шунингдек, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ҳокимият институтларини шакллантиришни ва уларнинг тўлақонли фаолият кўрсатишини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, мулкчиликнинг барча турларини, фуқароларнинг давлат бошқарувидаги фаол иштирокини таъминлади.

Ўзбекистон билан боғлиқ кўп йиллик фаолиятим давомида мен Ислон Каримов – ўз мамлакатининг ҳақиқий жонкуяри, оқил сиёсатчи ва етук давлат арбоби билан шахсан таниш эдим.

Мутақил Ўзбекистоннинг асосини яратган шахс сифатида, Ислон Каримов ўз мамлакатини халқаро ҳамжамиятнинг нуфузли аъзосига айлантирди. У Германия билан дўстона, кўп томонлама ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшди.

Ўзбекистонга охириги сафарим чоғида ўз ҳаётини ватанига бағишлаган ўзбек халқининг содиқ ўғлони хотирасига яна бир бор эҳтиром кўрсатиш учун Самарқанд шаҳрига бордим.

Ислон Каримов хотирасини абадийлаштириш, кўп-кўп муассасалар ва миллий аҳамиятга эга бўлган объектларга унинг номини бериш тўғрисидаги Ўзбекистон Президенти қарорининг қабул қилининши халқ томонидан мамлакатнинг Биринчи Президентига кўрсатилган самимий эҳтиром ҳамда унинг мустақил давлат шаклланишига қўшган бебаҳо улуши эътирофининг муносиб ифодаси саналади.

Удо ФЁЛЬКЕР,
*“Дўстлик” ордени соҳиби, Германия – Ўзбекистон
ишбилармонлар кенгаши аъзоси,
“CLAAS” компанияси катта маслаҳатчиси*

Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига мураккаб ўтиш даврида қабул қилинган қонунларнинг амалда бажарилишини таъминлай оладиган, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга қодир бўлган ижро ҳокимиятининг самарали тизими ва тузилмаларини яратиш чоралари кўрилиб, туб маъмурий ислоҳотлар амалга оширилди.

Тараққиётнинг “ўзбек модели” учун амалда ўзини тўла оқлаган қуйидаги беш тамойил асос қилиб олинди:

- биринчидан – иқтисодиётнинг мафкурадан холилиги ва унинг сиёсатдан устунлиги. Бошқача айтганда, аввал иқтисод, кейин сиёсат;
- иккинчидан – давлатнинг ўзи эски тузумдан янги тузумга ўтиш даврида бош ислохотчи бўлиши, яъни унинг мамлакатни давлатчилик, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда янгилашга қаратилган ислохотларнинг ташаббускори бўлиш вазифасини ўз зиммасига олиши;
- учинчидан – қонун устуворлиги ёки барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги;
- тўртинчидан – кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, давлатнинг аҳолини ижтимоий ночор қатлам ва гуруҳларини қўллаб-қувватлаш борасида масъул бўлиши;
- бешинчидан – ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш, «шок терапияси» деб аталган турли усуллардан воз кечиш.

Бошқача айтганда, мамлакат инқилобий йўлдан эмас, балки тадрижий йўлдан ривожланиши керак.

Мамлакатимизни изчил ва барқарор ривожланишини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг “ўзбек модели” ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Марказлашган режалаштириш ва тақсимлаш тизимининг таянчлари бўлган қўмиталар ва кўплаб тармоқ вазирликлари тугатилди. Маҳаллий ҳокимият органлари қайта ташкил қилиниб, вилоят, туман ва шаҳарларда ҳокимлик институти жорий этилди. Маҳаллий

ўзини ўзи бошқариш тизими – маҳаллани ривожлантириш ва мустақамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Мустақил суд ҳокимияти тизимини шакллантиришда судларни жазоловчи ва фақат давлат манфаатларини ҳимоя қилувчи органдан қонун устуворлигини ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминловчи органга айлантириш чоралари кўрилди.

Туб иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг дастлабки босқичида мамлакат ва аҳоли эҳтиёжини, биринчи навбатда, ёқилғи-энергетика ресурслари, истеъмол ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни ишончли тарзда қондириш бўйича долзарб ҳаётий вазифа ҳал этилди.

Мамлакатимизда хусусий мулкчилик ва тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантириш учун кенг имкониятлар ва қулай шарт-шароитлар яратилди.

Ислом Каримов жасорати билан 1991 йили дунё харитасида янги суверент давлат – Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди. Оқил ҳамда узоқни кўра оладиган раҳбар сифатида мамлакатнинг Биринчи Президенти бешта тамойилга асосланган, бугунги кунда ҳаётийлигини намоян этиб, ўзини тўла оқлаган тараққиётнинг “ўзбек модели”ни таклиф этди ва ишлаб чиқди. Мустақилликнинг илк йилларида “Янги уйни қурмай туриб эскисини бузманг” шиори остида амалга оширилган ислоҳотлар Ўзбекистонда кучли давлат ва замонавий фуқаролик жамиятини барпо қилишнинг тамал тошини қўйди.

Халқнинг Ислом Каримов бошчилигидаги саъй-ҳаракатлари натижасида республика замонавийлик ҳамда бой тарих уйғунлашган ўлкага айланди.

Ирнерио СЕМИНАТОРЕ,

“Дўстлик” ордени соҳиби, Европа халқаро муносабатлар институти президенти (Бельгия)





Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришда аҳолини, айниқса, унинг ночор қатламларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга биринчи даражали аҳамият берилди. Иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар муттасил равишда ошириб келинмоқда. Юртимизда 1997 йилдан буён ҳар бир йил муайян, жуда муҳим ва устувор йўналишга бағишланиб, алоҳида ном билан аталмоқда.

Ёш авлод тарбиясига катта эътибор берилиб, **“Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт”** деган ғоя ҳаётга изчил тадбиқ этилмоқда. Мамлакатимиз аҳолисининг деярли учдан бирини – 10 миллионини ташкил этадиган 30 яшаргача бўлган ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятлари сафарбар этилмоқда.

Ўзбекистонда 9800 дан кўпроқ умумтаълим мактаблари, 1500 дан зиёд мутлақо янги турдаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, 60 дан ортиқ институтлар, университетлар, академиялар, жаҳондаги энг нуфузли олий таълим масканлари ҳисобланган Халқаро Вестминстер университети, Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети, М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Турин политехника университети, Жанубий Кореянинг Инха университети мамлакатимиздаги филиалларида таҳсил олиб,

замонавий касб-ҳунар ва ихтисосликларни эгаллаётган йигит-қизлар юртимизни тараққий эттириш, миллий иқтисодиётимизни жадал ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Таълим соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар самарасини талабаларимизнинг халқаро олимпиадалар, кўрик ва танловларда, жаҳон спорт мусобақаларида эришаётган натижалари ҳам тасдиқлаб турибди.

Мустақиллик йилларида халқимизнинг маънавий қадриятларига эҳтиром билан муносабатда бўлиш, муқаддас динимиз, анъана ва урф-одатларимиз, бебаҳо тарихий меросимизни сақлаб қолиш ва ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. ЮНЕСКОнинг рўйхатидан ўрин олган тарихий шаҳарларимиз, маданий ёдгорликларимиз, буюк аждодларимизнинг зиёратгоҳлари тубдан таъмирланиб, муқаддас қадамжоларга айлантирилди, уларнинг юбилей саналари халқаро миқёсда кенг байрам қилинди. Умумхалқ байрами – Наврўзи олам шодиёналари тикланди, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари байрам қилинмоқда, ҳар йили 5000 нафардан кўпроқ ўзбекистонликлар давлат томонидан ҳамма қулайликлар яратилгани ҳолда ҳаж амалларини адо этмоқдалар.

Марказий Осиёда турли таҳдид ва хатарлар кучайиб борган шароитда энг катта ва бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик ва осойишталикни кўз қорачиғидек асраш, миллатлар ва фуқаролараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилди. Мамлакатимизда халқимизга хос бўлган бағрикенглик, иноқлик яхши қўшничилик анъаналари қарор топгани учун 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари оға-инилардек тинч-тотув ва бахтиёр ҳаёт кечирмоқда.



Олиб борилаётган оқилона ташқи сиёсатнинг самараси Ўзбекистоннинг халқаро обрў-эътибори тобора ортиб бораётганида ўз ифодасини топмоқда. Мамлакатимиз жаҳоннинг 120 мамлакати билан дипломатик алоқалар ўрнатган, Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Ислом Конференцияси ташкилоти каби нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар, ихтисослашган халқаро тузилмалар ишида фаол иштирок этиб, минтақавий хавфсизликни таъминлаш, халқаро ҳамжамият олдида турган бошқа долзарб муаммоларни ҳал этиш ишига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

КИМ ЭДИК?

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришиш арафасида, 1990 йил 4 июнда сўзлаган маърузасида республикадаги ўта офир вазиятни очиқ-ойдин баён этган эди:

«Шу нарса шак-шубҳасиз ва очиқ-ойдиндирки, республика барча асосий иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича Иттифоқдаги ўртача даражадан ҳам анча орқада бўлиб, мамлакатда охириги ўринлардан бирида турибди. Биз бу рақамларни илгари ҳам неча марталаб айтганмиз, аммо бугун уларни яна бир бор идрок этмоқ керак. Ўзбекистон ҳар киши бошига ялпи ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича мамлакатда 12-ўринда турибди, аҳоли жон бошига миллий даромад ишлаб чиқариш бўйича кўрсаткич эса Иттифоқдаги ўртача даражадан икки ҳисса паст.

Саноатдаги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан республика мамлакатдан 40 фоиз, қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан эса икки баробар орқада қолмоқда. Республикада аҳоли жон бошига халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқариш ўртача Иттифоқ даражасининг атиги 40 фоизини ташкил этади. Биз даромад даражаси, асосий турдаги маҳсулотларни истеъмол қилиш жиҳатидан иттифоқдош республикалар орасида энг охириги ўринлардан бирида турибмиз.

Ўзбекистон аҳолиси ўрта ҳисобда гўшт маҳсулотларини, сут ва сут маҳсулотларини, тухумни, умуман мамлакат аҳолисига нисбатан икки баробар кам истеъмол қилмоқда. Ойига ўрта ҳисобда 75 сўмдан камроқ ялпи даромад оладиган аҳолининг улуши мамлакатда 12 фоиздан сал кўпроқ бўлса, бизнинг республикамызда 45 фоизга боради. Бир миллионга яқин киши ижтимоий ишлаб чиқаришда ўзининг қўлидан келадиган ишни топа олмаяпти.

Ижтимоий инфраструктура тармоқлари: соғлиқни сақлаш, халқ таълими, мактабгача болалар муассасалари жуда оғир аҳволга тушиб қолган. Мактаб ва касалхоналарнинг 60 фоизи нобоп биноларда жойлаштирилганини айтишнинг ўзи кифоя. Жуда ўтқир иқтисодий ва ижтимоий муаммолар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Буни аввало шундан кўрса бўладики, инсоннинг ҳар томонлама уйғун камол топиши, унинг шахс сифатида маънавий ривожланиши у ёқда турсин, кўпинча яшаш учун керак бўлган энг оддий нарсалар ҳам етишмаяпти.

Бундай аҳвол вужудга келганининг боиси нимада?


Шу қадар катта бойликларга, ишлаб чиқариш ва фан-техника имкониятларига, қулай табиий-иқлим шароитларига эга бўлган республикамыз асосий иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича мамлакатда охириги ўринлардан бирига – ҳақли равишда инқироз ҳолати, деб аталган аҳволга тушиб қолганининг сабаби нимада?

Республиканинг тақдири, унинг келажаги учун қайгураётган, ёш авлод тақдири учун куюнаётган соғлом фикрли ҳар бир киши ҳозир ўзига ўзи шу саволни бермоқда.

Назаримда, бунинг жавоби шундай бўлмоғи керак: 30-йилларнинг бошларида иқтисодиётга раҳбарлик қилишнинг маъмуриятчилик, буйруқбозлик усуллари галаба қозониб, Ўзбекистонни, унинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришга яроқсиз ёндашувлар тобора қарор топиб борди. Хўш, бу иллатлар нималарда намоён бўлди? Аввало шундаки, бизнинг республикамиз асосан хомашё базаси, саноат министрликлари ва идораларининг мўмай хомашё манбаи деб ҳисобланар эди. Ўлканинг маҳаллий, ижтимоий-иқтисодий хусусиятларига баъзан етарлича, баъзан мутлақо баҳо берилмади, баъзан эса бу хусусиятлар писанд ҳам қилинмади. Иқтисодий ва ижтимоий соҳани комплекс, жадал ривожлантиришнинг, умумиттифоқ меҳнат тақсимотида Ўзбекистоннинг мавқеи ва ўрнини ўзгартиришнинг муқобил йўллари эътиборга олинмади».¹

Ўша йиллари республика иқтисодиётининг бир ёқлама хусусиятга эга бўлганини СССР Статистика қўмитасининг 1990 йилги расмий маълумотлари ҳам аниқ кўрсатиб туради. Собиқ Иттифоқда ишлаб чиқариладиган пахта толасининг 62,4 фоизи Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келгани ҳолда, республикада ип-газлама матоларнинг бор-йўғи 6 фоизи, трикотаж буюмларнинг 5,4 фоизи тайёрланарди. Пахта қатори мева-сабзавот етиштиришда ҳам Иттифоқда пешқадам бўлган республикамиз ҳиссасига консерва ишлаб чиқаришнинг атиги 5 фоизи тўғри келарди. Айни пайтда юртимизда бирор дона радио, телевизор ёки магнитофон у ёқда турсин, ҳатто дазмол ҳам ишлаб чиқарилмасди.

¹ Ислоҳ Абдуғаниевич Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида / И.А. Каримов. – Т.: «Ўзбекистон», 2011. – 3–4-бет.



1-расм. Иттифоқдош республикаларда 1990 йилда аҳоли жон бошига энг кам – 75 сўм даромад олувчилар салмоғи (Иттифоқ умумий аҳолисига нисбатан фоиз ҳисобида)

Ўзбекистонда ишлаб турган саноат корхоналарида илм-фан ютуқларидан фойдаланиш ҳам ўртача Иттифоқ даражасидан анча орқада қолганди. Оқибатда маҳсулот тайёрлаш учун материал ва энергия сарфи кўпайиб кетган, тайёрланаётган маҳсулот сифати паст, нархи эса баландлиги учун ташқи бозор нарида турсин, ички бозорда ҳам рақобатдош ҳисобланмас эди.

Республикамиз қишлоқ хўжалиги СССР бўйича пахтанинг учдан икки қисмини, қоракўл терининг учдан бир қисмидан кўпроғини, пилланинг 60 фоизидан зиёдини, кўп миқдордаги каноп, мева, узум, сабзавот ва полиз маҳсулотларини етиштириб берган. Аммо бу хомашёларнинг талайгина ҳажми (пахта толаси, хом ипак ва бошқа кўпгина хомашё маҳсулотлари) республикадан олиб кетилар, айти вақтда эса аҳолининг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжини

қондириш учун 8-9 миллиард сўмликка яқин тайёр маҳсулот четдан олиб келинади.

Умуман, юртимиздан олиб кетилган маҳсулотнинг учдан икки қисми хомашё, материаллар ва ярим тайёр маҳсулотлар эканининг ўзи ижтимоий ишлаб чиқариш тузилишидаги чуқур номуносибликлардан дарак берарди. Республикага келтирилган товарларнинг 60 фоизи эса машиналар, асбоб-ускуналар, енгил саноат ва озиқ-овқат саноати маҳсулотлари эди.

Халқимиз қилган меҳнатга раҳмат айтиш ўрнига соғлом ақлга сифмайдиган шундай ғалати бир вазият вужудга келган эдики, республикамиз жуда қимматли хомашё – пахта, нитрон, капролактама ишлаб чиқараётган бир пайтда уларни қайта ишлашдаги саёзлик, технология жараёнининг ниҳоясига етказилмагани оқибатида айни шу хомашёдан ишлаб чиқариладиган газлама, сунъий тола ва тайёр маҳсулотларни четдан келтиришга мажбур бўлинади.

Юртимизда собиқ Марказ кўрсатмаси билан ялпи пахта ҳосили кўпайтирилди. Сунъий равишда туҳматлар ҳам бўлди. Пахта яккаҳокимлиги республикамиз қишлоқ хўжалигининг туб мақсадларига хилоф равишда юқоридан зўрлаб ўтказиб келинди. Ўтган асрнинг 30-йилларидан бошлаб Ўзбекистон олдига қандай қилиб бўлмасин мамлакатнинг пахта соҳасидаги мустақиллигини таъминлаш вазифаси қўйилган эди.

Республикамиз ҳиссасига пахта етиштириш учун меҳнат сарфининг 84 фоизи тўғри келгани ҳолда, бу хомашё юртимизда фақат дастлабки босқичда қайта ишлангани учун умумий даромаднинг атиги 16 фоизи бизга тегарди. Фойданинг асосий қисми Ўзбекистон хомашёсидан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқараётган бошқа республикалар ҳисобига қолар эди.





Ўзбекистонни пахта етиштиришга мана шундай ихтисослаштириш оқибатида республикамизда гўшт ва сут етиштириш имкониятлари камайиб кетди, бироқ шунга мувофиқ равишда бунинг ўрнини тўлдирадиган ҳеч нарса берилмади. Айни пайтда юртимизнинг кўпгина ҳаётий муҳим манфаатларига зиён етди, пахта яккаҳоқимлиги, илмий асосланган алмашлаб экиш жараёни бузилгани, ернинг тинкаю мадори қуриб кетгани, сув манбаларининг имкониятлари тобора камайиб боргани қишлоқ хўжалигига ҳалокатли таъсир кўрсатди. Бунинг оқибатида озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш чеклаб қўйилди ва аҳолини шу маҳсулотлар билан таъминлаш муаммолари ниҳоятда кескинлашди.

Республикамиз аҳолисига етказиб бераётган пахта хомашёси учун муносиб ҳақ тўлаш ўрнига, юртимизга боқиманда бўлиб қолдингиз, деб таъна тошлари ёғдиришдан ҳам тойилмади.

Ўша йиллари иқтисодий ривожлантиришда хомашё ва ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган ва уларни четга юборадиган, меҳнатни нисбатан камроқ талаб қиладиган хомашё тармоқлари устун деб ҳисобланди. Оқибатда ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида енгил саноатнинг улуши 54 фоиздан 37 фоизга, озиқ-овқат саноатининг улуши 30 фоиздан 14 фоизга тушиб қолди. Ҳолбуки, иқтисодчилар ҳисоблаб чиққанларидек, пул бирлигига ҳисоблаганда, енгил, озиқ-овқат саноатида кимё, нефть кимёси, қора ва рангли металлургия, ёқилғи саноати ва электр энергетикасига нисбатан ўн ва ундан кўпроқ ходимни иш билан таъминлаш имкони бўларди, яъни, республикамизда жуда ўткир ижтимоий муаммони – ишсизликни юмшатиш имконияти туғиларди. Аммо бу жиҳатлар ҳисобга олинмади.

Албатта, собиқ шўролар тузуми даврида ҳукм сурган адолатсизликлар, инсоннинг табиий талаб ва эҳтиёжларини қондириш борасидаги ишлар нақадар ночор ҳолатда бўлгани ҳақида кўп гапириш мумкин. Шу ўринда Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2016 йил 22 ноябрда Тошкент вилояти сайловчилари вакиллари билан бўлган учрашувда бир ҳужжат бўйича келтирган маълумотларни эсга олайлик: “250 грамм макарон маҳсулоти, ярим литр ўсимлик мойи, 800 грамм гуруч, 5 дона тухум, 100 грамм қуруқ чой, 100 грамм мол ёғи”.¹

Юртбошимиз томонидан бу маълумотлар мана бундай изоҳланган эди: “Бу – 90-йилларнинг бошида аҳоли жон бошига махсус талон билан ойда бир марта бериладиган энг зарур озиқ-овқат маҳсулотларининг рўйхати. Яъни, бир ойда бир одам фақат шунча озиқ-овқат олиш ҳуқуқига эга эди!”²

Собиқ Марказ Ўзбекистонда демографик вазият мураккаблигидан хабардор эди. Бу ерда аҳолининг ўсиш суръатлари умумиттифоқ суръатларига қараганда уч баробардан зиёд юқори эди. Аҳолининг бундай ўсиши кўп йиллардан буён саноатда ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида иш жойларини кўпайтириш ҳамда аҳолининг ҳаёт таъминоти учун зарур шарт-шароитларни яратиш билан мустаҳкамланмаган эди. Одамлар турмуши тобора ночор бўлиб бораётгани, ижтимоий фойдали меҳнат соҳасида банд бўлмаган кишилар, яъни ишсизлар кўпаяётгани, ижтимоий меҳнат унумдорлиги ва аҳолининг да-

¹ Шавкат Мирзиёев. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 2016 йил, 405-бет.

² Ўша манба, ўша бет.

ромадлари камайиб, пировард натижада халқ фаровонлиги пасайиб кетаётгани айтиб ҳақиқат эди.

Ўзбекистонда электроника, асбобсозлик, радиотехника, мураккаб рўзгор техникаси ишлаб чиқариш каби тармоқларни ривожлантиришга эътибор берилмади. Ҳолбуки, бу тармоқлар ортиқча меҳнат ресурсларини иш билан етарлича таъминлаган бўларди. Аксинча, юртимизда сув кўп сарфланадиган ва зарарли ишлаб чиқариш тармоқлари асоссиз равишда зўр бериб ривожлантирилди.

Орол денгизи фожиаси СССР давридаги нафақат экология, балки инсонларнинг ҳаёт кечириши муаммоларига масъулиятсиз муносабатнинг яққол миқсолига айланди. Бир пайтлар ноёб ва гўзал денгизлардан бири бўлган Орол бир авлод ҳаёти давомида деярли қуриб ва йўқолиб бораётган сув ҳавзасига айланди. Сўнгги салкам ярим аср мобайнида денгиз акваторияси 7 баробар қисқарди, сув ҳажми 13 марта камайди, унинг минераллашуви эса ўнлаб карра ошиб, денгизни тирик организмларнинг яшаши учун яроқсиз аҳволга келтирди. Натижада денгиз ҳавзаси ва унинг ён-атрофдаги қарийб барча ҳайвонот ва наботот олами таназзулга учради ва йўқолди.

Ўзбекистон аҳолисининг асосий кўпчилиги қишлоқда яшашига қарамасдан, қишлоқ ижтимоий инфратузилмаси абгор аҳволда эди. Қишлоқ аҳолисининг ўша пайтда атиги 5 фоизи канализация ва тоза ичимлик сув билан, 17 фоизи табиий газ билан таъминлагани ҳам шундан далолат берарди.

Энг ёмони, мустабид тузум даврида халқимизнинг шаъни ва ғурури, урф-одатлари, анъаналари, маданияти обдан оёқости қилинди, она тилимизнинг қўлланиш соҳаси сунъий тарзда чеклаб қўйилди, дину

диёнатимиз тақиқланди. Адабиётимиз, санъатимиз эркин ривожлана олмади. Айрим санъат турлари ҳам кимларгадир мақбул бўлмай қолди ва уларни янгилашга уриндилар. Ҳатто миллий либос ҳам қораланди. Одамлар миллий анъаналар бўйича тўй қилиш, қариндош-уруғларни дафн этишга, баъзан ҳатто кўчага дўппи кийиб чиқишга ҳам чўчиб қолган эди.

Турли сунъий “ёрлиқ”лар ёпиштирилиши, туҳматлар оқибатида адабиётимизнинг атоқли, машҳур намояндалари Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир ва Туроб Тўла таъқибларга учради, уларнинг айримлари, чунончи, Шайхзода, Мирзакалон Исмоилий, Саид Аҳмад, Шуҳрат, Шукрулло сингари адиблар ўз ҳаётларининг маълум йилларини қамоқларда кечирди. Ўзбек халқининг буюк фарзандлари — Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Элбек, Боту каби ижодкор зиёлиларимиз Сталин давридаги даҳшатли қатағонлар қурбони бўлди.

Собиқ шўро тузумида муттасил, сурункали равишда давом этган ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришда, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини ривожлантиришда, ижтимоий ва маданий соҳалардаги яроқсиз ёндашувлар, катта-катта хато ва номаъқул сиёсий кампаниялар халқимиз ҳаётида оғир оқибатларга олиб келди. Иқтисодиёт соҳасида кўпдан-кўп чигал муаммолар вужудга келди. Республикамизда ижтимоий, иқтисодий кескинлик кучайиб, чуқур танглик ҳолати юзага келди. Ҳаёт, воқеалар ривожининг ўзи катта ва туб ўзгаришларни ўтқир заруратга айлантирди. 1991 йил 31 августда эришилган Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги ана шундай объектив зарурат натижаси бўлди. Бу ҳақиқатни ўша давр воқеалари, тарихий хужжат ва далиллар тўла тасдиқлайди.

КИМ БЎЛДИК?

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт соҳасида эришилган улкан натижалар салмоғини идрок этиш учун ёш давлатимиз ривожининг дастлабки даври – 1991 йилги расмий статистика маълумотларига мурожаат қилиш, яъни илк қадамлар қайси нуқтадан бошланганига назар ташлаш керак бўлади. Ўша йили давлат бюджетининг сальдоси, яъни давлат даромадлари билан харажатлари ўртасидаги салбий фарқ 22,9 фоизни ташкил этди. Бу топилган даромадга нисбатан қилинган харажат салкам тўртдан бир баробар кўп бўлганини англатарди. Бундай ҳолат пулнинг қадрсизланишига, инфляция даражасининг беқиёс даражада ўсишига, энг муҳим озиқ-овқат ва истеъмол маҳсулотларининг ниҳоятда танқислигига, “қора бозор”нинг авж олишига олиб келаётган эди.

Ялпи ички маҳсулот ўсиш ўрнига кескин камайиб бораётган, саноат ишлаб чиқариши 1992 йилда ҳам 6,7 фоизга пасайиб кетган эди. Ўзбекистон раҳбарияти томонидан пахта яккаҳоқимлигига барҳам бериш бўйича шошилиш чоралар кўрила бошланганига қарамасдан, пахта хомашёси ҳамон ялпи ички маҳсулотнинг учдан бирдан кўпроғини – 33,5 фоизни ташкил этар, экспорт таркибида пахта толасининг салмоғи 59,7 фоизга тенг эди. 1990 йилда республикаимиз иқтисодиётига бор-йўғи 833,8 миллион АҚШ доллари миқ-

дорида инвестиция киритилган бўлиб, чет эллардан 1 доллар ҳам сармоя жалб қилинмаган эди.

Ана шундай шароитда мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қуйидаги тамойиллар асос қилиб олинди:

- ислохотларнинг пировард мақсади – аҳоли фаровонлигини ва турмуш сифатини ошириш;

- иқтисодиётни барқарорлаштириш, макроиқтисодий ўсиш ва меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан мақбул даражада банд бўлишини таъминлашдан иборат ўзаро боғлиқ муаммоларни ҳал этиш;

- барча хўжалик юритувчи субъектларнинг энг юқори ишлаб чиқариш самарадорлигига эришиши учун бозор механизмларидан фойдаланиш асосида иқтисодиётни тартибга солиш;

- ишлаб чиқаришни давлат томонидан бевосита бошқаришдан воз кечиш, товар ишлаб чиқарувчиларининг ўзларига, иқтисодий манфаатдан келиб чиққан ҳолда, фаолият турларини, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажмини, ишлаб чиқариш ва хўжалик алоқалари доирасини эркин танлашлари учун шароит яратиш;

- инвестиция сиёсатида устувор йўналишларни белгилаш, юртимизга чет эл капиталини жалб қилиш, иқтисодиётни бозор механизмлари ва рағбатлантириш чораларидан фойдаланган ҳолда тартибга солишда, ишонарли ижтимоий кафолатларни таъминлашда давлатнинг фаол ролини сақлаб қолиш;

- бозор муносабатларини шакллантиришнинг барча босқичларида биринчи навбатда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ночор қатламлари – болалар, пенсионерлар, ногиронлар, ўқувчи ёшларни ҳимоя қилишга йўналтирилган кучли ижтимоий сиёсатни олиб бориш.

Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор – давлат томонидан тартибга солиб туриладиган бозор экани ҳақидаги қоида асосида иш тутилди. Яъни, давлат мураккаб ўтиш даврида иқтисодиёт, айниқса, унинг асосини белгилайдиган таянч тармоқлар фаолиятини қўллаб-қувватлаши, нарх-навони тартибга солиб туриши, солиқ солиш ва қарз беришда имтиёзлар яратиши, шунингдек, бевосита ёрдам кўрсатди. Шу билан бирга, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлат иқтисодий эркинликларнинг кафолати бўлиб, бозор институтларини яратиш учун қулай шароит яратди, ишбилармонлик тузилмалари шаклланиши ва ривожланишини таъминлади, аниқ мақсадга қаратилган таркибий сиёсатни амалга оширди.


Иқтисодий ислохотларнинг энг асосий вазифалари қаторида ташаббускорлик ва ишбилармонликни бутун чоралар билан ривожлантириш, тадбиркорликка эркинлик бериш, иқтисодий омиллар воситасини ишга солиш, мулк эгалари ҳуқуқларининг давлат йўли билан ҳимоя қилинишини таъминлаш ва барча мулк шакллари – ширкат, давлат, хусусий ҳамда бошқа мулкчилик шаклларининг ҳуқуқий тенглигини қарор топтириш, иқтисодиётда якка ҳокимликка барҳам бериш, хўжалик юритувчи субъектларнинг мустақиллигини кенгайтириш, бозорни тартибга солишда иқтисодий воситаларга устунлик бериш белгилаб қўйилди.

Мамлакатимизда бу мураккаб ўтиш даврида ҳам ялпи ички маҳсулот ҳажмининг кескин равишда пасайиб кетишига йўл қўйилмади. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг пасайиши Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида энг кам кўрсаткични – 18,8 фоизни ташкил этди. Ҳолбуки, бу кўрсаткич Россияда – 53,0 фоиз, Украинада –

52,0 фоиз, Белоруссияда – 54,6 фоиз, Қозоғистонда – 75,4 фоизга тенг бўлди.

1996 йилдан эътиборан мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсиш таъминланмоқда. Бу муваффақиятларга эришишда кенг кўламли бозор ислохотларини жорий этиш, қулай инвестиция муҳитини яратиш, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш, экспортга ихтисослашган янги тармоқ ва корхоналар барпо этиш, бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал суратларда ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигига эришгунча импортнинг энг муаммоли моддалари ҳисобланган энергия ресурслари ва донни ташқаридан олиб киришга боғлиқликдан тўла халос бўлиш имконини берди ҳамда макроиқтисодий барқарорлик учун шарт-шароит яратди. 1997 йилда юртимизда ислохотлар амалга оширила бошлаганидан буён биринчи марта ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши (105,2 фоиз) мамлакатимиз аҳолиси сони ўсиши (101,8 фоиз)дан юқори бўлди.



2-расм. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръатлари (фоиз ҳисобида)

Ўзбекистон табиий газ, нефть ва газ конденсати бўйича аниқланган улкан саноат захираларига эга бўлганига қарамасдан, ўз давлат мустақиллигига эришгунга қадар иқтисодиёт тармоқлари ва аҳоли эҳтиёжини қондириш учун йилига 6-7 миллион тонна нефть ва нефть маҳсулотларини четдан келтириш ва бунинг учун катта миқдордаги валюта ресурсларини сарфлашга мажбур эди.

Бу жиддий муаммони ҳал этиш мақсадида қисқа муддатда углеводород хомашёсини қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича мақсадли дастурлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Янги нефть-газ конларини аниқлаш, нефть ва табиий газни қазиб олиш учун зарур бўлган инвестициялар, жумладан, хориж сармояси жалб этилди. Бухорода нефтни қайта ишлайдиган янги замонавий завод барпо этилди, Фарғона ва Олтиариқдаги нефтни қайта ишлаш заводлари модернизация ва реконструкция қилинди, уларнинг барқарор ва ишончли фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратилди.


Ўзбекистоннинг нефть-газ саноати тармоғида бугунги кунда 200 дан кўпроқ корхона фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизда йилига 65 миллиард куб метр газ (бу жаҳон бўйича 8-ўрин дегани), 5,9 миллион тонна суюқ углеводородлар қазиб олинмоқда. Қазиб олинаётган газнинг экспорт ҳажми 1,4 миллиард АҚШ долларига етади. Тармоқда жаҳонда машҳур Россиянинг «Лукойл», «Газпром», Хитойнинг CNPC, Жанубий Кореянинг КОГАЗ, Малайзиянинг «Петронас Чаригали» компаниялари ўз инвестициялари билан иштирок этмоқда.

2011–2015 йилларда саноатни ривожлантириш, диверсификация ва модернизация қилиш дастур-

лари асосида Муборак газни қайта ишлаш заводида 258 минг тонна суюлтирилган газ ва 125 минг тонна конденсат ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган заводнинг биринчи навбати фойдаланишга топширилди, “Шўртаннефтгаз” корхонасида эса пропан-бутан қоришмаси асосида 50 минг тонна суюлтирилган газ ишлаб чиқарадиган қурилма ўрнатилди. Йилига 25 миллиард куб метр газни узатиш имконини берадиган Марказий Осиё – Хитой газ қувурининг 1 минг 830 километр узунликдаги учинчи тармоғи ҳам ишга туширилди.

Айниқса, 2016 йилда жанубий корейлик инвестор ва мутахассислар билан ҳамкорликда Сурғил кони негизида барпо этилган Устюрт газ-кимё мажмуасининг барпо этилиши Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди. Умумий лойиҳа қиймати 4 миллиард АҚШ долларидан ошадиган ушбу мажмуа дунёдаги энг замонавий, юқори технологиялар асосида ишлайдиган, йирик корхоналардан бири бўлди. Мажмуанинг ишга туширилиши йилига 83 минг тонна ноёб полипропилен маҳсулотини ишлаб чиқариш имконини беради. Илгари бу маҳсулот илгари мамлакатимизга четдан, катта валюта ҳисобига олиб келинар эди. Айни вақтда шуниси ҳам ўта муҳимки, мазкур корхона полиэтилен ишлаб чиқариш ҳажмини 3,1 баробар кўпайтириш, мингдан зиёд юқори малакали мутахассисларни иш билан таъминлаш учун имконият яратди.

Мамлакатимизнинг улкан иқтисодий салоҳиятини кўрсатадиган яна бир далил шундан иборатки, бугунги кунда Марказий Осиёда электр энергияси ишлаб чиқариш қувватларининг тахминан ярми Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келади. Тармоқда умумий



3-расм. Миллий иқтисодиёт тармоқларининг Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти ҳажмидаги улуши (умумий ЯИМга нисбатан фоиз ҳисобида)

қуввати 12,5 миллион киловаттга тенг бўлган 39 та электр станцияси ишлаб турибди. Электр узатиш тармоқларининг умумий узунлиги 258,6 километрга етган. Кейинги йилларнинг ўзида Тошкент иссиқлик электр станциясида 370 мегаватт қувватга эга бўлган буғ-газ қурилмаси барпо этилди, Толлимаржон ва Ангрэн иссиқлик электр станциялари, Чорвоқ ГЭСи гидрогенераторлари модернизация қилинди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда қайта тикланадиган энергия манбаларидан, биринчи навбатда, дунёдаги энг соф қуёш энергиясидан фойдаланишга катта эътибор қаратила бошланди. Мамлакатимизда саноатнинг юқори даражада жадал ривожланиб бораётгани туфайли бу тармоқнинг электр энергиясига бўлган талаби 2030 йилга бориб 2 баробар ошиши ҳисоб-китоб қилинмоқда.

Юртимиз серқуёш ўлка ҳисобланади. Бу ерда ҳаво бир йилда 320 кундан зиёд очиқ бўлиб, йил давомида қуёшли кунларнинг кўплиги бўйича дунёнинг аксарият минтақаларига нисбатан устунликка эгадир. Осиё тараққиёт банки ва Жаҳон банки хулосаларига кўра, Ўзбекистонда қуёш энергиясининг ялпи салоҳияти 51 миллиард тонна нефть эквивалентидан ортиқдир. Ана шу ресурслар ҳисобидан, экспертларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, мамлакатимизда 2016 йилда истеъмол қилинадиган электр энергиясидан 40 баробар кўп ҳажмдаги электр энергияси ишлаб чиқариш мумкин.

Ўзбекистонда кейинги йилларда йирик хорижий компаниялар билан биргаликда энергетика соҳасида улкан лойиҳалар амалга оширилмоқда. Масалан, Жанубий Кореянинг “Неоплант” компанияси билан ҳамкорликда йиллик қуввати 12 минг тоннани ташкил этадиган техник кремний ишлаб чиқарадиган завод фойдаланишга топширилди. Бугунги кунда “Ангрен” эркин иқтисодий зонасида шу мамлакатнинг “Шиндонг Энерком” компанияси иштирокида йиллик қуввати 5 минг тонна бўлган кремний ишлаб чиқарувчи иккинчи завод қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Келгусида ушбу маҳсулот юқори самарали фотоэлектрик қуёш панеллари ишлаб чиқариш учун хомашё манбаи бўлиб хизмат қилади. “Навоий” эркин иқтисодий зонаси ҳудудида дастлабки қуввати 50 мегаватт бўлган фотоэлектр панеллари ишлаб чиқарадиган, “Жиззах” эркин иқтисодий зонасида эса йилига 50 минг дона қуёш иссиқлик коллекторлари ишлаб чиқарадиган корхоналар ташкил этилмоқда.

Ана шундай кенг кўламли ишлар натижасида қуёш энергиясидан амалда фойдаланилишга ҳам эришил-





ди. 2014 йилнинг охирида Наманган вилоятининг Поп туманида “Ўзбекэнерго” акциядорлик компанияси Тошкентдаги Халқаро қуёш институти ва Жанубий Корея мутахассислари билан ҳамкорликда 130 киловатт қувватга эга бўлган қуёш фотоэлектр станциясини ишга туширди. Ҳозирги пайтда Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда Самарқанд вилоятида 100 мегаватт қувватга эга бўлган қуёш фотоэлектр станциясини қуриш лойиҳаси амалга оширилмоқда. 257,8 миллион АҚШ доллар қийматига эга бўлган бу лойиҳани амалга ошириш учун ўтказилган халқаро тендерда Хитойнинг “Zhuhai Singyes Green Building Technology Co., Ltd” компанияси ғолиб чиқди.

Шунингдек, яқин йиллар мобайнида асосан узоқ ва бориш қийин бўлган ҳудудлардаги 1300 та умумтаълим мактаби ва касб-ҳунар коллежи тажриба тариқасида қуёш коллекторлари билан таъминланади. Қишлоқ жойлардаги 600 дан ортиқ врачлик пунктларида ҳам фотоэлектрик панеллар ўрнатилади. Бу тажриба келгусида янада кенг миқёс касб этиб боради.

Металлургия ва машинасозлик мамлакатимиз сааноатининг етакчи ва таянч тармоқларидан ҳисобланади. Навоий ва Олмалиқ тоғ-кон, Бекобод металлургия комбинатлари фақат юртимизда эмас, балки жаҳонда ҳам йирик корхоналар қаторидан ўрин олган.

Ўзбекистон – енгил автомобилларнинг ва тижорат техникасининг барча турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган Марказий Осиёдаги ягона мамлакатдир. Биз бу билан ҳақли равишда фахрланамиз. 1996 йилнинг 19 июли мамлакатимиз тарихида янги саҳифа очилган том манодаги тарихий кун ҳисобланади. Айнан ўша куни Ўзбекистон ҳаётида илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган воқеа юз берди –

Асакадаги янги қурилган, замонавий автомобиль заводи конвейеридан биринчи ўзбек енгил автомобили чиқарилди. 2014 йилнинг апрель ойида эса корхонда 2 миллионинчи машина ишлаб чиқарилгани тантанали вазиятда нишонланди (4-расм). Асака автомобиль заводида ишлаб чиқарилаётган енгил автомобиллар мамлакатимиз ички бозори эҳтиёжларини тўлиқ қондириши билан бир қаторда, улар МДХ давлатлари, Грузия, Афғонистон ва Покистонга ҳам экспорт қилинмоқда.



4-расм. Асакадаги “Ўзбекистон – Жeneral моторс” қўшма корхонасида енгил автомобиллар ишлаб чиқаришнинг ортиб бориш динамикаси (дона ҳисобида)

Бугунги кунда Ўзбекистонда жами 27 та русумдаги юк ва енгил автомобиллар, автобуслар, минивэнлар ҳамда 15 турдаги замонавий қишлоқ хўжалик техникалари ишлаб чиқарилмоқда. Автомобилсозлик ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоқларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳар йили 4 миллиард АҚШ долларидан зиёд ҳажмдаги импорт товарлар ўрнини босиш имконини бермоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон енгил саноатининг тубдан ислоҳ қилиниши, янги ишлаб чиқариш қувватларининг ишга туширилиши, тармоққа энг замонавий технологияларнинг жорий этилиши натижасида тармоқ корхоналари ички эҳтиёжни тўла қондириши билан бирга ўз экспорт салоҳиятини 120 баробар – 1 миллиард АҚШ долларига етказди. Ҳозирги кунда тармоқда 8904 та корхона, шу жумладан, 3476 та тўқимачилик, 4684 та тикув, 712 та пойафзал корхонаси ишлаб турибди. Биргина 2015 йилнинг ўзида мамлакатимизда 1130 та енгил саноат корхонаси ишга туширилди.

Айни вақтда “Ўзавтосаноат” акциядорлик компанияси 20 корхонани бирлаштирган. Самарқандда Япониянинг «Isuzu» компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган автобуслар ишлаб чиқарадиган қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, Германиянинг «MAN» компанияси билан бирга тузилган “JV Man Auto-Uzbekistan” қўшма корхонасида юк машиналари ишлаб чиқарилмоқда. «Хоразм автомобиль ишлаб чиқариш бирлашмаси» масъулияти чекланган жамияти базасида эса «Дамас» ва «Орландо» русумидаги енгил автомобиллари, шунингдек, умумий қиймати қарийб 6 миллион долларлик лойиҳа асосида «Шевроле Лабо» кичик юк машинаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Тошкентда эса “Ўзбекистон – Женерал моторс Паве́ртрейн Ўзбекистон” қўшма корхонасида юқори технологиялар асосида автомобиль двигателлари ишлаб чиқарилмоқда.

Мустақиллик йилларида юртимизда йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларини қуриш ва реконструкция қилишга ҳам катта эътибор берилмоқда. Азал-азалдан Буюк ипак йўли

чорраҳасида, савдо карвонлари йўналиши бўйича жойлашган ўлкамиз учун бу ўта муҳимдир. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз автомобиль йўлларининг умумий узунлиги 43,5 минг километрдан ортиб кетган. 2011–2015 йилларда инфратузилмалар, транспорт ва коммуникация қурилишини жадал ривожлантириш дастурига мувофиқ 2306 километр узунликдаги йўллар қурилди ва таъмирланди.

Ўзбекистон темир йўлларининг узунлиги бугунги кунда 4000 километрдан ортиқдир. Кейинги йилларда янги темир йўллар қуриш, уларни электрлаштириш ишлари аниқ тизим асосида жадал олиб борилмоқда. Уларнинг 1000 километрдан кўпроғи, хусусан, Учқудуқ – Мискин, Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон, Навоий – Учқудуқ – Нукус темир йўллари мустақиллик йилларида барпо этилди. Ўзбекистон темирйўлчилари 106 километр узунликдаги Ҳайратон–Мозори Шариф темир йўлини ҳам қуриб битказиб, қўшни афғон диёрида транспорт коммуникация ривожига катта ҳисса қўшдилар.

Мамлакатимизда Испаниянинг дунёга машҳур “Тальго” компаниясида ишлаб чиқарилган электр поездлар ҳаракати йўлга кўйилгани темир йўл транспорти соҳасидаги улкан тарихий қадам бўлди. Дастлаб ана шу поездлар ҳаракати “Афросиёб” деган ном билан Тошкент ва Самарқанд йўналиши бўйича йўлга кўйилди. Бунинг натижасида йўловчилар учун Тошкентдан Самарқандга ёки Самарқанддан Тошкентга етиб бориш муддати тўрт баробар қисқариб 2 соату 10 дақиқани ташкил этадиган бўлди. Бу поездлардаги замонавий қулайликлар юртдошларимизни ҳам, хорижий меҳмонларни ҳам мамнун этмоқда. Шу борадаги ишларнинг давоми сифатида Мароқанд – Қарши

ва Қарши – Термиз темир йўл участкаларини электрлаштириш ишлари фаол олиб борилиши натижасида 2015 йилда Самарқанд – Қарши темир йўл участкасида юқори тезликда ҳаракатланадиган «Афросиёб» электр поезда қатнови йўлга қўйилди. Бу Тошкент – Қарши йўналиши бўйича йўловчи ташиш сифати ва суръатини ошириш имконини бермоқда. Натижада пойтахтимиздан Қашқадарё вилоятига ва Қаршидан Тошкентга йўловчилар ташиш вақти икки баробар қисқарди.

Эндиликда бу борадаги ишлар янги босқичга кўтарилмақда. Яъни, Тошкент – Навоий – Бухоро темир йўли ҳам электрлаштирилиб, бу шаҳарларга ҳам тезюрар поездлар қатнай бошлади. 2013 йилда хитойлик шериклар билан ҳамкорликда транспорт коммуникацияси соҳасида Ўзбекистон учун улкан стратегик аҳамиятга эга Ангрэн – Поп йўналишида электрлаштирилган янги темир йўлни ва 19 километрлик темир йўл тоннелини қуришга киришилган эди. Бу лойиҳа 2016 йилда муваффақиятли амалга оширилди. Ушбу темир йўл мамлакатнинг марказий қисмини Фарғона водийси вилоятлари билан ишончли боғлаш, республика ҳудудида ягона темир йўл транспорт тизимини шакллантириш имконини берди. Шу билан бирга, у Европа қитъасини Осиё билан боғлайдиган трансмиллий транспорт йўлагининг муҳим бўғини бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон темир йўлчилари эришган ютуқлар билан кифояланиб қолмасдан келгусида янада катта лойиҳаларни амалга ошириш устида иш олиб бормоқдалар. Жумладан, Қарши – Шаҳрисабз йўналишида электрлаштирилган, тезюрар поезд ҳаракатини йўлга қўйиш, Учқудуқ – Мискин, Тошгузар –

Бойсун – Қумқўрғон, Навоий – Учқудуқ – Нукус темир йўлларини электрлаштириш ва ана шу темир йўл тармоқларида ҳам тезюрар поездлар ҳаракатини йўлга қўйиш бўйича жадал иш олиб борилмоқда.

Қадрли ўқувчи, рухсатингиз билан шу ўринда кичкина лирик чекиниш қилиб, бир неча ўн йиллар аввалги ўтмиш манзарасини кўз олдимизга келтирсак. Сиз юқорида номи зикр этилган буюк ёзувчимиз, ўзбек миллий романчилик мактаби асосчиси Абдулла Қодирий номини яхши биласиз. Бу мумтоз адибнинг ҳеч бир ўзбек фарзандини бефарқ қолдирмайдиган “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” романларини катта қизиқиш ва ҳаяжон билан ўқигансиз. Бу романлардаги Отабек, Кумуш, Юсуфбек ҳожи, Мирзакарим қутидор, Офтоб ойим, Ўзбек ойим, Анвар, Раъно, Солиҳ маҳдум каби қаҳрамонларнинг ҳаёти, хатти-ҳаракатлари, тақдири сизга кучли таъсир этган бўлса керак. Бундай ёрқин образлар, бетакрор ҳаётий, тарихий манзараларга бой асарларни ўқиганингиз сари ўқигингиз келади, фикрингиз, хаёлингиз, маънавиятингиз бойиб боради.

Абдулла Қодирийнинг яна бир асари – “Фирвонлик Маллавой” деб номланган тарихий ҳикояси ҳақида ҳам балки эшитгандирсиз. Гап шундаки, бу ҳикояда тасвирланган воқеа ҳозиргина биз тилга олган темир йўл мавзусига бевосита дахлдордир. Яъни, XX аср бошларида Наманганга биринчи марта темир йўл ва паровоз келганида Фирвон қишлоғи аҳолиси уни кўриб ҳайрон бўлади. Паровознинг пишиллаб, бўкириб овоз чиқарганини кўриб, бу содда одамлар худди арава тортадиган от, омоч тортадиган буқа сингари бунинг ҳам жони бор экан-да, деган хаёлга боришади. Улар: “Бу бечора жонивор йўл юриб, оғир юк тортиб чарчабди,

қорни ҳам очқаб кетган”, деб ўйлаб, қучоқ-қучоқ беда фарамларини олиб келиб, унинг олдига ташлашади.

Бу лирик чекинишдан мақсад шуки, халқимиз чо-ризм мустамлакаси ва ундан олдинги уч хонликлар давридаги зулм, адолатсизлик, жаҳолат туфайли дунёдан, тараққиётдан, маърифатдан бутунлай узи-либ қолган эди. У оддий поезднинг энергия ёрдамида ҳаракатланишини тасаввур ҳам қилолмас эди.

Мустақиллик туфайли бугунги кунда халқимиз шунчалик ривожландики, энг замонавий темир йўл-лар барпо этмоқда, енгил ва оғир автомобиллар, те-левизор ва компьютерлар ишлаб чиқармоқда.

Буларнинг барчаси “Ким эдигу ким бўлдик?” деган саволга энг аниқ жавобдир.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида ҳаво транспорти соҳасида ҳам улкан ютуқларга эришил-ди. Аввало, юртимиз хорижий мамлакатлар билан ҳаво транспорти бўйича алоқаларни мустақил йўлга қўйиш ва ўзаро фойдали ҳамкорлик қилиш имкони-ятига эга бўлди. Шунга мувофиқ тарзда ушбу соҳа-нинг моддий-техник базаси, инфратузилма ва кадр-лар салоҳияти ҳам тубдан яхшиланди.

Мамлакатимизда ҳаво транспорти соҳасида йў-ловчи ва юкларга хизмат кўрсатадиган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ҳозирги кун-да дунёдаги 270 дан ортиқ авиакомпанияни ўзида бирлаштирган Халқаро ҳаво транспорти ассоциация-сининг тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади. Энг замона-вий самолётларга эга бўлган миллий авиакомпания-миз жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига парвозларни амалга оширмоқда, бу эса соҳада хизматлар сифати-ни янада ошириш имконини бермоқда. Истиқлол йил-ларида Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Респуб-

ликаси ва вилоятлар марказларидаги аэропортлар халқаро талаблар асосида реконструкция қилинди, самолётлар парки янгиланди.

Ўзбекистонда яна бир замонавий тармоқ – ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги вақтда 2013 – 2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастури изчил амалга оширилмоқда. Мазкур дастур доирасида кенг полосали абонент тармоқларни кенгайтириш, телефон тармоқларини янги технологиялар асосида модернизация қилиш, рақамли телевидение тармоғини ва мультимедиа хизматларини ривожлантириш, ахборот-коммуникация инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича улкан ишлар қилинмоқда.

Бугунги кунда мамлакатда телефон алоқа хизматидан фойдаланаётган абонентлар сони 24 миллиондан зиёд бўлиб, шундан 21,6 миллиондан ортиғи мобил алоқа, 2,5 миллиони эса стационар маҳаллий телефон алоқа абонентларини ташкил этади. Интернетдан фойдаланувчилар сони эса юртимизда 12 миллион кишига етди. Яъни, мамлакатимиз аҳолисининг 80 фоизи телефон алоқасидан, учдан бир қисми “Интернет” тизимидан мунтазам фойдаланиб келмоқда. Шу билан бирга, аҳолининг аналог телевидение билан қамрови 100 фоизни, рақамли телевидение билан қамрови эса 80 фоизга яқинни ташкил этган.

Комплекс дастур доирасида яна 494 та телеузаткичлар ўрнатилиши кўзда тутилмоқда, бунинг натижасида мамлакатимиз аҳолисининг ҳаммаси рақамли телевидение хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Яна бир муҳим томони шундаки, юртимизда мультимедиа хизматларини ривожлантириш орқали 2020 йилга бориб 20 дан ортиқ янги хизмат турлари жорий этилади.

Қишлоқ хўжалиги: туб ўзгаришлар

Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигида ҳам туб ўзгаришлар рўй берди. Бозор муносабатларига ўтишнинг мураккаб шароитларида шахсий томорқа хўжаликлари учун 500,0 минг гектардан кўпроқ ер ажратилиши қишлоқ жойларда кескин ижтимоий муаммоларни ҳал этишда катта аҳамиятга эга бўлди. Натижада қишлоқ аҳолисининг томорқа хўжаликларига ер майдонлари 2,5 баробар кенгайди. Шахсий томорқаларни кенгайтириш ҳисобидан 600 минг қишлоқ аҳолиси меҳнат фаолиятига жалб қилинди. Бу қишлоқ аҳолисининг янги натурал даромад манбаларини шакллантиришга хизмат қилиши билан биргаликда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг машаққатли оқибатларини бирмунча юмшатди.

Шу ўринда собиқ СССР даврида қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон учун энг муаммоли соҳага айланиб қолган эди. Мустақиллик даврида калтабинларча олиб борилган бирёқлама сиёсат бунга сабаб бўлган эди. Пахта яккаҳокимлигининг оқибатини ҳеч ўйлаб ўтирмасдан авж олдирилиши натижасида ҳар қаричи олтинга тенг тупроғимиз, еримиздан мадор кетди. Дарёю кўлларимиз қуритилди. Тўқайзорларимиз йўқ қилинди. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси қирилди. Натижада қишлоқ хўжалиги фойда эмас, балки зарар келтирадиган соҳага айланди. Ерга сочилган кимёвий ўғитлар, заҳарли пестицидлар қишлоқда

нафақат ишлаш, балки яшашни ҳам хавфли қилиб қўйди. Ҳеч қандай иқтисодий фойда бермайдиган ўсимлик – пахтага топилган ер одамларга келганда топилмас эди. Шунинг учун уч-тўртталаб оилалар каталакдек бир ҳовлига тиқилиб яшашга мажбур эди. Буларнинг барчаси улкан ижтимоий муаммоларни келтириб чиқарди. Пахта экиладиган ҳудудларда аёлларда камқонлик, жигар ва нафас йўллари касалликлари кўпайди. Нимжон аёллардан касалманд болалар туғила бошлади. Ўзбекистон оналар ва болалар ўлими бўйича собиқ Иттифоқда энг юқори ўринларда турарди.

Бу муаммоларнинг туб иқтисодий ва ижтимоий илдизларига етиб, барчасини комплекс ҳал қилиш зарур эди. Бунинг учун қишлоқда аввало иқтисодий муносабатларни ўзгартириш, хўжалик юритишнинг илгариги колхоз ва совхоз деб аталган советча моделлари ўрнига бутун дунёда ўзини оқлаган, ҳар томонлама самарали фермерлик шаклига ўтиш талаб этиларди. Қишлоқ аҳлида ерга, мулкка эгалик ҳисси, ўз меҳнатидан манфаатдорлик туйғусини уйғотиш, тадбиркорлик, ишбилармончилик билан кўпқиррали фаолият олиб бориш кўникмаларини тарбиялашда фермерликка тенг келадиган хўжалик юритиш шакли йўқ эди.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги соҳасини замон талаблари асосида тубдан ислоқ этишга қаратилган стратегик сиёсатни ишлаб чиқишда баён этилган ана шу омилларнинг барчаси атрофлича ҳисобга олинди, ўрганилди ва шу асосда тарихий аҳамиятга молик қарорлар қабул қилинди. Бу борада айниқса фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб берилгани энг муҳим амалий қадам бўлди.

Мамлакатимизда 1991 йилдаёқ биринчи фермер хўжаликлари пайдо бўлганди. Йирик жамоа хўжаликларининг аъзоларига ўз ер ва мулк улуши билан улардан чиқишга рухсат берилди. 1992 – 1994 йилларда давлат қишлоқ хўжаликлари (совхозлар) тугатилиб, улар асосида ширкатлар, агрофирмалар, бозор иқтисодиётига мос, ерга эгалик қилишга қодир фермер хўжаликлари ташкил этилди. Чорвачилик фермалари хусусийлаштирилди, боғ ва узумзорлар жисмоний шахсларга берилди, улар етиштираётган маҳсулотларга давлат буюртмалари бериш бекор қилинди.

1998 йилда аграр соҳадаги институционал ислохотларнинг янги босқичи бошланди. Зарар кўриб ишлаётган ва рентабеллик даражаси паст бўлган жамоа ва ширкат хўжаликлари тугатилди, уларнинг ерлари хусусий фермер ва деҳқон хўжаликларига берилди. Муттасил равишда фермер хўжаликларининг ер майдонлари мақбуллаштириб борилди (5-расм).

Янгитдан ташкил этилган хусусий фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги ерлари ижара асосида ажратилиши билан бир қаторда, давлат томонидан уларга зарур имтиёзлар ва преференциялар ҳам берилди. Жумладан, фермерлар фақат битта соддалаштирилган солиқ – ягона ер солиғини тўлайдиган бўлдилар. Улар учун ажратиладиган кредитлар ставкаси бугунги кунда 5 фоиздан ошмайди.

Ўзбекистонда мамлакат миқёсида Фермерлар кенгаши, жойларда эса вилоят ва туман фермерлар кенгашлари тузилган. Фермер хўжаликлари ривожланиши ва уларнинг фаолиятида юзага келадиган муаммоларга тўғридан-тўғри боғлиқ бўлган бирон-бир масала амалда Фермерлар кенгашининг бевосита иштирокисиз ҳал этилмайдиган бўлди.



5-расм. Ўзбекистонда ҳар бир фермер хўжалигига тўғри келадиган ўртача ер майдони (гектар ҳисобида)

Ҳозирги вақтда қишлоқ жойларида фермерларга 1500 дан кўпроқ минибанк, қарийб 2000 та машина-трактор парклари, ёқилғи ва минерал ўғит сотиш бўйича 2500 тага яқин пункт хизмат кўрсатмоқда. Бундан ташқари, фермерларга амалий кўмак берадиган 1500 та сувдан фойдаланувчилар уюшмаси, 300 дан ортиқ консалтинг марказлари ҳам ташкил этилган.

Бугунги кунда фермер хўжаликлари улушига мамлакатимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 90-92 фоизи тўғри келмоқда. Бу замонавий аграр тузилмалар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан бирга, уларни чуқур қайта ишлаш, қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш, қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш билан ҳам шуғулланадиган, катта вазифа ва масъулиятни ўз зиммасига олган кўп тармоқли фермер хўжаликларга айланди. Шу билан бирга, фермерлик ҳаракати қишлоқларнинг ривожланиши ва қишлоқ






аҳолисининг фаровонлиги ўсиши учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган қудратли ижтимоий сиёсий куч сифатида майдонга чиқмоқда..

Аграр соҳадаги ислоҳотлар натижасида пахта майдонлари қисқартирилиб, дон ва ем-хашак, сабзавот, полиз майдонлари, боғу роғлар кенгайтириб борилди (6-расм). Пахтадан бўшаган 30 минг гектардан ортиқ суғориладиган ерда дон экинлари, сабзавот, картошка етиштириш йўлга қўйилди, боғ ва узумзорлар барпо этилди. Умуман, республикада пахта етиштириш ҳажми барқарор сақлаб қолинган ҳолда ғаллачилик, картошкачилик, узумчилик, асаларичилик, паррандачилик ва балиқчиликни ривожлантиришга эътибор кучайтирилди. Бу эса халқимизнинг кундалик ҳаётида, унинг дастурхони, фаровонлигида ўзининг амалий натижасини топмоқда. Ҳозирги кунда бозорларимизга кирган одам у ерлардаги тўкин-сочинликни кўриб, дили яйрайди. Йил-ўн икки ой бозорларимиз озиқ-овқат маҳсулотлари, мева-чева, сабзавот ва полиз товарларига тўла.

Маълумки, ҳозирги вақтда бутун дунё миқёсида озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжни сифатли қондириш, экологик тоза маҳсулотлар етиштириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ўта долзарб масалага айланмоқда. Бугунги кунда жаҳонда ген муҳандислиги технологиялари асосида ген таркиби модидинкация қилинган маҳсулотлар кўпайиб бормоқда. Таъм ва сифат жиҳатдан талабга жавоб бермайдиган, фойдали микроэлемент ва витаминларга эга бўлмаган бундай маҳсулотларни егандан емаган маъқул. Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистонда озиқ-овқат дастури узоқни ўйлаб қабул қилингани ва амалга ошириляётгани беқиёс аҳамиятга эгадир. Акс ҳолда мус-

тақиллик йилларида қарийб 11 миллионга кўпайиб, 32 миллиондан ошган аҳолимизни сифатли, экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мушкул муаммога айланар эди.



6-расм. Ўзбекистонда экин майдонлари таркибининг ўзгариши (умумий экинзорларга нисбатан фоиз ҳисобида)


Ўзбекистоннинг тупроқ-иқлим шароити ҳисобга олинган ҳолда давлат ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ирригация ишларини бажаришни қўллаб-қувватлашни ўз зиммасига олди. Шу мақсадда 2008 йилда Молия вазирлиги ҳузурида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорига биноан ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастури қабул қилиниб, изчил амалга оширишга киришилди. Чунки, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги, иқтисодий ўсиш ва юқорида қайд этилган озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш,

мамлакатимиз бутун аҳолисининг моддий фаровонлигини ошириш бебаҳо бойлик ҳисобланган ерларнинг унумдорлиги, сифатини мунтазам яхшилаб бориш билан узвий боғлиқдир.

Мамлакатимизда, юқорида қайд этилган дастурдан ташқари, 2013–2017 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича комплекс чора-тадбирлар давлат дастури қабул қилинган. Ушбу дастур ижросининг изчил таъминланаётгани натижасида 1 миллион 700 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Бу жами экин экиладиган майдонларнинг ярмидан зиёди демакдир. Ана шундай ишлар туфайли юртимизда сизот сувлари энг оғир даражада, яъни, 2 метргача юзада жойлашган ерлар қарийб 500 минг гектарга ёки учдан бирига камайди, кучли ва ўртача шўрланган ерлар эса 100 минг гектарга ёки 12 фоизга қисқарди. Мелиорация тадбирлари амалга оширилган экин майдонларида пахта ҳосилдорлиги гектарига ўртача 2–3 центнер, бошоқли дон экинлари бўйича эса 3–4 центнерга ортди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида 1997 йилдан бошланган барқарор ўсиш суръатлари сўнгги 10 йил давомида йилига 6–7 фоиздан ортиқ бўлмоқда. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми шу даврда 2 баробардан зиёд ошди.

Олимларимиз томонидан яратилаётган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги, серҳосил навлари, замонавий деҳқончилик тизимига мос, тупроқ унумдорлигини оширадиган ва экинлардан юқори ҳосил олишни таъминлайдиган технологиялар, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик уйғунлашган



7-расм. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми

усуллари соҳани янада ривожлантириш, аҳоли дастурхонини тўкин қилиш, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини оширишда муҳим роль ўйнамоқда. Юртимиз селекционерлари мустақиллик йилларида сабзавот, полиз экинлари ва картошканинг 170 тадан ортиқ навини, мева ва резавор экинлар, узумнинг 175 та янги навини яратдилар.

Маълумки, замонавий қишлоқ хўжалигини унумдор транспорт воситалари, машина ва тракторларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунини ҳисобга олган ҳолда, юртимизда қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тизими ҳам давр талаби асосида бутунлай қайта ташкил этилди. Янги «Ўзагросаноатмашхолдинг» компанияси тузилди, шу йўналишда фаолият кўрсатаётган корхоналар ҳар жиҳатдан оптималлаштирилиб, улар қишлоқ хўжалигида талаб этилаётган аниқ турдаги

техника ва механизация воситалари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилди. Фермер хўжаликларини замонавий техникалар билан таъминлаш учун Германиянинг «Клаас» ва «Лемкен» компаниялари билан ҳамкорликда мамлакатимизда энг замонавий тракторлар, ғалла ўрадиган комбайнлар, плуг ва бошқа тиркама ускуналар ишлаб чиқарилмоқда.

Тошкент трактор заводининг мақбуллаштирилган ишлаб чиқариш майдонларида янги корхона – «Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди. Бу ерда тракторлар, тиркама ва пахта териш машиналарининг янги моделларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

Фермер хўжаликларида қулай, тежамкор техникаларга ҳали эҳтиёж юқори. Ана шу зарурат ҳисобга олинган ҳолда, машинасозлар томонидан чигит ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари уруғини экиш олдидан тупроққа ишлов берувчи комбинациялашган агрегат, органик ўғитларни сочувчи машина, қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини аниқ миқдорда экадиган тежамкор, кўп функцияли сеялка, ғўза қатор оралари ва очиқ майдонларга бир йўла ишлов бериб, донни қаторлаб экадиган агрегатлар, ғўзапояли далаларда ерни тайёрлаш билан бирга буғдой экадиган комбинациялашган машиналар яратилди. Айни вақтда 6 ва 8 қаторли пахта териш машиналари, катта ва кичик қатор ораларида ишлашга мўлжалланган трактор, икки ярусли плуглар ва чуқур юмшатикичлар, лазер нури билан назорат қилиб борадиган ускуна ўрнатилган ер текислагичнинг тажриба нусхалари тайёрланиб, синовдан ўтказилмоқда.

Мамлакатимизда ҳар йили 16 миллион тоннага яқин мева ва сабзавот етиштирилмоқда. Аҳоли жон

бошига қарийб 300 килограмм сабзавот, 75 килограмм картошка ва 44 килограмм узум тўғри келмоқда. Бу энг мақбул деб ҳисобланадиган истеъмол меъёридан уч баробар кўпдир.

Ҳолбуки, истиқлолга қадар юртимизга ҳар йили Россия, Белоруссия, Польша ва бошқа мамлакатлардан қарийб 1 миллион тонна картошка келтирилар эди. Энг ёмони, бу маҳсулот ноябрь-декабрь ойларида келтирилгани учун музлаб, унинг катта қисми яроқсиз ҳолга келар ва чорвага ем бўларди. Ҳозир эса Ўзбекистонда етиштирилаётган картошка ўз эҳтиёжимизни тўла қоплабгина қолмасдан, уни четга экспорт қилиш имкониятига ҳам эгамиз.

Юқорида таъкидланганидек, қишлоқ хўжалигининг янгича асосда равнақ топиши мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлади, Ўзбекистонда амалга оширилаётган Озиқ-овқат дастури асосида аҳолининг тўлақонли ва мутаносиб рацион асосида овқатланишини таъминлашдек муҳим вазифа ҳал этилди.

Мамлакатимиз ҳукуматининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида кўраётган чора-тадбирлари халқаро миқёсида ҳам юксак эътирофга сазовор бўлмоқда. 2015 йилда Италиянинг пойтахти Рим шаҳрида бўлиб ўтган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш ва очарчиликни бартараф этиш йўлида эришган ютуқлар учун тақдирлаш маросимида Ўзбекистоннинг махсус соврин билан мукфотлангани юртимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида қўлга киритилган муваффақиятларнинг халқаро миқёсдаги эътирофининг ёрқин амалий ифодаси бўлди.

Шу билан бирга, мамлакатимизда замон талаби бўлган яна бир долзарб вазифа – қишлоқ хўжалиги





хомашёсини чуқур қайта ишлаш, етиштирилган маҳсулотларни сақлаш инфратузилмасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биргина 2015 йилнинг ўзида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган 230 та корхона, 77 минг 800 тонна сифимга эга бўлган 114 та янги совутиш камераси ташкил этилди ва модернизация қилинди. Республикада мева-сабзавотларни сақлашнинг умумий қуввати 832 минг тоннага етказилди. Бу эса, йил давомида нархларнинг мавсумий ҳолатлар билан боғлиқ равишда кескин ошиб кетишига йўл қўймасдан, аҳолини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз ва барқарор таъминлаш, ушбу маҳсулотларни экспорт қилишни кенгайтириш, нарх-навонинг мақбул даражасини сақлаш имконини бермоқда.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга Халқаро қишлоқ хўжалигини ривожлантириш фонди, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки, Глобал экологик фонд, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти каби кўплаб институтлар, шунингдек, хорижий мамлакатлар ҳукуматлари агентликларининг юздан ортиқ инвестиция ва грант лойиҳаларини амалга ошириш учун 1 миллиард 100 миллион доллардан ортиқ маблағ жалб этилди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида, шунингдек, Германия, Голландия, Австрия, АҚШ, Швейцария, Хитой, Жанубий Корея, Италия, Испания каби 50 та мамлакатдан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилган ҳолда, 400 га яқин корхона ташкил этилди. Бу корхоналар янги маҳсулот етиштиришдан тор-

тиб маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаш асосида тайёр озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришгача бўлган йўналишларда фаолият олиб бормоқда.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз дунёнинг 80 та давлатига умумий қиймати қарийб 5 миллиард АҚШ доллари миқдорида озиқ-овқат, биринчи навбатда, 180 турдан ортиқ сархил мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотларни экспорт қилмоқда. Сўнгги уч йилда экспорт қилинаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 3 баробардан зиёд ошди. Ўзбекистон ўрик, олхўри, узум, ёнғоқ, карам ва бошқа кўплаб мева ва сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми бўйича дунёда шундай маҳсулотларни етказиб берадиган ўнта етакчи давлат қаторига киради.

2016 йил 13–15 июлда Тошкентда ташкил этилган I Халқаро мева-сабзавот ярмаркасида ҳам Ўзбекистон дала ва боғларида етиштирилган, экологик тоза неъматларга, юртимизнинг бу борадаги имкониятларига юқори баҳо берилди. Ушбу ярмаракада АҚШ, Буюк Британия, Бирлашган Араб Амирликлари, Жанубий Корея, Япония, Италия, Франция, Малайзия, Ҳиндистон, Россия, Латвия, Озарбайжон, Туркменистон, Эрон, Афғонистон, Қозоғистон каби мамлакатлардан уч юздан зиёд ишбилармон доиралар вакиллари иштирок этди. Ярмарка яқунларига кўра, мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича қиймати 2 миллиард АҚШ долларидан зиёд бўлган 270 та шартнома имзоланди. Табиийки, буларнинг барчаси келгусида Ўзбекистоннинг жаҳон бозорида рақобатдош озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш борасидаги салоҳиятини, дунё миқёсидаги ўрни ва мавқени ошириш ҳамда мустаҳкамлашга хизмат қилади.

ЯНГИ ДАЪВАТ, ЯНГИ ҒОЯ ВА ЯНГИ ТАШАББУСЛАР:

**“ТАДБИРКОР, ХАЛҚ БОЙ БЎЛСА, ДАВЛАТ
ҲАМ БОЙ ВА ҚУДРАТЛИ БЎЛАДИ”**

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида йирик индустрия комплекслари барпо этилиши ва модернизация қилиниши, саноатнинг янги, юқори технологияларга асосланган тармоқлари пайдо бўлиши, аграр соҳада кенг кўламли чуқур ислоҳотлар амалга оширилиши, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамиятга эга. Айни вақтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни бутун чоралар билан ривожлантиришга устувор аҳамият берилаётгани ҳам мамлакатимиз иқтисодиётига янгича руҳ, куч-қувват ва маъно-мазмун бағишламоқда. Энг муҳими, жамиятимиз манзарасини, ундаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни сифат жиҳатидан мутлақо ўзгартирмоқда.

Бозор иқтисодиёти талабларига ҳозиржавоблиги, хусусий мулк эгаларининг ташаббускорлиги билан ажралиб турадиган ихчам, айни пайтда замонавий технологияларга асосланган кичик бизнеснинг афзалликлари кўпчиликка яхши маълум (8-расм).

Шунинг учун ҳам бу тармоқ эркин иқтисодий муносабатлар шароитида тез ривожланади, бутун халқ,

омманинг фаолияти, ҳаёт тарзига чуқур кириб боради. Юртимизда тадбиркорлик азалдан халқимиз учун хос бўлган, жамиятда юксак қадрланган эзгу ва олижаноб фазилатдир. Ўрта асрлардаёқ Мовароуннаҳрда ҳунармандчиликнинг уч тури шаклланган ва ривожланган:

- уй ҳунармандчилиги;
- буюртма маҳсулот тайёрлайдиган ҳунармандчилик;
- бозор учун маҳсулот тайёрлайдиган ҳунармандчилик.

IX-X асрларда ўлкамизда йирик ҳунармандчилик марказлари пайдо бўлган. Масалан, Абулқосим Фирдавсийнинг машҳур “Шоҳнома” асарида давлатимиз пойтахти – кўҳна Чочда тайёрланган камон ва ўқ-ёйлар – “камони чочий” номи билан етти иқлимга давруғ қозонгани ҳақида маълумот берилади. Шу билан бирга, Хоразм ип матолари ва гиламлари, Марв шойиси, Фарғона мис ва темирдан тайёрланган қурол-аслаҳалари, пичоқлари, Бухоро шиша буюмлари, Самарқанд қоғози юртимиздан олис-олис ўлкаларда ҳам жуда машҳур бўлган.

Буюр соҳибқирон Амир Темур бобомиз ўз салтанатида тадбиркорлар, азму шижоатли инсонларни ғоят қадрлаганлар. Ул зот ўзининг “Тузуқлар” асарида шу ҳақда бундай ёзади: **“Тажрибамда кўрилганки, азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, жанг кўрган, мард, шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир. Чунки тажрибали бир киши минглаб кишига иш буюради”**¹.

Азиз ўқувчи, шу ўринда, рухсатингиз билан, яна бир лирик чекиниш қилсак. Ривоят қилишларича,

¹ Темур тузуқлари. – Т.: 1996. 25-бет.





Амир Темур олис юртларда ҳарбий сафарда юғнада қўшиннинг озиқ-овқати ҳам, маблағи ҳам тугади қолибди. Шунда Соҳибқирон нима қилишини билмасдан, суюкли умр йўлдоши – Сароймулхоним (Биби хоним)га мактуб йўллабди. “Пулимиз, маблағими: тугади, нима қилишга ҳайронман”, деб ёзган экан ўша хатда Амир Темур бобомиз. Сароймулхоним дарҳол бундай деб жавоб ёзибди: “Пулингиз тугаган бўлса, ақлингиз тугамагандир. Ақл-идрокингини ишга солинг”. Амир Темур ана шу маслаҳатдан таъсирланиб, дарҳол вақтинчалик янги пул зарб этган ва қашшоқликдан, мушкул аҳволдан қутулиб қолган экан. Бу – Амир Темур буюк бобомизнинг оқила ёри Сароймулхонимнинг нақадар тадбиркор инсонлар бўлгани ҳақидаги бир мисол.

Яна бир мисол. Амир Темур “Тузуклар” асарида ёзишича, Қарши қалъасини қўлга киритишда ажойиб тадбир қўллабди. Бу қалъа яхши қуролланган, 12 минг кишилик лашкар томонидан қўриқланар эди. Амир Темурнинг ихтиёрида эса бор-йўғи 200 нафар аскар бор эди. Лекин ақл билан иш тутиш, тадбиркорлик туфайли Соҳибқирон ана шундай озгина аскар билан 12 минг кишилик лашкарни енгиб, Қарши қалъасини эгаллайди.

Бундан ташқари, Амир Темур бобомиз юртни обод қилиш, деҳқончилик, боғдорчилик, меъморлик, илм-фан, маданиятни ривожлантириш, салтанат қудратини оширишда ҳам ғоят тадбиркорлик билан иш олиб боргани ҳақида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Умуман, Соҳибқирон бобомизнинг “Тузуклар” асарининг бош ғояси кенгаш ва тадбиркорлик асосида сиёсат юритиш, давлат ва жамиятни бошқариш, десак, хато бўлмайди.



8-расм. Кичик бизнеснинг афзалликлари

Кўҳна Туркистон заминининг марказий шаҳарлари, илму ҳунар, маданият, маърифат, меъморлик, дину диёнат бобида тенгсиз шухрат қозонган Бухоро, Хива, Самарқанд, Қўқон, Тошкент каби қадимий шаҳарларимизнинг ишлаб чиқариш муносабатларида ҳунармандчилик асрлар давомида катта роль ўйнаган. Масалан, Хивада ҳунармандчиликнинг 27 тури ривож топган, шаҳардаги бозорларда ҳунармандларнинг 556 та дўкони бўлган. XIX асрнинг 80-йилларида бу ерда 2528 та хўжалик бевосита ҳунармандчилик билан шуғулланган.

Бу даврга келиб ҳунармандчилик соҳасида чуқур ихтисослашув жараёни юз берган. Масалан, терини

қайта ишлаш бўйича кўнчилар, этикдўзлар, махси-
дўзлар, ковушчилар, эгар-жабдуқчилар, телпакчи-
лар, пўстинчилар, камарчилар алоҳида касб эгалари
бўлиб шаклланган. Тўқимачилик соҳасида бўзчи-
лар, атласчилар, гиламчилар, шолча ва наMATчилар
алоҳида ҳунармандлар гуруҳи ва маҳалласига ай-
ланган. Металлни ишлаш соҳасини оладиган бўлсак,
темирчилар, тақачилар, мисгарлар, чилангарлар,
заргарлар каби касб-ҳунар эгалари бу тармоқда асо-
сий ишлаб чиқарувчи куч ва иқтисодий муносабат-
лар эгасига айланганини кўрамыз.

Ҳунарманчиликнинг ижтимоий тузилмасида ҳам
ўзига хос – уста, халфа ва шогирд каби ижтимоий
тоифалари синфи пайдо бўлган. Ҳунармандчилик-
нинг ички тартиб ва қоидаларини унинг низоми
сифатида шаклланган ўзига хос рисолавий мезон-
лар белгилаб берган. Халқимиз ўртасидаги “рисо-
ладагидек бўлсин” деган ибора ана шундай иқти-
солий-ижтимоий муносабатлар туфайли вужудга
келган. Ҳар бир касбнинг ўз раҳнамози бўлган, ав-
лоддан-авлодгача ўтадиган одат ва русумларга
ҳамма риоя этган. Бугунги кунда кичик бизнеснинг
ажралмас қисми бўлган касаначилик каби фаолият
тури ҳам қадим замонлардан мавжуд бўлган. Хусу-
сан, ўзбек оилаларида аёллар чеварлик, каштачи-
лик, дўппидўзлик, бичиқчилик, пазандалик билан
уй шароитида шуғулланган.

Тарихий манбаларда, XX аср бошларида ҳозир-
ги Ўзбекистон заминида 50 мингтадан кўпроқ ҳу-
нармандлик устахоналари мавжуд бўлиб, уларда
110 минг кишидан зиёд инсон меҳнат қилгани қайд
этилган. Бу вақтда тадбиркорлар саноат ишлаб чиқа-
ришини ривожлантиришга ҳам салмоқли ҳисса қўша

бошлаган. Масалан, 1904 йилда Марғилондаги 44 та саноат корхонасидан 33 таси маҳаллий ҳунармандларга қарашли бўлган¹.

Бироқ ўтган асрда дастлаб чоризм мустамлакаси, кейин эса мустабид тузум даврида тадбиркорлик ва ишбилармонлик фаолияти тақиқланиб, у билан миллий анъаналар асосида шуғулланганлар қатағонга учради, хусусий мулкчилик ҳам, мулкнинг жамоа мулкидан бошқа шакллари ҳам йўқ қилинди. Бундай калтабин ва мафқуралашган иқтисодий сиёсат пировард натижада тузумнинг ўзини таназулга олиб келди.

Ҳолбуки, ривожланган давлатлар, биринчи навбатда, АҚШ, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Япония, Жанубий Корея, Сингапур давлатларида кичик корхоналарнинг юксак самарадорлиги тез англаб етилди ва уларнинг ривожига катта аҳамият берилди. Улар бозор конъюнктурасига, нарх-наво, талаб ва таклиф ўзгаришларига жуда мослашувчанлиги сабабли ҳатто молиявий-иқтисодий инқирозлар содир бўлган шароитларда ҳам ўз фаолиятини муваффақиятли давом эттирмоқда. Шу маънода, кичик корхоналар миллий иқтисодиёт аҳволининг жуда сезгир индикаторига, баҳо кўрсаткичига айланмоқда, деб тўла ишонч билан айта оламиз.

Агар тарихга эътибор берадиган бўлсак, ривожланган чет эл мамлакатларида кичик бизнес субъектлари сони XX асрнинг 70-йиллари ўрталаридан жадал кўпая бошлаганини кўрамыз. Бугунги кунга келиб, улардаги микрофирма ва кичик корхоналар салмоғи хўжалик юритувчи субъектларнинг 70–90 фоизини ташкил этаётгани эътиборлидир. Кичик фирмалар

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 11-жилд. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005 йил, 392–394-бетлар.

кўпгина давлатларнинг миллий иқтисодиётида иш билан банд аҳоли сони, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, кўрсатилаётган хизматлар ҳажми бўйича етакчи роль ўйнайди. Масалан, Европа Иттифоқи мамлакатларида улгуржи ва чакана савдо, озиқ-овқат саноати, қурилиш, сервис ва хизмат кўрсатишда кичик фирмалар салмоғи, айниқса катта (4-жадвал).

4-жадвал

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида кичик бизнес субъектларининг иқтисодиётдаги улуши¹

Мамлакатлар	Кичик бизнес субъектлари сони (мингта)	Хар 1000 аҳолига тўғри келадиган кичик бизнес субъектлари сони	Кичик бизнесда иш билан бандлар (миллион киши)	Кичик бизнесда иш билан бандларнинг бандлар умумий сонига нисбати, фоизда	Ялпи миллий маҳсулот ҳажмида кичик бизнеснинг улуши, фоизда
Буюк Британия	2930	46	13,6	49,0	50,0-53,0
Германия	2290	37	18,5	46,0	50,0-54,0
Италия	3920	68	16,8	73,0	57,0-60,0
Франция	1980	35	15,2	54,0	55,0-62,0
АҚШ	19300	74,2	70,2	54,0	50,0-52,0
Япония	6450	49,6	39,5	78,0	52,0-55,0

Ўзбекистонда ҳам бозор ислоҳотларига ўтишнинг энг асосий мақсадлари белгиланар экан, ташаббускорлик ва ишбилармонликни бутун чоралар билан ривожлантириш, тадбиркорликка эркинлик бериш, мулк эгалари ҳуқуқларининг давлат йўли билан ҳимоя қилишни таъминлаш, давлатнинг иқтисодиёт субъектлари хўжалик фаолиятига бевосита арала-

¹ Жаҳон банки маълумотлари // <http://www.worldbank.org>.

шувидан воз кечиш, бозорни тартибга солишда иқтисодий воситаларга устунлик бериш чоралари кўрилди. 1992-1993 йиллардаги «кичик хусусийлаштириш» деб ном олган хусусийлаштириш жараёнида дастлабки уй-жой, савдо ва умумий овқатланиш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари, маҳаллий саноат корхоналари давлат тасарруфидан чиқарилиб, 18184 та хусусий, 661 та ижара корхоналари ва бошқа мулк шаклдаги субъектлардан иборат 53902 та турли мулк объектлари вужудга келди.

Умуман, ушбу жараёнда миллий иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги давлат мулки ҳисобланган 31 мингдан зиёд корхона хусусий мулкдорлар ва акциядорлар ихтиёрига берилди. Қишлоқ хўжалиги, савдо, хизмат турларининг барчаси ва бошқа кўплаб тармоқлар деярли тўлиқ хусусий мулк соҳасига ўтказилди. Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқараётган тўқимачилик, трикотаж, чарм-пойабзал, озиқ-овқат, фармацевтика, мебель саноати, уй-жой секторида давлат мулкининг улуши кескин камайди. Бугунги кунда эса хусусий секторнинг улуши ахборот-коммуникация технологиялари ва хизматлари, мобиль алоқа тармоқлари, қурилиш ишлари ва бошқа соҳаларда ҳам тобора ортиб бормоқда. Бу эса мамлакатимиз иқтисодиёти таркибий жиҳатдан мутлақо янги босқичи кўтарилганини кўрсатади.

Соҳа ривожини таъминлаш учун кўплаб янги қонунлар ишлаб чиқилди ва мамлакатимиз парламенти томонидан қабул қилинди. Чунончи, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида», «Хусусий корхона тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида», «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида», «Рақобат тўғрисида» каби

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини асосини белгилаб берган қонунларнинг қабул қилиниши мазкур соҳани ҳар томонлама жадал ривожлантиришнинг мустақам ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда. Бир сўз билан айтганда умуман мамлакатимизда қулай тадбиркорлик муҳитини яратишга қаратилган 16 мингдан кўпроқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Натижада тадбиркорларнинг қуйидаги ҳуқуқлари мустақамлаб қўйилди:

- қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзига тегишли мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш;

- мустақил равишда ишлаб чиқариш дастурини шакллантириш, маҳсулот етказиб берувчиларни ва ўз маҳсулотининг (ишлари, хизматларининг) истеъмолчиларини танлаш;

- тадбиркорликдан чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олиш ва уни ўз ихтиёрига кўра тасарруф этиш;

- ўз маҳсулотини (ишлари, хизматларини), ишлаб чиқариш чиқиндиларини бозор конъюктурасидан келиб чиқиб, мустақил равишда белгиланадиган нархлар ва тарифлар бўйича ёки шартнома асосида реализация қилиш;

- бинолар, иншоотлар, ускуналар ва бошқа мол-мулкни, жумладан, лизинг йўли билан олиш ва ижарага олиш;

- белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;

- ўз корхонаси жойлашган ҳудуддаги муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш;

- товар-хомашё биржаси ва кимошди савдоларида, тендер танловларида иштирок этиш.

Ўзбекистонда давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тадбиркорлик фаолияти субъектларини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш чораларини кўради (9-расм).

Давлат ва назорат идораларининг корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятига аралашувини кескин камайтириш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий эркинлиги ва ҳуқуқларини сезиларли равишда кенгайтириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар қабул қилинди. Кейинги йилларда рухсат беришга оид тартиб-таомилларнинг 160 дан ортиғи ёки 44,0 фоизи, лицензиялаш талаб қилинадиган фаолиятнинг 19 тури ёки 25,0 фоизи бекор қилинди. Тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат органларига тақдим этиладиган статистика, солиқ ва молиявий ҳисоботларнинг шакли ва даврийлиги 1,5-2 марта камайтирилди. Бугунги кунда тадбиркорлик субъектларининг 98 фоизи солиқ ва статистика ҳисоботлари топширишни, божхона декларацияларини расмийлаштиришни бевосита электрон шаклда амалга оширмоқда.

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишда барча ҳужжатлар бир йўла қабул қилинадиган ва қатъий белгиланган муддатда кўриб чиқиладиган “ягона дарча” тартиби жорий этилгани ҳам соҳа вакиллари учун ҳар томонлама қулайлик туғдирмоқда.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови 12 фоиздан 6,0 фоизга, юридик шахслар учун фойда солиғи 15 фоиздан 10 фоизга, саноат соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 6 фоиздан 5,0 фоизга туширилди, экология солиғи, ягона солиқ, ялпи даромад солиғи ва айрим бошқа солиқлар тадбиркорлар учун бекор қилинди.

Тадбиркорлик фаолиятининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши

Давлат бошқаруви органларининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш соҳасидаги ваколатлари

Қонун ҳужжатларига риоя этилиши ва тадбиркорлик фаолиятининг ривожлантирилиши устидан мониторингни амалга ошириш, мавжуд муаммоларни ўрганиш ҳамда тадбиркорликнинг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш

Тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш

Тадбиркорлик фаолияти субъектларига молиявий, моддий-техник ва ахборот ресурсларидан фойдаланишда қўмаклашиш

Тадбиркорларга маҳсулотларини ички ва ташқи бозорда сотишда қўмаклашиш

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўртасида ахборот ва тушунтириш ишларини олаб боришда, консалтинг, лизинг, суғурта ва бошқа хизматлар тизимини ташкил этишда қўмаклашиш

Кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда тадбиркорлик фаолияти субъектларига қўмаклашиш

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш соҳасидаги ваколатлари

Тадбиркорликни ривожлантириш ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш


Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ҳимоя қилишнинг қўшимча кафолатлари ва чораларини белгилаш

Қонун ҳужжатларига мувофиқ маҳаллий солиқлар бўйича имтиёзлар белгилаш

9-расм. Тадбиркорлик фаолиятининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши

Тадбиркорлик фаолиятининг давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қўлланиши ушбу секторнинг жадал ривожланишини таъминлади. Натижада кичик

бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг локомотиви ва асосий йўналишларидан бирга айланди. Агар мустақилликкача Ўзбекистонда бирорта хусусий корхона номига ҳам бўлмаган бўлса, ҳозирги вақтда хўжалик юритувчи субъектларнинг 90 фоиздан кўпроги кичик бизнес субъектларидир. Бу сектор мамлакатимизда жиддий ва ўткир ижтимоий муаммони – меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш вазифасини муваффақиятли ҳал этмоқда. Бугунги кунда иш билан бандларнинг 78 фоизга яқини ана шу секторда ишламоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг ҳам ялпи ички маҳсулот ҳажми, инвестициялар, қурилиш ишлари ва экспортдаги улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда (10-расм).



10-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги улуши (фоиз ҳисобида)

Ўзбекистонни янада тараққий эттиришнинг бугунги босқичида ҳам тадбиркорликни янада ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларида бири ҳисобланади. **“Бизнинг бош вазифамиз, – деб таъкидлади Шавкат Миромонович Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президентига номзод сифатида Тошкет шаҳри сайловчилари вакиллари билан учрашувда сўзлаган нутқида, – тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш учун энг қулай шарт-шароитлар яратишни таъминлашдир. Бизнес билан шуғулланаётган ҳар бир кишида давлат томонидан қўллаб-қувватланишига қатъий ишонч бўлиши шарт. Одамлар бизнес билан шуғулланишдан манфаатдор бўлиши зарур. Тадбиркор ва халқ бой бўлса – мамлакат ҳам бой бўлади”**¹.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг кейинги пайтдаги барча чиқишларида ана шундай янги гоё, янги даъват ва ташаббуслар илгари сурилиб, ҳар томонлама асослаб борилмоқда.

Мамлакатимизда хусусий мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилишни янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, республикамизнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш мақсадида 2016 йил 5 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қа-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг Тошкент шаҳри сайловчилари вакиллари билан учрашувдаги нутқи //Тошкент оқшоми, 2016 йил 25 ноябрь.

бул қилингани бу борада айниқса катта амалий қадам бўлди. Ушбу ҳужжат мазкур соҳадаги давлат сиёсатининг сифат жиҳатидан янги даражага ўтаётганининг далолати бўлди.

Фармонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига аралашувни тубдан қисқартиш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олинишини таъминлаш давлат органларининг биринчи даражали вазифаси экани алоҳида таъкидланган. Ушбу мақсадларда давлат органларига, энг аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат идораларига:

- ўз фаолиятида белгиланган талабларнинг ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги тамойилининг сўзсиз амалга оширилишини таъминлаш, шу муносабат билан ўз вазифа ва ваколатларини танқидий қайта кўриб чиқиш;

- тадбиркорлик фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик ва тўсқинлик қилганлик, уларнинг фаолиятини асоссиз тўхтатиб қўйганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари талаблари қатъий бажарилишини, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига етказилган зарарнинг бевосита айбдорлардан ундирилишини таъминлаш топширилди.

Давлат органларига мазкур масалада айбдор ходимларга нисбатан нафақат интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликнинг энг қатъий чораларини қўллаш мажбуриятини юклаш, балки тадбиркорлик субъектларига етказилган зарарнинг бевосита ушбу ходимлардан ундирилишини таъминлаш вазифаси ҳам топширилди. Бундан кўзланаётган асосий мақ-

сад – ноқонуний текширишларни ташкил этишга ва уларни ўтказишга, айниқса, давлат органлари ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари оқибатида тадбиркорлик субъектларининг фаолияти асоссиз тўхтатилишига ва зарар етказилишига йўл қўймасликдир.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашидан ишончли ҳуқуқий кафолатларни таъминлаш учун туб жиҳатдан янги бир қатор механизмлар ҳам белгилаб қўйилди. Жумладан, 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб қуйидаги янги чоралар жорий этилди:

- тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режадан ташқари текширишларнинг барча турлари бекор қилинди, бундан юридик шахснинг тугатилиши билан боғлиқ текширишлар, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари тўғрисидаги мурожаатлари асосида фақатгина Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг қарорига мувофиқ ўтказиладиган қисқа муддатли текширувлар мустасно;

- тадбиркорлик субъектлари фаолиятини, шу жумладан, жиноят ишлари доирасидаги муқобил текширишларнинг барча турлари бекор қилинди.

Натижада назорат қилувчи органлар эндиликда режадан ташқари текширишлар ўтказишни ташкил қилиш ҳуқуқига эга эмас. Бунда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмларини таъминлаш мақсадида фақат жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари тўғрисидаги мурожаатлари асосида қисқа муддатли текширишлар ўтказишнинг чекланган имконияти сақланиб қолди. Бундай тек-

шириш фақат Республика кенгашининг қарорига мувофиқ ўтказилиши мумкин ва текшириш муддати бир иш куни билан чекланган.

Шу билан бирга фармонга мувофиқ, молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда биринчи марта ҳуқуқбузарликлар содир этган тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг ходимлари ҳамда тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказмасдан амалга ошираётган шахслар, улар томонидан етказилган зарар қопланган ва ҳуқуқбузилиши оқибатларини белгиланган муддатларда ихтиёрий бартараф этилган ҳолда, жавобгарликнинг барча турларидан озод қилинади. Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларига нисбатан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жиноий жазо қўллаш тақиқланди.

Мазкур норматив-ҳуқуқий қоидалар тадбиркорлик субъектларини икки марта жазолашни истисно этибгина қолмай, балки биринчи марта ҳуқуқбузарликни содир этган ва ўз хатосини тўғирлаган фуқароларга ўзининг тадбиркорлик фаолиятини салбий оқибатларсиз давом эттириш имконини беради. Бу чора уларнинг ишбилармонлик фаоллигини рағбатлантиришга ҳам йўналтирилган.

Шу муносабат билан Жиноят кодексига, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга, Солиқ кодексига ва бир қанча бошқа қонунларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиладиган бўлди.

Маълумки, ҳозирги вақтда диёрдаги бир қатор хорижий мамлакатларда Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институти амал қилади. Ушбу механизм тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳи-

моя қилишни таъминлашда, давлат тузилмалари билан муносабатларда уларнинг манфаатларини ифодалашда муҳим ўрин тутди. Мамлакатимизда ҳам тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида қонунлар ижроси устидан парламент назорати шаклларини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институтини ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил:

- тадбиркорлик субъектларининг фаолияти текширилаётганда уларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш;
- тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари ва талабларининг амалда рўёбга чиқарилаётганини ўрганиш;
- давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш тадбиркорлик субъектларининг фаолияти текширилаётганда уларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш;
- тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари ва талабларининг амалда рўёбга чиқарилаётганини ўрганиш;
- қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тадбиркорлик фаолияти амалга оширилишига таъсири самарадорлигини баҳолаш;

• давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу фармони қоидаларини амалда рўёбга чиқариш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш, хусусий мулкчиликни ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилаш борасида бешта энг устувор соҳа бўйича 42 та аниқ чора-тадбир амалга оширилишини назарда тутувчи комплекс чора-тадбирлар дастури ҳам тасдиқланди.

2015 йилда мамлакатимизда электрон тизимлардан фойдаланган ҳолда бизнес учун 16 турдаги давлат хизматларини юқорида зикр этилган “ягона дарча” тизими орқали амалга ошириш ташкил қилинган эди. Бу бизнес учун сезиларли енгилликлар туғдириб, тадбиркорларни маълумотнома ва рухсат берувчи ҳужжатлар олиш учун амалдорлар кабинетларига ойлаб қатнаб, хонама-хона юришлардан озод қилди.

2017 йилда эса соддалаштирилган “ягона дарча” тизими орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари турлари 30 тагача кўпайтирилади. Бунда ушбу жараёнларни амалда татбиқ этилиши бўйича назорат кучайтирилиб, уларни бажармаганлик учун маъмурий жазолаш нормалари қўлланадиган бўлади.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг экспорт контрактларини давлат божхона хизмати органларида ҳисобга қўйиш борасидаги талаб валюта назорати органлари томонидан Ташқи савдо опера-





цияларининг ягона электрон ахборот тизими орқали ташқи савдо контрактлари назорати ва мониторингини сақлаб қолиш шарти билан бекор қилинди. экспорт қилинаётган товарларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификат илгари худди шундай товар учун айнан сертификат олган аризачига бир иш куни мобайнида бериладиган бўлди.

Шавкат Миромонович Мирзиёев 2016 йил 14 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида қуйидаги фикрларни алоҳида таъкидлади: “Бундан кейин тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилиш – давлат сиёсатига, Президент сиёсатига тўсқинлик қилиш, деб баҳоланади. Принципиал жиҳатдан ғоят муҳим бўлган бу позициямизни яна бир бор алоҳида таъкидлаб ўтишни муҳим ва зарур деб ҳисоблайман. Сайловчилар билан учрашувларда нафақат тадбиркорлар, балки аҳолимизнинг кенг қатлами ана шу талабни қатъий қўллаб-қувватлаганига шахсан ўзим чуқур ишонч ҳосил қилдим”¹.

Ўзбекистон Республикаси Президенти қонун томонидан амалда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминлашнинг қўшимча ҳуқуқий кафолатларини яратиш, хусусий мулк ҳуқуқига ғайриқонуний тажовузларни, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига асоссиз аралашувларни чеклаш ва натижада ишчанлик фаоллиги ўсиши ҳамда мамлакатимиз инвестициявий жозибадорлигини ошириш мақсадида Олий Мажлисга «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини киритиш ҳақида қонунчилик ташаббуси билан чиқди.

¹ “Халқ сўзи” газетаси, 2016 йил 15 декабрь.

Маълумки, 2008 йилда Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) қўшилган. 2010 йилда эса мамлакатимиз Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти Коррупцияга қарши курашиш тармоғининг Истамбул ҳаракат дастурига ҳам қўшилди.¹

Миллий қонунларимизга халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган ушбу нормаларини сингдириш учун бир қатор муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, янги таҳрирдаги Бюджет ва Божхона кодекслари, «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги, «Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида»ги, «Электрон ҳуқумат тўғрисида»ги, «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Сенати Президент томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини кўриб чиқди ва уни қабул қилди. Ушбу янги қонун коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни ҳар томонлама тартибга солишга, давлат органлари, ташкилотлар ва фуқаролик жамияти институтлари томонидан амалга оширилаётган коррупцияга қарши чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга, жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг намоён бўлишига йўл қўймаслик, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш орқали жамия-

¹ “Халқ сўзи” газетаси, 2016 йил 15 декабрь сони.

тимизда коррупциянинг барча шаклларига нисбатан муросасиз муносабатни қарор топтиришга қаратилгани билан ниҳоятда муҳимдир.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатда коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат сиёсатининг асосий тамойиллари ва йўналишлари мустаҳкамланган, ваколатли органлар тизими келтирилган, ушбу соҳада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқароларнинг иштирок этиши механизми белгилаб берилган.

Коррупцияга қарши курашувчи субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларнинг ҳамкорлигини кучайтириш мақсадида ушбу қонун асосида Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика ва ҳудудий идоралараро комиссиялар ташкил этилиб, уларнинг таркибига жамоат бирлашмалари, тадбиркорлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг вакиллари киритилди.

Коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, давлат ва бизнеснинг ўзаро ҳамкорлигидаги маъмурий тўсиқларни бартараф этиш, давлат ресурсларидан фойдаланишнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш доирасида умумий эътироф этилган халқаро стандартлар асосида бошқа бир қатор қонунларни, шу жумладан, «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида», «Давлат харидлари тўғрисида» ва «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги қонунларни қабул қилиш ҳам назарда тутилмоқда. Айни пайтда жиноят ишлари бўйича текширишларни тайинлаш ва ўтказиш тартибининг аниқ ҳуқуқий тартиботини белгилаш учун «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан

назорат қилиш тўғрисида»ги қонунга, Жиноят-процессуал кодексига ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳам ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади. Бу ҳам тадбиркорлик субъектлари фаолиятига, шу жумладан, жиноят ишлари доирасида тергов қилишни амалга оширишда ноқонуний аралашуш имконини берувчи сабаб ва омилларни бартараф этишга кўмаклашади.

Тадбиркорлик субъектларига ва уларнинг ходимларига нисбатан маъмурий жазоларни қўллаш босқичидаги вазифа ва ваколатларни босқичма-босқич суд органларига ўтказиш йўли билан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд томонидан ҳимоя қилишни кучайтириш чоралари ҳам кўрилади. Яъни, тадбиркорлик субъектини текширган назорат қилувчи органнинг маъмурий ҳуқубузарлик тўғрисидаги ишни мустақил кўриб чиқиш ва бу орқали маъмурий ишларни кўриб чиқишдаги бетарафлик ва холисликка таъсир кўрсатувчи амалиёт бартараф этилади. Шунингдек, хўжалик судлари тизимига суд мажлисларини аудио ва видео воситасида қайд этиш, қабул қилинган қарорларнинг веб-сайтларда эълон қилиниши билан боғлиқ механизмлар жорий этилади. Ҳакамлар суди қарорларини мажбурий ижро этишга ижро варақасини олиш тўғрисидаги аризани беришда эса тадбиркорлик субъектлари давлат божи тўлашдан озод этилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз тижорат банклари олдидаги иш услубларини тубдан ўзгартириш, фуқароларимиз ва тадбиркорларнинг ҳақиқий ишончини қозониш ва уларга ҳақиқий кўмакдош бўлишга эришиш вази-

фасини қўйди. Бунга мисол тариқасида, жумладан, Тошкент шаҳрида 22 та тижорат банки ва уларнинг 123 та филиаллари фаолият юритиб, 38 мингдан ортиқ мижозларга хизмат кўрсатаётгани келтирилди. Агар тижорат банкларининг ҳар бир мижози томонидан қўшимча равишда камида 3 тадан иш жойи яратилса, биргина Тошкент шаҳри бўйича қўшимча тарзда 114 мингта иш ўрни яратилади. Ана шундай имкониятлар ҳисобга олинган ҳолда тижорат банклари томонидан 2017 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар учун йиллик 9-10 фоизли имтиёзли ставкада қарийб 1 триллион 208 миллиард сўмлик микрокредитлар бериш дастури ишлаб чиқилди.

Барча тижорат банклари ва уларнинг жойлардаги филиаллари зиммасига ҳам ўз имкониятларидан келиб чиқиб, тадбиркорларга молиявий кўмак ва мадад бериш вазифаси юклатилмоқда. Банклар одамларни тадбиркорликка, ишбилармонликка ўргатиши ва шунга етаклаши лозим бўлади. Бу фуқароларга боғдорчилик, чорвачилик, ҳунармандлик, касаначилик, хизмат кўрсатиш, сервис ва бошқа соҳаларда тадбиркорлик билан шуғулланиш, кичкина бўлса ҳам ўзининг корхонасини ташкил этиб, қонуний асосда даромад топиш, ўзини ҳам, оиласини ҳам молиявий жиҳатдан мустаҳкамлаш, айти пайтда маҳаллалари, туманлари ва шаҳарлари, умуман, мамлакатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиш имконини беради. Бундай сиёсатнинг асосий мақсади – ҳар бир фуқаро ўзининг куч ва имконияти, қобилияти ва салоҳиятини рўёбга чиқариши учун кенг шароит ва имконият яратиб беришдир.

Электротехника, машинасозлик, қурилиш-пудрат ташкилотлари, медицина хизматларини кўрсатиш

соҳаларида фаолият юритаётган кичик бизнес корхоналари учун янги рағбатлантирувчи асослар яратиш ҳам режалаштирилган. Бундай корхоналарда мавжуд имтиёзлардан фойдаланиш учун ходимларнинг йиллик сонини 120 нафардан 240 кишигача оширишга руҳсат берилади. Бунинг натижасида ушбу тармоқларда жами 15 мингга яқин янги иш ўринлари ташкил қилиниб, йилига 1 триллион 600 миллиард сўмдан ортиқ қўшимча маҳсулотлар ишлаб чиқарилади ва хизматлар кўрсатиш имконияти пайдо бўлади.



САРМОЯ – ЮКСАК ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

Хозирги юксак технологиялар шиддатли тараққиёт асрида сармоясиз тараққиёт йўқлиги, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни инвестицияларсиз тасаввур этиб бўлмаслиги оддий бир ҳақиқатдир. Сармоя – бу тараққиёт, ривожланиш асоси, локомативига айланиб бормоқда. Шунинг учун ўзининг ёруғ келажаги, тараққиётини ўйлаган ҳар бир мамлакат сармоядорлар учун инвестициявий муҳитни тубдан яхшилаш, уларга энг қулай шарт-шароитлар яратиш, зарур имтиёзлар тақдим этиш чораларини кўради.

Миллий иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси, янги корхона ва қувватларнинг ишга туширилиши, янги иш ўринларининг яратилиши, охир-оқибатда аҳолининг фаровонлиги инвестицияларга, сармояга, капиталга бевосита боғлиқдир. Ишлаб чиқаришга зарур миқдорда инвестициялар киритилган тақдирдагина иқтисодиётга янги технологияларни жорий этиш, инновациявий, бозорда рақобатдош бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш мумкин.

Инвестиция муҳити қулай бўлишини қуйидаги асосий омиллар белгилайди:

- хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича давлат сиёсати ҳамда бу масалада имтиёзларнинг мавжудлиги;

- хомашёлар ресурси (асосий турдаги табиий ресурслар билан таъминланганлик даражаси);

- ишлаб чиқаришнинг ривожланганлик даражаси (замонавий технологияларнинг мавжудлиги, ишлаб чиқаришнинг техникавий даражаси);

- истеъмол даражаси (аҳолининг жамланма харид қобилияти);

- инфратузилма (мамлакатнинг жўғрофий жойлашиши, инфратузилмаларнинг ривожланганлик даражаси);

- малакали ишчи кучи мавжудлиги ҳамда ўртача иш ҳақи даражаси;

- иқтисодий конъюктуранинг ҳолати;

- ички бозорнинг ривожланганлиги, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ташқи бозорда сотиш имкониятлари;

- кредит тизими, солиққа тортиш даражаси;

- интеллектуал салоҳият (аҳолининг таълим даражаси, юқори малакали мутахассисларнинг мавжудлиги);

- институционал ривожланиш (фан-техника ютуқлари жорий этилишининг даражаси).

Бизнинг мамлакатимизда инвестиция фаолиятини, жумладан, истиқболли хорижий инвестициявий лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш учун қонунчилик асослари яратилган. “Инвестиция фаолияти тўғрисида”, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”, “Хорижий инвесторлар ҳуқуқлари кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги қонунлар, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда





лари деб ҳисобланади. Бундай корхоналарга қўшимча солиқ, бож имтиёзлари ва бошқа имтиёзлар ҳамда рағбатлантириш омиллари берилади.

Ўзбекистон иқтисодиётига киритиладиган тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар ҳажми қуйидагича бўлганида солиқ имтиёзлари берилади:

- 300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача – 3 йил муддатга;
- 3 миллиондан ортиқ АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача – 5 йил муддатга;
- 10 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлганда – 7 йил муддатга.

Мамлакатимиздаги юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришга тўғридан-тўғри қўйилмалар киритаётган хорижий инвесторлар учун қулай инвестиция муҳитини яратиш, республикамиз минтақаларига хорижий сармоялар ва замонавий технологиялар жалб этилиши рағбатлантирилишини кучайтириш мақсадида хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун қўшимча кафолат ва имтиёзлар белгиланди.

Чунончи, хорижий инвесторнинг пул шаклидаги улуши 5 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган, янгитдан ташкил этилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб 10 йил мобайнида солиқ қонунчилигида ўзгаришлар юз берган ҳолларда, юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи (товарлар, ишлар, хизматларни реализация қилиш айланмаси), мол-мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона ижтимоий тўлов, ягона солиқ

тўлови, шунингдек, Республика йўл жамғармасига ҳамда Бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашнинг мазкур корхоналар давлат рўйхатидан ўтиш санасида амал қилган меъёрлари ва қоидаларини қўллашга ҳақлидир.


Қиймати 50 миллион АҚШ долларидан ошадиган ва хорижий инвесторнинг улуши камида 50 фоиз бўлган инвестиция лойиҳалари доирасида ишлаб чиқариш майдонидан ташқаридаги зарур ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш бюджет маблағлари ҳамда бошқа ички молиялаштириш манбалари ҳисобидан амалга ошириладиган бўлди.

Вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари, тижорат банклари томонидан хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг фаолияти билан боғлиқ қўшимча талаб ва чекловлар ўрнатилиши қатъиян тақиқланди ва бу ҳол қонунга хилоф деб ҳисобланиши белгилаб қўйилди.

Қулай инвестиция муҳитини яратишда сармоядорларга бериладиган имтиёзлар ҳам катта роль ўйнайди. «Procter and Gamble» компанияси томонидан ишлаб чиқилган усулга биноан Ўзбекистонда бошқа мамлакатларга қараганда қулайроқ инвестиция муҳити мавжуд (11-расм). Яъни, ушбу усулга кўра, Ўзбекистон иқтисодиётига, масалан, 100 миллион АҚШ доллари миқдоридан инвестиция киритган сармоядор инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши лавомида 75 миллион АҚШ доллари миқдоридан маблағини тежайди. Қозоғистонда эса бу кўрсаткич –

65 миллион долларга, Хитойда – 60 миллион долларга, Буюк Британияда – 30 миллион долларга, Россияда – 25 миллион долларга тенг бўлади.

Мамлакатимизда миллий иқтисодиёт ривожланишининг асоси ҳисобланган бой ва қудратли минерал-хомашё базаси мавжуд. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ҳудудида 1800 дан кўпроқ конлар, 1000 га яқин истиқболли фойдали қазилмалар, шу жумладан, 118 та минерал хомашё қазилмалари бўлиб, уларнинг 65 таси ўзлаштирилмоқда. 1500 та кон, шу жумладан, 188 та нефть, газ ва конденсат, 48 та нодир металллар, 43 та рангли, ноёб ва радиоактив металллар, тоғ, 22 та кимё кон ўрганилган.



11-расм. Жаҳон мамлакатларининг инвестициялар киритиш учун жозибadorлиги (инвестиция миқдорига нисбатан фоиз ҳисобида)


Давлатимиз газ, кўмир ва уран захираси миқдорининг салмоғи бўйича жаҳондаги энг қудратли 10 та етакчи мамлакат сафидан ўрин олган. Умуман, мамлакатимизнинг минерал-хомашё салоҳияти 11 триллион АҚШ долларини ташкил этади. Шу билан бирга, республикамиз муқобил қуёш ва шамол энергиясининг ҳар йиллик 51 миллиард тонна нефть эквивалентига тенг манбаларига эга ва амалда улардан фойдаланиш бошланди.

Ўзбекистон – иқтисодий ҳамкорлик учун қулай, минтақавий ва трансмиллий лойиҳаларда транспорт йўлакларига эга бўлган Марказий Осиёнинг чорраҳасида жойлашган давлат. Мамлакатимизга ўз сармояларини киритадиган хорижий компаниялар Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидан ташқари иқтисодиёти жадал ривожланиб бораётган Марказий ва Шарқий Европа, Жануби-Шимоли-Шарқий Осиё, Яқин Шарқ давлатлари бозорларига чиқиш имкониятига эгадир.

Яна бир муҳим омил – Ўзбекистоннинг юқори мадакага эга бўлган кадрлар ва интеллектуал салоҳиятидир. Мамлакатимиз аҳолисининг тўла саводхонлиги, замонавий халқаро андозаларга ҳар томонлама жавоб берадиган таълим-тарбия тизимининг шаклланиши, малакали мутахассисларнинг, нисбатан арзон иш кучининг мавжудлиги ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистондаги қулай инвестиция муҳити миллий иқтисодиётга сармоялар киритиш ҳажмини тобора кескин оширишга хизмат қилмоқда. Агар 1990 йилда республикамиз иқтисодиётига капитал қуйилмалар миқдори атиги 833,8 миллион АҚШ долларини ташкил этган, инвестиция портфелида хорижий сармоялар деярли бўлмаган бўлса, 2015 йилда мам-

лакатимиз иқтисодиётга киритилган инвестициялар деярли йигирма баробар ортди, уларнинг 3 миллиард 300 миллион АҚШ доллари миқдоридagi қисми хорижий инвестициялар бўлиб, бу сармоянинг 73 фоизи тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларидир (12-расм).



12-расм. Ўзбекистон иқтисодиётга жалб этилган инвестицияларнинг кўпайиш динамикаси (миллион АҚШ доллари ҳисобида)

Ўзбекистонда амалга оширилаётган инвестиция сиёсатининг ўзига хос хусусияти маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлашни таъминлайдиган, юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этишга қаратилган инвестиция лойиҳаларига устувор аҳамият берилишидадир.

Фақат 2015 йилнинг ўзида инвестицияларнинг 67,1 фоизи янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилди. Бу умумий қиймати 7 миллиард 400 миллион доллар бўлган 158 та йирик ишлаб чиқариш объекти қурилишини якунлаш ва фойдаланишга топшириш имконини берди.

Мамлакатимизда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ташкил этилган. Унинг асосий вазифаси миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари ва йўл-ком-

муникация соҳасидаги стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини хорижий шериклар билан ҳамкорликда молиялашда фаол иштирок этишдан иборатдир. Жамғарма фаолият бошлаганидан буён ўтган қисқа вақт мобайнида 15 миллиард доллардан зиёд миқдордаги активларга эга бўлган қудратли молия институтига айланди. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ўз маблағлари билан умумий қиймати 29 миллиард АҚШ долларидан ортиқ 86 та стратегик аҳамиятга молик инвестиция лойиҳасини ҳамкорликда молиялаштиришда иштирок этмоқда.


Миллий иқтисодиётни ривожлантиришни молиялаштиришда мамлакатимиз тижорат банкларининг роли ҳам ортиб бормоқда. Ҳозирги вақтда республикамизда 26 та тижорат банки фаолият юритмоқда, уларнинг 7 таси хусусий банк, 5 таси эса чет эл капитали иштирокидаги банклардир.

Мамлакатимиз банк тизими капиталининг етарлик даражаси 2015 йилда 23,3 фоизни ташкил этиб, у халқаро банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан 8 фоиз қилиб белгиланган талабга нисбатан қарийб 3 баробар зиёддир. 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, банкларнинг умумий капитали 7 триллион 800 миллиард сўмдан ошди, активлари эса 2015 йилнинг ўзида 25,1 фоизга ўсиб, 65 триллион 200 миллиард сўмга етди. Тижорат банкларининг барқарор ҳолати банк тизимига бўлган ишончининг ортиши ва мамлакатимиз аҳолисининг реал даромадлари ўсиб бораётгани самарасидир.

Банкларимизнинг салоҳияти халқаро рейтинг агентликлари томонидан тасдиқланиб келмоқда. “Moody’s”, “Standard & Poor’s” ва “Fitch Ratings” халқаро рейтинг агентликлари Ўзбекистон банк ти-

зимининг ривожланиш истиқболларига 2015 йилда кетма-кет олтинчи йил «барқарор» рейтинг баҳосини берди.

Республикаимизнинг тижорат банклари саноатда юқори технологиялар асосидаги ва замонавий бўлган энг муҳим объектлар ҳамда қувватларни ишга тушириш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ва модернизация қилишни молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирларни амалга оширмоқда. 2015 йилнинг ўзида иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми 27,3 фоиз кўпайиб, 42 триллион 700 миллиард сўмдан ортди (13-расм).



13-расм. Ўзбекистон тижорат банкларининг миллий иқтисодиёт реал секторига киритаётган инвестицияларининг кўпайиш динамикаси (миллиард сўм миқдориди)

Ўзбекистон жаҳон ва минтақавий молия муассасалари билан ҳам ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаб, кенгайтириб ва чуқурлаштириб бормоқда. 1992 йил сентябрь ойидан бошлаб Ўзбекистон Жаҳон банкининг тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади. Жаҳон банки 1993 йили Тошкентда ўз ваколатхонасини очди.

Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги фаолияти асосий йўналишлари қуйидагилардан иборатдир:

- бозор тузилмаларини шакллантиришда техник ёрдам кўрсатиш;
- ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга молиявий жиҳатдан кўмак бериш;
- мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш.

Жаҳон банки ёрдамида мамлакатимиз тижорат банкларида халқаро бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботини юритиш халқаро андозаларга мувофиқ йўлга қўйилди, шунингдек, уларда ички аудит хизмати институти ташкил этилди. Айни пайтда тижорат банкларида такомиллаштирилган замонавий тўлов тизими жорий қилинди, шунингдек, ликвидликни бошқариш такомиллаштирилди.

Жаҳон банки ажратган маблағлар ҳисобига республика шаҳар ва туманларида сув таъминоти тизimini яхшилаш, электр энергия истеъмолини ҳисобкитоб қилиш бўйича замонавий технологияларни жорий қилиш, қишлоқ хўжалик корхоналарини техника, ишлаб чиқариш ускуналари билан таъминлаш, паррандачилик, балиқчилик ва чорвачиликни ривожлантириш бўйича ҳам кўплаб лойиҳалар амалга оширилди.

Мамлакатимиз билан Жаҳон банки ўртасида 2012–2015 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик стратегиясида умумий қиймати 1350 миллион АҚШ долларига тенг лойиҳаларни Халқаро тараққиёт ассоциациясининг имтиёзлари ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг қарзлари ҳисобидан молиялаштириш кўзда тутилган эди. Ушбу ҳамкорлик

стратегияси асосида қуйидаги йўналишларда қўшма лойиҳалар амалга оширилди:

- энергетика тизимини модернизация ва реконструкция қилиш;
- ирригация-дренаж тармоқларини таъмирлаш ва реконструкция қилиш;
- коммунал хўжалик инфратузилмасини такомиллаштириш;
- тиббиёт муассасаларини асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ва уларнинг тармоқларини ривожлантириш.

Ҳозирги пайтда Жаҳон банки Ўзбекистон ҳукумати билан биргаликда умумий миқдори 1 миллиард 600 миллион АҚШ долларидан кўп бўлган 14 та лойиҳани амалга оширишни давом эттирмоқда. Жаҳон банкнинг айниқса қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришдаги иштироки тобора кенгайиб бормоқда. Ушбу банк иштирокида ҳозиргача умумий қиймати 380 миллион доллар бўлган 8 та лойиҳа амалга оширилди. Жаҳон банки билан ҳамкорликда мамлакатимизнинг еттита вилоятида жорий этилаётган, боғдорчилик ва сабзавотчиликни комплекс модернизация қилишга қаратилган, умумий қиймати 200 миллион доллар бўлган лойиҳа катта истиқболга эга бўлиб, унинг доирасида уруғчилик, ўсимликлар селекцияси ва муҳофазаси соҳасидаги илмий-тадқиқот салоҳиятимизни модернизация қилиш ва ошириш, шунингдек, замонавий агротехнологиялар йўналишида сармоялар киритиш мақсадида фермер хўжаликлари ва кичик бизнес субъектлари учун кредит линияларини очиш кўзда тутилмоқда. Мазкур лойиҳанинг истиқболли ва янгилиги БМТ қошидаги Глобал экологик фонднинг ҳам эътиборини тортди, ушбу фонд то-

монидан фермер хўжаликларида илғор технологияларни жорий этиш ва янги замонавий ускуналарни харид қилишга қаратилган 13 миллион долларлик грант тақдим этилди.

Шу билан бирга, Жаҳон банки билан бирга Жанубий Қорақалпоғистонда узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ҳисобидан сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш бўйича 260 миллион долларлик йирик лойиҳани амалга оширишга киришилмоқда. Мазкур лойиҳа доирасида яроқсиз ҳолга келиб қолган 30 минг гектар ерни қайта тиклаш режалаштирилмоқда. Келгусида бу майдонларда диверсификациялашган ва юқори даражада механизациялашган озиқовқат маҳсулотлари етиштириш мўлжалланмоқда.

Осиё тараққиёт банки – Осиё ва Тинч океани минтақаси мамлакатларидаги ривожланиш лойиҳаларини узоқ муддатли кредитлаш бўйича мамлакатлараро йирик молия институтларидан биридир. Ўзбекистон 1995 йил август ойида ушбу банкнинг аъзоси бўлган. 1997 йилда Тошкентда Осиё тараққиёт банкининг ваколатхонаси очилган.

Ўзбекистонда Осиё тараққиёт банки билан биргалликда амалга оширилаётган дастур ва лойиҳалар тўрт асосий тармоқни мужассамлаштирган:

- қишлоқ хўжалиги;
- хусусий тадбиркорликни ривожлантириш;
- транспорт ва божхона транзити соҳасида минтақавий ҳамкорлик;
- болалар ҳимояси ва бошланғич таълимни эгаллашга қаратилган ижтимоий хизматларни такомиллаштириш.

Банк республикамиз ҳукумати билан биргалликда дон экинлари ҳосилдорлигини кўтариш лойиҳасини амалга

ошириши натижасида дон экинларининг ҳосилдорлиги икки баробар кўпайди. Осиё тараққиёт банки, шунингдек, қишлоқ жойларда сув таъминотини яхшилаш лойиҳаларини молиялаштирмоқда. Банк мамлакат хукумати билан минтақавий транспорт йўлагиди ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган 660 километр темир йўл тармоғини такомиллаштириш ишларини амалга оширди.

Банк ҳамкорлигида “Дарсликлар ва ўқув адабиётлари нашр этилиши тизимини такомиллаштириш” инновация лойиҳасининг амалга оширилиши умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан ижара тариқасида таъминлашни жорий этишга хизмат қилди. Осиё банки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар учун кредитлар ажратади, тижорат банклари орқали савдони молиялаштиришни қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистоннинг “Агробанк”, “Асакабанк” ва “Ҳамкорбанк” тижорат банклари Осиё тараққиёт банки билан савдони молиялаштириш бўйича битим имзолаган. Бу Осиё тараққиёт банкининг савдони молиялаштириш бўйича Марказий Осиё минтақасидаги биринчи келишуви бўлди. Банкнинг 2004 йилдан амалга оширила бошланган савдони молиялаштириш дастурининг (Trade Finance Facilitation Program) қиймати 1 миллиард АҚШ долларини ташкил этиб, у Осиё тараққиёт банкига аъзо бўлган ривожланаётган давлатларнинг тижорат банкларига кредит ва кафолатлар бериш орқали уларнинг молиявий ресурсларидан фойдаланишларини таъминлайди. Бунадан ташқари, мазкур дастур банкка аъзо бўлган ривожланаётган давлатлар тижорат банклари ва компанияларининг бошқа мамлакатлардаги шериклар билан ҳамкорлик қилишини қўллаб-қувватлайди.

Осиё тараққиёт банки билан Ўзбекистон ҳукумати ўртасида умумий қиймати 1 миллиард 100 миллион 400 минг АҚШ долларини ташкил этадиган тўртта кредит битими имзоланган. Бу лойиҳалардан энг йириги – 350 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит Толлимаржон иссиқлик электр станциясида қуввати 800 мегаватт бўлган, Марказий Осиёда биринчи газ электр станцияси қурилишига йўналтирилади. Умуман, бу лойиҳанинг қиймати 1 миллиард 200 миллион 800 минг АҚШ долларини ташкил этиб, унда, шунингдек, Япониянинг ҳамкорлик бўйича халқаро агентлиги 300 миллион доллар ҳамда “Ўзбекэнерго” давлат компанияси билан бирга Ўзбекистоннинг тикланиш ва тараққиёт жамғармаси 630 миллион доллар маблағ киритиш билан иштирок этмоқда.

Шу билан бирга, Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлик дастури доирасида умумий қиймати 600 миллион АҚШ долларини ташкил этадиган 220 километр йўлни таъмирлаш лойиҳаси ҳам амалга оширила бошланди. Бу йўл Ўзбекистонни Афғонистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон билан боғлайди. Осиё тараққиёт банкининг маблағлари Ғузор–Бухоро–Нукус–Бейнов оралиғидаги йўлни таъмирлашга йўналтирилади.

Осиё тараққиёт банки Ўзбекистон билан 2012–2016 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик стратегиясини қабул қилган. Унда асосий эътибор республикамизда саноатни модернизация қилиш, шаҳар инфратузилмаси ва уй-жой хизматлари, коммуникация, энергетика, сув тармоқлари ва транспортни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга ва молиявий

хизматлар имкониятларидан фойдаланишни кенгайтиришга қаратилган.

Осиё тараққиёт банки Ўзбекистон билан 20 йиллик ҳамкорлик давомида республикамизга умумий қиймати 2 миллиард 477 миллион 900 минг АҚШ долларидан ортиқ бўлган 40 та кредит маблағи ажратди. Аини пайтда умумий қиймати қарийб 900 миллион долларни ташкил этадиган 18 та кредит маблағини ўзлаштириш давом этмоқда. Улар қишлоқ хўжалиги, транспорт инфратузилмаси, ичимлик суви таъминоти тармоғида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, шунингдек, таълим ҳамда кичик бизнесни ривожлантириш соҳасидаги ислохотларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган.

Осиё Тараққиёт банки (ОТБ)нинг Европа мамлакатлари бўйича минтақавий директори ўринбосари **Сабясачи МИТРА** мамлакатимиз билан ҳамкорлик истиқболлари ҳақида бундай деган эди:

«Бизнинг Ўзбекистон билан Ҳамкорлигимиз учун асосий йўналишдан иборат. Бу – иқтисодий ижтимоий йўналтирилган ҳолда ривожлантириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида барқарор ҳолатга эришиш ҳамда аҳоли турмуш даражасини ошириш мақсадида минтақавий алоқа масалаларидир. Бундан ташқари, биз экология, таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, молия тармоғини тараққий топтириш каби стратегик минтақавий лойиҳаларни амалга ошириш борасида ҳамкорлик қиламиз.

2016 йил якунларига кўра, ОТБ Ўзбекистондаги бизнес лойиҳаларга грант ва кредит сифатида 1,6 миллиард АҚШ доллари миқдоридан маблағ йўналтирди. Ўзбекистон билан ОТБ ўртасида алоқалар йўлга қўйилган 1995 йилдан бошлаб эса респуб-

ликага ажратилган кредитлар ҳажми 5,14 миллиард АҚШ долларини ташкил этди.

Ўзбекистон билан келгусидаги ҳамкорлигимиз хусусий тармоқни мобиллаштириш ҳамда саноатни ривожлантириш, шунингдек, шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги тафовутни барҳам топтиришга қаратилади».


Ислом тараққиёт банки ҳам Ўзбекистонда истиқболли лойиҳаларни амалга оширмоқда. Хусусан, ушбу банк Хоразм, Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг ирригация тизимларини қайта тиклаш бўйича умумий қиймати 143 миллион доллар бўлган иккита лойиҳани молиялаштирмоқда. Ҳозирги вақтда эса банк Сурхондарё вилоятида сув ресурсларини бошқаришни яхшилашга қаратилган лойиҳани амалга оширишга киришган.

Умуман, Ўзбекистон ҳозирги вақтда дунёнинг 120 дан ортиқ мамлакати билан савдо-иқтисодий муносабатларни амалга оширмоқда. Мамлакатимиз ўз ташқи савдоси тартибини либераллаштириш ва уни Халқаро савдо ташкилоти талабларига мослаштириш сиёсатини изчил амалга оширмоқда. Ҳозирги вақтда республикамиз савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро битимлар имзоланган 38 давлатга энг қулай тартибни тақдим этган.

Мамлакатимизда эркин савдо зонаси ташкил этиш тўғрисида битим имзолаган давлатлар товарларига нисбатан бож тўловлари бекор қилинган. Бундай мамлакатлар қаторига Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Грузия, Қозоғистон, Молдова, Россия, Украина ва Тожикистон киради.

1990 йилда республикамизнинг ташқи савдо айланмаси 805,6 миллион АҚШ долларини, шу жум-

ладан, экспорт – 442,7 миллион долларни, импорт – 362,9 миллион долларни ташкил этган бўлса, 2014 йилда мамлакатимизнинг ташқи савдо айланмаси 280 миллиард 930 миллион 300 минг АҚШ доллари, шу жумладан, экспорт – 14 миллиард 109 миллион долларни, импорт – 13 миллиард 984 миллион 300 минг долларни ташкил этди, яъни, 24 йилда 36 баробар ортди (14-расм).



14-расм. Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолияти асосий кўрсаткичларининг динамикаси (миллион АҚШ доллари ҳисобида)

Энг муҳими, ташқи савдо таркибида чуқур сифат ўзгаришлари рўй берди. Мустақилликкача асосан четга пахта толаси чиқариб келган республикамиз ҳозирги кунда хорижий мамлакатларга қўшимча қиймати юқори бўлган тайёр маҳсулотларни экспорт қилиш ҳажмини йилдан-йилга кўпайтириб бормоқда (7-жадвал).

Ўзбекистон ташқи савдосининг таркиби

Кўрсаткичлар	1990	2000	2010	2014
Ташқи савдо айланмаси, миллион доллар ҳисобида	805,6	6212,1	21842,2	28093,3
Экспорт	442,7	3267,4	13044,5	14109,0
Импорт	362,9	2947,4	8799,7	13984,2
Сальдо	+79,8	+317,3	+4244,8	+124,7
Экспорт, фоиз ҳисобида	100,0	100,0	100,0	100,0
Пахта толаси	59,7	27,5	11,3	7,4
Кимёвий маҳсулотлар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар	2,3	2,9	5,1	4,6
Қора ва рангли металллар	4,6	6,6	6,8	6,9
Машина ва асбоб-ускуналар	1,7	3,4	5,5	3,9
Озиқ-овқат маҳсулотлари	3,9	5,4	9,7	11,9
Энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари	17,1	10,3	24,8	26,0
Хизматлар	1,3	13,7	9,1	21,5
Бошқалар	9,4	30,2	27,7	17,8
Импорт, фоиз ҳисобида	100,0	100,0	100,0	100,0
Озиқ-овқат маҳсулотлари	48,9	12,3	10,9	10,8
Кимёвий маҳсулотлар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар	9,7	13,6	14,3	15,9
Қора ва рангли металллар	10,2	8,6	8,4	8,0
Машина ва асбоб-ускуналар	12,1	35,4	44,1	39,5
Энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари	3,1	3,8	6,0	6,2
Хизматлар	1,5	8,5	4,7	8,0
Бошқалар	14,5	17,8	11,6	11,6

Ўзбекистонда саноатни жадал ривожлантириш, маҳаллийлаштириш дастурларини изчил амалга ошириш ҳисобидан кўпгина буюм ва маҳсулотларни, шу жумладан, ёқилғи, пойафзал, алкоголь ва алкогольсиз ичимликлар импорт қилиш ҳажми камайди. Масалан, озиқ-овқат ва халқ истеъмоли маҳсулотларининг импорти икки баробар камайди. Умуман, импортнинг қарийб тўртдан уч қисмини республикаимиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг стратегик мақсадларига хизмат қилаётган техника воситалари, машина ва ускуналар, товарлар ташкил этади.

Мамлакатимиз ташқи савдо ҳажмининг кескин ўсишида ташқи иқтисодий алоқалар билан шуғулланаётган тадбиркорлар сонининг ортиши, уларга берилган имтиёзлар, ички ва ташқи бозорларда рақобатдош бўлган тайёр товарларни ишлаб чиқаришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чораларнинг қўлланиши ва бошқа чора-тадбирларнинг роли катта бўлди. Жумладан, экспортга йўналтирилган ва маҳаллийлаштириладиган ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, бу борада замонавий, мослашувчан технологияларни жорий этишга биринчи даражали аҳамият берилмоқда.

1990–2014 йилларда Ўзбекистон экспорти таркибида машина ва ускуналарнинг салмоғи 2,1 баробар ортгани диққатга сазовордир. Мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини оширишда енгил саноат муҳим ўрин тутади. “Ўзбекенгилсаноат” акциядорлик компанияси таркибига кирувчи корхоналар ҳозирги вақтда пахта толасини чуқур қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳисобидан экспорт ҳажмини 10 маротаба оширишни таъминламоқда.

Ишончим комилки, биз биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчиликни бундан буён ҳам мустаҳкамлаб, минтақавий ва халқаро масалаларда конструктив ҳамкорликни янада кенгайтираимиз. Бу мамлакатларимиз халқларининг туб манфаатларига мос келади, Марказий Осиёда ва бутун Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги маконида барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёевга
Россия Федерцияси Президенти
Владимир Путиннинг табригидан

Бу ўринда республикамизда ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик маҳсулотларининг 75 фоизи қўшма ва чет эл корхоналари улушига тўғри келишини алоҳида таъкидлаш керак. Улар жаҳондаги етакчи тўқимачилик машинасозлиги компанияларидан «Трючлер», «Шлафхорст», «Цинзер» (Германия); «Ритер» (Швейцария); «Тойота», «Мурата» (Япония), «Савио», «Оризио», «Марцоли» (Италия) ва бошқа нуфузли фирмаларнинг энг замонавий дастгоҳ ва ускуналари билан жиҳозланган.

Ўзбекистонда умуман 90 дан ортиқ мамлакатнинг хорижий капитали иштирокида ташкил этилган 4 мингдан зиёд корхона муваффақиятли фаолият юритмоқда. Жумладан, машинасозлик соҳасида АҚШнинг «Женерал моторс», Германиянинг «МАН», «Клаас», Япониянинг «Исузу» компаниялари, нефть-газ соҳасида Жанубий Кореянинг «Лотте кемикал» ва «Қогаз» компаниялари, кимё саноатида Испаниянинг «Максам» компанияси, тўқимачилик саноатида

Сингапурнинг “Индорама”, Жанубий Кореянинг “Дэу текстиль”, “Янг вон”, Швейцариянинг “Ритер” компаниялари, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида Хитойнинг “Хуавей” ва “ЗТЕ”, озиқ-овқат саноатида Швейцариянинг “Нестле” компанияси, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда Германиянинг “Кнауф”, Хитойнинг “Пенг Шенг”, фармацевтика саноатида Швейцариянинг “Нобель” компаниялари ва шунингдек, бошқа кўплаб хорижий инвесторлар иштирокида ташкил этилган қўшма корхоналар мамлакатимизда самарали фаолият олиб бормоқда.


Ўзбекистонда хизматларни экспорт қилиш ҳажми ҳам ошириб бормоқда. Хорижий шерикларга темир йўл ва ҳаво транспорти, сайёҳлик хизматлари кўрсатиш ҳажмлари кейинги йилларда сезиларли даражада ортди. Айти пайтда республикамиз импортида миллий иқтисодиётни модернизация қилиш учун зарур бўлган машина ва ускуналар салмоқли ўринни эгаллайди.

Маҳсулотларини экспортга чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатдошлигини таъминлаш учун корхоналарнинг айланма маблағларини тўлдиришга имтиёзли кредитлар ажратилади. Тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган, хорижий инвестициялар иштирокида ташкил этилган корхоналарга солиқ ва тўловлар бўйича ҳам имтиёзлар берилган.

Россия Федерацияси, Қозоғистон, Хитой Халқ Республикаси, Корея Республикаси, Туркия, Франция Ўзбекистоннинг энг йирик савдо шериклари ҳисобланади (15-расм).

Мамлакатимизга чет эл сармояларини, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб

қилишни янада жадаллаштириш энг долзарб вази-
фалардан биридир. Хорижий сармояларни ва илғор
технологияларни иқтисодиётга жалб этиш учун Ўз-
бекистоннинг чет эллардаги дипломатик ваколатхо-
налари жиддий иш олиб боришлари лозимлиги, бу-
нинг учун Ташқи ишлар вазирлигининг фаолияти
кучайтирилиши, чет мамлакатлардаги элчиларимиз
нафақат сиёсий, айтини вақтда юртимизга инвести-
цияларни жалб қилиш масалалари билан ҳам фаол
шуғулланишлари даркорлиги Президентимиз Шав-
кат Мирзиёев томонидан алоҳида таъкидланди.



15-расм. Ўзбекистоннинг энг йирик савдо шериклари (2014 йил якуни бўйича мамлакатимиз экспорти ва импорти ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида)

Ташқи ишлар вазирлиги ва бошқа давлат идора-
ларининг бу йўналишлардаги фаолияти устидан са-
марали парламент назорати тизимини яратиш мақ-
садида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан

Сенат раисининг биринчи ўринбосари лавозими жорий этилди ва Сенатнинг Ташқи сиёсат масалалари қўмитасининг фаолияти тубдан такомиллаштирилиб, унинг фаолият соҳаси ва ваколатлари жиддий равишда кенгайтирилди.

Марказий бошқарув органлари – Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, божхона тизими ва бошқа идоралар фаолиятини тубдан яхшилашга доир комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш лозимлигига Президентимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилди.

Давлат муассасалари ходимларининг масъулиятини ошириш ва шунингдек, уларнинг ҳуқуқлари кафолатларини мустаҳкамлаш мақсадида «Давлат хизмати тўғрисида»ги қонун қабул қилиниши зарурлиги ҳам таъкидланди.

Чет эл инвестицияларини мамлакатимизга жалб этишда эркин иқтисодий зоналарнинг аҳамияти каттадир. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб эркин иқтисодий зоналар халқаро иқтисодий муносабатларнинг ажралмас қисмига айланди. Жаҳон хўжалик алоқалари учун эркин иқтисодий зоналар халқаро товар айирбошлашни фаоллаштириш ҳисобидан иқтисодий ўсишни тезлаштириш, сармояларни жалб этиш, иқтисодий жараёнларни чуқурлаштириш омил сифатида муҳим роль ўйнамоқда. Ўтган асрнинг 90-йилларида турли кўринишдаги минглаб эркин иқтисодий зоналар фаолият кўрсата бошлади. Бугунги кунда дунёда 3,5 мингдан зиёд эркин иқтисодий зоналар мавжуд бўлиб, улар 140 тага яқин

мамлакатда жойлашган. Бутун дунёдаги эркин иқтисодий зоналарларда салкам 70 миллион киши меҳнат қилади. Уларнинг йиллик савдо айланмаси эса 500 миллиард доллардан зиёддир.

Ўзбекистонда ҳам 2009 йилда биринчи марта “Навоий” эркин иқтисодий зонаси ташкил этилган эди. Бундан кўзланган асосий мақсад қуйидагилардан иборат эди. Аввало, жаҳон стандартларига жавоб берадиган рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш учун хорижий инвестицияларни, биринчи галда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишга қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, Навоий вилоятининг саноат салоҳиятини, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш вазифалари белгиланган эди.

Эркин иқтисодий зонани ташкил этиш учун айнан Навоий вилоятининг танлангани тасодифий ҳол эмасди, албатта. Маълумки, бу минтақада йирик саноат мажмуасида, жумладан, 20 тадан кўпроқ йирик саноат корхоналари мавжуд. Биргина Навоий кон-металлургия комбинатида Ўзбекистонда қазиб олинаётган олтиннинг 80 фоизи, уран концентрати ва фосфор ўғитлари учун зарур бўлган хомашёнинг ҳаммаси ишлаб чиқарилади. Вилоят саноат корхоналарининг маҳсулотлари жаҳоннинг 50 дан кўпроқ давлатларига экспорт қилинади.

Эркин иқтисодий зонани ташкил этишда ушбу худуднинг йирик истеъмолчиларга яқинлиги ҳам ҳисобга олинган. Навоий шаҳри Фарб ва Шарқни боғлайдиган қадимги Буюк ипак йўли маршрути марказида, Европани Хитой билан боғлайдиган автомобиль ма-

гистрали ёнида жойлашган. Бу ердан ўтадиган темир йўл эса бевосита Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Марказий Осиё, Жануби-Шарқий Осиё, Европа, Яқин Шарқ ва Форс кўрфази мамлакатларига чиқиш имконини беради. “Ўзор-Бойсун-Қумқўрғон” темир йўлининг фойдаланишга топширилиши эса мамлакатимизнинг Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистон билан қисқа ва қулай транзит алоқасини йўлга қўйиш имконини яратди.

Ўзбекистон орқали Хитой-Европа йўналишида автомобилларда юк ташиш ҳар бир транспорт бирлиги учун сарф-харажатларни 800 АҚШ долларига арзонлаштириш имкониятини бериши ҳам логистикадаги муҳим омиллардан ҳисобланади. Тошкентдан Эроннинг Бандар Аббос портига контейнер поезде қатнови 7 кунда, Тошкентдан Техрон орқали Истамбулгача эса 10 кунда етиб боради. Бу Ўзбекистонни айланиб ўтишга қараганда юкларни 2 баробар тезроқ манзилга етказиб бериш имконини беради.

Бугунги кунда “Навоий” эркин иқтисодий зонасида жами 18 та давлат, жумладан, Хитой, Сингапур, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Италия, Бирлашган Араб Амирликлари, Буюк Британия, Россия каби мамлакатларнинг фирма ва компаниялари билан ҳамкорликда автомобиль саноати учун зарур эҳтиёт қисмлар, энергетика тизимида фойдаланиладиган кабель, рақамли телемосламалар, маиший электрон техникалар ва бошқа 100 дан ортиқ турдаги рақобатдош ва харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. “Навоий” эркин иқтисодий зонасига киритилган инвестицияларнинг 34,2 миллион доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобланади. Биргина 2015 йилда мазкур иқтисодий зонадаги корхоналар

томонидан 184 миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 5 миллион АҚШ доллариди маҳсулот экспорт қилинган. 2017 йилда эса бу ерда яна 15 та лойиҳа амалга оширилиб, янги қувватлар ишга туширилиши режалаштирилган.

Ушбу зона таркибига кирадиган Интермодал логистика маркази Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида ягона ҳисобланади. Бу ерда юкларни тезкорлик билан тушириш, ортиш, тақсимлаш, махсус омборларга жойлаштириш учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган. Навоий шаҳри аэропорти Осиёдан Европага, Европадан Осиёга жўнатиладиган юклар глобал юк ташиш тармоғининг жуда муҳим бўғинига айланди.

Мамлакатимизнинг саноати ривожланган, юксак интеллектуал, табиий салоҳиятга эга минтақаси – Тошкент вилоятида 2012 йилда “Ангрен” эркин иқтисодий зонаси ташкил этилди. Унинг асосий вазифа ва йўналишлари сифатида қуйидагилар белгилаб қўйилган:

- ички ва жаҳон бозорларида рақобатдош бўлган юқори қўшилган қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича замонавий, юксак технологиялар асосидаги ишлаб чиқаришларни барпо этиш ва уларнинг самарали фаолият юритиши учун инвестициялар, энг аввало тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш борасида қулай шарт-шароитларни шакллантириш;

- махсус индустриал зонага кирувчи минтақанинг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш, минерал-хомашё ресурсларини янада чуқурроқ қайта ишлаш бўйича янги ишлаб чиқаришларни барпо этиш;

- махсус индустриал зона ва умуман, республикамиз корхоналари ўртасида мустақкам коопераци-

он алоқалар ўрнатиш ҳамда саноат кооперациясини ривожлантириш асосида маҳаллий хомашё ва материаллар негизида юксак технологияларга асосланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш:

- транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш ҳамда улардан самарали фойдаланиш, “Ангрен” логистика маркази салоҳиятини, юкларни автомобиль ва контейнерларда ташиш борасида яратилган тизимни янада ривожлантириш ҳамда улардан кенг кўламда фойдаланишни таъминлаш.

Ҳозирги кунда мазкур зонада қиймати 186,5 миллион долларлик саккизта инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Ушбу йирик лойиҳалар “Ўзбекнефтвергаз” миллий холдинг ва “Ўзқурилишматериаллари” акциядорлик компаниялари, Олмалик кон-металлургия комбинати, «Ўзбекчармпойабзали» ва Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмалари ҳамкорлигида Буюк Британия, Жанубий Корея, Сингапур, Австрия, Ҳиндистон ҳамда Болгариянинг етакчи компаниялари орасидан танлаб олинган инвесторлар кўмагида ҳаётга татбиқ этилаётир.

Ҳозирнинг ўзида “Ангрен” эркин иқтисодий зонаси ҳудудида умумий қиймати қарийб 44 миллион доллар бўлган 5 та лойиҳа асосида энергияни тежайдиган диодли ёруғлик лампалар, турли катталиқдаги мис қувурлар, кўмир брикетлари каби юксак технологиялар асосидаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, лойиҳа қиймати 108,5 миллион АҚШ долларига тенг, кунига 1000 тонна шакар ишлаб чиқариш қувватига эга янги завод ва бошқа корхоналар ташкил этилди. Умуман, “Ангрен” эркин иқтисо-

дий зонаси маъмурий кенгаши томонидан 23 та лойиҳа маъқулланган бўлиб, уларнинг қиймати қарийб 458 миллион АҚШ долларини ташкил қилади.

Шу билан бирга, мазкур ҳудудда “Ўзкимёсаноат” ва “Ўзавтосаноат” компаниялари, “Ўзфармсаноат” концерни, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва бошқа маҳаллий ҳамда хорижий йирик компания ва фирмалар иштирок этиши кўзда тутилаётган умумий қиймати 245 миллион долларлик яна йигирма иккита истиқболли лойиҳани амалга ошириш масалалари кўриб чиқилмоқда ва бунинг учун инвесторлар томонидан зарур ҳужжатлар тайёрланмоқда.

Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини йўлга қўйиш бўйича мамлакатимизда тўпланган тажриба ҳисобга олиниб, 2013 йилнинг март ойида Жиззах вилоятида «Жиззах» эркин иқтисодий зонаси ташкил этилди. Сирдарё вилоятида бу зонанинг филиали фаолият кўрсатиши кўзда тутилган.

“Жиззах” эркин иқтисодий зонасининг асосий вазифа ва йўналишлари сифатида қуйидагилар белгиланган:

- ички ва ташқи бозорларда рақабатдош бўлган, юқори қўшимча қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича замонавий, юксак технологияларга асосланган ва инновацион ишлаб чиқариш қувватларни барпо этиш ва уларнинг самарали фаолият юритиши учун тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш;

- эркин иқтисодий зонага кирувчи минтақаларнинг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш, минерал-хомашё ресурсларини ва қишлоқ хўжалик хомашёсини чуқур қайта ишлаш бўйича янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш;

- эркин иқтисодий зона ва умуман, республика-миз корхоналари ўртасида мустаҳкам кооперацион алоқалар ўрнатиш ҳамда саноат кооперациясини ривожлантириш асосида маҳаллий хомашё ва материаллар негизида юксак технологияларга асосланган маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш;

- зона ҳудудида транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилманинг жадал ривожланишини ва улардан самарали фойдаланишни таъминлаш.

“Жиззах” махсус индустриал зонаси ҳудудида транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда. Мазкур зона ҳудудида Хитой компаниялари иштирокида 100 минг дона мобиль телефон ишлаб чиқариш, шунингдек, чорва маҳсулотларини қайта ишлаш ва озуқа тайёрлаш бўйича умумий қиймати қарийб 6 миллион доллар бўлган дастлабки учта лойиҳа амалга оширилди.

Мамлакатимизда юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, ҳудудларни рақобатдош ва экспортга йўналтирилган замонавий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга янада фаол жалб қилиш, ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт, ижтимоий инфратузилма ва логистика хизматларини жадал ривожлантиришни таъминлаш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни кенгайтиришнинг энг муҳим омили сифатида эркин иқтисодий зоналарни изчил ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ҳам шу мақсадга йўналтирилган. Мазкур фармонга мувофиқ, Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқиш комиссияси таклифлари асосида эркин иқтисодий зоналар ҳудудида амалда қўлланаётган солиқ ва божхона режими бирхиллаштирилди ҳамда ушбу зоналар иштирокчилари:

- ер солиғи, даромад солиғи, юридик шахслар мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалардан;

- ўзининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб келинадиган ускуналар, хомашё, материал ва бутловчи буюмлар, шунингдек, мамлакатимизда ишлаб чиқарилмайдиган маҳсулотлар бўйича лойиҳаларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган қурилиш материаллари учун божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилди.

Ушбу имтиёзлар киритилган инвестициялар ҳажмига қараб 3 йилдан 10 йил муддатгача, шу жумладан:

- 300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар – 3 йил муддатга;

- 3 миллион АҚШ долларидан 5 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар – 5 йил муддатга;

- 5 миллион АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар – 7 йил муддатга;

- 10 миллион ва ундан кўп АҚШ доллари ҳажмидаги инвестициялар сўнги 5 йилда амалдаги ставкалардан 50 фоиз кам ҳажмдаги даромад солиғи ва ягона солиқ тўлови ставкалари қўлланган ҳолда – 10 йил муддатга берилади.

Айни пайтда “Ангрен” ва “Жиззах” эркин иқтисодий зоналари иштирокчилари эркин иқтисодий зоналар фаолияти давомида экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун олиб келинадиган хомашё, материал ва бутловчи буюмлар учун божхона тўловлари тўлашдан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этиладиган бўлди. Улар эркин иқтисодий зоналар доирасида иштирокчилар ўртасида тузилган шартномаларга мувофиқ хорижий валютада ҳисоб-китоб қилиш ва тўлаш ҳуқуқига ҳам эга бўлди.

Шунингдек, “Ангрен” ва “Жиззах” эркин иқтисодий зоналари иштирокчилари Ўзбекистон Республикасининг бошқа хўжалик юритувчи субъектлари – резидентлари томонидан етказиб берилган товарлар, ишлар (хизматлар) учун хорижий валютада тўлаш.

шунингдек, экспорт ва импорт қилинадиган товарлар учун ўзларига қулай бўлган тўлаш ҳамда ҳисоб-китоб қилиш шарт ва шаклларидан фойдаланиш ҳуқуқига ҳам эга бўлишди.

Ҳозирги пайтда Самарқанд вилоятининг Ургут туманида “Ургут”, Бухоро вилоятининг Гиждувон туманида “Гиждувон”, Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳрида “Қўқон” ва Хоразм вилоятининг Ҳазорасп туманида “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зоналари ташкил этиш чоралари кўрилмоқда.



ТАРИХИЙ ТАШРИФЛАР

Кадрли ўқувчи, ушбу китобнинг аввалги саҳифаларида баён қилинган 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида бошқа муҳим масалалар қатори ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш борасидаги вазифалар ҳам аниқ-равшан белгилаб берилган. Кейинги пайтда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ана шу вазифаларни амалга ошириш бўйича улкан фаолият олиб борилмоқда.

Яна шуниси қувончлики, Ўзбекистоннинг дадил ва муваффақиятли одимлари ташқи сиёсат соҳасида ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Бу ҳақда кўп гапирмасдан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг чет элга биринчи давлат ташрифи сифатида Туркманистон Республикасига 2017 йил 6-7 март кунлари амалга оширган давлат ташрифини эсга олиш кифоя. Бу ташриф ғоятда самарали бўлгани икки томонлама эришилган келишувлар, имзоланган муҳим ҳужжатлар амалда тасдиқлаб турибди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг 22-23 март кунлари Қозоғистонга расмий ташриф буюрди. Остонада бўлиб ўтган олий даражадаги музокараларда Ўзбе-



Туркменистон Республикаси

кистон ва Қозоғистон ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Айниқса, Президентимизнинг 2017 йил 4-5 апрель кунлари Россия Федерациясига қилган ташрифи икки мамлакат ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янги, янада юқори босқичга олиб чиқадиган улкан тарихий воқеа бўлди. Мазкур ташриф ва унинг натижалари мамлакатимиз ва Россия, чет эл оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди. Хусусан, “Халқ сўзи” газетасининг 2017 йил 6 апрель сонида эълон қилинган Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги махсус мухбири Абу Бакир Ўрозовнинг “Ўзбекистон – Россия ҳамкорлигида янги уфқлар очган тарихий ташриф” сарлавҳали таҳлилий мақоласида бу борада батафсил маълумот берилган.¹

Айтиш керакки, давлатимиз раҳбарининг ташрифи Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 25 йил тўлган кунларда амалга оширилгани унинг маъно-мазмуни, тарихий аҳамиятини янада оширишга хизмат қилди. Шу даврда икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга бўлди. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар 2004 йил 16 июнда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома, 2005 йил 14 ноябрда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома доирасида изчил ривожланиб бораётгани айниқса эътиборлидир.

¹ “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 6 апрель.



Қозоғистон Республикаси

Давлат ташрифининг асосий тадбирлари 5 апрель куни бўлиб ўтди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Москва шаҳрининг Александр боғидаги “Номаълум аскар” ёдгорлигига гулчамбар қўйди.

Маълумки, 2017 йилнинг 3 апрель куни Санкт-Петербург метросида терроризм ҳаракати содир этилиб, инсонлар ҳалок бўлди. Давлатимиз раҳбари улар хотирасини ёдга олиб, шу ердаги «Ленинград – қаҳрамон шаҳар» ёдгорлиги пойига гул қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти билан Россия Федерацияси Президентининг тор доирадаги учрашувида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, тинчлик ва хавфсизликни мустақамлаш масалалари, минтақавий ва халқаро муаммолар атрофлича муҳокама қилинди. Сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, илмий-техникавий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболи хусусида фикр алмашилди.

Владимир Путин Ўзбекистон билан ҳамкорликни янги босқичда давом эттириш Россия учун катта аҳамиятга эга экани, ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш учун ҳали тўла фойдаланилмаётган имкониятлар кўплиги, уларни ишга солишдан икки томон ҳам манфаатдорлигини таъкидлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев мазкур учрашув давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг янги босқичини бошлашда муҳим қадам бўлажagini қайд этди.

Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳамкорлик юксак ишонч ва ўзаро ҳурмат асосида ривожланаётгани, турли даражадаги алоқалар фаоллашгани мамлакатларимиз кўп қиррали муносабатларни кенгайтириш-

дан бирдек манфаатдор эканининг тасдиғи сифатида намоён бўлаётганига урғу берилди.

Шундан сўнг икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида музокаралар бўлиб ўтди.


Россия ва Ўзбекистон ўртасида олий даражадаги ташрифлар мунтазам ўтказиб келинаётгани давлатлараро муносабатларнинг юксак даражада ривожланаётгани, уларнинг амалий самараси ортиб бораётганини кўрсатади.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарларининг бу галги учрашуви мамлакатларимиз ўртасидаги манфаатли мулоқотларнинг мантиқий давоми сифатида сиёсатчилар, эксперт ва мутахассислар томонидан юқори баҳоланди.

Кремлда бўлиб ўтган икки томонлама музокараларда савдо-иқтисодиёт, нефть-кимё, транспорт коммуникациялари, қишлоқ хўжалиги, маданият, туризм, меҳнат мигрантларига муносиб шароитлар яратиш ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига эътибор қаратилгани мамлакатларимиз халқлари равнақи ва фаровонлигига хизмат қилади.

Аёнки, Ўзбекистон ва Россия стратегик шериклар сифатида халқаро майдонда доимо бир-бирини қўллаб-қувватлаб келади. Мамлакатларимизнинг ташқи сиёсат, ташқи савдо, мудофаа маҳкамалари ўртасида ўзаро маслаҳатлашувлар изчил амалга оширилмоқда. Давлатларимиз БМТ, ШХТ, МДХ каби халқаро тузилмалар доирасида ҳам самарали ҳамкорликни амалга ошириб келмоқда.

Ўзбекистон – Россия муносабатларида савдо-иқтисодий ҳамкорлик асосий ўрин тутаяди, деб ёзади ЎЗА мухбири. 2013 – 2017 йилларга мўлжалланган иқти-





Россия Федератив Республикаси

содий ҳамкорлик дастури, 2015 – 2019 йилларда иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига оид ҳукуматлараро битимга мувофиқ бу соҳадаги алоқалар изчил тараққий этмоқда.

Россия Ўзбекистоннинг етакчи савдо шерикларидан бири бўлиб, Ўзбекистон Россияга табиий газ, транспорт воситалари, қора ва рангли металллар, трикотаж, пахта толаси, мева-сабзавотлар, турли хизматлар экспорт қилади. Россия мамлакатимизга транспорт воситалари, кимё ва қоғоз саноати товарлари, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беради.

Бўлиб ўтган музокаралар пайтида Ўзбекистонда россиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда тuzилган 961 та қўшма корхона фаолият юритаётгани, мамлакатимизда Россиянинг 64 фирма ва компанияси ваколатхонаси очилгани, Россия Федерацияси ҳудудида ўзбекистонлик ҳамкорлар билан 569 тадбиркорлик субъекти ташкил этилгани ва улар самарали фаолият олиб бораётгани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, мулоқотлар пайтида икки давлат ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми изчил ортиб бораётгани, хусусан, сўнгги вақтларда қишлоқ хўжалигида бу кўрсаткич икки баробар ўсганига эътибор қаратилди.

Очиқ ва дўстона руҳда ўтган музокараларда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, уни янги босқичга кўтариш борасида фикр алмашилгани ўзаро муносабатлар соҳасида янги уфқларни очишга хизмат қилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракат-

лар стратегиясида инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш борасида самарали ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Маълумки, Ўзбекистон ҳам, Россия ҳам ёқилги-энергетика соҳасида улкан салоҳиятга эга. Бу мазкур йўналишдаги ҳамкорлик ривожига муҳим ўрин тутмоқда. Россиянинг «Лукойл» ва «Газпром» компаниялари мамлакатимиздаги углеводород конларини қидириш ва ўзлаштиришда фаол иштирок этмоқда. 2016 йилда Бухоро вилоятида «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан «Лукойл» компанияси ҳамкорлигида Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси қурилиши бошланди.

Дунёдаги етакчи энергетика компанияларидан бири бўлган «Газпром» Ўзбекистонда геология-қидирув ишлари олиб бориш ва истиқболли углеводород конларини ўзлаштириш бўйича йирик лойиҳаларни амалга оширишда, шунингдек, табиий газни экспортга етказиб беришда фаол иштирок этмоқда. Устюртда ўтказилган геология-қидирув тадқиқотлари натижасида “Жел” газ конденсати кони очилди. «Шахпахти» кони биргаликда ўзлаштирилмоқда. Ҳозиргача у ердан 3,5 миллиард куб метр газ қазиб олинди.

Ўзбекистон автомобиллари Россияда доим харидоргир. “Matiz”, “Nexia” каби машиналаримиз бу ерда бир неча бор йилнинг энг яхши автомобили, деб топилган. 2016 йилда ушбу мамлакатда янги бренд остидаги “Ravon Gentra” автомобили савдоси ўсган.¹

Бизнинг юртимизда етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларига дунё бозорида талаб юқори. Бирин-

¹ Ўша манба.

чи Президентимизнинг 2016 йил 12 апрелдаги “Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ушбу маҳсулотлар экспортини янада оширишга мустақкам замин яратди.

2016 йил якунларига кўра, қишлоқ хўжалиги соҳасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 20 фоизга ўсиб, 398 миллион долларга етган. Музокарада мамлакатимизда етиштирилган мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини кўпайтириш ва турини кенгайтиришга келишиб олинди.

Ҳукуматлараро ва идоралараро алоқалар қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда муҳим омил бўлмоқда. 2017 йилнинг 15 февралда Тошкентда Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Россия ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Президентимиз ташрифи давомида товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш, транспорт ва транзит соҳасидаги алоқаларни кенгайтиришга доир масалалар муҳокама қилинди. Мамлакатларимизда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш учун ҳали тўла фойдаланилмаётган имкониятлар кўплиги, уларни ишга солиш икки томон учун ҳам манфаат келтириши таъкидланди.

Музокараларда тиббиёт, илм-фан, таълим, маданият, спорт ва туризм соҳалари бўйича ўзаро алоқаларни янада кенгайтириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ва Россия тиббиёт фани ва таълимини ривожлантириш, клиник, профилактик, экспери-

ментал кардиология соҳаларида янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш бўйича самарали ҳамкорлик қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси ҳукумати Раиси Дмитрий Медведев билан ҳам учрашди.

Ўзбекистон билан Россиянинг маданий-гуманитар соҳалардаги ўзаро ҳамкорлиги ҳам изчил ривожланмоқда. Икки давлат халқлари бир-бирининг адабиёти ва санъатига ҳурмат билан қарайди. Москва шаҳрида буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ҳайкали қад ростлаган. Тошкент шаҳридаги Пушкин ҳайкали ўрнатилган майдон пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларининг севимли масканларидан биридир.

Ўзбекистон делегациясининг ташрифи арафасида Москвадаги А.Пушкин номидаги тасвирий санъат музейида мамлакатимизнинг И.Савицкий номидаги давлат санъат музейи экспонатлари кўрғазмаси очилди. Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Владимир Путин ушбу кўрғазмага ташриф буюрдилар.

«Саҳродаги Лувр» номини олган И.Савицкий номидаги давлат санъат музейи ўзининг бебаҳо экспонатлари билан дунё санъат ихлосмандлари эътиборини қозонган. Музейда графика, ҳайкалтарошлик, тасвирий ва амалий санъат намуналари, турли археологик топилмалар, этнография буюмлари, қадимий суратлар, тарихий ҳужжатлар сингари юз мингга яқин нодир экспонат жой олган.

Ана шундай буюк меросни йиғиб қолдирган олим И.Савицкий 2002 йилда Ўзбекистоннинг юксак дав-

лат мукофоти – «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланган.

А.Пушкин номидаги тасвирий санъат музейида намойиш этилаётган ноёб экспонатлар томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерациясига давлат ташрифи яқунлари бўйича қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди. Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси Президентлари Шавкат Мирзиёев ва Владимир Путин Қўшма баёнотни имзоладилар. Икки мамлакат ҳукуматлари, вазирлик ва идоралари ўртасида ҳудудлараро ҳамкорлик, меҳнат фаолиятини вақтинча ташкил этиш, соғлиқни сақлаш, тиббиёт таълими ва фани, туризм, қурилиш, нефть-газ, кончилик, металлургия, банк-молия, божхона, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалардаги алоқаларни ривожлантиришга доир ҳужжатлар имзоланди.

Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Владимир Путин оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда музокаралар очиқлик, ўзаро ишонч ва амалий руҳда ўтганини таъкидладилар. Ташриф давомида эришилган келишувлар, имзоланган 16 миллиард долларлик 50 дан ортиқ ҳужжат Ўзбекистон ва Россия тараққиётига, икки мамлакат халқларининг фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилиши қайд этилди.¹

Беқиёс тарихий аҳамиятга эга бўлган ушбу ташриф ва унинг натижалари барча юртдошларимиз, бутун халқимиз томонидан жуда катта қизиқиш билан кутиб олинди. Чунки Ўзбекистон ва Россия ўзаро кўп-лаб ҳамкорлик ришталари билан боғланган бўлиб,

¹ Ўша манба.

улар ҳар иккала мамлакат халқларининг ҳаётий манфаатларини ақс эттиради ҳамда уларнинг орзу-интилишларига жавоб беради. Шунинг учун ҳам бу ташриф натижаларидан икки мамлакат халқлари ҳам чуқур қаноат ҳосил қилди ва беҳад мамнун бўлди, деб айтишга ҳақлимиз.

ЧИН ДИЁРИДАГИ УЧРАШУВЛАР

Бугунги кунда дунё сиёсати, иқтисодий тараққиётида етакчи ўрин тутиб келаётган давлатлар ҳақида гап кетадиган бўлса, ҳеч шубҳасиз, биринчилардан бўлиб Хитой Халқ Республикаси тилга олинади. Ҳақиқатан ҳам, кейинги 10–15 йилда бу мамлакатнинг жаҳон миқёсидаги ўрни ва нуфузи кескин ошиб бормоқда. Бундай юксак натижаларга Хитой аввало чуқур ўйланган, оғир-вазмин, прагматик ички ва ташқи сиёсатини, ҳам социалистик тузум, ҳам эркин бозор иқтисодиётининг янги яхши жиҳатларини сақлаб қолиш, ривожлантиришни назарда тутадиган ислоҳотлар модели асосида эришаётгани кўпчиликка яхши аён.

Хитой Ўзбекистоннинг яқин ва ишончли, стратегик ҳамкори ҳисобланади. Давлатларимиз ўртасидаги кўпқиррали ва икки томонлама манфаатли алоқалар анъанавий дўстлик, ўзаро англашув ва ҳурмат руҳида ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида имзоланган Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома бу борада мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Аҳолиси 1 миллиард 300 миллиондан зиёд бўлган Хитой каби улкан ва қудратли мамлакат билан стратегик ҳамкорликни ривожлантириш юртимиз манфаатла-

рига ҳар томонлама жавоб беради. Мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён ўтган қарийб 26 йил давомида давлат ва ҳукуматлараро ташрифлар мунтазамлик касб этиб, барқарор ривожланиб бормоқда.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан ушбу мамлакатга 2017 йил 11–13 май кунлари амалга оширган давлат ташрифи икки томонлама муносабатларимиз тарихида янги босқични бошлаб берди. Ташрифнинг асосий воқеаларига тўхталадиган бўлсак, 12 май куни икки давлат раҳбарларининг расмий делегациялар иштирокидаги музокараларини алоҳида таъкидлаш лозим. Ана шу музокараларда ўзаро ва кўп томонлама муносабатларга оид долзарб масалалар, жумладан, сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича атрофлича фикр алмашинди¹.

Давлатимиз раҳбарининг ташриф асносида Хитой ишбилармон доиралари вакиллари билан бўлган учрашувида ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари, Ўзбекистон ва Хитой ўртасида узоқ муддатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва изчил ривожлантиришнинг устувор масалалари ҳақида сўз борди. Ўзбекистонда Хитой Халқ Республикасининг етакчи саноат компаниялари билан самарали ва манфаатли алоқалар йўлга қўйилгани, нефть-газ, телекоммуникация тармоқлари, транспорт, тўқимачилик,

¹ Ўзаро ишонч ва мустаҳкам дўстликка асосланган ҳамкорликнинг юксак натижалари. Абу Бакр Ўрозов, ЎЗА мухбири. “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 16 май.

сайёҳлик, қурилиш, кимё саноатида ва бошқа йўналишларда қўшма лойиҳалар муваффақиятли амалга ошириляётгани таъкидланди.

Ҳозирги кунда Хитой Ўзбекистон иқтисодиётига энг кўп инвестиция киритаётган давлатлардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда Хитой капитали иштирокидаги 700 дан зиёд компания ва корхона фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йиллар давомида хитойлик сармоядорлар Ўзбекистон иқтисодиётига қарийб 8 миллиард доллар миқдорида инвестиция киритганлари Президентимиз томонидан учрашувда алоҳида қайд этилди.

Бўлиб ўтган учрашувда Хитойнинг йирик компания ва корпорациялари, банклари раҳбарлари сўзга чиқиб, Ўзбекистон билан ҳамкорлик юқори натижалар бераётгани, ўзаро алоқаларни бундан кейин ҳам давом эттиришдан манфаатдор эканларини баён қилдилар.

Президентимиз Халқ вакиллари Умумхитой Мажлиси Доимий қўмитаси Раиси Чжан Дэцзян, Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши Бош вазири Ли Кэцян билан учрашиб, давлатлараро муносабатларнинг энг муҳим йўналишлари бўйича фикр алмашгани ташрифнинг янада самарали бўлишини таъминлади. Умуман, давлатимиз раҳбарининг ташрифи учрашувлар, ўзаро фикр алмашувларга бой бўлди. Табиийки, буларнинг барчаси томонлар ўртасида имзоланган расмий ҳужжатларда ҳам ўз ифодасини топди. Ташрифнинг муҳим натижаларидан бири Ўзбекистон билан Хитой ўртасида олий даражадаги ҳамкорлик қўмитаси тузиш тўғрисидаги келишув бўлди. Шу тариқа икки мамлакат ўртасида ўзаро муносабатларнинг барча йўналишлари бўйича ҳамкорликни тизимли ра-





Хитой Халқ Республикаси

вишда ривожлантириш учун ишончли институционал асос яратилди ва бу ўта муҳимдир.

Ташриф якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги Қўшма баёнот имзоланди.

Ташриф давомида давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро даражадаги 100 дан зиёд ҳужжатлар имзолангани икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини келгусида чиндан ҳам янги босқичга кўтаришга хизмат қилади¹. Эришилган келишувлар доирасида умумий қиймати 23 миллиард АҚШ долларидан иборат бўлган кўплаб йирик лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилаётгани бу ҳамкорликнинг кўлами ва миқёси истиқболда нақадар кенгайишидан далолат беради.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 14-15 май кунлари Пекин шаҳрида бўлиб ўтган “Бир макон, бир йўл” форумида иштирок этди. Форумда ўттизга яқин мамлакатдан давлат ва ҳукумат раҳбарлари, БМТ Бош котиби, Жаҳон банки президенти ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашгани унда кўриб чиқиш учун қўйилган масалалар дунё миқёсида қанчалик катта қизиқиш уйғотганини кўрсатади.

Форумда давлатимиз раҳбари нутқ сўзлади. Юртбошимиз мазкур форумнинг аҳамияти, уни такомиллаштириш ва ривожлантириш ҳақида атрофлича фикр юритди. Айниқса, Президентимизнинг табиий, ишлаб чиқариш ва инсон ресурсларига ғоят бой бўлган минтақамизда транспорт, савдо, инвестиция, энергетика ва юксак технологиялар соҳаларидаги лойиҳаларни амалга ошириш зарурлиги, Марказий Осиёни Хитой

¹ Ўша манба.

ва Россия орқали Жанубий, Жануби-Шарқий Осиё ва Европа мамлакатлари бозорлари билан боғлайдиган транспорт-логистика йўналишларини очиш бўйича ҳамкорлик юзасидан комплекс ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқиш, Буюк ипак йўлини қайта тиклашга қаратилган “Бир макон, бир йўл” лойиҳаси иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш, савдо ва инвестиция соҳаларида қулай шароитлар яратиш, транспорт ва коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, туризм, таълим, маданият соҳаларида ҳамкорлик салоҳиятини оширишда муҳим ўрин тутиши, Ўзбекистоннинг барқарор ривожланаётган иқтисодиёти, қулай жуғрофий жойлашуви, замонавий транспорт коммуникациялари, сармоя жалб этиш бўйича пухта ишончли стратегияси кўплаб давлатлар ишбилармонларининг ҳамкорликка бўлган қизиқишини ошираётгани ҳақидаги фикрлари, амалий таклиф ва хулосалари форум иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди¹.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хитой Халқ Республикасига амалга оширган давлат ташрифи ва унинг амалий натижалари мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори, ишончли шерик сифатидаги нуфузи тобора ортиб бораётганини яна бир бор амалда тасдиқлади.



¹ Ўша манба.

ИНСОН МАНФААТИ ҲАР НАРСАДАН УЛУФ

Ўзбекистонда давлат мустақиллигига эришилган дастлабки кунлардан бошлаб “Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон, унинг манфаатлари учун” деган тамойил асосида инсон ва унинг манфаатларига эътибор масаласи давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг марказига қўйилди. Маълумки, ижтимоий сиёсат ҳар бир давлатнинг ижтимоий соҳага доир умумий стратегиясининг таркибий қисми ҳисобланади (16-расм). Унинг устувор йўналишлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- инсонга муносиб турмуш кечириш ва ривожланиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш;
- жамиятнинг асоси ҳисобланган оила институтини мустаҳкамлаш, оналик ва болалик тўғрисида ғамхўрлик қилиш;
- иқтисодий хавфсизликни таъминлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли тарзда ҳимоя қилиш;
- аҳолини самарали ижтимоий муҳофаза қилиш, инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, унинг билимини ошириш, фуқароларни уй-жой билан таъминлаш чораларини кўриш, маданият ва

спортни ривожлантириш, демографик вазиятни яхшилаш.

Ижтимоий сиёсат субъектлари давлатнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органлари, иш берувчилар, касаба уюшмалари ва бошқа жамоат бирлашмалари ҳисобланади.

Ижтимоий сиёсат қуйидаги тамойилларга асосланади:

- ижтимоий адолат;
- ижтимоий масъулият;
- ижтимоий шерикчилик;
- ижтимоий кафолатлар.

Давлат ижтимоий сиёсатининг асосий мезони – аҳоли турмуш даражаси ва турмуш сифатидир. Аҳолининг турмуш даражаси одамларнинг зарур моддий ва маънавий неъматлар билан таъминлангани, шунингдек, инсон тараққиёти – билими, саломатлиги, шахсий эҳтиёжларини қондириш имкониятлари ҳамда унинг яшаш шарт-шароитлари – уй-жойга эгаллиги, атроф муҳитнинг аҳволи, иқтисодий ва ижтимоий хавфсизлигидир. У инсоннинг асосий жисмоний, маънавий, ижтимоий эҳтиёжлари қондирилишини ифодаловчи мезонлар асосида аниқланади.

Аҳоли турмуш даражасининг кўрсаткичларига асосий озиқ-овқат маҳсулотларига талабнинг қондирилиши, турар-жойларнинг умумий майдони, уларнинг муҳандислик ва коммуникация тизимлари, табиий газ, тоза ичимлик суви, оилаларнинг маданий-маиший ва хўжалик буюмлари билан таъминлангани, хоналарнинг ўртача катталиги, аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажми, таркиби ва сифати ҳам киради.

Давлатнинг ижтимоий сиёсати



16-расм. Давлат ижтимоий сиёсатининг асосий йўналишлари, субъектлари ва тамойиллари

Халқаро мезонлар бўйича аҳолининг турмуш даражаси қуйидагича таснифланади:

- тўқин-сочинлик (инсоннинг баркамол ривожланишини таъминловчи неъматлардан тўлиқ фойдаланиш имконияти);

- нормал даража (инсоннинг жисмоний ва интеллектуал қобилиятини такрор ҳосил қилишни таъминлайдиган, илмий асосланган оқилона истеъмол даражаси);

- камбағаллик (ишчи кучини такрор ҳосил қилиш учун моддий неъматлардан уларнинг қуйи чегараси доирасида фойдаланиш имконияти);

- қаншоқлик (моддий неъматлардан биологик мезонлар асосида минимал даражада фойдаланиш).

Аҳоли турмуш сифатини акс эттирадиган биринчи халқаро кўрсаткичлар тизими 1960 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган.

Ҳозирги вақтда у қуйидаги 12 та асосий кўрсаткичлар гуруҳини қамраб олади:

1. Аҳолининг демографик хусусияти (туғилиш, ўлим, касалланиш, умр давомийлиги ва ҳоказолар).

2. Турмушнинг санитария-гигиена шароитлари.

3. Озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол қилиниши.

4. Турар-жой шароитлари ва узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол неъматлари билан таъминланиш.

5. Таълим ва маданият.

6. Иш билан бандлик ва меҳнат шароитлари.

7. Аҳолининг даромад ва харажатлари.

8. Турмуш қиймати ва истеъмол нархлари.

9. Транспорт воситалари.

10. Дам олишни ташкил этиш, жисмоний тарбия ва спорт.

11. Ижтимоий таъминот.

12. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Статистика комиссияси томонидан юқорида қайд қилинган гуруҳлардан ташқари БМТ экспертлари фикрига кўра, турмуш сифатини баҳолаш учун зарур бўлган, бироқ бунинг бевосита хусусиятини белгиламайдиган қатор ахборот кўрсаткичларини қамраб оладиган умумий бўлим ажратиб кўрсатилган. Мазкур бўлимга қуйидаги кўрсаткичлар киритилган:

- миллий даромад, аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот ва унинг йиллик ўртача ўсиш коэффициенти;

- ижтимоий хизмат кўрсатишнинг ҳажми ва турлари;

- аҳолининг шахсий истеъмол учун харажатлари, уларнинг таркиби ва йилига ўртача ўсиш коэффициенти;

- аҳоли зичлиги;

- аҳолига транспорт хизмат кўрсатиш;

- алоқа воситалари, матбуот ва ҳоказоларнинг ишлаши.

Юқорида қайд қилинганидек, Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришганидан олдин аҳолиси ярмига яқинининг турмуш даражаси камбағаллик даражасидан паст эди. Бунинг устига, аҳолининг демографик таркибида боқимандалар улуши жуда салмоқли бўлган. Хусусан, мамлакатимиз аҳолисининг тўртдан уч қисми ўз тирикчилигини мустақил ўтказишга қодир бўлмасдан, давлат томонидан моддий қўллаб-қувватлашга эҳтиёж сезарди. Ана шундай шароитда аҳолига кучли ижтимоий кафолатлар бермасдан туриб иқтисодий ислохотларни муваффақиятли амалга оширишнинг имконияти йўқ эди. Шу билан бирга аввалги тузумдан мерос бўлиб қолган тақсимлаш муно-


сабатларига, одамлардаги боқимандалик кайфиятига барҳам бериш талаб этиларди.


Ўзбекистонда ислохотларни амалга оширишнинг дастлабки босқичларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирлари амалда компенсация функциясини бажарди. Бунда асосий эътибор озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат товарларининг истеъмоли даражасини камайтирмаслик, уларни кафолатли равишда харид қилиш имкониятларини яратиш, ички бозор барқарорлигини, аҳоли даромадлари билан нарх-наволар даражасидаги тафовутни босқичма-босқич мутаносиблаштиришга қаратилди.

Ижтимоий ҳимоя бутун тизимида бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида энг ночор аҳволга тушиб қолган аҳоли тоифалари – ногиронлар, пенсионерлар, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга самарали ёрдам кўрсатиш устувор йўналишга айланди. Шу мақсадда аҳолининг ушбу тоифалари учун ҳаётий зарур маҳсулот ва товарларни харид қилиш, коммунал ва транспорт хизматларини тўлашда қўшимча имтиёзлар берилди. Айни пайтда пенсиялар, нафақа ва стипендиялар миқдори сезиларли даражада оширилди.

Нарх-навонинг кўтарилиши муносабати билан иш ҳақи даражасини мунтазам қайта кўриб чиқиш ҳам аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чораларидан бири бўлди. 1991 йилдан бошлаб иш ҳақини ошириш бўйича еттита ҳужжат қабул қилинди. Ушбу мақсадлар учун 500 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

1993 йилнинг январидан бошлаб мамлакатимизда иш ҳақи бўйича барча ходимлар учун Ягона тариф сеткаси жорий этилди. Ушбу тадбир меҳнатга ҳақ тўлашнинг бутун тизимни тартибга солиш би-





лан бир қаторда турли касб ва ҳунарга эга ходимлар иш ҳақининг объектив нисбатини ўрнатиш, иш ҳақи миқдорини энг кам иш ҳақи миқдори билан қатъий боғлаб қўйиш мақсадларига хизмат қилди. Ягона тариф сеткасининг жорий этилиши аҳолига ижтимоий кафолатларни мустаҳкамлаш, энг аввало кафолатли иш ҳақи даражасини белгилашга хизмат қилди.

Давлат бюджетдаги камомадга қарамасдан, ижтимоий соҳанинг энг муҳим тармоқлари – соғлиқни сақлаш, таълим, жисмоний тарбия, маданият ва бошқа йўналишларининг моддий базасини мустаҳкамлаш чоралари ҳам кўрилди. Мустақиллик йилларида Давлат бюджетининг ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан жамланма харажатлари улуши камайганига қарамасдан давлат харажатларининг ижтимоий йўналтирилиши сақлабгина қолинмасдан, балки сезиларли равишда кўпайди.

Халқ турмуш даражасининг асосий кўрсаткичлари – аҳоли даромадларидир. Улар қуйидагилардан иборат:

- аҳоли жон бошига ўртача номинал ва реал даромадлар, даромадлар табақаланишининг кўрсаткичлари;

- номинал ва реал ўртача иш ҳақи;

- ўртача ва реал пенсия миқдори;

- турмуш кечиришнинг энг кам миқдори ҳамда турмуш кечириш учун энг кам миқдордан паст даромадга эга аҳоли салмоғи;

- иш ҳақи, пенсия ва нафақаларнинг энг кам миқдори.

Аҳоли ялпи даромадларининг ўсиши билан бирга, унинг пул омонатлари ва жамғарма маблағлари ҳам

барқарор кўпаймоқда. Бу маблағларнинг харажатлар таркибидаги улуши ўсиб, 1990 йилдаги 11,8 фоиздан 2011 йилда 15,4 фоизга етди.

Ўзбекистонда энг кам ҳамда ўртача иш ҳақи миқдорини муттасил ошириб боришга йўналтирилган стратегик вазифа муҳим сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлди. Меҳнатга ҳақ тўлаш даражасининг тўғри белгиланиши мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилашга хизмат қилди. Шу тўғрисида истеъмол талаби ошди, шу тариқа ишлаб чиқаришни ривожлантириш рағбатлантирилди, ходимларнинг мотивацияси ҳам кучайди. Умуман, ўтган чорак аср давомида аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 12 баробардан зиёд ошгани – халқ турмуш даражасини ошириш йўлида эришилган ўта муҳим натижадир.

Шуниси алоҳида эътиборлики, аҳолининг тадбиркорлик фаолиятдан олаётган даромадлари улуши унинг умумий даромадларига нисбатан 2010 йилдаги 47,1 фоиздан ошиб, ҳозирги кунда 52 фоизга етди ва бу Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги ўртача кўрсаткичлардан сезиларли даражада юқоридир.

Мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг юқори суръатлар билан барқарор ўсиб бориши, бюджет соҳаси ходимларининг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорининг мунтазам қайта кўриб чиқилиши, таълим, соғлиқни сақлаш ва илм-фан соҳалари хизматчиларининг меҳнатини рағбатлантириш, аҳоли турмуш даражасини тубдан яхшилашга қаратилган бошқа чора-тадбирлар аҳоли турмуш даражаси ва турмуш сифатини оширишда муҳим роль ўйнамоқда.

Жамиятимизда ижтимоий адолат принципларини мустаҳкамлаш, аҳолининг даромадлари ва турмуш шароитида кескин тафовут бўлишига йўл қўймасликка амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида катта эътибор қаратилмоқда. Натижада кейинги ўн йил мобайнида республикада аҳоли даромадлари ҳажми 8,1 баробар ортган бир пайтда иш ҳақи, ижтимоий кўмакка муҳтож тоифаларнинг даромадлари миқдорини жадал ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва солиқ имтиёзлари бериш ҳисобидан аҳолининг энг паст ва энг юқори даромадга эга бўлган гуруҳлари ўртасидаги тафовут, бошқача айтганда, даромадлардаги фарқ коэффициентини 21,1 баробардан 8,3 баробарга қисқарди. Мазкур коэффициент Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ва бир қатор иқтисодий ривожланган давлатлар билан солиштирилганда, энг паст кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Шу билан бирга, жамиятнинг ижтимоий табақалашув даражасини камайтиришга, яъни ўта бойлар ҳам, ўта камбағаллар ҳам бўлмасин, деган тамойилга ҳам ислохотлар жараёнида қатъий амал қилиб келинмоқда. Шу туфайли юртимиздаги 10 фоиз таъминланган ва 10 фоиз етарлича таъминланмаган аҳоли даромадлари ўртасидаги фарқ, яъни «децил коэффициентини» деб ном олган кўрсаткич барқарор пасайиш тенденциясига эга бўлиб, бу рақам 2010 йилдаги 8,5 фоиз ўрнига 2015 йилда 7,7 фоизни ташкил этди.


Даромадлар ўртасидаги фарқни ифода этадиган яна бир халқаро кўрсаткич – Жини индекси мамлакатимизда 2010 йилдаги 0,390 ўрнига 2015 йилда 0,280 ни ташкил этди ва бу натижа дунёнинг кўплаб иқтисодий ривожланган ва ривожланаётган давлатларига қараганда анча пастдир.

Иш ҳақи миқдори билан бир қаторда унинг харид қобилияти изчил ва барқарор ўсиши аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати ортиб боришининг асосий омили бўлмоқда. Агар 1990 йилда республикамизда ўртача иш ҳақи миқдorigа Халқаро Меҳнат Ташкилоти ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсияларига қатъий мувофиқ тарзда ҳисоблаб чиқилган истеъмол савати (истеъмол савати – инсоннинг саломатлигини сақлаш ва унинг ҳаёт фаолиятини таъминлаш учун зарур озиқ-овқат маҳсулотлари, ноозиқ-овқат товарлари ва хизматларининг энг кам тўпламидир) қийматининг фақат 122 фоизини ташкил этадиган товар ва хизматларни харид қилиш мумкин бўлган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич олти баробардан кўпроққа ўсди (17-расм).

Натижада аҳолининг узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар билан таъминланиш даражасида сифат ўзгаришлари рўй берди. Бугунги кунда ушбу товарларнинг аксарияти мамлакатимизда ишлаб чиқарилмоқда. Хусусан, ҳар 100 оиланинг 42 таси енгил автомобилларга эга бўлиб, бу беш йил аввалги кўрсаткичдан 1,5 баробар кўп, 47 та оила шахсий компьютерлар билан таъминланган ва шу даврда ўсиш 3,9 баробарни ташкил этди. Шунингдек, ҳар 100 та оиладан 31 таси кондиционерга эга ёки бу борадаги ўсиш 1,7 баробарга тенг, ҳар 100 та оилага 234 та мобиль телефон тўғри келмоқда ёки бу соҳадаги ўсиш 1,6 баробарни ташкил этмоқда. Юртимиздаги ҳар 100 та оилага ўртача 80 та холодильник, 146 та телевизор тўғри келмоқда. Бу эса баъзи оилаларда икки-учтадан телевизор борлигини кўрсатади.

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган энг муҳим озиқ-овқат товарлари бўйича истеъмол ҳажми

муттасил ўсиб бормоқда. Мустақиллик йилларида мамлакатимиз аҳолисининг сони 11 миллион кишига, яъни учдан бир баробар кўпайганига қарамасдан, гўшт истеъмоли – 1,4 марта, сут – 1,3 баробар, сабзавот ва полиз маҳсулотлари – 2,6 марта, картошка – 2 баробар, мева-чевалар истеъмоли – 6,4 карра ошди. Юртимиз аҳолиси жон бошига қарийб 300 килограмм сабзавот, 75 килограмм картошка ва 44 килограмм узум тўғри келмоқда. Бу энг мақбул деб ҳисобланадиган истеъмол меъёридан уч баробар кўпдир.



17-расм. Ўзбекистонда ўртача иш ҳақи харид қобилияти ортисининг динамикаси (энг кам миқдордаги истеъмол саватига нисбатан фоиз ҳисобида)

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида эришилган энг катта ютуқ – халқимизнинг тинч-тотув ва ҳамжиҳатликда, эртанги кунга ишонч билан ҳаёт кечи-раётганидир. Буни АҚШда фаолият кўрсатаётган, юқори обрўга эга бўлган, Гэллап институти ижтимоий фикрни ўрганиш маркази томонидан “Қонуний тартибларга итоат қилиш индекси” деган мавзуда 2015 йилда ўтказилган ва эълон қилинган тадқиқот материаллари яққол исботлайди.

Ушбу нуфузли ташкилот шу йўналиш бўйича ўз хулосасини чиқариш учун жаҳон миқёсида 141 та мамлакатда сўров ўтказиб, катта ёшдаги 142 минг шахснинг фикрини ўрганган. Сўровномада 3 та савол ўртага қўйилган:

1. Сиз ўзингиз яшаётган шаҳар ёки тумандаги маҳаллий ҳуқуқ-тартибот идоралари хизматчиларига ишонасизми?

2. Сиз ўзингиз яшаётган шаҳар ёки туманда кечаси хавф-хатардан қўрқмасдан ёлғиз юра оласизми?

3. Охирги ўн икки ойда сиз ва оила аъзоларингизнинг пул ва мол-мулки ўғирланган ҳолат содир бўлганми?

Айни ана шундай саволлар орқали, авваламбор, сўров ўтказилган мамлакатда яшаётган ҳар қайси одамнинг кайфиятига, унинг ўзини эркин ҳис этишига қонунда белгиланган тартибларга амал қилиш қандай таъсир кўрсатаётганини аниқлаш кўзда тутилган.

Ўзбекистон, бу сўровнома натижаларига кўра, дунёдаги 141 та давлат орасида 2-ўринни эгаллаган, яъни юртимизда тинч ва осуда ҳаётни асраш ва ҳимоя қилиш бўйича ҳолат мана шундай юксак даражага кўтарилган.

Буни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳомийлигида мустақил ташкилотлар гуруҳи ва халқаро экспертлар иштирокида 2015 йилда 158 та давлатда “Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари” деган мавзуда ўтказилган тадқиқот ҳам тасдиқлайди. Ҳар қайси мамлакатнинг ўз фуқароларини бахтли ҳаёт билан таъминлаш қобилиятини ифода этадиган ушбу индекс бўйича Ўзбекистон 44-ўринни эгаллади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 25-моддасида **“Ҳар бир инсон ўзининг ҳамда оила-**

сининг саломатлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун зарур бўлган турмуш даражасига эга бўлиш, жумладан, турар-жойга эга бўлиш ҳуқуқига эгадир” деб кўрсатилган. Яъни, муносиб турар-жойга эга бўлиш инсоннинг энг асосий ҳуқуқларидан бири экани эътироф этилган.

Жаҳондаги барча мамлакатлар ҳукуматлари зиммасида аҳолини турар-жой билан таъминлаш мажбурияти бор. Замонавий турар-жойларни адолатли тақсимлаш ва улардан фойдаланишни тартибга солиш давлат ижтимоий сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан биридир. Бу турар-жойлар қуриш кўламини кенгайтириш, уларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, аҳолини, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни турар-жой билан таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, бу секторни ривожлантиришга имтиёзлар бериш, бошқа чораларни кўришни талаб этади.

Турар-жойга эга бўлиш дейилганида, инсон учун фақат бошпана мавжуд бўлиши назарда тутилмайди. Инсон истиқомат қиладиган турар-жой унинг яшаши учун муносиб бўлиши керак. Муносиб турар-жой дейилганида эса қуйидагилар назарда тутилади:

- шахсий ҳаётга аралашмасликни таъминлайдиган турар-жой шароитлари;
- муносиб турар-жой майдони;
- яшаш учун зарур даражадаги хавфсизлик;
- турар-жой сақланишининг кафолати;
- турар-жой мавжуд инфратузилмаларининг барқарорлиги ва пишиқлиги;
- турар-жойларнинг зарур даражада ёритилиши, иситилиши ва шамоллатилиши;

- сув таъминоти, зарур санитария шароити, чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш каби зарур инфратузилмаларнинг мавжудлиги;

- турар-жой ҳудудидаги атроф-муҳитнинг қулайлиги;

- турар-жойнинг иш жойи ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарига яқинлиги.

Юқорида қайд этилган талабларга жавоб берадиган турар-жой нархлари ҳам аҳолининг харид қобилияти учун мақбул бўлиши лозим. Аммо жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида аҳолини замонавий турар-жойлар билан таъминлаш энг ўтқир ижтимоий муаммолардан бири ҳисобланади. Иқтисодий жиҳатдан тараққий этган давлатларда ҳам турар-жой бинолари нархи қимматлиги сабабли аҳолининг анчагина қисми ўз бошпанасига эга эмас. Жаҳон бўйича эса аҳолининг деярли учдан бир қисми оддий қулайликлар мавжуд бўлмаган кулбаларда кун кечирришга мажбур.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз аҳолисининг турар-жой шароитлари тубдан яхшиланди. Ана шу даврда мамлакатимизда уй-жой фондининг умумий майдони 1,9 баробар ошди. Юртимиздаги турар-жой фонди ҳозирги вақтда 427,7 миллион квадрат метрни ташкил этади. Бу турар-жойлар умумий майдонининг 423,4 миллион квадрат метри ёки 99 фоизи хусусий турар-жойлардир. Агар 1990 йилда республикаимизда ҳар бир кишига 12,1 квадрат метр турар-жой тўғри келган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 16,2 квадрат метрни ташкил этди ёки 126 фоизга ордди. Ҳозирги вақтда мамлакатимиздаги 77,4 фоиз оила алоҳида уй ва коттежларда истиқомат қилмоқда. Ваҳоланки, кўплаб ривожланган давлатларда

оилаларнинг ярмидан кўпи ижарага олинган хонадон ва уйларда яшайди.

Мустақиллик йилларида шаҳарларимизни комплекс қуриш бўйича қабул қилинган дастурларнинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида Тошкент, Фарғона, Қўқон, Марғилон, Наманган, Урганч, Қарши, Термиз, Самарқанд ва бошқа кўплаб шаҳарларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб бормоқда.

Буюк Британиянинг нуфузли “Экономист” журналининг берган баҳосига кўра, Ўзбекистон пойтахти – Тошкент шаҳри ободлиги ва яшаш учун қулайлиги жиҳатидан дунё рейтингда 140 шаҳар орасида 58-ўринни эгаллади ва жаҳон таснифида яшаш учун энг қулай бўлган йирик шаҳарлар қаторига киритилди.

Ўзбекистон аҳолисининг қарийб 50 фоизи, яъни 15 миллионга яқин одам қишлоқ жойларда истиқомат қилади. Аммо, яқин-яқингача қишлоқларимизда уй-жойлар аҳоли пунктларини барпо этишда қўлланиши зарур бўлган бош режаларсиз қурилар, ҳудудларнинг ўзига хос табиий ва иқлим хусусиятлари, ўзбек оиласининг миллий анъаналарини ҳисобга олиб, пухта ишлаб чиқилган намунавий уй-жой лойиҳалари йўқ эди.

Ўзи ҳам буюртмачи, ҳам қурувчи бўлган қишлоқ аҳолисининг имкониятлари чеклангани, шунингдек, қурилиш материалларининг доимий танқислиги ҳамда қишлоқда ривожланган қурилиш саноати бўлмагани сабабли бу борадаги ишлар аслида ўз ҳолига ташлаб қўйилганди. Қишлоқлардаги уй-жойлар аксарият ҳолларда қўлбола қурилиш материаллари – пахса ёки хом гиштдан қурилар, хоналарга ёғочдан пол қилинмас, том ёпиш материали сифатида асосан асбест шиферларидан фойдаланилар эди.

Бош режасиз қурилган уй-жойларни коммунал қулайликлар билан таъминлаш, ичимлик суви тармоғига, электр энергияси ва газ тармоғига улаш борасида жиддий муаммолар пайдо бўлар эди.

Ҳолбуки, қишлоқ жойларда ҳар йили 150 мингдан ортиқ янги оила вужудга келаётган, сўнги чорак аср давомида эса 2 миллион 600 мингдан зиёд ёш оила пайдо бўлган ва улар ўз уйига эга бўлишга катта эҳтиёж сезаётган эди.

Шуларнинг барчаси ҳисобга олинган ҳолда, 2009 йилдан бошлаб Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойлар қуриш дастурини амалга оширишга киришилди. Тасдиқланган меъёрий ҳужжатларга мувофиқ, қишлоқ жойларда уй-жой массивларини қуриш ишлари якка тартибда уй-жой қурувчи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган ва маъқулланган намунавий лойиҳалар асосида, муҳандислик-коммуникация, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектлари билан биргаликда барпо этила бошланди. Ушбу массивларда автомобиль йўллари, ички коммуникация тармоқларини қуриш, сув, газ ва энергия таъминотини йўлга қўйиш республика ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан амалга оширилмоқда. Янги уй-жой массивларида яшайдиган аҳоли сони инобатга олиниб, мактаблар, болалар боғчалари, қишлоқ врачлик пунктлари, савдо шохобчалари ва спорт иншоотлари ҳам намунавий лойиҳалар асосида барпо этилмоқда.

Қишлоқларда уй-жой комплексларини қуришда муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан бир қаторда янги турдаги сервис ва электрон хизматлар кўрсатиш объектларини барпо этиш ҳамда ишга туширишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.





Қишлоқ жойларда якка тартибда уй-жой қуриш бўйича комплекс ишларни амалга ошириш учун яхлит институционал тузилма ташкил этилди. Намунавий уй-жойларни лойиҳалаштириш, ижтимоий ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасига эга бўлган уй-жой массивларини комплекс қуриш режасини ишлаб чиқиш “Қишлоқ қурилиш лойиҳа” ихтисослаштирилган лойиҳа-тадқиқот институти зиммасига юкланган. Шу билан бирга, мазкур институт қурилиш ишлари бажарилиши устидан муаллифлик назоратини ҳам амалга оширмоқда.

Намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойлар қурилишини кредит асосида молиялашгани шу мақсадда ташкил этилган “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик-тижорат банки амалга оширмоқда. Банк қишлоқда якка тартибда уй-жой қурувчига ипотека кредитлари беради, шунингдек, қишлоқда уй-жой ва ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этаётган қурилиш ташкилотлари ҳамда қишлоқ қурилишида фойдаланиладиган замонавий материаллар ва конструкциялар ишлаб чиқарувчи корхоналарни ҳам кредит билан таъминламоқда.

Қишлоқ жойларда якка тартибда уй-жой қуриш дастурини амалга оширишда мамлакатимизнинг бошқа банклари – “Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” ва “Ипотека банк” акциядорлик-тижорат банки ҳам фаол иштирок этмоқда.

Уй-жойларни намунавий лойиҳалар асосида тайёр ҳолда топшириш шарти билан қуриш борасидаги ҳамма ишлар “Қишлоқ қурилиш инвест” ихтисослаштирилган инжиниринг компанияси зиммасига юкланган. Ягона буюртмачи бўлган ушбу компания

мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўз филиалларига эга бўлиб, у қишлоқ жойларда уй-жой массивларини сифатли қуриш бўйича ягона сиёсатни амалга оширмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатимиз ҳудудларида ташкил этилган 900 дан ортиқ янги ихтисослаштирилган пудратчи қурилиш ташкилотлари, замонавий қурилиш материаллари, конструкциялар, ёғоч пол, дераза панжаралари, том ёпиш ва бошқа материаллар ишлаб чиқарадиган 60 дан зиёд корхона ташкил қилинган.

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш бўйича махсус дастурни амалга оширишда Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Жаҳон банки каби кўплаб нуфузли халқаро молия институтлари ва ташкилотлари ҳам фаол иштирок этмоқда.

Фақат 2009-2016 йиллар давомида қишлоқ жойларда 1308 та турар-жой массивида умумий майдони 9 573 минг квадрат метр бўлган 69 минг 557 та шинам уй-жой қурилди. Қишлоқлардаги 83,5 мингдан ортиқ оиланинг яшаш шароити яхшиланди. Бу қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи оилаларни замонавий, сифатли, шинам уй-жойлар билан таъминлашга, қишлоқда янги муҳандислик-коммуникация, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини шакллантиришга кўмаклашди, қишлоқнинг қиёфасини янги даражага кўтариш ва шу асосда қишлоқ аҳолисининг ҳаёт сифатини яхшилаш ва дунёқарашини ўзгартириш имконини берди.

Шу билан бирга, амалга оширилган таҳлиллар аҳолининг реал эҳтиёжлари ва харид қобилиятини, шунингдек, миллий менталитетни ва қишлоқ жой-

ларда яшаш шароитларини тўлиқ ҳисобга олувчи қурилишнинг юқори самарадорлигини таъминлайдиган, туб жиҳатдан янги ёндашувларни ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатди.

Қишлоқ аҳолисининг замонавий ва арзон уйларга бўлган ўсиб бораётган эҳтиёжи имтиёзли кредит беришнинг юқори даражадаги шартларини жорий этишни, энергияни тежайдиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг янги турларидан фойдаланишни янада кенгайтиришни, шунингдек, барпо этилаётган уйлارнинг таннархини пасайтиришни талаб қилмоқда.

Ана шундай муҳим вазифалар ҳисобга олинган ҳолда, 2016 йил 21 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“2017–2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида”**ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарор қишлоқ аҳолисининг кенг қатламлари учун замонавий ва шинам уйлاردан фойдаланиш даражасини тубдан оширишга, ер ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлашга ва қишлоқ жойларда якка тартибда уй-жой қурилишини янада ривожлантиришга йўналтирилган.

Дастурда қишлоқ жойларда нарх параметрлари ва шинамлиликка кўра якка тартибдаги уй-жойлар намуналарининг учта энг арзон турларини қўшимча равишда барпо этиш назарда тутилади. Жумладан, биринчи тури бўйича уч ёки тўрт йўлаккли, хўжалик иморатлари ва обод ҳовлилари бўлган икки ва уч қаватли кўп квартирали уйлار барпо этишни назарда тутди. Бундай уйлarda умумий майдони 42,4 квадрат метр ва тахминий қиймати 72,5 миллион сўм, хўжалик иморатлари ҳисобга олинган ҳолда 85 мил-

лион сўм бўлган икки хонали квартиралар бўлади. Уч хонали квартираларнинг майдони 52,4 квадрат метр ва тахминий қиймати 88,5 миллион сўм, хўжалик иморатлари ҳисобга олинган ҳолда 100,7 миллион сўм бўлади. Кўп квартирали уйларни қуришда квартиралар эгаларининг эҳтиёжларини қондириш мақсадида ҳовлида жойлаштириладиган иморатлар – болалар майдончалари, дам олиш учун айвонлар, душ ва бошқа қулайликлар барпо этиш назарда тутилади.

Якка тартибдаги уй-жойлар намуналарининг иккинчи турига мувофиқ, аҳоли зич жойлашган туманларда 2 сотих майдондаги ер участкасида барпо этиладиган бир қаватли икки ва уч хонали арзон уйлар қурилди. Бундай икки хонали уйларнинг умумий майдони 53 квадрат метр ва тахминий қиймати 93,8 миллион сўм, хўжалик иморатлари ҳисобга олинган ҳолда 101,5 миллион сўм бўлади. Уч хонали уйларнинг умумий майдони 63,5 квадрат метр ва тахминий қиймати 111 миллион сўм, хўжалик иморатлари ҳисобга олинган ҳолда 118,7 миллион сўм бўлади. Уйларнинг ҳовлисида хўжалик иморатлари ҳам қурилади.

Учинчи тур – 4 сотих майдондаги ер участкасида барпо этиладиган умумий майдони 115 квадрат метр бўлган, ягона блокка бирлаштирилган икки қаватли тўрт хонали уйлардир. Бу уйларнинг тахминий қиймати 162 миллион сўмни, хўжалик иморатлари ҳисобга олинган ҳолда 181,8 миллион сўмни ташкил этади. Уйларнинг ҳовлисида хўжалик иморатлари ҳам қурилади.

Янгиланган лойиҳалар бўйича барпо этиладиган уйлар ўзининг нархлари, сифат тавсифлари ва ши-



намлиги бўйича Марказий Осиёда ўхшаши йўқлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Агар 2009 йилда қабул қилинган Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жойлар қуриш дастури доирасида уй қурувчининг дастлабки бадали 25 фоизни ташкил этган бўлса, янги дастур бўйича ушбу бадал биринчи ва иккинчи турдаги уйларни қурувчилар учун атиги 15 фоизни ташкил этади. Бу арзон уйлар дастурга қишлоқ аҳолисининг кенг қатламларини жалб этишга кўмаклашади.

Бундан ташқари, ипотека кредити уч йиллик имтиёзли давр ва биринчи 5 йил мобайнида йиллик 7 фоиз миқдоридagi фоиз ставкаси билан 15 йил муддатга берилади. Кейинги йилларда кредитнинг фоиз ставкаси Марказий банкнинг ҳозирги вақтда йиллик 9 фоизни ташкил этадиган қайта молиялаштириш ставкасидан ортиқ бўлмайди.

Дастурни молиялаштиришга фақат 2017 йилда 2 триллион 121,5 миллиард сўм йўналтирилади, шу жумладан, уй қурувчиларнинг маблағлари билан биргаликда давлат бюджетидан 350 миллиард сўм ажратилади, шунингдек, тижорат банкларининг 2 триллион сўмдан ортиқ миқдоридagi кредит ресурсларини жалб этиш назарда тутилади.

Умуман олганда, дастурда 2017 йилда 15 мингта янги уй ва квартира, шу жумладан, 4608 та биринчи турдаги, 3739 та иккинчи турдаги, 3672 та учинчи турдаги уйларни ҳамда 0,06 гектар майдонга 3, 4 ва 5 хонали 2981 та бир қаватли уйлар қуриш назарда тутилади.

Шу билан бирга, янги қурилаётган уй-жой массивларида фақат давлат ресурслари ҳисобидан 415,3 километр сув таъминоти тармоқлари, 291,5 ки-

лометр электр таъминоти тармоқлари, 316,9 километр газ таъминоти тармоқлари ва 260,3 километр автомобиль йўллари, шу жумладан, массивлар ичида кириш йўллари ва йўллар, шунингдек, 134 та ижтимоий инфратузилма объекти барпо этилади.

Қурилиш-монтаж ишлари сифатига қўйиладиган талабларнинг оширилиши дастурнинг яна бир муҳим хусусияти ҳисобланади. Бунда асосий қурилиш материаллари ва буюмларга қурилиш-пудрат ташкилотларининг харажатларини мақбуллаштириш ҳисобидан барпо этиладиган намунавий уй-жойлар қиймати пасайиши таъминланади.

Бундан ташқари, қишлоқ жойлардаги уйларнинг арзонлигига дастур иштирокчилари учун солиқ, божхона имтиёзлари ва бошқа имтиёзлар берилиши туфайли ҳам эришилади. Масалан, пудрат ташкилотлари арзон уйлар қуриш доирасида бажариладиган ишлар ҳажми учун солиқларнинг барча турларини ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод этилади.

КЕКСАЛАР – ҲАЁТИМИЗ КЎРКИ ВА ФАЙЗИ

Мамлакатимизда ёши улуг инсонларга эътибор ва гамхўрликни кучайтириш, ҳурмат-эҳтиром, меҳр-оқибат кўрсатиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш учун барча зарур шарт-шароит яратилиб, ушбу масала давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Ўтган даврда бу борада амалга оширилган кенг кўламли ишлар кекса авлод вакиллари ўз ҳаётидан мамнун бўлиб умргузаронлик қилаётганларида яққол ифодасини топмоқда.

Кексаларни ва ўзидан катталарни эҳтиром қилиш ўз қадр-қимматини билган ҳар бир жамиятнинг энг муҳим қадриятларидан бири ҳисобланади. Бу қадриятлар уларга амал қилган жамиятларда ўзига муносиб ва мустаҳкам жой олади. Бундай жамиятда ҳар бир инсон кексаларни эъзозлаш бўйича ўзининг масъулиятини яхши билади ва бажаради.

Қадимда бобо ва момоларимиз динимиз таълимотларига амал қилиш жараёнида бу борадаги кўрсатмаларни ҳам гўзал тарзда амалга оширганлар ва барчага ўрнак бўлганлар.

Бугунги кунда мамлакатимизда 60 ёшдан ошганлар сони 2 миллион 873 мингдан кўпроқ кишини ёки аҳолининг 9,1 фоизини ташкил этади. Мустақиллик

йилларида халқимизнинг ўртача ёши 1990 йилдаги 67 ёшдан 73,5 ёшга, аёллар ўртасида эса 75,8 ёшга етди.

Айни пайтда юртимизда 225 минг нафар 80 ёшдан, 44 минг нафар 90 ёшдан, 8 минг 700 нафар 100 ёшдан ошган табаррук қариялар яшамоқда. Улар орасида 3 минг 109 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 69 минг 994 нафар фронт ортида меҳнат қилган инсонлар бор.

Бугун юртимизда фахрийларимизнинг ҳурматини жойига қўйиш, уларни ҳар томонлама эъзозлаш ва қадрлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Бош Қомусимиз – Ватанимиз Конституциясида инсон энг олий қадрият сифатида эътироф этилгани ва унинг 39-моддасида ҳар ким қариганида, меҳнат лаёқатини йўқотганида ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга экани кафолатлаб қўйилган.

Бугун она сайёрамизда ҳар секундда икки киши ўзининг олтмиш ёшга тўлганини нишонламоқда. БМТ маълумотларига кўра, асримиз ўрталарида бориб Ерда 100 ёшдан ошганлар сони 3,2 миллион кишига етар экан. Ваҳоланки, улар 2014 йилда 300 минг кишидан ошмаётган эди. Агар 1950 йилларда инсоннинг ўртача умр кўриши 47 йил атрофида бўлган бўлса, 2010 йилда бу рақам 69 ёшга етди. 2050 йилда бу кўрсаткич 16 ёшни, 2100 йилда 85 ёшни ташкил этиши кутилмоқда¹.

Дунёда соғлиқни сақлаш сифати яхшилангани, тиббиётнинг жадал тараққий этаётгани, санитар назоратнинг такомиллашаётгани, таълимдан фойдаланишнинг кенгайиб бораётгани, иқтисодий фаровонлик туфайли кексалар улуши борган сари кўпаймоқда. Узоқ умр кўриш – инсоният тараққиётининг энг катта муваффақиятларидан биридир (8-жадвал).

¹ М. Қаршибоев. Элда эъзоз топган кексалар. Тошкент, “Маънавият” нашриёти, 2015 йил.

Жаҳон мамлакатларида инсон туғилган пайтда ку- тилаётган умр кўриш давомийлиги¹

Мамлакатлар	Умр кўриш давомийлиги, йил	Мамлакатлар	Умр кўриш давомийлиги, йил
Япоиня	83,4	Гвинея-Бисау	48,1
Швейцария	82,3	Лесото	48,2
Италия	81,9	Марказий Африка Рес.	48,4
Австралия	81,9	Афғонистон	48,7
Исландия	81,8	Свазиленд	48,7
Исроил	81,6	Замбия	49,0
Испания	81,4	Ангола	51,1
Швеция	81,4	Зимбабве	51,4
Сингапур	81,1	Камерун	51,6
Норвегия	81,0	Нигерия	51,9

Шу билан бирга, афсуски, кўплаб мамлакатларда ижтимоий бюджетни шакллантириш, пенсия тизимини яратишда юзага келаётган муаммолардан қочиб бўлмапти. Бунинг устига, меҳнатга яроқли аҳолининг қисқариши солиқ тушумларининг камайишига олиб келмоқда, натижада ортиб бораётган нафақахўрларнинг моддий-ижтимоий шароитларини барқарор сақлаб туриш қийинлашмоқда. Ривожланаётган давлатлардан фарқли равишда Ғарбнинг тараққий этган ўлкаларида қариш жараёни, таасуфки, қувончли ҳодиса бўлмай қолди.

Маълумки, 2015 йил мамлакатимизда “Кексаларни эъзозлаш йили” деб эълон қилиниб, шу муносабат билан улкан ишлар амалга оширилди. Таниқли адабиётшунос Муртазо Қаршибоевнинг “Элда эъзоз топган кексалар” номли рисоласида ана шу ишлар ҳақида атрофлича фикр юритилади.

¹ Лазиз Раҳматов. Дунё кексалари: Кексалар дунёси. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, Тошкент, 2015 йил, 15-бет.

Қуйида ана шу рисоланинг энг муҳим нуқталарига эътиборингизни қаратмоқчимиз.¹

Маълумки, бу дунёда бахту саодатга эришишни, ўз ери, ўз юртида чинакам хўжайин бўлиб, ҳеч кимга бош эгмасдан мардона меҳнат қилиб, унинг роҳати, меvasини оиласи, қариндош-уруғлари, фарзандлари, эл-юрти билан баҳам кўриб яшашни истаган инсон, халқ ва жамиятнинг ҳар бир қадамида огоҳлик ва ҳуш-ёрлик ҳамроҳ бўлиши лозим. Айниқса, кундан-кунга хатар ва таҳдидларнинг сонун саноғи, тури ва шакллари тобора кўпайиб, ҳаётимизга ичкаридан ҳам, ташқаридан ҳам ёпирилиб келаётган бугунги ғоят мураккаб ва серташвиш дунёда ҳақиқатан ҳам, бундай сертахлика замонда огоҳлик туйғусисиз инсон, жамият ва халқ сезгирликни йўқотади, ихтиёрини билиб-билмасдан, ёвуз кучлар қўлига бериб қўйиб, ҳаётнинг, тараққиётнинг мураккаб йўлларида боши берк кўчаларга кириб, асосий мақсадлардан чалғиб кетади.

Агар чуқурроқ ўйлаб кўрадиган бўлсак, табиатнинг асосий фалсафаси ҳам огоҳлик эканини, унинг ҳар бир ҳодисаси, одат ва қонуниятларда айна шу туйғу, шу даъват мужассам эканини кўрамиз.

Тасаввур қилинг, қаҳратон қиш тугаб, илиқ кунлар бошланиши билан қор тагидан бойчечак бош кўтариб чиқади – кўклам нафаси кеза бошлаганидан огоҳ этади. Тонг саҳарда, тонг шафағи уфқни қоплай бошлаши билан сайроқи қушлар чуғур-чуғурни, азалий хонишу нағмани бошлайди – янги кундан дарак беради.

Фараҳбахш кечаларда кўкка боқиб, фалакнинг нурли ўроғи – ҳарир парда ортидаги ҳилолни кўриб, янги ой бошланганидан огоҳ бўламиз. Худди шунинг-

¹ М. Қаршибоев. Элда эъзоз топган кексалар. Тошкент, “Маънавият” нашриёти, 2015 йил.

дек, қовун пўчоғининг ерга тушиши – куздан дарак. Ариқдаги сувларнинг тиниқлашиб, майин тортиб қолиши – сунбула келганига ишора. Дарахтларнинг барг тўкиб, ерларнинг хазонга бурканиши – қиш муждаси.

Хўрознинг қичқириси – уйғоқликка даъват. Чигирткаларнинг чириллаши – саратон “симфонияси” ва ҳоказо.

Нимасини айтасиз, ярим тунда гўдак уйғонади – онажон суг беринг. Кўкракни эмиб бўлгач, жавдираб тиқилади – қорин тўйди, қайғу кетди, энди кўнгилни тўйғазинг – алла айтинг.

Ўн еттига тўлиб, қизлар бир бошқача, ўн саккизга кириб йигитлар бир бошқача тўлишиб-очилиб кетади – севги фаслига қадам қўйганидан нишона.

Ҳар қадамда огоҳликнинг ана шундай сирли ва сеҳрли уммонида яшаб, одамзотнинг ғафлатга ботиши, хато устига хато қилиши – бу қандай кўргилик, қандай нодонлик деб таъкидлайди муаллиф.¹

Ҳаётнинг, табиатнинг огоҳлик китобини ҳеч ким кексалар каби зукколик билан ўқий олмайди. Улар бир сиқим тупроқни олиб, экин мавсуми бошланганини айтиб беришади. Чорвани узоқдан кузатиб қайси қўй қачон туллаши, қайси сигир қайси зотга мансублиги ҳақида бутун бир дostonни ҳикоя қилиб бериши мумкин. Баҳор қуруқ келса нима бўладию куз серёғин келса – нимадан дарак – ҳаммаси уларга аён. Ёки ёмон ниятли одамларга қараб “бунингни кўзи бежо” деб тўғри “диагноз” қўяди. Шу маънода, кексаларни огоҳлик даракчилари десак, адашмаган бўламиз.

Буюк аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур “Бобурнома” асарида қуйидаги форсча байтни келтиради:

¹ Ўша манба.

Ҳарчи дар оина жавон бинад,
Пир дар хишт пухта он бинад.

Маъноси: *ёш киши ойнага қараб кўрган нарсани кекса киши гиштга қараган ҳолда ундан ҳам яхшироқ кўради.*

Халқимизнинг “Қари билганни пари билмас”, “Кўп кўрган кўп билади”, “Қарисанг, биласан” деган мақол ва ўғитлари, кексаларнинг “Ёш улғайгач, қуш уйқу бўлиб қоларкан одам” каби эътирофлари ҳам уларнинг борган сари кўнгли, ҳиссиётлари нозиклашиб, сезгир ва ҳушёр бўлиб қолишини кўрсатади.

Айниқса, ёшларга қараб умрнинг буюк имкониёт деб тушуниш ҳақидаги насиҳатлари – қисматдан, тақдирдан огоҳликнинг яққол намунаси, десак, адашмаймиз.

Кўнгил ёшлигини ҳар дам қўмсайди,
Оҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди!
Такрор этмас эдим бағри тошлигим,
Оҳ, менда бўлсайди сенинг ёшлигинг!

Намунча енгилсан, намунча дайди?
Оҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди!
Бўлмасди беғамлик, бебардошлигинг,
Оҳ, менда бўлсайди сенинг ёшлигинг!

Тонг юлдузи каби бир он кулсайди,
Оҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди!
Ўтда ёндирардим кўнгил гашлигинг,
Оҳ, менда бўлсайди сенинг ёшлигинг!

Юрак илк севгига яна тўлсайди,
Оҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди!
Шодлик, кўркамлигинг, серқуёшлигинг,
Жаҳон ёритарди худди ёшлигинг!

Сўнги сатрларида озгина советча пафос сезилиб турса-да, шеър жуда самимий ёзилган. Аслида самимий икром билан айтилган, чин дилдан чиққан сўзнинг ўзи – шеър.

Яна бир мумтоз шоир ва адибимиз Шухрат домланинг қуйидаги сатрлари ҳам юқорида келтирилган шеърнинг мазмунига ҳамоҳанг. Нафақат ҳамоҳанг, балки айна ўша шеърга изоҳ, ғойибона жавоб тарзида ёзилгандек:

Ёшликда ёшликни билмайди киши,
Ўрганиш, изланиш бўлади иши,
Вақт ўтиб, тиш тушиб, соч оқарганда,
Ёшликка оғади хаёл, ташвиши.

Одам қанчалик мазмунли ва фаол ҳаёт кечирмасин, умр қарвони манзилга яқинлашаверганидан сўнг барибир “Ёшликка оғади хаёл, ташвиши”, навқирон, азму шижоатли ёшларни, уларнинг ҳаёт йўлидаги имкониятларни кўриб, истаса-истамаса, “Оҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди”, дейди беихтиёр. Ҳеч шубҳасиз, бундай сатрларда беғубор ёшлик онларини қўмсаш билан бирга, беҳуда ўтказилган олтинга тенг дамлар учун куйиниш, ачиниш оҳанглари ҳам, нимага вақтида огоҳ бўлмадим, деган афсус-надомат ҳам бор, деб ёзади М.Қаршибоев.¹

Бу ҳаётда эзгулик ва яхшилик билан яшаган ютади. Буни устоз шоиримиз, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов тўрт сатр шеърда бундай ифода этади:

Адоватдан сира келмаган бойлик,
Ҳосил гадолигу қуллик бўлади.
Лой отишган ёвлар икков ҳам лойлик,
Гул тутишган дўстлар гуллик бўлади.

¹ Ўша манба.



Алишер Навоий кексалик ҳақида фикр юритиб, унга “Соқол оқи ўлимга пешравдурур, Тириклик майсаси узра қировдурур”, деб таъриф беради. Бу ўринда қарилик умрнинг хазон бўлиш фасли сифатида, бироз ғамгин оҳангда тавсиф этилгани сир эмас.

Устоз адиб Асқад Мухтор эса “Қариликдан қўрқма, унга аввало етиш керак”, деб ёзган эди кундаликлар жанридаги “Уйқу қочганда” асарида, деб фикрини давом эттиради рисола муаллифи. Ҳақиқатан ҳам, қарилик фаслига етиш, унинг мўъжизаларини ҳис этиш ҳам – улуғ бахт, буюк неъмат. Бир қараганда, кексалик – ҳамма босиб ўтиши муқаррар бўлган йўл бўлиб туюлади. Лекин, афсуски, бу йўлдан юриш, унинг медаларини татиб кўриш ҳаммага ҳам насиб этавермас экан.

Дарвоқе, бир умр яхшилик қилиб яшаган инсонлар учун қарилик – ҳосил йиғиш мавсуми, яъни қилган хайрли ва савоб амалларининг ажрини кўрадиган давр, деган ҳикматли сўзларни ҳам эсга олайлик.

Хуллас, ана шундай фазилатли оламга қадам қўйиш, унинг сокин кечаларида сайр қилиб, сукунат ва вазминлик неъматидан баҳраманд бўлиши ҳам барча насиб этавермайдиган тақдир экан. Шунинг учун тўй кечаларида ёш келин-куёвларга, дастурхонлар бошида, қувончли кунларда оилали одамларга самимий тилаклар билдирар эканмиз, “қўшганингиз билан қўша қаринг”, деб ният қиламиз. Ёш болалар акса урса, “Чол бўл-ей, пир бўл-ей!” деб ҳам соғлиқ, ҳам узоқ умр тилаймиз. Бир сўз билан айтганда, қарилик, баъзилар ўйлаганидек, қўрқинчли эмас, аксинча, умрнинг бошқа босқичларида учрамайдиган мўъжизаларга эга бўлган илоҳий бир даврда кўп нарса инсоннинг ўзига, уни умрни қандай ўтказишига боғлиқ. Заҳириддин Муҳаммад

Бобур “Бобурнома” китобида дўстлар билан ўтган аза ҳам тўйдир, деган мазмундаги форсча мақолни ҳам келтириши бежиз эмас. Демак, яхши дўсту биродарлар, эзгу ниятли кишилар даврасида, соғлом муҳитда ўтган умрнинг ҳар лаҳзаси – у ёшлик ёки кексаликка мансубми, бундан қатъи назар – саодат онлари каби азиз ва қадрлидир.

Иккинчи жаҳон урушида 500 мингга яқин юртдошимиз навқирон ёшида ҳалок бўлди, кексалик шаробини татиб кўрмасдан, суюкли ёри билан севги-муҳаббат нашидасини суриб, фарзанду набиралар орттириш, қўша қариш бахтига муяссар бўлмасдан, дунёни тарк этди, лекин улар ўзларидан биз учун, келгуси авлодлар учун ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган қимматли мерос – озод шаҳар ва қишлоқларимиз, нурли, тароватли ҳаётимиз, улар учун ҳам яшаш, севиш-севилиш, ёшлик-кексалик гаштини суриш имкониятини қолдирди. Шунинг учун ёшларимиз навқиронлик сурури, муҳаббатнинг қувончи, изтиробу аламларини туйганида, катта ёшдагилар оила, фарзанд, невара-чавара бахтидан миннатдор бўлганида, кексаларимиз ўзларига нисбатан элу юрт эъзозини ҳис қилганларида, буларнинг барчаси учун ўша 500 минг нафарга яқин юртдошимизнинг руҳи поклари олдида қарздорлик туйғусини сезиб, уларга муносиб бўлиб, бамисоли улар етолмаган кунларни яшаб, уларнинг орзуларини амалга ошираётганларини англаш демакдир. Бинобарин, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик, ворислик анъаналари, илоҳий ришталар бор экан, аждодлар дунёдан ўтгани билан уларнинг покиза ҳис-туйғулари, хоҳиш-истаги, интилишлари завол билмайди, аксинча, янги-янги авлодлар тимсолида давом этади. Шунинг учун ҳам

нуроний отахон ва онахонларимиз ўғил-қизлари, не-
вара-чевараларига, уларнинг феъл-хўйи, қилиқ ва
ҳаракатлари, мақсад-муддаоларига қараб умри ана
шу зурриёдлари орқали давом этаётганини юрак-
юракдан ҳис этиб, бундан чуқур мамнуният ҳис эта-
дилар.

Албатта, ўзига хос инсоний мазмунга, сўз билан
таърифлаш қийин бўлган ажиб гўзаллик ва тароват-
га эга бўлган кексалик ҳақида кўплаб ҳаётий фикр-
мулоҳазалар, аниқ мисоллар келтириш мумкин.
Лекин шу ўринда бу наёб умр ҳодисасининг илмий
таърифи қандай, қадимги ва бугунги давр алломала-
ри бу ҳақда нималарни ёзиб қолдирган, деган савол
туғилиши табиийдир, деб таъкидланади “Элда эъвоз
топган кексалар” рисоласида.¹

Илм-фан оламида, инсон ҳаётининг барча давр ва
қирралари сингари, кексалик ҳодисасини ҳам алоҳи-
да йўналиш сифатида ўрганадиган махсус тармоқ
бўлиб, у геронтология деб аталади. “Геронтология”
сўзи юнонча ва gerontos – қария, logos – фан маъ-
носини англатади. Бунинг маъноси – жонли мавжу-
дод, жумладан, инсоннинг қариш-қартайиш ҳолати-
ни тадқиқ этадиган илм демакдир.

Ҳозирги кунда геронтологиянинг ўнлаб йўналиш
ва шохобчалари маълум. Гериатрия (қариган жисм-
ларга хос касалликларнинг хусусиятлари ҳақидаги
таълимот), герогигиена (катта ёшдаги кишиларнинг
озодалик, саришталик маданияти, яъни гигиенаси
ҳақидаги фан), ижтимоий геронтология (қариш жа-
раёнининг демографик, ижтимоий-иқтисодий, ди-
ний ва бошқа жиҳатлари билан боғлиқ муаммоларни
маънавий-руҳий тадқиқот йўллари билан ўрганади-

¹ Ўша манба.

ган илм тармоғи) ва бошқа йўналишларни бу борада мисол қилиб келтириш мумкин.

Милоддан олдинги қадимги асрларда “геронтократия” (юнончада қариялар ҳокимияти деган маънони билдиради) деган тушунча бўлган ва Грецияда шу номдаги бошқарув тузилмаси фаолият кўрсатган. Яъни, ушбу кўҳна ўлкада қариялар кенгаши – герусий деб аталган ва муҳим ҳаётий масалалар бўйича қарор қабул қилишда унинг фикри алоҳида эътиборга олиниб, устунлиги эътироф этилган. Кенгаш аъзолари эса геронтомлар деб аталган. Бу қариялар деган маънони билдиради. Қадимий юнон адабиётининг асосчилари ҳисобланган Гомер дostonлари ва Софокл трагедияларида кекса донишмандлар асосан илоҳий мўътабар зотлар сифатида тасвирлангани ҳам уларга бўлган ҳурмат-эҳтиром ифодасидир.

Фалсафа фанлари номзоди, таниқли олим ва журналист Баҳодир Зокир “Умрбоқийликнинг чораси борми?” деб номланган мақоласида геронтология илмининг шаклланиш тарихи ҳақида фикр юритар экан, қуйидаги маълумотларга эътибор қаратади: “Инсон ҳаётининг мазмуни, уни белгиловчи омиллар, умрбоқийлик масаласи азалдан буюк алломаларни қизиқтириб келган. Милоддан олдинги V-IV асрда яшаб ижод этган эфеслик (Юнонистондаги қадимий шаҳар – Б.З.) Гераклитнинг “Борлиқдаги барча жисмлар тинимсиз ҳаракатда намоён бўлади, ҳамма нарса оқади, ўзгаради” деган ғоясида ҳаётнинг моҳияти тараққиёт, ўзгариш, борлиқ ривожини тўғрисидаги таълимотга асосланиши ифодаланган. Шундай экан, нима сабабдан тўхтовсиз ривожланиш, тараққиёт, ҳаётнинг мукаммаллашуви жараёнида унга тамоман қарама-қарши ҳолат – қариш, емирилиш ҳодисаси рўй беради?

Мазкур ҳодисанинг фалсафий моҳияти, унинг асосий сабаблари илк бор юнон алломаси Арастунинг энтелехия (ҳаётий куч) ҳақидаги таълимотида ўз ифодасини топган. Файласуфнинг назарида, қаришнинг сабаби қарама-қарши ҳодисалар – ҳаёт (ривожланиш ва тараққиёт) ва ўлим (қариш, емирилиш) ўртасидаги курашда намоён бўлади. Ҳар бир тирик мавжудотга хос “ҳаётий куч” чеклангани боис, вақт ўтиши билан таъсирини йўқотади. Эътиборли жиҳати шундаки, орадан неча минг йиллар ўтган бўлса-да, Арастуниг ана шу ғояси замонавий геронтологик назариялар (хусусан, инсон жисми машина сингари емирилиши ҳақидаги концепциялар ёки емирилишнинг муайян омилларини, хусусан, ген, фермент, тўқима, ҳужайра ва ҳоказо) излаб топишга уринаётган олимлар учун ғоявий асос бўлиб хизмат қилмоқда”.¹

Қадимий юнон файласуфи Афлотун “Давлат”, “Қонун”, “Сиёсат”, “Мактублар” каби асарларида геронтология, яъни кексалик сирларига оид қарашларини баён қилади. Афиналик донишманд кекса одамларни тарих, анъана ва қонунлар ҳимоячиси, деб таърифлайди. Ҳақиқатдан ҳам, бугунги кунга қадар ана шу уч қадриятни асраб-авайлаш, уларнинг мазмун-моҳиятини аждодлардан авлодларга етказишда ёши улуғ инсонларнинг хизматлари беқиёс бўлиб келмоқда. Биргина меҳнат, муомала, ахлоқ-одоб тарбиясини, рўзгор, оила тебратиш маданиятини шакллантириш, бу борадаги анъаналарни замоннинг талабларига уйғун ҳолда бойитиш ёки такомиллаштиришда ота-оналарнинг фарзандларга, бобо ва момоларнинг невараларга таъсири қандай катта эканини ҳаммамиз шахсий ҳаётимиз миқсолида кўриб, бунга тўла ишонч ҳосил қилганмиз.

¹ Ўша манба.

Муаллифнинг таъкидлашича, римлик нотиқ ва файласуф Марк Туллий Цицерон, немис мумтоз фалсафасининг буюк намояндалари Фихте, Ант, Гегель ҳам қарилик ҳодисасини турлича нуқтаи назардан тадқиқ этишга ҳаракат қилишган. Шарқда эса буюк аждодимиз Абу Али ибн Сино кексалик феномени ҳақидаги пухта асосланган фикрлари билан аоҳида таълимотга асос солган. Бу таълимотда немис файласуфларидан анча илгари руҳнинг жисмдан ажралганидан сўнг мустақил яшashi ва абадийлигига урғу берилади. Улуғ ҳақимнинг “Тиб қонунлари” асарида турли ёшдаги одамлар учун жисмоний машғулотлар, махсус уқалаш машқлари (массаж), вақтида овқатланиш, ухлаш, дам олиш бўйича илмий-амалий жиҳатдан асосланган тавсиялар берилади. Буларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда, деб қайт этади мақола муаллифи, Абу Али ибн Синони ҳақли равишда геронтология фанининг отаси дейиш мумкин.

Ибн Сино кекса инсонлар вужудидаги жисмоний қобилиятларнинг сусайиб, номатлуб ўзгаришлар кучайиб боришига сабаб уларнинг темпераменти – мизож ва таъбига боғлиқ эканини илмий йўл билан исботлаб беради.

Алломанинг қайт этишича, мизож уч турли бўлади. Агар кекса киши тўладан келган, юзи оқ, малласоч бўлса, улар совуқ мизож бўлади. Совуқ мизожлар қарилик даврига қадам қўйишганида касалликка тез-тез чалинадиган бўлиб қолишади. Аксарият ҳолларда уларнинг бели, бўгин ва оёқлари қақшаб оғрийди. Бундай отахон ва онахонлар қарилик кучайгани сари совуққа таъсирчан бўлиб боради ва турли хасталиклар уларни безовта қилаверади.

Бундан фарқли равишда иссиқмижоз кишилар қорамғиз, қорасоч, қотма ва озғин бўлишади. Улар кексаллик даврида совуққа мойил бўлиб, камроқ хасталанади.

Учинчи мижоздаги кишилар юқорида зикр этилган икки мижоз ўртасидаги кишилар бўлиб, улар иккимижозлар деб аталади, уларда учрайдиган касалликлар ҳам ҳар икки мижозга хос бўлади. Бу тоифадаги одамлар бугдойранг, сочлари ҳам ўртача – тим қора ҳам эмас, сарғиш ҳам эмас – шу икки ранг миёнасида бўлади.

Геронтология фанининг Ўзбекистондаги фаол тадқиқотчиларидан бўлган олима Шоҳида Содиқованинг ёзишича, Марказий Осиё халқларининг ноёб маънавий обидаси бўлмиш “Авесто” китобида ҳам кексаларга ҳурмат ва эътибор кўрсатиш, қарилик ҳодисасининг моҳияти ҳақида ибратли фикрлар илгари сурилган. Ушбу кўҳна китобда, жумладан, бундай дейилади: “Кексаларнинг гапига қулоқ солинг ва андиша билан мулоҳаза юритиб, яхши билан ёмонни ўзингиз ажратиб олинг... Яхши устозлар – Тангрига яқин одамлардир. Шунинг учун уларни эъзозлашимиз лозим”¹.

Қадимий Хитой фалсафий тафаккурининг асосчиларидан бири бўлган устоз Конфуций (милоддан олдинги 551–479 йилларида яшаб ўтган) таълимотининг негизида ҳам аجدодлар, уларнинг анъана ва урф-одатларини ҳурмат қилиш, асраб-авайлаш, моҳиятига етиш ташкил этади. Маълумки, бу донишманд муаллимнинг таълимоти Хитойда кўп асрлар давомида давлат ишларини юритиш дастури, тафаккур ва дунёқараш асоси бўлиб келган. Бу таълимотнинг таъсирини Япония, Жанубий Корея, Вьетнам каби давлатларда бугунги кунга қадар кўриш, уларнинг

¹ Ўша манба.

дунёқараши, урф-одат ва анъаналарига “буюк муаллим”нинг ғоялари сингиб кетганини ҳис этиш мумкин.

Мазкур таълимотнинг ўзагини “ли” – жамиятни бошқариш, турли удум ва расм-русумлар, воқеа-ҳодисалар тартибини белгилаш, ёш авлодни катталарга ҳурмат руҳида тарбиялаш етакчи ўрин тутади. Конфуций аждодлар ва авлодлар бир бутун жараённинг икки бўлаги эканини таъкидлайди. Бири жисмонан бу ҳаётдан фоний бўлган бўлса, иккинчиси ҳаёт гулшанида нашъу намо суради, ота-боболарининг ишларини давом эттиради, ҳаёт карвонига сарбонлик қилади.¹

Ўн саккизинчи асрнинг иккинчи ярми ва ўн тўққизинчи асрда ижтимоий тафаккур ривожидан рационализм ўрнини иррационализм эгаллай бошлаши билан ҳаётнинг маъно-мазмунини ва узоқ умр кўриш масалаларини ифода этишда тушкунлик кайфияти кўзга ташланади. Бу ҳолат айниқса А.Шопенгауэр, Э.Гартман, Ф.Ницше каби файласуфларнинг илмий-назарий қарашларида яққол сезила бошлайди. Бундай муносабатни кейинчалик экзистенциализм асосчилари М.Хайдеггер, Ж.П.Сартр, А.Камю сингари файласуф ва ёзувчилар янада ривожлантиради.

Қарияларнинг жамиятдаги ўрни ва ҳолати билан боғлиқ долзарб масалаларни назарий ва амалий томондан кенг тадқиқ этиш зарурати ижтимоий геронтологиянинг пайдо бўлишига асос бўлди. Ана шу йўналишни ривожлантириш жараёнида кексаликнинг социалогик, социал-психологик, иқтисодий-маънавий, хулқ-одоб билан боғлиқ масалалари етакчи ўринга чиқди, деб таъкидлайди Ш.Содиқова илмий кузатишларнинг маҳсули бўлган “Кексалари эъзоз топган юрт” китобида.

¹ Ўша манба.

Таъкидлаш керакки, ижтимоий геронтология инсонни ижтимоий-биологик ҳодиса сифатида ўрганади ва шунинг учун мазкур йўналишларга оид илмий муаммоларни ечиш, тадқиқ этишда ижтимоий, тиббий-биологик кузатув натижаларидан фойдаланади.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг юртимизда ҳам ижтимоий геронтология фани ривожлана бошлади. Мамлакатимизда аҳоли, жумладан, кекса авлод вакиллари ижтимоий ҳимоя қилиш, бу борада бизнинг шароитимиз, миллий қадрият ва анъаналаримизга хос бўлган илмий-амалий усул ва соғломлаштириш муассасаларига мурожаат қилаётганларнинг асосий қисми 60 яшар ва ундан ошган инсонлар экани, улар жами мурожаат қилувчиларнинг 25–30 фоизини ташкил этиши, айни шу ёш тоифасидагилар тиббий хизматлардан бошқаларга қараганда 4–6 марта кўп фойдаланиши – буларнинг барчаси улар ҳақидаги эътибор ва ғамхўрликни алоҳида изга қўйиш, кучайтириш зарурлигини кўрсатади. Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган социал ислохотлар, жумладан, “Кексаларни эъзозлаш йили” давлат дастури бўйича белгиланган чора-тадбирларнинг аксарияти ана шу жиҳатни ҳисобга олгани билан аҳамиятлидир.

Кексаларнинг ҳаёти ва саломатлигини илмий тадқиқ этиш ва зарур хулосалар чиқариш билан шуғулланадиган гениатр мутахассислар, социолог ва психолог олимлар кекса беморларга имкон қадар уларнинг ўйлари, яшаш жойларида тегишли тиббий, психологик ва ижтимоий ёрдамни кўрсатган маъқул, деб ҳисоблашади. Чунки халқимизнинг “Ўз уйим – ўлан тўшагим” деган мақоли бежиз айтилмаган. Кексаларни иссиқ ўрnidан безовта қилмаслик уларни

шамоллаш, турли юқумли вируслар хуружига дучор бўлиш, чарчаш-толиқиш каби салбий ҳолатлардан асрайди. Қисқача айтганда, отахон ва онахонларимиз организми ўрганган, кўниккан шароитда кўпроқ бўлишлари лозим. Бундай муҳитда улар ўзларини эркин ҳис қилишади, уларнинг кўнглида безовталиқ, бесаранжомлик, кимнидир овора қилиб қўяман-ку, деган хижолатпазлик ва ички хавотир, ҳаяжон бўлмайди.

“Соғлом кексалиқ” ва “Бахтли-саодатли умр кўриш учун интилиб яшаш” – геронтологларнинг асосий шиори ва мақсадидир. Бунинг боиси шундаки, деб изоҳ беради Ш.Содиқова, ҳозирги кунда кексаларнинг сони дунё миқёсида тез ўсиб, қарилиқ умумбашарий муаммолардан бири сифатида давлатлар, халқлар учун янги-янги муаммо ва вазифаларни келтириб чиқармоқда.

Шу ўринда айтиш керакки, кексалиқ инсоннинг ўртаяшарликдан кейинги катта давр, ёши улуг кишилар қаторига ўтишини англатади. Кексалиқ одам организми ривожининг сўнгги босқичи, умр китобининг сўнгги фасли битиладиган ибтидо палласидир.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти кексайиш жараёнини қуйидаги учта хронологик босқичга бўлган: 60 ёшдан 74 ёшгача – кексалиқ; 75 ёшдан 89 ёшгача – қарилиқ; 90 ёшдан кейинги давр – узоқ умр кўриш даври.

Таниқли журналист, сиёсатшунос Лазиз Раҳматов “Дунё кексалари: кексалар дунёси” китобида қуйидаги қизиқ фактни келтиради: “Дунёнинг етакчи олимлари жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти касалликлар ва касалликка чақирувчи синдромлар рўйха-



тига қаришни ҳам киритиш лозимлигини таъкидлаб келишмоқда».¹

Аслида кексаликнинг аниқ даври, муддати бўлиши мумкин эмас. Ота-боболаримиз таъбири билан айтганда, ҳаммасини худо билади, ҳар ҳукм – унинг ҳукмидир. Ҳаётда баъзан шундай бўладики, 30–40 яшарлик одамлар ҳам сочи оқариб, букчайиб қолгандек туюлади. Баҳодир Зокирнинг юқорида зикр этилган мақоласида баён қилинишича, неолит даврида, яъни бундан уч-тўрт минг йил илгари одамларнинг умри 25 ёшдан ошмаган экан. Қадимги Юнонистон, Рим, Миср ва бошқа манзилу мароҳилларда ҳам умрнинг чегараси 30 ёш бўлган. XIX асрга келиб бу чегара 34 ёшгача узайди.

Буни қарангки, XX асрнинг иккинчи яримида бу борада чинакам туб ўзгариш юз берган – инсониятнинг ўртача умри икки баробар узайган. Ҳеч шубҳасиз, бу ўтган асрдаги илмий-техникавий тараққиёт, жумладан, тиббиёт соҳасидаги улкан янгилик ва ютуқлар билан боғлиқ эди, деб таъкидлайди М.Қаршибоев.²

Ҳозирги кунда аҳолининг ўртача ёш кўрсаткичлари қандай? Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг статистик бюроси ва аҳоли бўлими ҳамда миллий статистик ташкилотларининг маълумотларига кўра, ўртача умр кўриш даражаси дунё миқёсида эркаклар ўртасида 64 ёшни, аёллар орасида эса 68 ёшни ташкил этади. Европа мамлакатларида бу рақамлар зикр этилган йўналишлар бўйича 71 ёш ва 79 ёшдан иборат.

¹ Қаранг: *Лазиз Раҳматов*. Дунё кексалари: Кексалар дунёси. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, Тошкент, 2015 йил, 15-бет.

² *М.Қаршибоев*. “Элда эъзоз топган кексалар”. “Маънавият” нашриёти, 2015 йил.

Юқорида баён қилинган кўрсаткичларни Ўзбекистон мисолида олиб қарайдиган бўлсак, бизда кексалик – 60-69 ёш оралиғида, қарилик – 70-84 ёш оралиғида, узоқ умр кўрувчилар – 85 ёшдан кейинги давр деб ҳисобланади. “Инсонни ғам-қайғу қаритади, сочини оқартириб, қаддини букади ” деган ибора бор. Ҳақиқатан ҳам, алам ва изтиробда дардли ўйларнинг зилдек юки остида яшаган инсоннинг еган-ичгани ўзига татимайди, машҳур қўшиқда айтилганидек, озодликсиз унга ком, яъни ниятга етишмоқ йўқдир, асал ичса, заҳар бўлғай. Аксинча, ҳурлик, мустақиллик туфайли инсоннинг ҳаёти ширин, заҳар ютса, асал бўлғай.

Ҳолбуки, салкам 70 йил давом этган собиқ якка мафкура ҳокимлиги даврида эл-юртимизнинг ҳаёти заҳар-заққумга тўлиб кетган эди. Пахта далаларига сепилган турли кимёвий дори ва воситалар натижа-сида нафақат ейдиган озиқ-овқатимиз, ҳатто оналаримизнинг кўкрак сути таркибида ҳам ўта зарарли моддалар пайдо бўлган эди. Деҳқонларимиз ёзу қиш – ўн икки ой пахтазорда тер тўкиб, хирмон сувдан кўтарилганида ҳеч вақосиз қолиб кетаверар эди. “Меҳнатга тухмат” деганларидек, шунча азоб-уқубат устига XX асрнинг 80-йиллари охирларига келиб халқимиз бошига яна бир бало ёғилди. Собиқ Марказда режалаштирилган “ўзбек иши”, “пахта иши” деган, фирт тухмат ва бўҳтондан иборат оммавий қатағон кампанияси қанча-қанча бегуноҳ одамларнинг асоссиз равишда жазога тортилиши, минглаб хонадонлар, аёллар, ўгил-қизлар, гўдакларнинг хўрлик аламларини тортишига сабаб бўлди.

Ўша даврда юртимиз энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотларини ўртача истеъмол қилиш даражаси бўйи-

ча собиқ Иттифоқда охирги ўринлардан бирида турар эди. Ўзимиз пахта етиштириб, бир энлик дока ёки сурп матога зор қолган кунларимиз ҳам кўп бўлган. Ёки юртимиз пахтасидан қайта ишланиб тайёрланган кўйлак ва бошқа кийим-кечаклар ўн баробар қиммат нарх билан бозорларимизга кириб келар ва халқимиз елкасига оғир юк бўлиб тушар эди. Пахта монополияси мисли кўрилмаган даражада авж олгани туфайли ўзимизнинг унумдор тупроғимизда мева-чева, полиз ва сабзавот, чорва маҳсулотлари етиштириш имкониятидан маҳрум эди. Ғалла, гўшт, картошка, тухум ва сут маҳсулотларини бошқа иттифоқдош республикалардан қанча қиммат нархда, турли оворагарчиликлар билан олиб келишга мажбур эдик. Одамлар, айниқса, Фарғона водийси вилоятларида каталакдек ҳовлиларда уч-тўртта оила бўлиб қисилиб яшашга мажбур эди.

Хуллас, совет давридаги бошию охири кўринмайдиган ташвиш ва муаммолар ичида яшаган юртдошларимизнинг ноиложликдан, ҳасрату аламдан сочлари оқариб, барвақт қариликка юз тутиши табиий эди.

Мустақиллик билан бирга халқимизнинг умр баҳори ҳам бошлангандек бўлди. Инсоний шаънимиз, ҳуқуқ ва эркинликларимиз, қадрият ва анъаналаримиз, миллий ўзлигимиз тикланди. Еримиз, сувимиз, осмонимиз, бутун юртимиз унинг бағридаги барча моддий ва маънавий бойликлари билан бирга ўзимизники бўлди. Қалбимизга умид ва ишонч, билагимизга қувват, вужудимизга куч-гайрат кирди. Қувонч қувончга, ёруғ ва шодумон кунлар янада файзли кунларга уланди. Бамисоли қуёш ҳамал буржигга кириши билан бутун борлиқда ажиб мувозанат қайта тикланганидек, истиқлол офтоби бошимизда порла-

ши биланоқ ҳаётимиз маъноси, умримиз мезонлари ҳам асл ҳолатига қайтгандек бўлди.

Тарихдан қисқа муддатда халқимизнинг умри узайди. Бу фикрни юқорида зикр этилган рақамлар яққол тасдиқлаб турибди.

Афсуски, кўплаб ижтимоий муаммолар оқилона ечимини топмаган, инсон тақдири эътибордан четда қолаётган, тиббиёт, таълим-тарбия соҳалари ривожланишда оқсаётган, турли касалликлар кўпайиб бораётган айрим минтақаларда аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси пастлигича қолмоқда. Масалан, Замбия ва Мали давлатларида бу борадаги кўрсаткич 43-44 ёшни ташкил этади, холос.

Ш.Содиқованинг қайд этишича, олимлар кексаликни хронологик, физиологик, психологик ва ижтимоий кўриниш каби шаклларга бўлиб ўрганар экан. Бу эса ушбу табиий ва ижтимоий ҳодисани кенг тадқиқ этиш, илм-фан, энг муҳими, инсоннинг ўзи ҳаётнинг моҳиятини англашга хизмат қилади.

Таъкидлаш керакки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда ана шу эзгу интилиш ва ғояларни амалга оширишнинг аниқ ва самарали мезонлари шаклланди, бу борада янги, замонавий анъана ва қадриятлар пайдо бўлди. Бу ҳақда гапирганда, 1997 йилдан бошлаб юртимизда ҳар бир йилга алоҳида ном бериш наъанаси ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бораётганини алоҳида қайд этиш зарур. Ана шу даврда йилларга берилган номларни эсга оладиган бўлсак, инсонни улуғлаш, унинг манфаатларини таъминлашда уларнинг ҳар бири, ҳақиқатан ҳам, ҳаётимизнинг ёрқин саҳифаси, мустақил тараққиётимизнинг тарихий босқичи бўлиб қолганини кўрамыз.

Аёнки, ёши улуг инсонларни ҳурмат қилиш, уларга меҳр, эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш халқимиз ҳаётида азалдан катта ўрин тутиб, миллий қадриятларимиз, турмуш тарзимиз ва дунёқарашимизнинг ажралмас бир қисмига айланиб кетган. Бу фазилат ҳозирги кунда жамиятимизнинг ўзига хос юксак маънавий ва маданий белгиси сифатида янгича маъно-мазмун билан бойиб, янада муҳим аҳамият касб этиб бормоқда.

Айтиш керакки, барча ижтимоий гуруҳ ва қатламлар қатори кекса авлод вакиллари ҳақида эътибор ва ғамхўрлик учун зарур бўлган назарий-амалий хулосалар чиқариш имконини беради.

Бугунги кунда Ўзбекистон аҳолисининг 57,4 фоизини аёллар, 42,6 фоизини эркеклар ташкил этади. Ҳисоб-китобларга кўра, мамлакатимизда ҳар бир меҳнатга лаёқатли одамга битта меҳнатга лаёқатсиз одам тўғри келади ва уларнинг ярми кексалардир.¹

Ўзбекистон дунёда аҳолиси ўсиб бораётган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун юртимизда ёшларнинг сони кексаларга нисбатан кўпчиликни ташкил этади. Мамлакатимиз аҳолисининг 56 фоизи 25 ёшдан кичик бўлган йигит-қизлар, ўсмирлар ва болалардир.

Аввало, муҳтарам фахрийларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масаласи амалдаги қонунчилигимизда ҳар томонлама акс эттирилгани бу борада муҳим амалий қадам бўлди. Ҳар йили Мустақиллик байрами арафасида юз ёшдан ошган кексаларимиздан бир гуруҳи Президентимиз фармони билан “Шухрат” медали билан мукофотланиб келаётгани,

¹ М.Қаршибоев. “Элда эъзоз топган кексалар”. Тошкент, “Маънавият” нашриёти, 2015 йил.

уларнинг пенсия ва нафақалари миқдори муттасил оширилиб, ҳар ойда вақтида тўланаётгани, байрамлар, тўю томошалар отахон ва онахонларимиз иштирокисиз ўтмаслиги, уларнинг қутлуғ таваллуд саналари оилалари даврасида жамоатчилик иштирокида кенг нишонланиши – буларнинг барчаси ҳақиқий ҳурмат ва эътибор ифодасидир¹. Бугунги кунда ана шу ишлар янги босқичда, янгича маъно-мазмун билан давом эттирилмоқда.

Шавкат Мирзиёев 2016 йил 14 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида бундай деди: **“Биз барча фуқароларимиз, энг аввало, ёши улуг, улкан ҳаётий тажрибага эга нуроний оқсоқолларимиз, катта авлод вакилларининг маслаҳатлари ва фаол кўмагига умид қиламиз ва таянамиз.**

Айнан шу авлоднинг фидокорона меҳнати туфайли ўз пайтида мамлакатимиздаги йирик индустрия комплекслари барпо этилди ва модернизация қилинди. Уларнинг ақл-заковати ва саъй-ҳаракатлари билан саноатнинг янги, юқори технологияларга асосланган тармоқлари ташкил этилди, ноёб инфратузилма объектлари қурилди, фермерлик ҳаракати шакллантирилди, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тубдан ўзгарди.

Айнан ана шундай табаррук инсонларнинг Ватанимизга бўлган буюк меҳр-муҳаббати ва жонкуярлиги туфайли мустақил Ўзбекистон давлатининг мустаҳкам замини яратилди... Шу борада бир фикрга алоҳида урғу бериб таъкидламоқчиман: ёши улуг инсонлар, катта авлод вакиллари-

¹ Ўша манба.

га эътибор ва амалий ғамхўрликни кучайтириш, уларнинг пенсияларини ошириш, тиббий хизмат ва ижтимоий-маиший таъминотини яхшилаш бундан буён ҳам Президент учун, Ҳукуматимиз ва барча ҳокимликлар учун энг муҳим устувор вазифалардан бири бўлиб қолади”.¹

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрда матбуотда эълон қилинган “Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори кексаларга улкан эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин амалий ифодаси бўлди.²

Маълумки, сўнгги йиллар мобайнида республикамизда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларга кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий ёрдамни кучайтириш бўйича муҳим ишлар амалга оширилди. Фақатгина 2010–2015 йиллар мобайнида кексалар ва пенсионерлар учун мўлжалланган 12 та “Саховат” ва “Муруват” интернат уйлариининг моддий-техник базаси, 14,6 минг ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларнинг турар-жой шароитлари яхшиланди, 5,4 минг одам реабилитация техник воситалари ва протез-ортопедия маҳсулотлари билан таъминланди,

¹ “Халқ сўзи”, 2016 йил 15 декабрь.

² Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони. “Халқ сўзи” газетаси, 2016 йил 28 декабрь.

6,4 минг ногирон ва пенсионер санаторияларда соғлиқларини тиклашди. Кўрсатилган тиббий-ижтимоий ёрдамнинг умумий ҳажми 132 миллиард 200 миллион сўмни ташкил этди.

Шу билан бирга, бугунги кунда Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш, унинг манзиллилигини таъминлаш, кекса ёшдагилар, имконияти чекланган одамлар ва ёлғиз кексаларга кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий ёрдам даражаси ва сифатини кўтаришни, шунингдек, жойларда туман ва шаҳарлар аҳолисининг замонавий диагностика ва даволаш усулларида фойдаланиш имкониятларини таъминлайдиган, тубдан янги ёндашувлар ишлаб чиқиш зарурлиги аниқланди.

Кексаларни қўллаб-қувватлаш давлат тизимини янада такомиллаштириш мақсадида қария ва фахрийларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг фаоллигини ошириш, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида тўлақонли иштирок этишлари учун шарт-шароитлар яратиш, тинчлик ва осойишталикни таъминлаш соҳасида катта авлод вакиллариининг ролини ошириш учун қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони ва қарорида қуйидагилар кўзда тутилган:

- оқсоқоллар, кекса ва фахрийларни ёшларни халқимизнинг кўп асрлик анъаналарига, Ватанга муҳаббат, кексаларни эъзозлаш руҳида тарбиялашга қаратилган ижтимоий фаолиятга жалб этиш;

- жойларда кексалар турмуш сифатини ошириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлаш,

мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштирокини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишга кўмак бериш;

- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда оилаларда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, ёши кекса фаолларни боласи бор муаммоли оилаларга бириктириш, шунингдек, ёлғиз ва муҳтож кексаларга ижтимоий ва моддий кўмак кўрсатиш;

- “Нуроний” жамғармаси марказий аппаратиغا, унинг вилоятлардаги ва туманлардаги бўлинмаларига, “Нуроний” жамғармасининг пенсионер ходимларига давлат бюджетидан пенсияларини тўла ҳажмда тўлашни бюджетдан молиялаштиришини таъминлаш;

- ҳар йили “Маҳалла” хайрия фондига Наврўз ва Мустақиллик умуммиллий байрамларига бағишлаб ўтказиладиган ҳашарлардан тушадиган маблағларнинг 10 фоизини “Нуроний” жамғармасига ўтказиш;

- “Нуронийлар маскани” комплексларини яратиш ва уларда ўқув заллари, ҳордиқ хоналари, даволаш бўйича жисмоний тарбия, шунингдек, овқатланиш хоналари ва тиббий кабинетларни ташкил этиш;

- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида жамоатчилик тартибида фуқаролар йиғини (овулар, қишлоқлар, маҳаллалар) раисининг ўринбосари – кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчи лавозимини таъсис этиш;

- “Нуроний” жамғармасининг барча бўлинмалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, зарур шарт-шароитларни яратиш, уларни мебель, компьютер техникаси ва алоқа воситалари билан таъминлаш;

- касалликларни ўз вақтида аниқлаш ва даволаш учун 2,8 миллион кекса ёшдаги фуқароларнинг бар-

часи ихтисослаштирилган тиббий бригадалар томонидан чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилишини таъминлаш;

- бириктирилган патронаж ҳамширалари томонидан саломатликлари устидан доимий назоратни амалга ошириш орқали кекса ёшдаги фуқаролар орасида касалликлар профилактикаси чораларини кенгайтириш, 15,5 минг ёлғиз кексаларнинг турмуш сифатини ва турмуш даражасини уларга шахсий ижтимоий ходимларни бириктириш орқали ошириш;

- кекса ёшдаги шахсларни уларга тўловсиз асосда даволаш ва соғломлаштириш. Шу муносабат билан республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларига 20 минг ва вилоятлардаги тиббиёт муассасаларига 215 мингдан зиёд, жами 178,9 миллиард сўм миқдоридаги ордерлар ажратиш кўзда тутилган;

- уруш ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз пенсионер ва ногиронлар саломатлигини ҳар йили бу контингентга кирган 34 минг одамни 18 миллиард сўм миқдорида санатория-даволаш муассасаларида бепул соғломлаштириш йўли билан уларнинг саломатликларини яхшилаш;

- Бухоро, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларида кексалар, ногиронлар ҳамда уруш ва меҳнат фахрийлари учун 3 та янги санаторий қуриш ва уларни жиҳозлаш йўли билан қўшимча 50 мингдан зиёд пенсионер ва ногиронларнинг санатория муассасаларида бепул соғломлаштирилишини ташкил этиш. Ушбу мақсадни амалга ошириш ишларига давлат бюджети ҳисобидан 13 миллиард 500 миллион сўм ажратиш;

- имконияти чекланган шахсларнинг турмуш сифатини, ҳар йил бу контингентга кирган 10 минг

одамни жами 2,5 миллиард сўм миқдоридagi зарур протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситалари билан таъминлаш ҳисобидан ошириш;

- ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кекса ва ногиронлар турмуш даражаси ва сифатини ҳар йил ушбу контингентга кирган 4 минг одамни умумий миқдори 3 миллиард 200 миллион сўм бўлган асосий озиқ-овқатлар, гигиена воситалари билан таъминлаш йўли билан ошириш;

- 1941–1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига санаторийларда ҳар йили соғломлаштириш курсидан ўтиш ўрнига йўлланманинг ўртача нархига тенг равишда компенсация олиш ҳуқуқини бериш;

- ёлғиз ва кам таъминланган кекса фуқароларни умумий миқдори 6 миллиард 400 миллион сўм ҳажмидаги қишки кийимлар тўплами ва пойафзал, шунингдек, қишга ғамлаш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ҳар йили таъминлаш;

- Андижон, Бухоро, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида очик юракда жарроҳлик операцияларини ўтказиш учун умумий харажатлар ҳажми 9 миллиард 700 миллион сўм бўлган ҳудудлараро кардиохирургик марказлар яратиш;

- туман (шаҳар)лардаги барча тиббиёт бирлашмалари ва муассасаларини, шунингдек, барча вилоятлардаги онкология диспансерларини умумий миқдори 108,7 миллион АҚШ долларига тенг бўлган тегишли замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш;

- кексалар ва ногиронларнинг 23 та “Саховат” ва “Мурувват” уй-интернатлари моддий-техник базасини умумий миқдори 207 миллиард сўмга тенг ҳажмидаги зарур асбоб-ускуна ва мебеллар билан мустаҳкамлаш.

Ушбу дастурни молиялаштиришга 688 миллиард 200 миллион сўм йўналтирилади, шунингдек, халқаро молиявий тузилмаларнинг 108,7 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги кредит ва грант маблағлари жалб этилади.

Кексаларни қўллаб-қувватлаш давлат тизимини янада такомиллаштиришда Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан 2016 йил 26 декабрда имзоланган “Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида” қонуни ҳам муҳим аҳамият касб этди. Ушбу Қонунда ижтимоий хизматларга муҳтож шахсларни аниқлаш ва ҳисобга олиш ҳамда уларга ана шундай хизматлар кўрсатилишини ташкил этишнинг асосий тамойиллари белгилаб қўйилган.

Миллий таълим ва тарбия тизими Ўзбекистонда давлат сиёсатининг асосий устувор йўналиши даражасига кўтарилган. Мактабгача таълим соҳаси мазкур тизимнинг илк бўғини ҳисобланади ва бутун таълим-тарбия тизимининг асосий мақсади бўлган баркамол авлодни тарбиялашга эришишда муҳим аҳамият касб этади.

Кейинги йилларда мактабгача таълим муассасаларининг фаолият самарадорлигини ошириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган қатор тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Биргина 2015-2016 йиллар давомида 459 та мактабгача таълим муассасаси мукамал таъмирланди ва замонавий талабларга мос равишда жиҳозланди. Шу билан бирга, бугунги кунда мактабгача таълим муассасаларининг таълим дастурлари ва ўқув-тарбиявий режаларига қўйилган давлат талабларини

такомиллаштириш долзарб масалалигича қолмоқда. Аксарият мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник базаси замон талабларига жавоб бермайди. Болаларни мактабгача таълимга қамраб олиш кўрсаткичи ҳамон пастлигича қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги “2017–2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, бу муассасалар тармоғини кенгайтириш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, болаларни мактаб таълимига тайёрлаш даражасини тубдан яхшилаш мақсадини кўзлайди.

Ушбу дастурда қуйидаги кенг кўламли тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган:

- болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун, илгор хорижий тажрибаларни инобатга олган ҳолда зарур шарт-шароитлар яратиш;

- мактабгача таълим муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича ўқув режа ва дастурларини замонавий педагогик технология ва методларни инобатга олган ҳолда такомиллаштириш;

- 2200 та мактабгача таълим муассасасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, жумладан, қишлоқ аҳоли пунктларида янги мактабгача таълим муассасаларини қуриш, уларни замонавий талабларга жавоб берадиган жиҳозлар, ускуналар, ўқув-методик қўлланмалар, мультимедиа ресурслари билан таъминлаш. Ушбу тадбирларни амалга

ошириш учун жами 2 триллион 200 миллион сўм маблағ ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу қарорини амалга ошириш натижасида қуйидагиларга эришилади:

- юқори сифатли мактабгача таълимни таъминлаш, болаларни сифатли мактабга тайёрлашни тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига муқобил дастурларни жорий этишга;

- болаларни мактабга тайёрлашнинг муқобил шакли бўлган 6100 та қисқа муддатли гуруҳлар ташкил этишга;

- 3–6 ёшдаги мактабгача таълим муассасаларига қамраб олинмаган болаларни уларнинг ота-оналарини методик қўлланмалар билан таъминлаш орқали мактаб таълимига тайёрлашни ташкил этишга;

- мактабгача таълим муассасалари тармоғини 50 та янги қурилиш ҳамда мавжуд муассасаларнинг 1167 тасини реконструкция қилиш ва 983 тасини мукамал таъмирлаш орқали кенгайтиришга;

- қишлоқ жойлардаги мактабгача таълим муассасаларида ота-оналар учун бадал тўловини 30 фоизгача камайтиришга;

- болаларнинг мактабгача таълим билан қамровини 1,5 баробар оширишга.

Президент қарорининг амалга оширилиши давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бири сифатида республикамизнинг узлуксиз таълим тизимини янада ислоҳ қилиш борасидаги ривожланиш йўлининг узвий ва босқичма-босқичлигини таъминлайди.

ЖАҲОНГА ЮЗ ОЧГАН ДИЁР

Ўзбекистон – мафтункор ўлка. Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг қаламига мансуб давлатимиз мадҳияси матнида қуйидаги сатрлар бежиз алоҳида куйланмайди:


*Олтин бу водийлар – жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр.
Улуг халқ қудрати жўш урган замон
Оламни маҳлиё айлаган диёр.*

Жаннатмакон юртимиз, унинг бебаҳо тарихий ва маданий обидалари, меҳмондўст ва танти халқи ҳаёти, урф-одатлари билан яқиндан танишиш учун ҳар йили дунёнинг турли бурчакларидан минг-минглаб сайёҳлар юртимизга келишади.

Ҳозирги даврда сайёҳлик бизнеси – юқори ўсиш салоҳиятига эга бўлган жадал ва даромадли тармоққа айлангани ҳеч кимга сир эмас. Жаҳон туризм ташкилотининг (ЮНВТО) маълумотларига кўра, 2015 йилда жаҳон ялпи ички маҳсулоти ҳажмининг 10 фоизи шу соҳа ҳиссасига тўғри келган. Дунёдаги иш билан банд бўлган жами аҳолининг 8 фоизи туризм соҳасида меҳнат қилмоқда. Шу билан бирга, жаҳон экспортининг 7 фоиздан кўпроғи, умумий инвестициялар ҳажмининг 35 фоизи, халқаро истеъмол харажатларининг 30 фоизи, барча солиқ тушумларининг 15 фоизи, хизматлар экспорти ҳажмининг 30 фоизи ҳамда ривож-

ланаётган давлатлардаги иқтисодий фаолиятнинг 45 фоизи туризм улушига тўғри келади (18-расм).

Туризм соҳасидан олинadиган даромадлар бўйича жаҳон мамлакатлари ўртасида АҚШ етакчилик қилмоқда. Бу давлатда сайёҳлик йилига ўртача 130 миллиард доллар ҳисобида даромад келтирмоқда. Испания эса ҳар йили туризмдан 60 миллиард долларгача даромад олиб, жаҳонда иккинчи ўринни эгаллайди. Туризм соҳасидан олинadиган даромадлар бўйича Франция (ўртача 55 миллиард доллар) учинчи ўриндадир. Кейинги йилларда Хитой туризм соҳасида ҳам юқори мавқега эга бўлди. Бу мамлакат ҳозир йилига туризм соҳасидан 50 миллиард доллар даромад олмоқда.



18-расм. Жаҳонда сайёҳлар сони ва туризмдан тушумлар миқдорининг ортиши динамикаси

Халқаро туризмнинг пайдо бўлиш ва шаклланиш тарихи бу тармоқ савдо муносабатларини ўрнатиш, дам олиш ва саёҳат билан бир қаторда, дунё халқла-

рининг тарихи, маданияти, урф-одат ва анъаналарини ўрганиш, билиш ва бунинг натижасида одамлар, элу элатлар ўртасида ҳамжиҳатлик, бағрикенглик фазилатларини мустаҳкамлаш ҳам туризмнинг муҳим таркибий қисми сифатида пайдо бўлганидан далолат беради. Айнан маърифий туризм бугунги кунда дунёда тобора катта қизиқиш уйғотмоқда ва бутун сайёҳлик соҳасининг энг муҳим қадриятларидан бирига айланмоқда.

Юртимиз ҳудудида энг қадимги тамаддун ва маданият бешиклари юзага келган ва ривожланган бўлиб, Ўзбекистон бугунги кунда ўз жозибadorлиги жиҳатидан дунёдаги дам олиш ва саёҳатлар учун энг яхши масканлардан қолишмайдиган улкан туризм салоҳиятига эгадир. Бу, биринчи навбатда, юртимиз ҳудудида шаклланган ва ривожланган энг қадимий цивилизация ва маданият намуналарида, қоятошлардаги ёзувлар ва иероглифларда, ноёб тарихий обидалар, моддий маданият ва меъморликнинг улуғвор ҳамда бетакрор мўжизаларида ўз ифодасини топган. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда турли даврлар ва цивилизацияларга оид 7 мингдан ортиқ тарихий ва ноёб ёдгорликлар бор. Шу билан бирга, гўзал табиатимизнинг бойлиги ва хилма-хиллиги ўзининг жозибаси ва таровати билан оламни маҳлиё қилишга арзигуликдир. Ватанимизнинг сўлим кўриқхоналари ва миллий боғлари унинг бой ва ранг-баранг табиати чинакамига кўришга, мафтун бўлишга арзигулик дурдоналардир. Юртимизда миллий маданият, санъат ва ҳунармандчиликнинг кўп асрлик анъаналари асраб-авайлаб келинди ва ривожлантирилмоқда. Жаҳонга машҳур миллий таомларимиз ва пазандачилик соҳасидаги анъаналаримиз Шарқ меҳмондўстлигининг юксак рамзи ва тимсоли ҳисобланади.

Мамлакатимизда ўзининг олий сифати ва эстетик жозибаси, қадимги санъат анъаналарини ўзида сақлаб келаётгани билан ажралиб турадиган миллий ҳунармандликни қайта тиклаш ва ривожлантиришни рағбатлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Миллий ҳунармандлик соҳаси солиқлардан тўлиқ озод этилган.

Ватанимиздаги меъморий ёдгорликларнинг ўрта асрларга хос нақш ва безаклари Яқин Шарқ ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида янги иншоотларни қуришда намуна бўлиб хизмат қилмоқда. Қуллоларимизнинг маҳоратини Франция, Германия, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар мутахассислари атрофлича ўрганмоқда.

Бу ўринда Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз шаҳарлари ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилганлиги ва жаҳон сайёҳларининг эътиборини ўзига жалб қилишини таъкидлаш лозим. Бу Американинг халқаро доираларда тан олинган ва катта нуфузга эга бўлган «Хаффингтон пост» интернет нашри томонидан ҳам эътироф этилган. Ушбу нашр Самарқандни инсон ўз умри давомида ҳеч бўлмаганда бир марта бориб кўриши албатта зарур бўлган дунёдаги 50 та шаҳарнинг бири сифатида эътироф этди ва ана шу шаҳарлар рўйхатига киритди.

Жаҳон тарихидаги энг муҳим маданий ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган ўта ноёб ҳодиса — Буюк ипак йўли айнан ана шу шаҳарлар ва маданиятлар марказлари орқали ўтган. Милoddан олдинги III-II минг йилликлардаёқ вужудга келган коммуникация тармоқлари Месопотамия текисликларидан Ҳинд водийсигача, Ўрта Осиё воҳаларидан Араб денгизигача чўзилган бепоён Ўрта Шарқ мин-



тақасидаги бир-биридан жуда узоқдаги маданиятлар ва мамлакатларни боғлаган. Кейинчалик ана шу ҳудудлар Буюк ипак йўлининг асосий йўналишларидан бирига айланган.


1993 йилда Буюк ипак йўли бўйлаб сайёҳликни ривожлантириш бўйича халқаро лойиҳага аъзо мамлакатлар Самарқанд декларациясини ҳам айнан Самарқанд шаҳрида қабул қилишган. Ушбу ҳужжатда 2-2,5 минг йил олдин Ўрта Шарқ, Марказий Осиё ва Яқин Шарқнинг бепоён минтақалари орқали ўтиб, Осиё ва Европа мамлакатларини савдо ва маданий алоқалар билан боғлаган мана шу қадимий трансконтинентал йўналишда халқаро туризмни қайта тиклаш ҳамда ривожлантириш масаласи баён қилинган.

Жаҳон сайёҳлик ташкилоти 2004 йилда Самарқанд шаҳрида Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг Ипак йўлидаги минтақавий марказини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилди. Бу мамлакатимизга жаҳон туризми марказларидан бири сифатида бўлган юксак халқаро муносабатнинг яна бир яққол далили бўлди.

Мамлакатимизга ҳар йили дунёнинг 70 дан ортиқ давлатидан 2 миллиондан зиёд сайёҳлар ташриф буюрмоқда. Сайёҳлик хизматлари экспорти ҳажми 700 миллион АҚШ долларини ташкил этмоқда. Бугунги кунда туризм соҳасида 200 мингдан ортиқ киши меҳнат қилмоқда, бу тармоқнинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотигади улуши 2 фоиздан ошди.

Ўзбекистонда 550 та сайёҳлик компанияси – туризм операторлари фаолият юритмоқда, юртимиздаги тарихий объектлар, меъморлик ва шаҳарсозлик обидаларининг аксариятини қамраб олган 110 та халқаро сайёҳлик йўналиши бўйича хизмат кўрсатилмоқда. Бу йўналишларнинг 65 таси тарихий-





маданий мерос объектлари, 30 таси табиий-рекреацион, 15 таси соғломлаштириш туризми элементларини ўз ичига олган экологик йўналишлардир.

Ҳозирги пайтда юртимизда 50 мингдан зиёд ўринга эга бўлган 500 дан ортиқ меҳмонхона, мотель ва кемпинглар сайёҳларга халқаро стандартлар бўйича хизмат кўрсатмоқда.

Ўтган даврда Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч, Фарғона ва Навоий шаҳарлари аэропортлари модернизация қилинди ва бугунги кунда Ўзбекистонда 11 та халқаро аэропорт фаолият юритмоқда. Миллий авиакомпаниямиз замонавий «Эйрбас» ва «Боинг» авиалайнерлари билан таъминланган. Ушбу самолётлар Европа, Осиё, Яқин Шарқ ва Шимолий Американинг 50 дан ортиқ шаҳарларига мунтазам парвозларни амалга оширмоқда.

«Тошкент – Самарқанд – Тошкент» йўналиши бўйлаб Испаниянинг «Тальго» компаниясида ишлаб чиқарилган, юқори тезликда ҳаракатланадиган замонавий электр поездларининг ҳар кунги қатнови йўлга қўйилгани ҳақида юқорида тўхталиб ўтдик.

Юртимизда кейинги йилларда умумий қиймати қарийб 3 миллиард долларлик инвестициялар ҳисобидан узунлиги 2600 километр бўлган замонавий автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди, шунингдек, кемпинглар, ёнилғи қуйиш шохобчалари, овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш масканларини ўз ичига олган кўплаб йўлбўйи инфратузилма объектлари барпо этилди.

Ўзбекистон Париж, Лондон, Берлин, Рим, Токио, Мадрид ва дунёнинг бошқа шаҳарларида ўтказилаётган йирик сайёҳлик кўرғазмаларида мунтазам иштирок этиб келмоқда.

Мамлакатимизда туризм соҳасида замонавий мутахассислар тайёрлайдиган 5 та олий ўқув юрти, жумладан, Сингапур менежментни ривожлантириш институтининг Тошкент филиали ва шунингдек, 11 та касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг туризм инфраструктураси, туризм хизматлари сифати ва унинг даражаси, шунингдек, тармоқни бошқариш тизими глобаллашув ва кескин рақобат шароитида замонавий талабларга мос келмайди. Туризмнинг мамлакат иқтисодиётига қўшаётган ҳиссаси, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва аҳолини иш билан таъминлаш жаҳондаги ўртача кўрсаткичлардан орқада қолмоқда.

Ана шуларнинг барчаси ҳисобга олинган ҳолда ҳамда туризмни кенг ривожлантириш мақсадида **2016 йил 2 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги фармони қабул қилинди¹. Мазкур фармон туризм тармоғини жадал ривожлантиришни таъминлаш, сайёҳликка иқтисодиётнинг стратегик сектори мақомини бериш, уни мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ўстиришнинг, минтақаларда туризм салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишда туризм ролини кучайтиришнинг қудратли воситасига айлантириш мақсадларига йўналтирилгандир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида туризм соҳасида давлат сиёсатининг сифат жиҳатдан янги bosқичга ўтишини таъминлаш учун

¹ “Халқ сўзи” газетаси, 2016 йил 3 декабрь.

ушбу тармоқни тубдан ислоҳ қилиш бўйича мисли кўрилмаган амалий чора-тадбирлар назарда тутилган.

Мамлакатимизда ўрта муддатли истиқболда туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг мақсадли вази-фалари ва устувор йўналишлари сифатида қуйида-гилар белгилаб қўйилди:

- туризмни ривожлантиришнинг яхлит концепци-ясини шакллантириш ва изчил амалга ошириш, ту-ризмга иқтисодиётнинг стратегик сектори мақомини бериш, ушбу соҳани барча ҳудудларни ва ўзаро боғ-лиқ тармоқларни комплекс равишда жадал ривож-лантиришнинг етакчи кучига айланиши лозим бўл-ган иқтисодиётни диверсификация қилиш, таркибий ўзгартириш ва барқарор ривожлантиришнинг қуд-ратли воситасига айлантириш, яратиладиган ялпи ички маҳсулотда, маҳаллий бюджет даромадларида туризмнинг улушини кўпайтириш, шу тармоқ ҳисо-бидан иш билан бандликни таъминлаш, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш бўйича ти-зимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

- туризм индустрияси субъектлари фаолияти учун қулай шарт-шароитларни шакллантиришга йўнал-тирилган туризм фаолияти соҳасидаги қонун ҳуж-жатларини ва норматив-ҳуқуқий базани янада тако-миллаштириш, туризмнинг ривожланишидаги барча тўсиқ ва ғовларга барҳам бериш, виза ва рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилларини, паспорт ва божхона назоратини соддалаштириш, туризм соҳасини давлат томонидан бошқариш ва бозорга хос тарзда тартибга солиш механизмини мақбуллаштириш, туризм соҳа-сида тадбиркорлик фаоллигини рағбатлантириш ва туризм хизматлари бозорида рақобатни ривожлан-тириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш,

туризм соҳасида статистик ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш;

- туризм хизматларини ташкил этишда, энг аввало, туристлар жойлаштириладиган жойларда, овқатланиш пунктларида, республикамиз ҳудуди бўйлаб ҳаракатланишда, туризм объектларига ташрифларни уюштиришда туристлар ва экскурсантларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

- мамлакатимизда туризмни жадал ривожлантириш, мавжуд улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, анъанавий маданий-тарихий туризм билан биргаликда туризмнинг бошқа салоҳиятли турларини – зиёрат қилиш, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик, спорт, даволаш-соғломлаштириш, қишлоқ, саноат, ишбилармонлик туризми ва бошқа сайёҳлик турларини жадал ривожлантириш, болалар, ўсмирлар ва ёшлар туризмни, оилавий туризмни, кексалар учун ижтимоий туризмни ривожлантириш ҳисобидан туризмнинг ижтимоий аҳамиятини кучайтириш, ҳудудларда янги туризм йўналишларини ташкил этиш, уларни паспортлаштириш, туризм йўналишлари ва туризм объектлари бўйича ягона миллий реестрларни шакллантиришга йўналтирилган ички, кириш ва чиқиш туризмни комплекс ривожлантиришнинг миллий ва ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- туризм фаолияти соҳасида халқаро ҳамкорликни, биринчи навбатда, БМТнинг Бутунжаҳон туризм ташкилоти (ЮНВТО), хорижий мамлакатларнинг туризм бўйича нуфузли халқаро ва миллий ташкилотлари – туризм хизматлари минтақавий ва жаҳон

бозорларининг фаол иштирокчилари билан ҳамкорликни кенгайтириш, Ўзбекистоннинг туризм соҳасида тартибга солувчи универсал халқаро конвенциялар ва битимлардаги иштироқи, туризм фаолияти амалиётига халқаро ва давлатлараро стандартлар ва нормаларни жорий этиш;

- республикамиз барча минтақаларида замонавий жаҳон стандартларига, туристларнинг эҳтиёж ва талабларига жавоб берадиган туризм индустрияси объектларини – меҳмонхоналарни ва жойлаштиришнинг шу каби воситаларини, умумий овқатланиш объектларини, транспорт-логистика тузилмаларини, ахборот марказларини, маданият ва спорт муассасаларини жадал ривожлантириш, асосий туризм йўналишлари бўйича йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини, йўлбўйи инфратузилмасини жадал қуриш ва реконструкция қилиш, ушбу мақсадлар учун хорижий инвесторларни кенг жалб этиш;

- халқаро туризм ривожланиши тенденцияларини ва замонавий маркетинг воситалари қўлланилишини ҳисобга олган ҳолда, рақобатдош туризм маҳсулотлари ва хизматларини ишлаб чиқиш, уларни ички ва халқаро туризм бозорларида тарғибот қилиш бўйича стратегияни ишлаб чиқиш, қулай туризм ахборот муҳитини ташкил этиш ва ривожлантириш, кенг реклама-ахборот фаолиятини амалга ошириш, мамлакатимиз ҳудудларида туризм ахборот марказлари ва чет элда туризм ваколатхоналари очиш, Интернет тармоғидан фаол фойдаланиш, ҳар йили Тошкент халқаро туризм ярмаркасини ўтказиш йўли билан туризм соҳасида мамлакатимизнинг ижобий қиёфасини шакллантириш;

• туризм тармоғи учун айниқса менежмент ва маркетинг соҳасида малакали кадрларни сифатли тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, гидлар (экскурсия етакчилари) тайёрлаш, туризм фаолияти субъектлари ходимларини мунтазам равишда қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш.

Фармонда туризм соҳасидаги тадбиркорлик фаоллигини янада рағбатлантириш, туризм инфратузилмасини ривожлантириш, туризм ташкилотларига қўшимча имтиёз ва преференциялар бериш ҳам кўзда тутилган. Чунончи, туризм операторлари улар томонидан кўрсатиладиган туризм хизматлари учун тушадиган хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотишдан озод қилинадиган бўлди. Меҳмонхоналар эса хорижий валютадаги тушумнинг фақат 25 фоизини белгиланган тартибда мажбурий сотади.

Хорижий фуқаролар томонидан меҳмонхоналар хизматига ҳақ тўлаш эркин айирбошланадиган валютада амалга оширилади, улар учун тўлов республикамизнинг давлат ва бюджет ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган ҳоллар бундан мустасно.

Юридик шахслар камида 4 юлдузли меҳмонхона ва мотелларни фойдаланишга топширганида улар юридик шахсларнинг фойда солиғи, ер солиғи ва мол-мулк солиғидан, шунингдек, ягона солиқ тўловидан 5 йил муддатга озод қилинади.

Туризм фаолияти субъектлари томонидан сифими 9 кишидан ортиқ бўлган янги автотранспорт воситалари сотиб олингани учун Республика йўл жамғармасига йиғим автотранспорт воситалари қийматининг максимал даражадаги 20 фоизи эмас, балки 3 фоизигача миқдорда ундирилади.

Туризм соҳасида давлат сиёсатини самарали амалга ошириш, юқорида кўрсатиб ўтилган мақсадли вазифалар ҳамда устувор йўналишларни ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил этилди, унинг минтақаларда бўлимлари ва ваколатли вакиллари фаолият олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси зиммасига қуйидаги функциялар юкланди:

- туризм туроператорлик фаолиятини лицензиялаш;

- Ўзбекистон Республикаси сертификатлаштириш бўйича миллий органи – “Ўзстандарт” агентлиги билан мустақкам ўзаро ҳамкорликда туризм фаолияти субъектлари томонидан кўрсатиладиган туроператорлик (туризм маҳсулотлари) хизматлари ва меҳмонхона хизматларини мажбурий сертификатлаш, шу жумладан, турли ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги меҳмонхоналарнинг (мотелларнинг) таснифини белгилаш;

- сертификатладиган туризм хизматларининг норматив ҳужжатларда белгиланган мажбурий талаб ва стандартларга мувофиқлиги бўйича инспекция назоратини амалга ошириш.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг фаолияти энг аввало назорат ва маъмуриятчилик вазифаларини амалга оширишга эмас, балки туризм соҳасидаги тадбиркорлик фаоллигини кучайтиришга бутун чоралар билан кўмаклашишга, туризмни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган барча ғов ва тўсиқларни бартараф этишга, туризм хизматлари бозорида рақобатни ривожлантиришга йўналтирилади.

Фармонда туризм соҳасида лицензия бериш, сертификатлаштириш ҳамда бошқа рухсатномалар бериш тартиб-таомилларини такомиллаштиришга қаратилган давлат томонидан бошқариладиган бир қатор принципиал янги механизмлар белгилаб қўйилди. Жумладан, 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб туризм фаолиятига лицензия бериш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидан янги ташкил қилинган Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига ўтказилди, бунда меҳмонхоналар ва одамлар яшайдиган бошқа жойларнинг лицензия олишлари тўғрисидаги талаб бекор қилинди, Ўз навбатида 2018 йилдан бошлаб хорижий туристларга хизмат кўрсатишга ихтисослашган умумий овқатлашниш корхоналари ва автотранспорт корхоналарини хорижий туристларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминлаш мақсадида мажбурий сертификатлаш жорий этилади.

Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Урганч шаҳарларининг халқаро аэропортларида хорижий туристлар учун “яшил йўлак” божхона назорати тизимини, паспорт ва божхона назоратидан ўтишнинг, багажни олишнинг соддалаштирилган тартиб-таомили, аэропортлар ва вокзалларда резидентлар ва норезидентларнинг паспорт назоратидан алоҳида-алоҳида ўтишлари йўлга қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида кўрсатиб ўтилган тадбирларни амалга ошириш асосий транспорт бўғинларида хизматлар кўрсатиш сифатининг энг илғор жаҳон стандартларига мос келишини таъминлашга, мамлакатимиз халқаро аэропортлари ва вокзалларининг рейтингини оширишга қаратилгандир.

Мамлакатимизда туризм соҳасини устувор йўналиши сифатида ривожлантириш миллий иқтисодиёт салоҳиятини юксалтиришга, уни таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилишга, барча минтақаларни ва турдош тармоқларни комплекс равишда жадал ривожлантиришга, шунингдек, Ўзбекистоннинг жозибадор туризм маркази сифатидаги ижобий қиёфасини шакллантиришга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Мамлакатимизда туризм соҳасида амалга оширила бошланган туб ислоҳотларнинг илк самараси сифатида бизнес соҳасида дунёдаги энг машҳур, 2,3 миллион ўқувчиси бўлган Буюк Британиянинг «Financial Times» нашрида эълон қилинган мақолада саёҳат қилиш тавсия этилаётган жаҳондаги энг эътиборга сазовор давлатлар қаторида Ўзбекистон 2-ўринда қайд этилганини кўрсатиш мумкин.

Ушбу рейтинг сайёҳлик индустриясининг «Wild Frontiers», «KE Adventure Travel», «Discover the World», «Ampersand Travel», «Oetker Collection», «Red Savannah» «Cazenove and Loyd» каби машҳур компаниялари раҳбарлари иштирокида ўтказилган сўров натижалари асосида тузилган. Буюк Британиянинг «Wild Frontiers» сайёҳлик фирмаси асосчиси Жонни Билбининг таъкилашича, сайёҳлар ноёб ва ўзига хос ўлкаларга саёҳат қилишни истайди. Буюк ипак йўлида жойлашган Ўзбекистон давлати эса сайёҳлар учун энг яхши йўналишларидан биридир. Чунки, мамлакатимиз халқи ниҳоятда меҳмондўст, бетакрор миллий анъаналарга эга, Шарқ маданияти дурдоналари – Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Тошкент каби шаҳарлар, қадимий карвонсарой ва нодир обидалар, ям-яшил водийлар

ва асрий саҳро манзаралари ҳар бир сайёҳни лол қолдиради, бу диёрда фақат замонавий транспорт воситаларида эмас, отда ва туяда саёҳат қилиш имкониятлари ҳам борлиги, бор пайтининг ўзида тўрт фаслга хос иқлим ва манзараларни кўриш муҳимлиги, ҳақиқатан ҳам мамлакатимизнинг бу борадаги буюк салоҳиятидан далолат беради.



“ХАЛҚ ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИГА ЭМАС, ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ХАЛҚИМИЗГА ХИЗМАТ ҚИЛИШИ КЕРАК”

2016 йил 25 сентябда биринчи марта Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Интернетда виртуал қабулхонаси ташкил этилди. Қисқа вақт давомида ушбу қабулхонага фуқароларимиздан 400 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушди.

Бу ҳақда ушбу китоб аввалида ҳам сўз юритган эдик. Мавзунинг долзарблигини ҳисобга олган ҳолда, бу ўринда шу хусусда кенгроқ тўхталиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Фуқаролардан келаётган мурожаатларнинг таҳлили жамиятимиз ҳаётида мавжуд бўлган ўткир муаммоларни яққол кўрсатиб берди. Одамлар Бош вазирнинг Интернетда Виртуал қабулхонасига турли соҳалардаги бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш, қонунга зид бўлган кўплаб идоравий йўриқ-номаларни бекор қилиш, ставкаси мақбул бўлган банк кредитлари ажратиш, тадбиркорлик бўйича ноқонуний текширишларга барҳам бериш, ҳуқуқ-тартибот идораларининг фаолиятидан шикоят қилганлар. Шу билан бирга, аҳолидан уй-жой қурилиши, коммунал, транспорт ва савдо хизмати, энергия таъминотини, йўлларнинг ҳолатини яхшилаш бўйича ҳам кўплаб

мурожаатлар келиб тушган. Ана шу мурожаатларнинг маъно-мазмунини Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири Сайёра Шоеванинг мақоласида батафсил баён қилинган. Қуйида ана шу мақолани тўлиқ келтиришни лозим топдик.

“Президентнинг виртуал қабулхонаси: муаммоларга тезда ечим топилмоқда”

Амир Темур куч-қудрат адолат, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликда мужассам эканини англаб-англаб яшаган. Соҳибқироннинг давлат муҳрида битилган. “Куч – адолатда” ҳикмати ҳақиқатпарварлик ва ростлик инсон кучига куч қўшиши, ўз навбатида, кучли шахс ҳамини ҳаққўй бўлишини англатади. Ислоҳ Каримов ишлаб чиққан тараққиётнинг “ўзбек модели” – машҳур беш тамойилнинг бири ҳам айнан қонун устуворлиги эди. Биринчи Президентимиз бутун фаолияти давомида эркин, адолатли ва фаровон ҳаёт қуриш, жамиятимизда қонун устуворлигини, тартиб-интизомни, адолат ва ҳақиқатни қарор топтириш йўлида курашди.

Шу маънода яқинда Ўзбекистон ҳукумати порталида очилган Бош вазирнинг виртуал қабулхонасини (pm.gov.uz) ўзбек давлатчилиқ мактабига мансуб адолатпарварлик, ҳақиқатни таъминлаш борасида анъаналарнинг мантиқий давоми бўлди, дейиш мумкин. Бугун минглаб юртдошларимиз ҳал этилмаган масалалар, муаммолар, ариза, шикоят ёки таклифлар билан тўғридан-тўғри мамлакатимиз Бош вазирга мурожаат қилмоқда.

Бунда мурожаатни уч усулда – 210-00-00 ёки 10-00 қисқа рақамларига қўнғироқ қилиб (қўнғироқ мамлакатимиз бўйича бепул бўлиб, унда фақат ста-

ционар телефонга қўнғироқ қилиш нархи бўйича ҳақ олинади), pm.gov.uz манзилидаги махсус мурожаат шаклини тўлдириб ёки Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг ҳудудий ташкилотларига бориб юбориш мумкин. Сайт (pm.gov.uz) орқали онлайн мурожаат юбориш шакли ҳамма учун тушунарли ва содда тузилган. Сайтда мурожаат мақомини (жавоб берилган-берилмаганини) текшириш мумкин. Энг муҳими, онлайн мурожаатларда электрон рақамли имзо талаб қилинмайди.

Маълумотларга кўра, Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига дастлабки куниёқ мамлакатимизнинг турли жойларидан мингга яқин ариза, шикоят ва таклифлар тушган бўлса, бугун мурожаатлар сони 20 мингдан ошиб кетди. Қувонарлиси, ҳозирга қадар юзлаб муаммолар тезда ўз ечимини топди.

Шу йил март ойида урганчлик Зулфия Бекбергваннинг 25 ёшли ўғли Хуррам Қурбоновнинг бош миёсида қон қуйилиши ҳолати аниқланган. Шифокорлар уни хорижда даволатишни тавсия қилган. Муолажа учун 8 минг доллар зарур эди. З.Бекбергванова ўтган вақт мобайнида миллий валютани хорижий валютага конвертация қилиш бўйича Хоразм вилоятидаги қатор банкларга мурожаат қилган. Бироқ иши ҳал бўлмаган. Зулфия опа сўнгги умид сифатида шу йил 26 сентябрда Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига ариза жўнатган.

– Порталга мурожаат қилганимдан кейин ойлар давомида мени ўйлатган муаммо икки кунда ҳал бўлди, – дейди З.Бекбергванова. – Ўғлимни хорижда даволатиш учун халқаро тўлов картасига етарлича хориж валютасини олганимда, қувончдан йиғлаб

юбордим. “Мана, биздай оддий фуқароланинг ҳам дардини тинглайдиган, муаммоларини ҳал қилиб берадиган инсон бор экан-ку”, дедим. Бу портал Ўзбекистонда демократиянинг мустаҳкам қарор топишида жуда катта муҳим қадамдир.

Яна бир мисол – Хоразм вилояти Хива туманида истиқомат қилувчи Роҳат Абдуллаева уйи бузилгач, 2014 йили янги коттежга кўчиб ўтади. Бузилган уй шартномада 139 миллион сўмга баҳоланади. Бироқ бу маблағдан 38 миллион сўмни ҳокимлик тўлаб бермайди.

– Шу йил 26 сентябрь куни Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига мурожаат қилди, 28 сентябрда бузилган уйимдан қолган 38 миллион сўмни банкдаги омонат дафтарчамга ўтказиб беришди, – дейди Р.Абдуллаева. – Маҳалламиздаги янги коттежларга кўчиб ўтган 47 қўшнимда ҳам шу муаммо бор эди. Вилоят ва туман ҳокимлиги вакиллари уларга ҳам қарздорликни тўлаб бермоқда. Маҳалламизда байрам бўлиб кетди. Неча йиллик муаммоларимизни икки кунда ҳал қилиб бергани учун Бош вазириримиздан миннатдормиз.

Ҳа, бугунги фуқаролар бундай ўн беш-йигирма йил аввалги одамлар эмас. Мазкур виртуал қабулхонага мурожаатлар халқимизнинг давлат ҳокимиятига ва қонун устуворлигига ишончи ошиб бораётганидан далолат. Бу жамиятимизда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари самарали татбиқ этилаётгани, халқимизнинг улардан фойдаланиш маданияти юксалиб бораётганининг исботидир.

– Маҳалламизда электр энергиясини кунига ўртача 12 соат ўчиришар эди, бу муаммога ечим излаб, бир неча марта туман ҳокимлиги ва электр тармоқлари ташкилотига мурожаат қилдик, бироқ

фойдаси бўлмади, – дейди Хоразм вилояти Гурлан тумани Сахтиён қишлоғида яшовчи Жўрабек Бобо-жонов. – Шу йил 25 сентябрда Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига электрон мурожаат юбордик, 29 сентябрда мутасаддилар қишлоғимизга келиб, ва-зиятни ўрганди ва узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш йўлга қўйилди. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов доим “Одамлар ҳамма нарсага чида-ши мумкин, лекин адолатсизликка чидай олмайди”, деб кўп таъкидлар эди. Маҳалламизда шу муаммо-нинг тез кунда бартараф бўлгани мисолида биз Бош вазиримиз Биринчи Президентимиз гоёларига нақа-дар содиқ эканига амин бўлдик.

Элликқалъалик Илҳомбек Йўлдошев Тошкент тиббиёт академиясининг травматология ва ортопедия йўналиши бўйича магистратурасида 2-курс талаба-си. У бу йил шартномага пул топа олмаган. Шу боис Элликқалъа туманидаги барча банк филиалларига таълим кредити ажратишни сўраб, мурожаат қил-ган. Айтишича, бунинг учун зарур барча ҳужжатни тахлаб олиб борса-да, бирорта банк ходими уларни лоақал варақлаб ҳам кўрмаган.

– Бир куни ҳатто соат 7 дан 19 гача банкдан-банкка қатнаиб сарсон қилишди: бирига борсам, бошқасига жўнатади, ахийри, саргардонликдан ҳаммасига қўл силтаб, Тошкентга қайтдим, – дейди И.Йўлдошев. – Энди ўқишни давом эттиришга кўзим етмасди. Шун-да Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси жонимга оро қирди: мурожаатим уч кунда ҳал бўлди. Ўзбекистон Президенти вазифасини бажарувчи, Бош вазиримиз Шавкат Мирзиёев 5 октябрда Самарқанд вилояти фаоллари билан бўлган учрашувда виртуал қабул-хонасига келаётган ҳар бир мурожаат Бош вазир-

нинг назоратида бўлишини таъкидлади. Чиндан ҳам шундай: агар менинг арзим Бош вазиримизга етиб бормаганда, билмадим, яна қанча вақт сарсон юрардим ёки ўқишни ташлаб кетармидим...

Яшириб нима қилдик: қуйи бўғинлардаги эскича фикрлайдиган айрим раҳбару ходимларга арз қилиб икки-уч марта қатнаган одамга “ёзувчи”, “аризабоз” тарзида қарайдиганлар ҳам бор. Албатта, ҳар қандай жамиятда бўлди-бўлмади ишга дарров шикоят ёзадиганлар топилади. Бироқ саноқли бундай кимсалар касрига қолган шахсларнинг ҳам шикоятларини эътиборсиз қолдириш – жамиятда муаммоларнинг илдиз отиб кетишига сабаб бўлиши яниқ-ку! Қолаверса, кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг шартларидан бири – фуқаролар ўз ҳақ-ҳуқуқларини мукамал билиши, зарур ҳолда, уларни талаб қила олиш лаёқатига эга бўлиши лозим.

Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси халқимиз ҳуқуқий маданиятининг юксалиб бориш жараёнида самарали восита, ойдин кўзгу бўлмоқда.

Сирдарё вилояти Ховос тумани Гулбаҳор шаҳарчасида яшовчи Муслимбек Холиқбердиев бу йил Гулистон давлат университетининг ижтимоий-иқтисодий факультетига тўлов-контракт асосида ўқишга қирди. Бироқ ота-онаси шартнома пулини тўлаш имкониятини топа олмади. Шу боис унинг онаси Шоира Абдуғаффорова жорий йил 7 сентябрда “Агробанк”нинг Ховос тумани филиалига таълим кредити сўраб, муурожаат қилади. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлдаги “Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида”ги қарорига кўра, тижорат банклари қарз олувчининг ҳужжатларини 10 иш кунда кўриб чиқиб,

ёзма хулоса бериши шарт. Бироқ, Ш.Абдуғаффорова йигирма кунда ҳам аниқ жавоб ололмай, сарсон-саргардон бўлади. Вазият шу даражага етадики, 30 сентябргача шартнома пули тўланмаса, Муслимбек та-лабаликдан маҳрум бўлиши аниқ эди.

– Шартнома пулини тўлаш муддатига уч кун қолган, нима қилишини билмасдик, банк ходимларини судга берайлик, десак суд ишни кўриб чиқишига бир ой керак – жуда бошимиз қотганди, – Ш.Абдуғаффорова. – 27 сентябрь куни Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси ҳақида эшитдим, дарҳол мурожаат қилдим. Қаранг, эртаси куни “Агробанк” ўғлимга таълим кредити ажратди. Ишим ҳал бўлди, лекин бир савол мени қийнайди: нега энди шунақа кичкина масала ҳам, албатта, Бош вазиримизга етиб боргандан кейин ҳал бўлиши керак? Қуйи бўғинлардаги раҳбару ходимларга ўз вазифасини қонун доирасида, вақтида, сифатли бажаришга нима халал беради?!

Дарҳақиқат, агар фуқаронинг муаммоси қуйи бўғинда ҳал бўлмаса, у юқори ташкилотларга мурожаат қилмайди. Чунки бугунги замон шиддатида ҳар дақиқа – ғанимат, катта бойлик. Шундай экан, Бош вазирнинг виртуал қабулхонасидан ўртак олиб, маҳаллий давлат ҳокимияти раҳбарлари фуқаролар мурожаатларини шахсан ўз назоратига олиши, уларнинг муаммоларини ҳал қилишда самарали тизимни йўлга қўйиш вақти аллақачон етиб келди. Ахир кимдир умид билан ҳокимнинг олдида борса-ю, қабул-ига кира олмаса, ҳафталаб-ойлаб ҳокимият эшигида сарғайса, шундан сўнг қўли бирор ишга борадими? Шундай вазиятдан кейин унинг қалбида табиий ниш ура бошлаган жамиятдан норозилик эртага газак отиб кетмаслигига ким кафолат беради?!

Сирдарё туманида истиқомат қилувчи Мирсаид Низомов Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига ўзи яшаётган ҳудудда 5-6 йилда буён табиий газда мунтазам узилишлар бўлаётганини айтиб, ушбу масалани ҳал этишда ёрдам сўраб мурожаат қилган. Сирдарё вилояти ҳокимлигидан маълум қилишлари-ча, мурожаатни ўрганиш жараёнида газ қувурлари чиндан ҳам таъмирга муҳтож эканлиги аниқланган. Тез кунларда қувурлар таъмирланиб, табиий газ таъминоти тўлиқ йўлга қўйилади. Савол туғилади: ушбу туман мутасаддилари нега мазкур масалани ўз вақтида ўрганиб, тезда чора кўрмади? Ёки улар Бош вазирга мурожаатдан сўнггина бу ерда газ қувурлар чиндан таъмирталаб эканини билиб қолишдимизми?.. Ёки ушбу туманда яшовчи яна бир фуқаро Татьяна Кареванинг ўзи истиқомат қилаётган ҳудудда ичимлик суви муаммосини ҳал этишни сўраб қилган мурожаати ўрганилганда, бу ерда ичимлик суви таъминотини тўлиқ йўлга қўйиш учун 500 метр масофада қувур ётқизиш лозимлиги аниқланди. Айти пайтда бу борадаги лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланиб, 2017 йилги Инвестиция дастури асосида қурилиш ишлари амалга оширилиши белгиланди.

Шу йил 26 сентябрда Хоразм вилояти Янгиариқ тумани Чиқирчи қишлоғидан Ҳурмат Матёқубов виртуал қабулхонага мурожаат қилиб, мазкур ҳудудда тоза ичимлик суви йўқлиги, қудуқлар суви шўр бўлгани учун аҳоли 3 километр нарига бориб, ичиш учун сув келтираётганини айтади. 2009 йили бу муаммони бартараф этиш учун иш бошланган, бироқ чала қолганди.

– Мурожаатимиздан икки кун ўтиб, қишлоғимизда қурилиш ишлари бошланиб кетди, – дейди Ҳ.Матёқубов. – Ҳозир 2009 йили ётқизилган, аммо

чириб улгурган қувурларни ҳам қазиб олиб, янгилашяпти. Бутун қишлоқ аҳли неча йиллик муаммо ҳал бўлганидан ўзида йўқ хурсанд.

... Бундай мисоллар кўп. Эътиборлиси, ҳал бўлган ҳар бир мурожаат ортида ўнлаб, хатто юзлаб одамлар ҳаётидаги бир ўзгариш, янгиланиш мужассам. Бу фуқароларнинг давлат ҳокимиятига, жамиятга, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлашда ниҳоятда муҳим омилдир. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида жамиятда адолат ва ҳақиқатни қарор топтириш виждон поклиги ва бедорлигига боғлиқ эканини таъкидлаган: “Виждони уйғоқ одам ён-атрофида бўлаётган воқеаларга, ёрдам ва кўмакка муҳтож инсонларнинг муаммоларига, адолатнинг топталишига бефарқ қарай алмайди... Бундай ҳолатларни кўрганда виждони қийналади, доимо ёниб-куйиб яшайди, қандай қилиб бўлмасин, уларни бартараф этишга интилади...”

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг виртуал қабулхонаси барчамизни Биринчи Президентимизнинг буюк даъвати – уйғоқ виждон билан яшашга, ишлашга ундаётгани билан аҳамиятлидир.

* * *

Биринчи Президентимиз бошлаган буюк ислоҳотлар ғайрат ва шижоат билан изчил давом эттирилмоқда

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг виртуал қабулхонасига муаммолари тезда ҳал қилинаётгани учун юртдошларимиз миннатдорлик хатлари жўнатмоқда.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида “юксак иродали инсонга суяниш мумкин”лигини таъкидлаган: “Бундай кишилар бошингизга бирор-бир ташвиш ёки муаммо тушгудек бўлса, лоқайд қараб туролмайди. Ҳеч иккиланмасдан, ёнингизда туриб, қўлидан келганча ёрдам беришга, қийинчиликларни сиз билан биргаликда енгилмашга ҳаракат қилади”.

Бугун Ўзбекистон ҳукумати порталида фаол ишлаётган Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига (pm.gov.uz) юртдошларимиздан муаммолари, ариза ва шикоятлари тезда ҳал қилингани учун миннатдорлик хатлари, ҳаётий таклифлар келиб тушмоқда. Уларни ўқиркансиз, Соҳибқирон Амир Темурнинг давлат бошқарувидаги “Куч – адолатда” шиори барҳаёт ва бардавомлигига, Биринчи Президентимиз таъкидлаган “ирода – бу аслида мустаҳкам ишонч” ҳикмати нақадар ҳаётий ҳақиқат эканига яна бир бор амин бўласиз.

Янгийўллик Алишер Турсунов шу йил бошида туман Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси ўтказган танловда ғолиб бўлиб, 38 гектар ерда “Бахт Камол Эрки” фермер хўжалигини ташкил этган. Фермернинг айтишича, бу йил ғалла шартномасини 110 фоизга бажариб, нияти ғалланинг пулига кичикроқ бир трактор сотиб олиш эди. Бироқ “Ўздонмаҳсулот” АҚ таркибидаги “Ғалла-Алтег” акциядорлик жамияти фермер хўжалигининг 50 миллион сўм пулини бермай, тадбиркорни уч ой сарсон қилган.

– Шу уч ой ичида деярли барча ваколатли ташкилотларнинг “Ишонч телефони”га қўнғироқ қилдим, фойдаси бўлмади, бу ёқда ерни ҳайдаб берган

тракторчилар кунора уйимга келиб пулини қистайди, – дейди А.Турсунов. – Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига мурожатимдан сўнг уч ойда битмаган ишимни уч кунда ҳал қилиб беришди: кўнглим тоғдай кўтарилиб кетди, тракторлар учун суянч тоғи бўлмақда, бу бизни янада катта куч-ғайрат билан ишлашга ундамоқда.

Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси, айниқса, қишлоқ жойлардаги аҳолининг ҳуқуқий маданияти ошиб боришида самарали восита, ойдин кўзгу бўлмақда. Сурхондарё вилояти Шеробод туманидан Гулихон Вафоева 6 октябрда жўнатган хатида шундай ёзади: “Ҳурматли Ўзбекистон Республикаси Бош вазири. Сизга уч масала бўйича амалий ёрдам сўраб, ариза ташлагандим: оилавий, қишлоқ шароити ва “Ucell” компаниясида мобиль алоқа яхши эмаслиги ҳақида. Мутасаддилар келиб, оилавий ва қишлоқ хўжалиги масалаларини ҳал қилиб беришди. “Ucell” компанияси вакиллари қишлоғимизга антенна ўрнатиш бўйича ишларни бошлаб юборди. Қишлоқда яшаётган биздек оддий фуқароларнинг дардига қулоқ тутиб, масалаларимизни ҳал этиб бераётганингиз мисолида сизнинг Биринчи Президентимиз гоёларига нақадар содиқ эканингизга амин бўлдик”.

Яна бир мисол: Бухоро вилояти Олот туманида истиқомат қилувчи Норжон Сафарова яқинда дўкондан икки қоп ун сотиб олади. Айтишича, аввало, пластик карточка орқали савдо қилгани учун унга унни қимматроқ сотишади. Боз устига биринчи нав деб берилган ун анча сифатсиз бўлиб чиқади. Н.Сафарова дўкондор билан келишолмагач, адолат излаб туман солиқ идорасига боради. У ерда аёлга Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни

ривожлантириш давлат қўмитасининг “Ишонч телефони”га мурожаат қилишни айтишади. Қўмитанинг ҳудудий бошқармасидан Норжон опани Олот тумани давлат санитария-эпидемиология нazorати марказига юборишади. Бу ерда Н.Сафарова сифатсиз унни лаборатория текширувидан ўтказиб, шу хулоса асосида судга мурожаат этиши керак эди. Икки қоп ун келтирган ва шунча даҳмазадан боши гангиган аёл “икки қоп унга куйдим-да”, деб шалвираб уйига қайтаркан, телевидение орқали Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси ҳақида эшитиб қолади.

– Дарҳол 10-00 қисқа рақамига мурожаат қилдим, масала тезда ҳал бўлди, – дейди Н.Сафарова. – Ишим-ку битди, лекин ўйлайман-да: одам ҳатто айтишга хижолат бўладиган шундай кичик масалани Бош вазир даражасигача олиб бориш керакми? Шуларни туман доирасида ҳал қилса бўлмайдими? Бунга нима ҳалал беради? Ҳаммага маълум гап: қуйи бўғинлардаги айрим раҳбару ходимлар қогозда гўё ҳамма масалани ҳал қилаверар, бу муаммолар аслида ҳаётда ечилмай ёки аҳвол ўзгаришсиз қолаверарди. Энди ҳеч ким бундай қилолмайди. Чунки Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси мамлакатимизнинг барча жойидаги асл вазиятни ойнадай кўрсатиб бермоқда.

Фарғона вилояти Марғилон шаҳридаги “Техуген” МЧЖ Россияга ип-калава маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича шартнома имзолаган. Шу йил 1 октябрда “Агробанк”нинг Марғилон шаҳар филиали ва Фарғона вилояти божхона бошқармаси уланган ташқи савдо операциялари ягона электрон ахборот тизимида юз берган носозлик туфайли экспорт тўхтаб қолади. “6 октябрда Бош вазирнинг виртуал қа-

булхонасига амалий ёрдам сўраб мурожаат қилган эдик. Банк ва божхона ходимларининг хизматлари туфайли 7 октябрда корхонамиздан 42 минг АҚШ долларилик маҳсулот экспорти амалга оширилди. Тезда амалий ёрдам кўрсатиб, хорижий ҳамкорлар олдида юзимизни ёруғ қилгани учун Ўзбекистон Бош вазиридан миннатдормиз”, дейилади “Техуген” МЧЖ директор ўринбосари Авазхон Мўминовнинг rtm.gov.uz манзилига жўнатган хатида.

Ҳа, адолатнинг катта-кичиги бўлмайди. Кўлами, моҳият-эътиборидан қатъи назар, ҳар бир инсон ҳаётида лоқал битта масала ечилса ҳам, шу шахснинг давлат ҳокимиятига, жамиятга, эртанги кунга ишончи мустаҳкамланади. У энди тонгда катта меҳнат иштиёқи ва яшаш завқи билан уйғонади, халқ фаровонлиги, давлат ва жамият тараққиётига нимадир ҳисса қўшишга чоғланади. “Маҳалламизда цемент қоплаш ишлари бажарилаётгани оқибатида зарарли чангдан ён-атрофдаги 40–50 хонадон аҳли, айниқса, фарзандларимизнинг тез-тез аллергия бўлишидан азият чекаётган эди. Бир йил давомида жавобсиз қолган аризамизни беш кунда ҳал қилиб бергани учун барчамиз Бош вазиримиз Шавкат Мирзиёевдан миннатдормиз. Экология соҳаси ходимлари келиб, бу муаммога чек қўйишди”, дея хат йўллаган Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманида истиқомат қилувчи Музаффар Абдураҳмонов. “2014 йилдан бери ҳовлимнинг кадастр ҳужжатини қилолмаётган эдим. Виртуал қабулхонага мурожаатимдан бир кун ўтиб, уйимга туман кадастр хизмати ходимлари келиб, ҳовлимнинг кадастр ҳужжатини тайёр эканини айтишди. Бу портал – чин маънода халқ минбари, муаммолар ва уларнинг ечими акс этадиган кўзгу бўлмоқда. Бунга

ўз ҳаётимда амин бўлдим”, дея миннатдорлик хати йўлланган Тошкент шаҳри Миробод туманида истиқомат қилувчи Саида Содиқова.

Чирчиқ шаҳридан Темур Киндус шундай ёзади: “4 октябрда “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Чилонзор филиали ходимларининг миллий валютани хорижий валютага конвертация қилиш бўйича берган радавоб юзасидан қилган мурожаатим эртаси куниёқ ҳал бўлди. Муаммоларга шундай тез суръат билан самарали ечим топишга хизмат қилаётган виртуал қабулхонага раҳмат айтаман”. Ёки Навоий шаҳридан Бахтиёр Усеинов ҳам ўз хатида pm.gov.uz манзилига мурожаатдан сўнг, “қисқа вақтда Ўзбекистон Ташқи иқтисодиёт фаолият миллий банки 500 АҚШ долларини конвертация қилиб бергани”ни ёзган.

Ижтимоий муаммолар ҳақида гап кетар экан, бу борада коммунал соҳа ҳамон энг оғриқли экани барчамизга аён. Эътиборлиси, Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига коммунал соҳадаги муаммолар ҳал этилгани боис кўплаб миннатдорлик хатлари келмоқда. Хусусан, мурожаатдан сўнг Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманида яшовчи Дилшод Абдувалиев, Миробод туманида истиқомат қилувчи Ойтўла Солиҳова хонадонларида газ таъминотидан нотўғри ҳисобланган катта миқдордаги қарздорлик бекор қилинди. Олмазор туманида яшовчи Марваридхон Ибрагимова “Катта раҳмат, прокуратура ходимлари электр таъминотини тиклашга ёрдам беришди. Ҳар қандай мурожаат ниҳоятда тезкорлик билан ўрганилиб, муаммолар бартараф этилмоқда”, деб ёзса, “Бундай тезкорлик ва ҳозиржавобликка қойилмиз! Шикоятимиз дарҳол ўрганилиб, муааммо барҳам топди: ҳовли саҳни тоза, озода, ҳамма ахлат олиб ташла-

ниб, ён-атроф тартибга келтирилибди. Барчаси учун катта раҳмат!", дея раҳмат йўллаган чилонзорлик Анастасия Ли.

Турли масалаларда ёрдам сўраб ва кўмак сўраб қилинаётган мурожаатлар ҳам ўз вақтида ҳал қилинмоқда. Бухоро тумани “Шергирон” қишлоқ фуқаролар йиғинидан Нигинабону Бақоева шу йил 25 сентябрда юборган мурожаати асосида иш билан таъминланди. Фарғона шаҳридан Рўздатжон Аҳмедов “мурожаатидан сўнг мени Фарғона ҳудудий электр тармоқлари корхонасига чақиришиб, яқин кунларда иш берилишини айтишди. Ишга киришимдан ҳам кўра, Бош вазиримизнинг биздай оддий фуқароларнинг мурожаатига шундай юксак эътибордан беҳад қувондим”, деб ёзади. Хоразм вилояти Урганч туманидан Ойбек Эрназаров ҳам ёрдам сўраб ёзган мурожаати эътиборига олингани учун бир умр миннатдор эканини ўз хатида таъкидлаган: “Бугун уйимизга ҳокимиятдан мутасаддилар келиб, синглимни тез орада Тошкентга юбориб, жарроҳлик амалиёти ўтказишда ёрдам беражакларини айтиб кетишди. Бу яхшиликларни ҳеч қачон унутмаймиз”. Виртуал қабулхонага мурожаатидан сўнг Тошкент шаҳри Яккасарой туманида яшовчи Шаҳрибону Ахматовани Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлигига чақириб, санъатда ўз йўлини топишига ёрдам кўрсатишга ваъда беришди.

Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига келаётган хатлар орасида бу хайрли ташаббусни қўллаб-қувватлаб, миннатдорлик билдирилган тилаклар жуда кўп. Уларни бир жиҳат бирлаштириб туради: Биринчи Президентимиз Ислон Каримов асос солган ва бошлаб берган кенг қамровли ислоҳотлар катта

шиддат ва куч-ғайрат билан изчил давом эттирилаётгани халқимиз руҳини янада кўтармоқда, эртанги кунга ишончни мустаҳкамламоқда. Термиз шаҳридан Отабек Нормуродов, Навоий вилояти Кармана туманидан Дилбар Муғинова каби тадбиркорлар Ўзбекистон Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевга шу йил 5 октябрда қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармон кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулк ҳимояси, унинг дахлсизлиги кафолатларини янада мустаҳкамлаш, тадбиркорлик ривожига бюрократик тўсиқларни бартараф этишга хизмат қилишини айтиб, самимий миннатдорлик изҳор қилган.

Виртуал қабулхонага ёшларимиздан ҳам кўплаб хатлар келиб тушмоқда. Чилонзорлик “Камолот” ЁИХ фаоли Дилъара Мелдебекова мамлакатимизнинг қатор шаҳарларида янги кўп қаватли тураржойлар барпо этиш борасидаги хайрли ташаббус, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг С.Сирожиддинов номидаги академик лицейи ўқувчиси Тўра Тўраев лицей ёшлари номидан давлатимизнинг навқирон авлод камолотига кўрсатаяётган юксак эътибори ва ғамхўрлиги учун миннатдорлик билдирган. Улар орасида пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги 44-мактабнинг 5-синфида ўқиётган Эмир-Асан Боқиевнинг Ўзбекистон Бош вазирига ёзган хати эътиборимизни тортди: “Бугун Сизнинг Сергели туманидаги мактаблардан бирига борганин-

гизни эшитиб, синфдошларим билан шу хатни ёзишга келишдик. Барчамиз Сизнинг мактабимизга келишингизни жуда хоҳлардик. Мен сурат чизишга жуда қизиқаман. Сентябрда “Самарқанд” картасини чиздим. Агар мактабимизга келсангиз, шу суратни Сизга совға қилмоқчи эдим”.

Бу мисоллар Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига бўлаётган ҳар бир мурожаат қатъий назоратга олинганидан, уларда кўтарилган масалалар тезда ечим топаётганидан далолат. Бунда мурожаат қилувчилар ўз шикоят-аризалари Бош вазир даражасида кўрилаётганини чуқур англаб етишлари лозим. Чунки барча шикоятчи ҳам ҳақ бўлавермайди: кимдир шошиб ё адашиб, масаланинг туб мазмунига етиб-етмай, ҳатто нотўғри маълумотлар билан ҳам арз қилади. Бироқ шикоят қилувчи буни ўз вақтида англаб етиб, тан олса – бу ҳам маданият ва маънавий етукликнинг бир ифодаси. Мазкур виртуал қабулхонага келаётган мурожаатларда ҳам буни кузатиш мумкин. Жумладан, Хоразм вилояти Қўшқўпир туманидан Ринат Аброров ўз хатида шундай ёзади: “2016 йил 29 сентябрда дадамнинг умумий аҳволи ва уни мунтазам даволаб келган врачлар ҳақида ёзганман. Мурожаатим текширилганда, билдимки, Хоразм вилояти онкология диспансерида ҳақиқатдан ҳам кимёвий препаратлар таъминоти 30–35 фоизини ташкил этар экан. Бу препаратлар диспансерда бор пайтида дадамга тўлиқ берилган, қолган вақти ўзим сотиб олганман. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 191-буйруғи билан таниш бўлмаганим сабабли врачлар ҳақида нотўғри фикрга борган эканман. Кимёвий препарат тақсимоти бўйича қонунбузарлик бўлмаганини англадим”.

Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани Сувсултон қишлоғидан Лочин Жўраев ҳам виртуал қабулхонага мурожаат қилиб, “адашиб, нотўғри хабар ёзгани учун” кечирим сўраган: “Ўзим Тошкенда яшайман, қишлоғимизда газ таъминоти етарлича йўлга қўйилган экан. Менга келган нотўғри хабарга асосланиб, Сизга илтимоснома ёзгандим. Мурожаатимни кўриб чиққанингиз учун раҳмат, англашмовчилик учун узр сўрайман”.

Маълумки, ҳар бир мурожаатни кўриб чиқиш, ўрганиш, таҳлил этиш вақт талаб қилади. Агар мурожаатларда кўтарилаётган масалалар муайян ҳудуд, одамлар, умуман, жамиятимиз учун фойдали, адолатли ва ўринли бўлса, нур устига нур.

...Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг виртуал қабулхонасига келаётган миннатдорлик хатлари, таклифлар, тилакларни ўқиркансиз, уларнинг барида эзгу ният, эзгу сўз, эртанги кунга мустаҳкам ишонч мужассам эканига амин бўласиз. Шунда беихтиёр Биринчи Президентимиз Ислом Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида айтган буюк даъват онг-қалбимизда жаранг сочади: “Бу ҳаётда одам баъзан ўзини йўқотиб қўядиган ғоят мураккаб муаммолаларга дуч келади. Кескин вазиятдан чиқишнинг иложи йўқдек туюладиган ҳолатлар бор. Шундай пайтда, ишда ва ҳаётда, жамиятда оғир савдоларга дуч келганда ким ўзининг йўлини йўқотмаслиги мумкин? Ўйлайманки, биринчи навбатда ўз кучига ишонган, руҳий дунёси, маънавий олами бақувват бўлган одамгина бундай вазиятдан ёруғ юз билан чиқа олади. Маънавий бойлик шундай пайтда одамга катта куч ва мадад беради”.

Истагимиз – ўз кучига ишонган, руҳий дунёси, маънавий олами бой одамларимиз кўпаяверсин. Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси бу йўлда уларга мададкордир.

* * *

Президентнинг виртуал қабулхонаси: ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири бор

Тошкент вилояти, Янгийўл туманида яшовчи Ҳикоят Раҳимқулованинг ўғли 1-гуруҳ ногирони бўлиб, хасталикдан азоб чекади. Шифокорлардан фарзандини Ҳиндистонда жарроҳлик амалиёти ўтказиб даволаш мумкинлигини билгач, харажатлар учун керак бўладиган хорижий валютани банкдан олиш ҳаракатига тушди. Ёрдам сўраб қилган мурожаатига “Асака” акциядорлик тижорат банки Тошкент вилояти филиали томонидан амалий ёрдам кўрсатилди.

Мазкур мурожаат жорий йилнинг 26 сентябрдан буён Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг ҳудудий ташкилотларида фаолият юритаётган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири қабулхонаси орқали қабул қилинган эди.

Партиянинг барча ҳудудий ташкилотларидаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазири қабулхонаси юқори тезликдаги интернет, турли алоқа воситалари, компьютер ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминланган.

– Келаётган мурожаатлар Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожатлари тўғрисида”ги қонуни ва бошқа меъёрий

ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 20 сентябрдаги жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни тубдан такомиллаштириш бўйича йиғилиши баёни билан тасдиқланган тартиби кўриб чиқилмоқда, – дейди ЎзЛиДеПнинг Тошкент вилояти кенгашидаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазири қабулхонаси ҳуқуқшуноси Санжар Эвадиллаев. – Изчиллик билан амалга оширилаётган жараённинг биринчи босқичида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатини масъул ходим қабул қилиб, ахборот тизимига кирилади. Иккинчи босқичда махсус ишчи гуруҳи ўргангач, тегишли вазирлик, идора ва ҳокимиятларга мурожаат қилинмоқда.

Учинчи босқичда мурожаатлар вазирлик, идора ва ҳокимият органларида қонунчиликда белгиланган муддатларда кўриб чиқилиб, кўтарилган масалалар ҳал этилмоқда. Бу ҳақда m.gov.uz орқали ёки ёзма равишда тасдиқ олинади.

Тўртинчи босқичда ишчи гуруҳи томонидан икки иш кунда тегишли вазирлик, идора ва ҳокимликларнинг мурожаатларда кўрсатилган масалаларни ҳал этиш натижалари тўғрисидаги ахбороти кўриб чиқилади. Агарда муаммо юзасидан қониқарсиз қарор қабул қилинган бўлса, ариза Бош прокуратуранинг ахборот тизимига аризаларни кўриб чиқиш бўйича йўналтирилади.

ЎзЛиДеП қабулхонаси орқали ҳозирга қадар 1,8 мингдан зиёд мурожаат келиб тушди. Уларнинг 40 фоизи прописка, биопаспорт олиш ва фуқаролик масалаларига тааллуқли. Маълум қисмини содир этилган ўғирлик, фирибгарлик ҳолатлари, шунингдек, тергов ҳаракатларини амалга оширишда

йўл қўйилган камчиликлар, ички ишлар органларига ишга кириш ва қайта тиклаш, банклардан сармоя олиш учун ва шу каби масалалар ташкил этаётир.

Айни вақтда мурожаатларнинг 1 минг 480 таси кўриб чиқиш жараёнида бўлса, 320 мурожаат юзасидан тутунтириш берилган. Қатор жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўлиқ қаноатлантирилган. Мисол учун, Қашқадарё вилояти, Косон туманида яшовчи фуқаро А.Асадовнинг “Qarshi Grant Tour” масъулияти чекланган жамиятига меҳмонхона фаолиятини ташкил этиш мақсадида инвентар ва жиҳозлар сотиб олиш учун йирик суммада узоқ муддатли кредит ажратиш масаласидаги қилган мурожаати ижобий ҳал этилди. Тошкент вилояти, Оҳангарон туманида яшовчи Т.Одиловнинг фермер хўжалигига тегишли ер майдони туман ҳокимлиги томонидан ноқонуний олиб қўйилганлигидан норози бўлиб ёзган мурожаати Тошкент вилояти прокуратураси томонидан кўриб чиқилиб, қаноатлантирилган. Бу мисоллар Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига келаётган ҳар бир мурожаат қатъий назоратга олинганидан, уларда кўтарилган масалалар тезда ечим топаётганидан далолатдир.

Сайёра Шоева, ЎЗА¹

Бундан ташқари, 2016 йил 4 декабрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови олдидан ўтказилган сайловолди учрашувлари одамларнинг дарду ташвишларини эшитиб, улар

¹ “Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси: муаммоларга тезда ечим топилмоқда”. “Ўзбекистон овози” газетаси, 2016 йил 11 октябрь.

билан очиқ мулоқот қанчалик муҳим эканини амалда кўрсатди.

Ҳолбуки, ана шу учрашувлар, мурожаатларда кўтарилган ҳаётий муаммолар жойлардаги ҳокимлик ва идоралар, тегишли мутасаддилар томонидан ўз вақтида ҳал этилиши зарур эди. Бу амалда бўлган алоҳида “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонун талабларидан келиб чиқади. Бироқ бу қонуннинг ижросини назорат қилиш ўз ҳолига ташлаб қўйилгани маълум бўлиб қолди.

Ана шу фикр-мулоҳазаларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йилни юртимизда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилишни таклиф қилди.

Шавкат Миромонович буни қуйидагича изоҳлади: **“Биз юртимизда янги давлат, янги жамият қуриш йўлида қандай иш қилсак, уларнинг барчасини халқимиз билан бамаслаҳат қиламиз.**

Ҳаммамизни тарбиялаган, вояга етказган – шу халқ. Барчамизга туз-насиба берган ҳам – шу халқ. Бизга ишонч билдирган, раҳбар қилиб сайлаган ҳам айнан шу халқ.

Шундай экан, биз биринчи навбатда ким билан мулоқот қилишимиз керак – одамларимиз билан.

Ким билан бамаслаҳат иш тутишимиз керак – аввало халқимиз билан. Шунда халқимиз биздан рози бўлади.

Халқ рози бўлса, ишимизда унум ва барака бўлади.

Халқ биздан рози бўлса, Яратган ҳам биздан рози бўлади”.¹

Мамлакатимизда аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, уларни қийнаётган муаммоларни ҳал этишнинг янги механизмлари ва самарали усулларини жорий этиш чоралари кўрилмоқда.


Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари ва иқтисодиёт тармоқлари раҳбарлари ҳамда ҳокимларнинг Президент ҳузурида шахсий ҳисоботини эшитиш амалиёти янгитдан жорий этиладиган бўлди.

Иккинчидан, ҳар йили бир марта ички ишлар вазирининг энг аввало профилактика соҳасидаги фаолияти юзасидан ҳисоботини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида эшитиш амалиёти, парламент сўрови, тегишли давлат идоралари раҳбарлари ахборотларини эшитиш каби институт ва ваколатлардан кенг фойдаланиш жорий этилади.

Учинчидан, аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, унинг қонуний талаблари, сўров ва таклифларини амалга ошириш бўйича мутасадди вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари, шунингдек, ҳокимларнинг ҳам бу борадаги фаолияти яқунлари бўйича ҳисобот бериш тизими жорий этилади ва шунга қараб уларнинг ишига баҳо берилади. Бунинг учун ҳар қайси вилоятдан сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари ва сенаторлар ҳар ойда 10–12 кун давомида бир туманда бўлиб, ҳоки-

¹ “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палатасининг қўшма мажлисидаги нутқи”. “Халқ сўзи” газетаси, 2016 йил 15 декабрь.

2017 Xalq bilan muloqot va inson manfaatlari yili



мият идоралари, прокуратура ва ички ишлар бўлимининг фаолиятини пухта ўрганиб, таҳлил қилиши ҳамда тегишли хулоса беришлари лозим бўлади.

Тўртинчидан, парламент ва жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмларини шакллантириш мақсадида шаҳар ва туманларда ҳақиқий аҳволни ўрганиб, тегишли раҳбарларнинг ҳисоботи халқ депутатлари кенгашлари сессияси муҳокамасига киритилади. 2017 йилдан бошлаб барча даражадаги ҳокимлар, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларининг аҳоли олдида ҳисобот бериш тизими жорий этилади.

Бешинчидан, раҳбарларнинг халқ ва жамият олдидаги масъулиятини кескин оширишга эришиш мақсадида келгусида маҳаллий ҳокимларни бевосита халқ томонидан сайлаш масаласи умумхалқ муҳокамасига қўйилиши мўлжалланмоқда.

Олтинчидан, давлат хизмати институтини ислоҳ этиш, давлат хизматчиларининг моддий ва ижтимоий таъминоти, уларнинг касбий тайёргарлигини тубдан такомиллаштириш, бу соҳага янгича фикрлайдиган, масъулиятли, ташаббускор, ватанпарвар кадрларни жалб этиш бўйича самарали тизим яратилади. Ана шу масалалар янгитдан ишлаб чиқиладиган “Давлат хизмати тўғрисида”ги қонунда ўз ифодасини топади.¹

Давлат ҳокимияти органлари – барча даражадаги ҳокимликлар, халқ депутатлари кенгашлари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан ҳар бир вилоятда навбатма-навбат намунавий халқ депутатлари кенгашлари ишини ташкил этиш тажрибаси жорий этилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Уларнинг

¹ Ўша манба.

асосий мақсади ва вазифаси – аҳолининг барча тоифалари билан доимий мулоқотда бўлиш, фуқароларнинг қонуний талаб ва эҳтиёжларини нафақат ўрганиш, балки уларни таъминлашдан иборат.

Шулар билан бир қаторда 2017–2021 йилларга мўлжалланган, **Ўзбекистон Республикасида маъмурий бошқарув соҳасидаги ислохотлар концепциясини қабул қилиш** кўзда тутилмоқда. Ушбу концепцияга мувофиқ, давлат бошқаруви органлари тузилмасини, вазифа ва ваколатларини оптималлаштириш, уларнинг ўзига хос бўлмаган, такрорланадиган функцияларини ҳамда ходимлар умумий сонини қисқартириш, шунингдек, давлатнинг иқтисодий ёни бошқаришдаги ролини кескин камайтириш бўйича аниқ тадбирлар амалга оширилади.

Ўзбекистон Марказий Осиёнинг муҳим мамлакатидир ва илгари сурилаётган ислохотлар Сизнинг давлатингиз ва бутун минтақа учун катта аҳамиятга эга. Европа Иттифоқи бу ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга тайёрдир.

Европа Кенгаши номидан **Доналд Тускнинг**
Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёевга қутловидан

Концепцияда Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ва Вазирлар Маҳкамаси ижро аппарати фаолиятини такомиллаштиришга, қабул қилинаётган қонун, фармон ва қарорлар самарали амалга оширилишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Умуман олганда, бундан кейин вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва ҳо-

кимларнинг фаолияти натижаси қуруқ иқтисодий рақамлар билан эмас, балки уларнинг одамлар билан қандай мулоқот олиб бораётгани ва ишни ташкил этгани, фуқароларнинг муаммоларини қай даражада ҳал қилаётганига қараб баҳоланади ва тегишли хулосалар чиқарилади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Бундан кейин вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва ҳокимларнинг фаолияти натижаси қуруқ иқтисодий рақамлар билан эмас, балки уларнинг одамлар билан қандай мулоқот олиб бораётгани ва ишни ташкил этгани, фуқароларнинг муаммоларини қай даражада ҳал қилаётганига қараб баҳоланади ва тегишли хулосалар чиқарилади.

Айни шу масалада уларнинг фаолияти ижобий бўлса, халқ улардан рози бўлса, раҳмат деймиз, акси бўлса – биз бундай раҳбарлар билан хайрлашамиз”, деб огоҳлантирди.¹

2017 йил “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилинган муносабати билан ҳамда аҳолининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг виртуал қабулхонаси иши тўғрисидаги кўплаб ижобий фикрларини эътиборга олиб, барча даражадаги давлат органлари фаолиятида “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган тамойилни амалда қарор топтириш, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги “Жисмоний ва юридик

¹ Ўша манба.

шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизими-ни тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.¹ Ушбу Фармонга мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ишлар бошқармасининг Фуқаролар қабулхонаси негизида – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, шунингдек, ҳар бир туман ва шаҳарда (туманга бўйсунувчи шаҳарлардан ташқари) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси тузилди.

Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонанинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилаб қўйилди:

- аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишга қаратилган, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги ва самарали тизими фаолиятини таъминлаш;

- фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентига, Олий Мажлисга, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига, Ҳукуматга, давлат бошқаруви органларига, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, бошқа давлат ташкилотларига ва хўжалик бошқаруви органларига мурожаат қилишга оид

1 “Халқ сўзи” газетаси, 2016 йил 29 декабрь.

конституциявий ҳуқуқларининг сўзсиз амалга оширилиши учун шароитлар яратиш;

- Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонага келиб тушган мурожаатлар “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига қатъий амал қилган ҳолда, тўлиқ, холис ва ўз вақтида кўриб чиқилишини ташкил этиш;

- Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонага келиб тушган ҳамда тегишлилиги бўйича давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органларига юборилган мурожаатлар кўриб чиқилиши устидан тизимли мониторинг ва назоратни амалга ошириш;

- жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакиллариининг қабуллариини давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахслари иштирокида, шу жумладан, видеоконференция-алоқа орқали ўтказиш;

- Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонага келиб тушаётган мурожаатларнинг қайд этилиши, умумлаштирилиши, тизимлаштирилиши ва кўриб чиқилиши устидан назорат қилиниши бўйича ягона электрон ахборот тизимини жорий этиш ва юритиш йўли билан мурожаатлар билан ишлашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш.

Барча даражадаги Халқ қабулхоналари ходимлари Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг ходимлари ҳисобланадиган бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони таркибий тузилмасида Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати тузилди.

Давлат органлари, хўжалик бошқаруви органларининг раҳбарлари ва мансабдор шахслари, барча даражадаги ҳокимлар зиммасига:

- жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг сайёр қабуллари, шу жумладан, Халқ қабулхоналари томонидан ташкил этиладиган қабуллари мунтазам ўтказиб бориш;

- ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Президенти девони таркибий тузилмасида Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизматига мурожаатлар билан ишлашга оид, шу жумладан, Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонадан кўриб чиқиш учун юборилган мурожаатлар билан ишлашга оид ўз ҳисоботини тақдим этиб бориш вазифаси юклатилди.

Давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органларининг раҳбарлари ва мансабдор шахслари мурожаатлар тўғрисидаги қонунчилик талаблари ва нормаларини бузганликлари учун жиноий жавобгарликка тортишгача бўлган жавобгарлик хусусида қатъий огоҳлантирилди.

Буюк шоир Алишер Навоийнинг «Одамий эрсанг, демагил одами, Ониким, йўқ халқ ғамидин ғами» олтин сатрлари ҳаётимиздан ўрин олмоқда. Бу барча орзу-интилишлар ва амалий ҳаракатларимиз одамийликнинг энг олий мезони – инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшашдан иборат эканини аңлашга ва шу ҳолда фаолият олиб боришга ундамоқда.

“ВАТАНИМИЗНИНГ БУЮК КЕЛАЖАГИНИ МАРД ВА ОЛИЖАНОБ ХАЛҚИМИЗ БИЛАН БИРГАЛИҚДА БАРПО ЭТАМИЗ”

Маълумки, мамлакатимизда 2030 йилгача улкан стратегик вазифалар белгиланган. Жумладан, шу даврда ялпи ички маҳсулот ҳажмини 2 баробардан зиёд кўпайтиришга эришиш истиқбол режаси сифатида вазифа қилиб қўйилган. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев “Ҳозирги вақтда олдимизда нақадар улкан вазифалар турганини барчамиз яхши тушунамиз. Биз Ватанимизнинг буюк келажагини сиз, азизлар билан, мард ва олижаноб халқимиз билан биргаликда барпо этамиз, кўзлаган мақсадларимизга албатта эришамиз”, деб алоҳида таъкидлади.

Белгилаб олинган истиқбол режаларини изчил амалга ошириш учун, юқорида айтилганидек, **2017–2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси** ишлаб чиқилди. Ушбу стратегиянинг асосий мақсади – Ватанимизни янада тараққий эттириш асосида халқ фаровонлигини оширишдир.

2030 йилга қадар миллий иқтисодиёт таркибида саноат улушини 40 фоизга етказиш талаб қилинади. Шу мақсадда кимё саноатини, рангли ва нодир металллар, углеводород хомашёси, мева-сабзавот маҳ-

сулотларини қайта ишлаш, тўқимачилик, чарм-пой-абзал, фармацевтика, қурилиш материаллари саноатини ривожлантиришга қаратилган 8 та махсус дастур қабул қилинди ва амалга оширилмоқда. Яқин беш йилда саноат ишлаб чиқариши тармоқларида умумий қиймати қарийб 40 миллиард доллар бўлган 657 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилади. Бу чоралар саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5 баробар кўпайтириш имконини беради.

Бундан ташқари, маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаш имкониятига эга бўлган тўқимачилик саноатини янада ривожлантириш бўйича дастур асосида қиймати 2 миллиард 300 миллион доллар бўлган 140 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш вазифаси қўйилган. Бу – тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 3 баробар ошади, деганидир.

Фармацевтика саноатини ҳам жадал ривожлантириш белгиланган. Тармоқда 67 та лойиҳаларнинг амалга оширилиши 162 та янги, ҳозирги вақтда четдан олиб келинаётган дори воситаларини Ўзбекистонда ишлаб чиқариш ва уларнинг умумий ҳажмини 2,5 баробар ошириш имконини беради. Айни вақтда, давлат дорихона тармоқларида ҳаётий муҳим дори воситаларининг аниқ белгиланган нархларда сотилиши таъминланади.

Муҳим вазифалар қаторида истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва аҳолининг уларга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш, жумладан, мақбул нархлар бўйича кенг турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан халқимизни тўлиқ таъминлаш ҳам белгиланган.

Мамлакатимиз ҳудудларини, айниқса, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишда нисбатан орқада қолаёт-

ган туман ва шаҳарларни комплекс ва жадал ривожлантиришга эътибор кучайтирилади. 2017–2021 йилларда туман ва шаҳарларни комплекс ривожлантириш дастурлари қабул қилиниб, субвенция оладиган 81 та туман молиявий жиҳатдан ўзини ўзи тўлиқ таъминлайдиган ҳудудга айлантирилади, шунингдек, 41 та туман ва шаҳар бўйича субвенция даражаси сезиларли равишда камайтирилади.

Иқтисодиётда давлат иштирокини стратегик асосланган даражада қисқартириш, хусусий мулкни янада ривожлантириш ва уни ҳимоя қилишга доир комплекс масалаларни ҳал этиш – ҳукумат, давлат бошқаруви органлари ва барча даражадаги ҳокимликлар учун энг муҳим устувор вазифа сифатида белгиланган. Кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, бу соҳанинг миллий иқтисодиётдаги улушини янада ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиб беришга алоҳида эътибор қаратилади.

Мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг гарови сифатида 2017–2020 йилларга мўлжалланган кўп тармоқли фермерликни ривожлантириш, ҳар бир фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлиги ва молиявий барқарорлигини таъминлаш дастурини изчил амалга оширишга киришилди.

Меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш энг муҳим ижтимоий вазифадир. 2017 йилнинг ўзида Янги иш ўринлари ташкил этиш дастури доирасида 390 минг кишини доимий иш жойи билан, 200 минг кишини – қишлоқ хўжалиги ҳамда қурилишда мавсумий ва вақтинчалик иш билан, 309 минг кишини – шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари, ҳунарманд-

чилик ва оилавий тадбиркорлик ҳисобидан иш билан таъминлаш чоралари кўрилади.

2017 йилдан бошлаб лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчиларини иш билан таъминлашнинг янги тизими жорий этилади.

Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар қисмидаги Зарқайнар маҳалласи кўчаларида дунёнинг бошқа кўплаб мамлакатларидаги каби, хусусий тадбиркорларнинг фаолияти ва миллий меъморчилик намуналари асосида хусусий тадбиркорлар томонидан Миллий банкнинг имтиёзли кредитларини жалб қилган ҳолда, “Эски Тошкент” номли тарихий-маданий ва дам олиш маркази ташкил этилади. Бу, бир томондан, шу ҳудудда яшайдиган аҳоли учун ўз бизнесини ташкил қилишга ва янги иш ўринларини яратишга имкон беради. Иккинчи томондан, мазкур марказ чет эллик меҳмонлар орасида анъана ва урф-одатларимизни тарғиб этишга хизмат қилади.

2017 йилдан бошлаб тадбиркорлар ва тижорат банкларининг жами 1 миллиард долларгача бўлган маблағлари ҳисобидан пойтахтнинг “Ўқчи Олмазор” массивида умумий майдони 70 гектар бўлган “Тошкент Сити” ишбилармонлик ҳудудини ҳам босқич-ма-босқич барпо этишга киришилади.

Тошкент шаҳрининг Яшнобод ва Олмазор туманларида эса кичик бизнеснинг инновацион технопарклари ташкил этилади ва қиймати 102 миллиард сўм бўлган 285 та инновацион лойиҳа амалга оширилади. Натижада ташқи ва ички бозорда харидоргир бўлган 38 турдаги мутлақо янги маҳсулот ўзлаштирилади ва 6500 та янги иш ўрни яратилади.

Иқтисодиёт тармоқлари ва мамлакатимиз ҳудудларини модернизация қилиш, уларнинг рақобатдош-





лик даражасини ошириш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш учун хорижий сармоялар ва илғор технологияларни ҳамда ахборот-коммуникация тизимлари барча соҳаларга янада фаол жалб этилади. Халқаро тажрибадан келиб чиқиб, пойтахтимизнинг Академиклар шаҳарчасида “эркин иқтисодий ҳудуд” мақомига эга бўлган, яъни барча солиқ ва мажбурий тўловлардан озод этилган ҳамда махсус валюта ва божхона тартиби асосида иш юритадиган инновация марказини ташкил этиш ҳам режалаштирилган. Лойиҳа қиймати 27 миллиард сўм ва 5,5 миллион долларни ташкил этадиган бу ҳудуд Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги жамғарма маблағлари ва инвестициялар ҳисобидан молиялаштирилади.

Улуғ маърифатпарвар бобомиз Абдурауф Фитратнинг “Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, бахтсизлик юкини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ” деган доно фикрлари Ватанимизнинг истиқбол режаларида ҳам ўз ифодасини топган.

Жумладан, мамлакатимизда илмий-техник тараққиёт бўйича келажакимизни белгилаб берадиган физика, математика, кимё, биология, информатика ва компьютер технологияси каби фанлар бўйича ихтисослаштирилган мактабларни кўпайтириш мўлжалланмоқда. Академик лицейлар фаолияти ҳам янада такомиллаштирилади. Бунда таълим сифати академик лицейлар фаолиятининг асосий мезони бў-

лиши даркор. Шунинг учун ҳар бир лицей тегишли олий ўқув юртига бириктирилади ва уларга фақат иқтидорли ёшлар қабул қилинади. Уларда дарслар имкони борича олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари томонидан олиб борилиши вазифаси ҳам қўйилди. Бу истеъдодли ёшларнинг кейинчалик олий ўқув юртларида, сўнгра докторантурада ўқишни давом эттиришига хизмат қилиши керак.

Режаланаётган иқтисодий ислоҳотлар ва ижтимоий ўзгаришларнинг самараси, биринчи навбатда, аҳолининг моддий аҳволи ва фаровонлигини, унинг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга хизмат қилиши керак. Шу мақсадда иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар миқдорини босқичма-босқич ошириб бориш бўйича аниқ чора-тадбирлар режалаштирилган.

2017–2020 йилларда шаҳар жойларда 945 та кўп қаватли уйлар қуриш дастури лойиҳаси ишлаб чиқилган. Унга кўра, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказлари ва йирик шаҳарларда 50 мингга яқин уй-жойга муҳтож оилалар учун кўп қаватли арзон уйлар қурилади.

Пойтахтнинг биргина Сирғали туманида яқин келгусида 500 та кўп қаватли замонавий уй-жой барпо этилиб, қарийб 30 минг оила, биринчи навбатда кам таъминланган оилалар янги уй-жой билан таъминланади. Умуман, пойтахт аҳолисининг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида 290 минг одам ёки 86 минг оила учун умумий ҳажми 8 миллион квадрат метрдан ортиқ бўлган янги кўп қаватли уйлар барпо этилади. Турар-жой мавзеларини қуришда уларнинг барча ижтимоий инфратузилма объектлари ҳамда муҳандислик тармоқлари билан таъминланиши, уларнинг атрофини обод қилиш кўзда тутилган. Шу

билан бирга, янги қуриладиган аҳоли мавзеларига яқин жойларда хизмат кўрсатиш соҳаларида янги иш ўринлари яратилади. Турар-жой мавзеларини қуришда уларнинг барча ижтимоий инфратузилма объектлари ҳамда муҳандислик тармоқлари билан таъминланиши, уйларнинг атрофини обод қилиш кўзда тутилган.

Тошкент шаҳрида, шунингдек, 8 та янги маданият ва истироҳат боғи барпо этилади. Уларни жойлаштириш учун Мирзо Улуғбек, Миробод, Учтепа, Сирғали, Чилонзор, Шайхонтоҳур ва Яшнобод туманларида тегишли ер майдонлари ажратилди.

Пойтахтимизда спортнинг ўйин турларига ихтисослашган ва халқаро спорт мусобақаларини ўтказишга мўлжалланган энг замонавий, универсал спорт комплексини барпо этиш учун Давлат бюджетидан 45 миллиард сўм маблағ йўналтирилади. Шайхонтоҳур туманидаги Ўқчи маҳалласида эса спортнинг муз устида учиш тури билан шуғулланиш ҳамда шаҳар аҳолисининг дам олиши учун мўлжалланган Муз саройи қурилади. Мазкур мажмуаларни лойиҳалаштириш учун жаҳоннинг етакчи архитектор ва дизайнерлари жалб этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах, Навоий, Сирдарё, Самарқанд, Тошкент, Хоразм вилоятларида 3,2 миллион аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва мамлакатимизда ушбу кўрсаткични 67 фоиздан 84 фоизга етказиш мўлжалланган. Минтақавий ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган йўлларни ҳамда йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш дастури доирасида умумий фойдаланишдаги 1700 километрлик автомобиль йўллари қурилади ва реконструкция қилинади, аҳоли учун

ўта муҳим бўлган 10400 километрлик хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари, шаҳарлар, туман марказлари, кичик шаҳарчалар ва қишлоқ жойлардаги маҳалла кўчалари капитал ва жорий таъмирланди. Қишлоқлар ва шаҳарларда транспорт хизматини янада яхшилаш дастурига асосан 74 та автовокзал ва автостанция реконструкция қилинади ва йўловчиларга қўшимча қулайликлар яратилади. Янги 3000 та замонавий автобус, 5700 та микроавтобус сотиб олинди, 300 дан ортиқ янги автобус йўналишлари очилди ва мавжуд йўналишлардаги эскирган автобуслар янгиланади. Тошкент халқаро аэропортининг янги терминалини барпо этиш билан бир қаторда Бухоро – Мискин темир йўл тармоғи қурилишини якунига етказиш ва электрлаштириш, Қарши – Термиз, Поп – Наманган – Андижон – Қўқон темир йўлларидаги электрлаштириш ишлари ҳам назарда тутилмоқда.

СОҒЛОМ ХАЛҚНИНГ БАХТИ БЕКАМ, ИҚБОЛИ БУТУН

Мамлакатимизда барча соҳалардаги ислоҳотларни янги босқичга кўтариш жараёнида соғлиқни сақлаш соҳасидаги ўзгариш ва янгилашнилар смарасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 5 январь куни соғлиқни сақлаш соҳасининг бир гуруҳ етакчи мутахассислари билан учрашиб, бу борадаги мақсад ва вазифаларни янада аниқ-равшан белгилаб берди. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири А.Ўрозовнинг бу ҳақдаги батафсил ахбороти “Фарзандлари соғлом юртнинг келажаги буюқдир” сарлавҳаси билан республикамизнинг етакчи оммавий ахборот воситаларида эълон қилинди ва кўпчиликда катта қизиқиш уйғонди.¹

Видеоконференция шаклида ўтган учрашувда ҳукумат аъзолари, сенаторлар, вилоят ҳокимлари, вазирлик ва идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, тиббиёт олий таълим муассасалари ректорлари, соғлиқни сақлаш тизими масъул ходимлари иштирок этди, деб хабар беради ЎЗА мухбири.

¹ Фарзандлари соғлом юртнинг келажаги буюқдир. “Ўзбекистон овози” газетаси, 2016 йил 7 январь.

Мамлакатимиз Президенти мазкур учрашувда аввало соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири экани, мамлакатимизда бу тизимни янада такомиллаштириш, тиббиёт ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, даволашнинг замонавий усул ва технологияларини кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Биринчи Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида амалга оширилган халқимизнинг муносиб ҳаёт сифатини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ҳар томонлама соғлом авлодни тарбиялаш, тиббий хизмат сифатини оширишга қаратилган тизимли ишлар изчил давом эттирилаётгани, мустақиллик йилларида ҳаётга тадбиқ этилган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли соғлиқни сақлаш тизими тубдан ўзгариб, аҳолининг сифатли тиббий хизматдан фойдаланиши Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги қонуни билан мустаҳкамлангани йиғилишда алоҳида қайд этилди.

Шифокорлик касбини улуғлаш, бу касб эгаларининг машаққатли меҳнатини муносиб рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, хусусан, 1998 йил 10 ноябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида”ги Президент фармони замонавий талабларга жавоб берадиган ва мамлакатимизнинг барча ҳудудларида аҳолига ма-лакали хизмат кўрсатадиган, жумладан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича яхлит тизимни шакллантиришда муҳим омил бўлгани, мазкур ҳужжатга мувофиқ мамлакатимизда бирламчи тиббий

ёрдам кўрсатиш бўйича замонавий тиббий хизмат тизимини ташкил қилингани, ушбу хизмат қишлоқ врачлик пунктлари ва шаҳар оилавий поликлиникалар тармоғини қамраб олгани эътироф этилди.

Бугунги кунда кардиология, жарроҳлик, кўз микрохирургияси, урология, терапия ва тиббий реабилитация, эндокринология, пульмонология ва фтизиатрия, акушерлик ва гинекология, дерматология ва венерология, пнеатрия ва бошқа йўналишлардаги махсус илмий-амалий тиббиёт марказларида юқори сифатли хизмат кўрсатилмоқда. Ушбу шифо муассасаларида ҳар йили юқори технологияларга асосланган 50 мингга яқин мураккаб операциялар бажарилмоқда, 600 мингдан кўпроқ беморга амбулатор хизматлар кўрсатилмоқда. Олимларнинг долзарб мавзулардаги илмий изланишлари натижасида тиббиётнинг йигирмадан зиёд йўналишлари бўйича 1000 дан ортиқ даволаш-диагностика стандартлари ишлаб чиқилди.

2016 йил – Соғлом она ва бола йилида мамлакатимиз тиббиёт муассасаларини замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш учун 80 миллион доллар қийматидаги кредит ва гранд маблағлари йўналтирилди, фарзанд кўриш ёшидаги аёллар ва болалар тиббий кўрикдан ўтказилиб, соғломлаштирилди. Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида эшитиш бўйича нуқсонли бўлган 350 дан ортиқ болада кохлеар имплантация операциялари амалга оширилди. 700 минг бола пневмакокк инфекцияси ва бошқа юқумли касалликларга қарши эмланди, деб хабар берилади ЎЗА ахборотида.¹

¹ Ўша манба.

Аммо, ҳаммамизга яхши маълумки, бугун замон ўзгармоқда, одамларнинг талаби ошиб бормоқда. Халқимизнинг тиббий маданияти юксалиб, энг сўнги усул ва русумларда тиббий хизмат кўрсатилишини истади. Бизга шу ҳам бўлаверади, деган тушунча энди ўз умрини ўтаб бўлди. Бу барча соҳалар қатори тиббиёт соҳасига ҳам бевосита дахлдор, деди Президентимиз ўша йиғилишда. Шу боис соҳа ходимлари тиббиётнинг энг илғор, замонавий ютуқларини, даволаш усулларини ўзлаштирмоғи зарур экани, эришилган ютуқларга маҳлиё бўлиб ўтириш тараққиёт йўлидаги энг катта ғов бўлишига эътибор қаратилди.

2017 йилнинг юртимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили деб эълон қилинганида ҳам катта маъно мужассам бўлиб, инсон манфаатлари деганда, аввало инсоннинг саломатлиги, замонавий тиббий хизматдан тўлақонли фойдаланиши ҳам назарда тутилади.

Маълумки, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2016 йил 4 декабрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Президенти сайлови муносабати билан ўтказган сайловолди учрашувларида халқнинг ичига кириб, уларнинг дарди, муаммолари, таклифларини эшитиш лозимлигини алоҳида қад этди. Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига келган мурожаатларнинг 7 мингдан зиёди айнан тиббиёт соҳасига тегишли экани ҳам мазкур соҳада муайян муаммолар йиғилиб қолганлигини кўрсатмоқда. Аҳолининг мурожаатлари, фикр-мулоҳазалари ва таклифлари соғлиқни сақлаш тизимини янги босқичга кўтаришни тақозо этаётганига мажлисда алоҳида урғу берилди.

Президентимиз тиббиёт соҳасида бажарилиши лозим бўлган ишлар, ечимини кутаётган муаммолар





ҳақида атрофлича тўхталди. Қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятига оид қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Бугунги кунда қишлоқ врачлик пунктлари бирламчи тиббий кўрикни ўтказиш учун лаборатория таҳлили воситалари, қатор диагностика аппаратлари билан жиҳозлангани аҳоли учун қулайлик яратмоқда. Лекин тиббий ускуналарни ишлатадиган малакали мутахассислар етарли даражада эмас. Баъзи чекка ҳудудларда оддий қон топшириш учун туман марказига ёки шаҳарга боришга тўғри келаётганини ҳам инкор эта олмаймиз. Айрим жойларда тиббий кўриklar номигагина ўтказилмоқда, деб фикрини давом эттирди Президентимиз. Чекка ҳудудларда малакали мутахассислар етишмаётгани кадрлар масаласида қилинадиган ишлар кўплигини англатади. Қишлоқ врачлик пунктлари туну кун ишламоғи зарур. Бунинг учун пункт ёнидан шу жойда ишлайдиган врачга уй қуриб бериш лозимлиги йиғилишда алоҳида қайд этилди.

Ўтган даврда юртимизда аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини юксалтиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар кўрилди. Лекин бугун халқимиз бу хизмат сифатидан рози, деб бўлмаслиги, тизимни мутлақо ўзгартириш – давр талаби эканига мажлисда эътибор қаратилди.

Бўлиб ўтган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 31 октябрдаги “Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан олиб борилаётган ишлар танқидий кўриб чиқилди.

Маълумки, бизнинг аёлларимиз иболи, ҳаёли. Баъзи масалаларда шифокорга бориб дардини бемалол айтавермайди. Шу боис хотин-қизлар учун алоҳида поликлиника ташкил қилишимиз керак, деди давлатимиз раҳбари. Токи улар бориб ўзини қийнаётган масалада бемалол фикрлашсин. Чунки эртанги кунимизнинг давомчиларини соғлом дунёга келтириш кўп жиҳатдан аёлларимизнинг саломатлигига боғлиқ.

Соғлиқни сақлаш соҳаси ҳақида гапирганда, бир ҳақиқатни эсимиздан чиқармаслигимиз лозим: тиббиёт ходимлари бизнинг саломатлигимиз посбонларидир. Уларга халқ ишониши, улар эса халқни ишонтира олиши керак, деб таъкидлади Шавкат Мирзиёев мазкур учрашувда.

Мажлисида яна бир муҳим масала – ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари фаолиятида ҳам ечимини кутаётган масалаларга эътибор қаратилди. Ҳақиқатан ҳам, мавжуд марказларнинг ҳаммаси Тошкент шаҳрида жойлашган. Бу, айниқса, қишлоқ аҳолисига муайян ноқулайликлар туғдирмоқда. Ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари мутахассислари жойларга чиқиб аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоғи, жарроҳлик амалиётларини ўтказмоғи лозим, деди Президентимиз.

Тадбирда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳасини янада ривожлантириш, кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини халқаро стандартлар даражасига кўтариш, ёш мутахассисларни тарбиялаш жараёнига илғор таълим технологияларини кенг жорий этиш, дунёнинг етакчи тиббиёт марказлари ва ўқув муассасалари, таниқли олимлар ва мутахассислар билан ҳамкорликни кенгайтириш ва бошқа долзарб масалалар юзасидан мутасадди-

ларга аниқ топшириқлар берилди, деб ёзади ЎЗА мухбири.¹

Бу учрашувда илгари сурилган фикр ва гоялар, амалий ташаббуслар Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилининг асосий мақсад ва вазифаларига уйғун экани, энг муҳими, эл-юртимиз қалбидаги энг муҳим интилишларни ифода этиши билан айниқса катта аҳамиятга эгадир.



¹ Ўша манба

ЗАР ҚАДРИНИ ЗАРГАР БИЛАР

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев ўзининг давлат раҳбари сифатидаги дастлабки нутқ ва маърузаларидаёқ ҳаётимизнинг бошқа соҳа ва тармоқлари қатори илм-фан, таълим-тарбия масалаларига устувор аҳамият қарата бошлади. У олимларнинг машаққатли меҳнати игна билан қудуқ қазишдек оғир ва заҳматли эканини таъкидлаб, уларнинг фаолияти муносиб қадр-қиммат топган тақдирдагина жамиятда том маънода тараққиёт, ўсиш, юксалиш бўлишини уқтирди.

Шуниси диққатга сазоворки, давлатимиз раҳбари илм-фан ривожини жамият маънавий-интеллектуал тараққиётининг узвий бир қисми, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларига янги, қудратли туртки берадиган ҳаётбахш омил деб билмоқда. Яъни, масалага фақат илмий доиралар, олимларга дахлдор иш деб эмас, балки элу юрт тақдири, унинг бугунги ва эртанги истиқболини ҳал қиладиган масала сифатида қарамоқда. Шунинг учун унинг равожланишини ҳам бутун жамият тараққиёти билан боғлиқ масалалар билан бирга комплекс ҳал этишга интилмоқда.

Бу борада айниқса Президентимизнинг 2016 йил 30 декабрда мамлакатимиз илм-фанининг етакчи вакиллари билан ўтказган учрашуви бу борада ғоят

муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мамлакатимиз ва жамиятимизнинг замонавий талабларга мувофиқ тарзда ривожланишни илм-фан тараққиётисиз тасаввур этиш қийин, деди Шавкат Мирзиёев. Илм-фан ривожда эса фундаментал тадқиқотлар ўта муҳим роль ўйнаши, айнан улар орқали янги билимлар ўзлаштирилиши ва назариялар шаклланиши, истиқболли амалий тадқиқотлар ва инновацион ишланмалар учун мустаҳкам асос яратилишига эътибор қаратилди. Айни пайтда мамлакатимизда амалга оширилаётган тадқиқотлар ҳамма вақт ҳам илм-фаннинг бугунги юксак даражасига жавоб бермайди. Юксак тахнологиялар асосидаги илмий маҳсулотларни амалиётга жорий этиш мақсадида янги замонавий тажриба-ишлаб чиқариш, конструкторлик технологик ташкилотлар ва инновацион марказлар тузиш зарурлиги, лекин маркетинг ва лицензиялаш хизматлари талабга жавоб бермаслиги, бу мамлакатимиздаги илмий-инновациявий маҳсулотларни амалиётга кенг жорий этишга салбий таъсир кўрсатиш қайд этилди.

Учрашувда илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришни янада чуқур интеграциялаштириш беқиёс аҳамиятга эга экани, янги тахнологияларни жорий этаётган корхоналарга имтиёз ва прифенцияларни бериш илм-фан соҳасига инвестициялар йўналтирадиган корхоналар сони ошишининг муҳим омили ҳисобланади, деб таъкидланди. Мавжуд илмий салоҳият ва маблағларни иқтисодиёт тармоқлари буюртмалари ва аниқ муаммоларни ҳал этишга қаратилган энг устувор тадқиқотларга сарфлаш зарурлиги қайд этилди.

Бугунги кунда замоннинг ўзи жаҳон миқёсидаги етакчи институтлар, университетлар, илмий марказлар ва фанлар академиялари билан илмий ҳам-

корликни янада ривожлантиришни талаб этмоқда. Президентимиз чет эллардаги нуфузли таълим ва илм муассасаларида таҳсил ёки илмий даража олган юртдошларимиз учун мамлакатимизда қулай имкониятлар яратиш, уларнинг илмий фаолиятини ҳар томонлама рағбатлантириш бўйича барча зарур чора-тадбирларни кўриш лозимлигини уқтириб ўтди.

Бўлиб ўтган учрашувда мамлакатимизда юксак салоҳиятли, дунёда эътироф этилган олимлар кўп экани, улар ўзларининг илмий мактабларини яратишлари кераклиги, юқори малакали кадрларни тарбиялашнинг биринчи босқичи – мактаб таълимини тубдан такомиллаштириш, илмий кадрлар ва юқори малакали мутахассислар тайёрлашнинг узлуксизлигини таъминлаш зарурлигига эътибор қаратилди. Биз бу мақсадлар учун ҳеч нарсани аямаймиз, деди давлатимиз раҳбари.

Шавкат Мирзиёевнинг замонавий тахнопарклар, Тошкент шаҳридаги Академиклар шаҳарчасидаги эркин иқтисодий ҳудуд мақомига эга бўлган Инновациялар маркази ташкил этиш бўйича сайловолди учрашувларида илгари сурилган таклифларнинг амалга оширилиши илмий-тадқиқот институтлари, таълим муассасалари ва саноат корхоналарининг рақобатдошлигини ошириш, соҳага мамлакатимиз ва чет эл инвесторларини жалб этишга кўмаклашишига алоҳида урғу берилди.

Президентимиз иқтисодиётнинг барча тармоқлари ривожда илм-фан жуда муҳим роль ўйнаши, бу борада давлатимиз биринчи навбатда Фанлар академиясига таяниши, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этиб бораётганини таъкидлади.

Айтиш керакки, мазкур учрашув ва унда билдирилган фикрлар мамлакатимиз илмий, маданий жамоатчилигида жуда катта қизиқиш уйғотди, айниқса, ўз ҳаёти, келажагини илм-фан соҳасида деб билаётган, турли замонавий йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб бораётган ёш изланувчи тадқиқотчилар қалбида соҳа ривожига улкан умид уйғотди.

Энг муҳими, ана шу учрашувда айтилган фикр ва фояларни тезлик билан амалга ошириш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштириш янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 17 февралда қабул қилинган қарори бу борада ўзига хос тарихий қадам бўлди. Ушбу қарорнинг маъно-мазмунини ва аҳамиятини тушунтиришга қаратилган шарҳда унинг энг муҳим жиҳатлари кўрсатиб ўтилган. Жумладан, унда қуйидагилар таъкидланади.

Аввало мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришнинг барқарор тизими яратилгани, мамлакатда салоҳиятли илмий мактаблар яратилди, илмий лаборатория ва кафедралар, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари, вазирлик ва идоралар ҳамда республика миқёсидаги илмий-техник ва эксперт кенгашлари шаклидаги кўп тармоқли илмий-ташкилий инфратузилма фаолият юритаётгани айтиб ўтилади. Айниқса, сўнгги йилларда илмий-тадқиқот фаолиятининг моддий-техник салоҳиятини мустаҳкамлаш ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган салмоқли ишлар амалга оширилгани, бир қатор янги илмий-инновацион ту-

зилмалар – Геномика ва биоинформатика маркази, Халқаро қуёш энергияси институти, Кембриж университети иштирокида Юқори технологиялар маркази фаолияти йўлга қўйилгани, илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш тизимида Фанлар академияси ҳақли равишда фундаментал тадқиқотлар етакчиси сифатида алоҳида ўрин эгаллаши, ҳозирги кунда Фанлар академияси тизимида салмоқли интеллектуал салоҳият мужассамлангани, шунинг учун ҳам давлатимиз томонидан академик фаннинг мамлакат иқтисодиётини инновацион ривожлантиришдаги ролини кучайтириш, Фанлар академиясининг илмий-инновацион фаолиятини такомиллаштириш ва мавқеини ошириш масалаларига катта эътибор қаратилаётгани таъкидланади. Ана шу эътиборнинг ёрқин кўриниши сифатида мамлакатимиз Президентининг давлат раҳбари сифатидаги биринчи учрашуви айнан илм ҳамжамияти – республика академиклари ва етакчи олимлари билан бўлгани, 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб академикларга энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баробари миқдоридан жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқлардан озод этилган ойлик гононарар белгилангани, бундан ташқари, улар учун санаторий муассасаларида ҳар йили бепул соғломлаштириш курсидан фойдаланиш ҳуқуқи назарда тутилгани, академиклар илмий, таълим ва ишлаб чиқариш жараёнларига кенг жалб этилиб, уларга юқори малакали кадрлар тайёрлашда фаол иштирок этишлари учун зарур имкониятлар яратилгани қайд этилади.

Шу билан бирга, илмий-техник салоҳиятнинг ҳозирги кундаги аҳволи, кадрлар билан таъминлаш, илмий-тадқиқот фаолиятининг моддий-техник, тажриба ва лаборатория базаларининг ривожланиш да-

ражаси мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг жадал суръатларидан ортда қолаётгани, қатор тадқиқот йўналишлари бўйича миллий илм-фанмиз, айниқса, академик фаннинг рақобатдошлигини юқори халқаро даражага кўтариш зарурати ҳам юзага келгани уқтирилади.

Мазкур шарҳда, шунингдек, илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини молиялаштириш тизимида бир қатор муаммолар мавжудлиги, натижада илмий фаолият нуфузи бирмунча пасайиб, иқтидорли ёшларнинг бошқа соҳаларга кетиб қолиш ҳолатлари кузатилаётгани, илмий кадрларнинг ўртача ёши ортиб бориши тенденцияси сақланиб қолаётгани, шу муносабат билан давлат илмий-техник дастурларини шакллантириш, амалга ошириш ва мониторингини юритиш жараёнларини мувофиқлаштирувчи ягона тизимнинг мавқеи ва салоҳиятини тиклаш, олимларга кенг кўламли илмий изланишларни амалга оширишлари учун барча зарур шароитларни яратиш бугунги кунда долзарб вазифага айлангани эътироф этилади.

Айни вақтда биз мазкур китоб аввалида сўз юритган 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этишга таълим ва фан соҳасини ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилгани таъкид-

ланади. Бундан ташқари, мамлакатимиз ҳудудларида бўлиб ўтаётган халқ билан бевосита мулоқот пайтида Президентимиз томонидан барча жойларда илм-фан салоҳиятини тиклаш, ҳудудларнинг комплекс ривожланишини таъминлашда мавжуд интеллектуал салоҳиятдан самарали фойдаланиш, ёшларни илмий-тадқиқот фаолиятига кенг жалб қилиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилаётгани, ушбу вазифаларни амалга оширишда илмий изланишларни ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг реал муаммоларига йўналтириш, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги узвий интеграцияни таъминлаш, ўз навбатида, ишлаб чиқариш корхоналари томонидан олимларнинг илмий-технологик ишланмаларини амалиётга жорий қилиш самарадорлигини ошириш механизмларини яратиш масалалари ўта муҳим аҳамият касб этиши эслатиб ўтилади.

Мазкур соҳада тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан кенг кўламли миқёсдаги аниқ мақсадли ишлар амалга оширилиши кўзда тутилгани, жумладан, замонавий талаблар асосида Фанлар академиясининг асосий вазифа ва фаолиятининг устувор йўналишлари белгилаб берилгани, бундан ташқари, илмий-тадқиқот инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш мақсадида Фанлар академияси таркибида бир қатор илмий-тадқиқот муассасалари ташкил қилиниб, қатор муассасалар академия тасарруфига қайтарилгани, ўз навбатида, бу тадбирлар Фанлар академияси томонидан кенг кўламли фундамен-

тал тадқиқотлар олиб борилишини таъминлаш, турли фан тармоқлари бўйича мавжуд илмий салоҳиятни мужассамлаш ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг долзарб муаммоларига сафарбар қилиш имкониятини яратишга эътибор қаратилади.

Қарорда Фанлар академияси бошқарув аппарати-нинг ташкилий тузилмасини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилгани, унинг таркибида физика-математика ва техника фанлари, кимё-биология фанлари ва ижтимоий-гуманитар фанлар бўлимлари ҳамда Фанлар академиясининг Навоий вилояти бўлимини ташкил этиш кўзда тутилгани, бу мазкур фан соҳаларида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш билан бирга Навоий вилояти ҳудудини комплекс ривожлантиришда, мавжуд sanoat салоҳиятини янада мустаҳкамлашда академик фан имкониятларидан кенг фойдаланиш имкониятини бериши алоҳида таъкидланади. Шунингдек, қарорга мувофиқ, Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон ва Навоий бўлимлари ҳамда Хоразм Маъмун академияси раислари мавқеи академия вице-президенти даражасига тенглаштирилиши ҳам ҳудудларда илм-фан салоҳиятини тиклаш ва нуфузини ошириш борасида олиб борилаётган тизимли ишларнинг яққол тасдиғидир.

Қарорда самарали илмий фаолиятни рағбатлантиришга ҳам катта эътибор қаратилган. Шу мақсадда илмий-тадқиқот муассасаларининг хўжалик ва тадбиркорлик фаолиятдан тушган соф фойданинг 10 фоизи миқдордаги ажратмалари ҳисобидан шаклланадиган, илмий тадқиқотлар якунлари бўйича салмоқли натижаларга эришган Фанлар академияси илмий ходимларини моддий рағбатлантириш жамғармаси ташкил этилди.

Қарор билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири раҳбарлигида Фан ва технологиялар бўйича давлат комиссияси тузилиб, унинг зиммасига илмий-техника соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, инновацион сиёсатнинг устувор йўналишларини белгилаш вазифалари юкланди. Мазкур комиссиянинг ишчи органи сифатида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги фаолияти тугатилаётган Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси негизида Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги ташкил этилди. Агентлик зиммасига иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа учун фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни бажаришда илмий-техник хизматлар кўрсатишга йўналтирилган давлат топшириқларини шакллантириш каби вазифалар юкланди.

Мазкур тадбирлар илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш тизимини янги bosқичга кўтаришга, мавжуд интеллектуал салоҳиятни жипслаштиришга, изланишлардаги майда, самарасиз мавзулар ва такрорланишларга барҳам беришга хизмат қилмоқда. Ушбу қарор асосида ўз ечимини топган яна бир муҳим масала – Фан ва технологиялар бўйича давлат комиссияси қошида юридик шахс мақомига эга бўлган Илмий-техник фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси ташкил этилгани бўлиб, жамғарма маблағлари қуйидаги мақсадларга йўналтирилиши назарда тутилган:

– илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларида янги типдаги ва замонавий, юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган илмий лабораторияларни ташкил этиш;



– олимларимиз томонидан давлат илмий-техник дастурлари доирасида яратилган интеллектуал мулк объектларини чет элда рўйхатдан ўтказиш (патентлаш) харажатларини қоплаш;

– замонавий лабораторияларнинг илмий асбоб ва ускуналарини зарур сарфланувчи материаллар ва бутловчи қисмлар билан узлуксиз таъминлаш;

– илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг жаҳоннинг етакчи илмий электрон маълумотлар базасидан эркин фойдаланишлари учун сарфланадиган харажатларни қоплаш;

– ёш олимларнинг етакчи хорижий илмий марказларда қисқа муддатли илмий стажировкаларини молиялаштириш.

Қисқача айтганда, тарихий аҳамиятга молик мазкур қарор академик фан нуфузини ошириш, илмий-тадқиқот фаолиятининг кадрлар ва интеллектуал салоҳиятини мустаҳкамлаш, бу борадаги ишларни



самарали ташкил этиш ва бошқариш тизимини такомиллаштириш, илмий-тадқиқот муассасалари моддий-техник базасини тубдан яхшилаш, иқтидорли ёшларни илм-фанга кенг жалб қилиш ва олимларнинг сермашаққат меҳнатларини муносиб моддий рағбатлантиришга кенг йўл очиб, Ўзбекистоннинг илм-фан соҳасидаги тараққиётини мутлақо янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Маълумки, илм-фан тараққиёти таълим-тарбия ривожини билан чамбарчас боғлиқ. Мустақиллик йилларида, ушбу китобнинг аввалги саҳифаларида таъкидлаб ўтганимиздек, миллий таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ этиш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Аини пайтда бугунги замон бу борадаги ишларни янги тараққиёт босқичига кўтаришни талаб этмоқда. Шу мақсадда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва унинг ажралмас қисми бўлган “Халқ билан мулоқот ва

халқаро меъёрлардан кенг фойдаланилади. Таълим мазмуни умумий ўрта таълимнинг ўқув дастурларига киритилган мавзулар асосида таълимнинг барча турларида узвийлик, узлуксизлик ва даврийликни таъминлайди. Ўқитувчи, ўқувчи ва ота-оналар учун ўқув-методик материаллар, мултимедиали ахборот-таълим ресурслари ишлаб чиқилиб, ўқув-тарбия жараёнига татбиқ этилади.

Таълим-тарбия жараёнига принципиал янги ёндашувнинг жорий этилиши орқали ўқувчиларда олган билимларини амалиётда тўғри қўллаш олиш, фаол фуқаролик позициясига эга бўлиш, мустақил ижодий фикрлаш каби кўникмалар ривожлантирилади.

Ҳеч шубҳасиз, таълим-тарбия соҳасини бошқа соҳа ва тармоқлар, жумладан, илм-фан соҳаси билан уйғун ҳолда ривожлантирилиши келгусида мамлакатимизнинг тараққий топган давлатлар қаторидан муносиб жой эгаллашида ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Халқимизда **“Зар қадрини заргар билади”** деган доно нақл бор. Президентимиз Шавкат Мирзиёев меҳнат фаолиятининг дастлабки босқичида илм соҳасида, олий таълим соҳасида ишлагани учун бу тармоқ муаммоларини ҳам, олимлар, ўқитувчи-педагоглар меҳнатини ҳам ҳар томонлама яхши билади. Давлатимиз раҳбарининг бу борада амалга ошираётган изчил сиёсати, амалий саъй-ҳаракатлари шунинг учун ҳам чуқур ҳаётий асосга эга эканлиги билан кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда ва қизгин қўллаб-қувватланмоқда.

АДОЛАТ – ҚОНУН УСТУВОРЛИГИДА

Кейинги вақтда халқимизнинг айна кўнглидаги гап бўлган энг муҳим воқеалар ҳақида гапиргандан, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 январь – Прокуратура органлари ходимлари куни олдидан бир гуруҳ соҳа ходимлари билан учрашуви ва ундаги нутқини алоҳида таъкидлаш лозим. Қонун устуворлиги – инсон манфаатларини таъминлашнинг муҳим омилidir. Қонун устуворлигини таъминлашда эса прокуратура идораларининг ўрни ва аҳамияти катта.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 19 декабрдаги қабул қилинган қонунига мувофиқ, 8 январь Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлари куни этиб белгиланган эди. Бу прокуратура органлари фаолияти самарадорлигини янада оширишга, соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга хизмат қилади.

Бўлиб ўтган учрашувда бу фикр алоҳида таъкидланди. Учрашувда Олий Мажлис палаталари раҳбарлари, ҳукумат аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, прокуратура органлари масъул ходимлари ва фахрийлари иштирок этди, деб хабар беради Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг “Қонун устуворлиги – инсон

манфаатларини таъминлашнинг муҳим омилидир” сарлавҳали мақоласида.¹

Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг шаклланиш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, 1992 йил 8 январь куни Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислom Каримов фармони билан Ўзбекистон ССР прокуратураси мустақил Ўзбекистон Республикаси прокуратурасига айлантирилганини таъкидлаш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган субъектлардан бири прокуратура органларидир. Прокуратура органлари томонидан мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Суд-ҳуқуқ тизими тубдан ислоҳ қилинди.

Эришилган ютуқлар ўзимизники, унга маҳлиё бўлиб ўтириш бизга ярашмайди. Бугун сизлар билан олдимизда турган долзарб вазифалар ҳақида гаплашиб олмоғимиз лозим, деди Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мазкур учрашувда сўзлаган нутқида. Одамлар ҳамма нарсага чидаши мумкин, адолатсизликка чидай олмайди. Жамиятда

¹ А.Ўрозов. Қонун устуворлиги – инсон манфаатларини таъминлашнинг муҳим омилидир. “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 10 январь.

адолат барқарор бўлишида прокуратура органларининг ўрни катта бўлмоғи керак.

Бўлиб ўтган учрашувда муҳим масала – ўтган даврда олиб борилган кенг кўламли ислохотлар, уларнинг самарадорлигини юксалтиришда қонуний асосларни мустаҳкамлаш борасидаги ишлар мамлакатимизнинг ҳар томонлама тараққий этишига хизмат қилаётгани, давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича қилинган ишлар дунё ҳам-жамиятининг юксак эътирофига сазовор бўлаётгани алоҳида қайд этилди.

Шу билан бирга, прокуратура ходимларининг фаолиятига атрофлича баҳо берилди. Прокуратура органлари ходимларининг иши катта масъулият, фидойилик, ҳалолликни талаб қилади, деди Президентимиз. Қабул қилинаётган ҳар бир қарор замирида инсон тақдири туради. Шундай экан, етти ўлчаб бир кесиш бу борада асосий мезон бўлмоғи шарт.

Йиғилишда қонунчилик базасини ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва қонунларни сўзсиз ижро этиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, демократик ҳуқуқий давлатни ривожлантириш, хусусий мулк ва тадбиркорлик тараққиётини қўллаб-қувватлаш ҳамда унинг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашда прокуратура органларининг роли катта эканига урғу берилди.

Мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш бўйича янги-янги қонун ҳужжатлари қабул қилиниши билан прокуратура органлари зиммасидаги вазифалар кўлами ҳам кенгайиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал

ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида тадбиркорлик фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик ва тўсқинлик қилгандек, уларнинг фаолиятини асоссиз тўхтатиб қўйганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги оширилгани таъкидлаб ўтилди. Бу ўз навбатида соҳа ходимлари зиммасига ҳуқуқий ҳужжатларнинг аниқ ва тўла ижро этилишини назорат қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдек вазифалар масъулиятини янада оширишига эътибор қаратилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишида прокуратура органларининг роли ҳақида гапирар экан, қуйидагиларни алоҳида таъкидлади. Тадбиркор бой бўлса, давлат бой бўлади. Бунинг учун ишбилармонларга кенг шароит яратиб беришимиз лозим. Прокурор тадбиркорга кўмакчи бўлиши, у билан ҳамкорликда ишлаши даркор.

Мустабид тузум даврида одамлар прокуратура органлари ходимларини фақат қораловчи, жазоловчи тизим вакиллари сифатида биларди. Биз ушбу соҳа фаолиятини халқаро талаблар даражасида қайта ташкил қилишда ижобий натижаларга эришмоқдамиз, деди давлатимиз раҳбари. Прокуратура органлари кундалик ҳаётимизда қонун устуворлигини таъминлаш, юридик ва жисмоний шахсларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга хизмат қилиши зарур.

Яна бир муҳим масала – прокуратура органлари фаолияти устидан парламент назоратини амал-

га оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш, мамлакатда қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш бўйича прокуратура органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилувчи комиссиясини тузиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қўшма қарори қабул қилингани қайт этилди. Ушбу қарорга мувофиқ мазкур комиссия зиммасига қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётини ҳар томонлама ўрганиш ва умумлаштириш, прокуратура органлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва уларнинг ишлаш усулларини янада такомиллаштириш юзасидан уларнинг зиммасига юклатилган вазифалар самарали бажарилаётгани устидан мунтазам парламент назоратини амалга ошириш вазифалари қўйилгани таъкидланди.

Ҳозирги кунда Олий Мажлис Сенати томонидан ҳар йили Бош прокурорнинг ҳисоботи эшитилади. Бу албатта муҳим, лекин жойлардаги прокурорларнинг ҳисоботини ким эшитади, деди Шавкат Мирзиёев. 2017 йилдан бошлаб барча даражадаги ҳокимлар, прокурорлар ва ички ишлар органлари раҳбарларининг аҳоли олдида ҳисобот бериш тизими жорий этилиши, бундан ташқари, вилоятларда прокурорларнинг ишига қараб ойлик рейтинги тузиб борилиши,

уларнинг фаолиятига рейтинг натижалари асосида баҳо берилиши ҳақида йиғилиш қатнашчиларига ахборот берилди.

Ўтган йили ташкил қилинган Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг виртуал қабулхонасига фуқаролардан 311 минг мурожаат келиб тушди. Мурожаатлар орасида прокуратура соҳасига тегишлилари ҳам талайгина. Бу жуда ачинарли ҳолдир, деди Президентимиз. Барчамиз ўзимизга бир савол берайлик: одамларда нима учун муаммолар бунчалик кўпайиб кетди, уларнинг дардини ким эшитади? Мурожаатларнинг аксарияти адолатсизликдан, уларни ҳеч ким эшитмаганидан бўлмоқда. Агар прокуратура органларининг эшиги аҳоли учун очиқ бўлганида, Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига бу қадар кўп мурожаат тушмас эди.

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида мазкур соҳа ходимлари ҳам гоят масъулияти вазифаларни бажармоғи лозим бўлади. Биронта ҳам мурожаат эътиборидан четда қолмаслиги керак, деди давлатимиз раҳбари.

2017 йил 7 январда бўлиб ўтган йиғилишда ана шундай ўта муҳим масалаларнинг муҳокама қилиниши ва улар юзасидан амалий вазифалар белгилаб олингани, ҳеч шубҳасиз, жамиятимизда қонун устуворлиги ва адолатни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги иш янги босқичга кўтаришда катта аҳамиятга эгадир. Мазкур йиғилиш ҳақида мамлакатимизнинг етакчи оммавий ахборот воситаларида таниқли олимлар, ҳуқуқшунослар, соҳа ходимлари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларда ана шу ҳақиқат алоҳида таъкидланмоқда.

ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ, ҚАТЪИЙ ТАРТИБ-ИНТИЗОМ ВА ШАХСИЙ ЖАВОБГАРЛИК МУҲИТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ АСОСИДА ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ

Юртимиз тараққиётини янги босқичга кўтариш, ислохотларни янада чуқурлаштириш ва самарасини оширишдек юксак мақсадларга эришиш йўлида қўйилаётган изчил амалий қадамларнинг маъно-мазмунини тушуниш ва идрок этишда Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2016 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ҳамда 2017 йил учун мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган кенгайтирилган мажлиси материаллари, айниқса, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак” мавзусида шу йиғилишда қилган маърузасининг аҳамияти беқиёс каттадир. 2017 йил 14 январда бўлиб ўтган ушбу мажлисда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари, ҳукумат аъзолари, хўжалик бирлашмалари, жамоатчилик ташки-

лотлари раҳбарлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши раислари, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари қатнашдилар, деб хабар беради Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги.¹

Мажлисида 2016 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 7,8 фоиз, жумладан, саноат маҳсулотлари 6,6 фоиз, қурилиш-пудрат ишлари – 12,5 фоиз, чакана савдо айланмаси – 14,4 фоиз, хизматлар – 12,5 фоиз ўсгани таъкидланди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдорида профицит билан бажарилди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси таъминланди. Инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади ва 5,7 фоизни ташки этди.

Ўтган йили республикаимиз иқтисодиётига 16,6 миллиард АҚШ доллари миқдорида ёки 2015 йилга нисбатан 9,6 фоиз кўп инвестиция киритилди. Ўзлаштирилган хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажми 11,3 фоиз ўсди ва 3,7 миллиард доллардан ошиб кетди. Умумий қиймати 5,2 миллиард доллар бўлган 164 та йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш якунланди. Жумладан, “Женераль моторс – Ўзбекистон” акциядорлик жамиятида “Т-250” моделидаги энгил автомобилларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, Жиззах вилоятида цемент заводи кенгайтирилди, Толимаржон иссиқлик электр станциясида қуввати 900 мегаватт бўлган буғ-газ қурилмалари ҳамда Ангрэн иссиқлик электр станциясида қуввати 150 мегаватт бўлган, юқори қувватга эга кўмир кукунларини ёқадиган энергия блоки ишга туширилди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида ахборот. ЎЗА. “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 16 январь.

Мажлисда замонавий транспорт коммуникация тармоқларини барпо этиш борасида ҳам улкан ишлар амалга оширилгани, хусусан, Фарғона водийси вилоятларини мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари билан боғлайдиган, Қамчиқ тоғ довони орқали ўтадиган 19 километрлик ноёб туннельга эга бўлган, электрлаштирилган Ангрен – Поп темир йўл тармоғи барпо этилгани, Тошкент – Бухоро ва Бухоро – Тошкент йўналиши бўйича юқори тезликда ҳаракатланадиган “Афросиёб” йўловчи элетропоезди қатнови ташкил этилгани алоҳида таъкидланди.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоғи бўлган қишлоқ хўжалигини модернизация ва диверсификация қилиш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Шу борадаги дастурий чора-тадбирлар қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажмини 6,6 фоиз, жумладан, мева-сабзавотни – 11,2 фоиз, картошкани – 9,7 фоиз, сабзавот маҳсулотлари етиштиришни 10,4 фоиз ошириш имконини бергани қайд этилди.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг маърузаси, ҳеч шубҳасиз, мазкур мажлисдаги энг муҳим марказий ҳодиса бўлди. Унда нафақат 2016 йил, балки мамлакатимиз иқтисодиётининг кейинги йиллардаги ривожланиш жараёнларида кўзга ташланаётган ижобий тамойиллар билан бирга, жиддий камчиликлар, уларнинг туб илдизлари ҳамда уларни бартараф этиш йўллари ҳақида аниқ рақам ва далиллар асосида кенг фикр юритилди. Умуман, тараққиётимизнинг бугунги босқичида ўта муҳим аҳамият касб этаётган ҳар бир масалага чуқур танқидий ва таҳлилий руҳ билан ёндашиш, талабчанлик, ҳаётга сергак назар ташлаш асосида келажак режа-

ларини белгилаш маърузанинг асосий руҳи ва маъно-мазмунини ташкил этди. Буни мамлакатимиз чет эллардаги таниқли эксперт ва кузатувчилар ҳақли равишда эътироф этмоқда.

“Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбарни – бу Бош вазир ёки унинг ўринбосарлари бўладими, ҳукумат аъзоси ёки ҳудудлар ҳокими бўладими, улар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиб қолиши керак. Энди ҳар биримиз, энг аввало, давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг вазифаси – ўзимиз масъул бўлган соҳа ва тармоқда ишларнинг аҳволини танқидий баҳолаш асосида зиммамизга юклатилган вазифаларни масъулият билан бажаришни таъминлашдан иборат. Шундай давр келди”¹

Мажлисида ана шу талаблар ҳамда 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракат стратегияси лойиҳасини кенг муҳокама қилиш давомида келиб тушган таклифларни инобатга олган ҳолда, **2017 йил учун мўлжалланган иқтисодий ва ижтимоий дастурнинг ўн битта энг муҳим устувор йўналиши белгиланди.**

Биринчи устувор йўналиш – “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурини амалга ошириш, Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан улуғ” деган олижаноб ғояни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этишдан иборат.

¹ Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиб қолиши керак. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 16 январь.

Бу йўналишда зикр этилган давлат дастурини амалга ошириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Иккинчи устувор йўналиш – макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш, жумладан, Давлат бюджети барча даражада мутаносиб, миллий ва ички бозордаги юқори нарх даражаси барқарор бўлишини таъминлашдир.

Бу йўналишда Вазирлар Маҳкамаси Макроиқтисодиёт комплекси ва унинг таркибига кирадиган вазирлик ва идораларнинг вазифалари кўрсатиб ўтилди. Шу билан бирга, мазкур комплекс ва унинг тузилмалари томонидан иқтисодий жараёнларни бошқариш, ислохотларни амалга оширишда йўл қўйилаётган жиддий камчиликлар очиқ баён қилинди.

Учинчи устувор йўналиш – ижтимоий соҳада аҳоли саломатлиги, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, дори воситалари билан ишончли таъминлаш, жисмоний бақувват ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни камол топтиришдан иборат.

Бу йўналишда соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт соҳасидаги камчиликлар таҳлил қилиниб, уларни бартараф этишга қаратилган вазифалар кўрсатиб берилди.

Тўртинчи устувор йўналиш – ҳудудларни комплекс ривожлантиришни ва инфратузилма фаолиятини тубдан ўзгартиришни таъминлашдаги жиддий камчиликларни бартараф этишдир.

Бешинчи устувор йўналиш – иқтисодий ва молиявий органларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалалар.

Бу йўналишда Иқтисодиёт вазирлиги ишидаги камчиликлар танқид қилиниб, унинг ишини янгича асосда

ташкил этиш йўллари кўрсатиб берилди. Президент фармонида биноан принципиал янгича асосларда ташкил этилаётган “Ургут”, “Ғиждувон”, “Қўқон” ва “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зоналари фаолиятини йўлга қўйишда ўтган йиллардаги хатоларни такрорламаслик зарурлигига эътибор қаратилди.

Олтинчи устувор йўналиш – хорижий инвестицияларни, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича ишлар ва бу борадаги вазифалар таҳлилидан иборат.

Еттинчи устувор йўналиш – солиқ-бюджет сиёсатига қатъий амал қилиш, давлатнинг ижтимоий мажбуриятларини бажариш, иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар ҳажми, йирик инвестиция лойиҳалари ва мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашни молиялаштириш борасидаги вазифалар таҳлили билан боғлиқ.

Бу борада Молия вазирлиги ва унинг тузилмалари иши қаттиқ танқид қилинди, истиқболдаги вазифалар белгиланди.

Саккизинчи устувор йўналиш – бу бандлик масалаларини ҳал қилишнинг бутун тизимини тубдан ўзгартириш бўйича раҳбарлар масъулиятини оширишдан иборат.

Тўққизинчи устувор йўналиш – қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар самарасини оширишни кўзда тутди.

Бу борада экин майдонлари ва экин таркибини оптималлаштириш, илғор агротехнологияларни жорий этиш ва ҳосилдорликни ошириш, мева-сабзавот ва узум етиштиришни кўпайтиришга; фермер хўжаликларининг молиявий-иқтисодий ҳолатини мустаҳкамлашга эътибор қаратилди. Охириги 10 йил мобайнида минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш мате-

риаллари ва уруғлик нархининг ўсиши билан пахта хомашёси ва ғаллани харид қилиш нархлари ўсиши ўртасида кескин фарқ борлиги кузатилаётгани, ўтган йилларда Молия вазирлиги ва унинг ҳузуридаги Жамғарма раҳбарияти томонидан шакллантирилган агротехник тадбирларни молиялаштиришда ижобий натижа бермаётган ва мутлақо чала тизимга барҳам бериш зарурлиги таъкидланди.

Ўнинчи устувор йўналиш – таълим-тарбия ва илм-фан, давлатнинг ёшларга доир сиёсатини амалга ошириш, таълим-тарбиянинг янги, замонавий усулларини, жумладан, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш соҳасидаги ишлар таҳлили ва бу борадаги вазифалардан иборат.

Ўн биринчи устувор йўналиш – “Электрон ҳукумат” тизими самарали ишлашини таъминлашга қаратилган вазифалардир.

“Ҳаммамизга бир ҳақиқат равшан бўлиши лозим: биз мавжуд ривожланиш суръатлари билан ўз олдимизга қўйган юксак мақсадларга эриша олмаймиз, – деди Президент Шавкат Мирзиёев. – Бугун замон ўзгармоқда, унинг талаби, олдимизга қўяётган вазифалари тобора ортиб бормоқда. Мана шундай мураккаб шароитда “Сен – менга тегма, мен – сенга тегмайман” деган кайфият билан ишлашнинг вақти ўтди. Биз “вазият ёмон, вазият офир” деб баҳона қидиришга ўрганиб қолганмиз. Лекин шу вазиятни ким ўзгартиради, ким изга солади, деган саволни, келинг, ўзимизга берайлик. Вазиятни ўзимиз, ўз ақл-заковатимиз, меҳнатимиз билан ўзгартирмасак, ҳеч ким четдан келиб бу ишни биз учун қилиб бермайди”.¹

¹ Ўша манба.

Ҳақиқатан ҳам, ўз олди-мизга қўйган улкан вазифаларни амалга ошириш йўлида биз фақат ўзимизга, ўзимизнинг куч ва имкониятларимизга ишонишимиз керак. Бу борада халқимизда мустақиллик даврида тўпланган 25 йилдан зиёд бой тажриба бор. Ишончимиз комил, халқимиз ана шу тажрибага таяниб, ўзининг фидокорона меҳнати, катта интеллектуал-маънавий салоҳияти билан кўзлаган марраларига албатта эришади.

Президентнинг мазкур маърузаси “Ўзбекистон” нашриёти томонидан алоҳида китоб ҳолида чоп этилди.

Чуқур таҳлил ва танқидий ёндашувга асосланган ушбу рисолада Ўзбекистоннинг 2016 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатларига атрофлича баҳо берилган. Айни вақтда иқтисодиётни бошқариш, уни модернизация ва диверсификация қилиш борасида кейинги пайтда турли вазирлик ва идоралар томонидан йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонлар очиқ ва холис танқид қилиниб, уларни бартараф этиш бўйича амалий таклифлар илгари сурилган. Турли соҳалардаги мавжуд улкан имконият ва захираларни тўлиқ ва самарали ишга солишга жиддий эътибор қаратилган.



Турли соҳадаги мавжуд улкан имконият ва захира­ларни тўлиқ ва самарали ишга солишга жиддий эътибор қаратилган.

Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлан­тириш бўйича 2017 йилга мўлжалланган устувор йўналишлар, жаҳон бозорида рақобат кучайиб бора­ётган ҳозирги мураккаб вазиятда иқтисодиётга хо­рижий инвестициялар, замонавий технологияларни жорий этиш билан боғлиқ муҳим вазифалар маъру­зада батафсил кўрсатиб берилган. Айниқса, “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурини амалга ошириш, аҳолининг турмуш дара­жаси ва сифатини яхшилаш, шаҳар ва қишлоқлари­мизда арзон ва қулай уй-жойлар қуриш, йўл-транс­порт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни, мактабгача таълим муассаса­лари тармоқларини ривожлантириш ва модерниза­ция қилиш бўйича кенг кўламли вазифалар ҳам китобдан алоҳида ўрин эгаллаган.



ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда кейинги пайтда амалга оширилётган кенг кўламли чора-тадбирлар, муҳим ўзгаришлар, улкан воқеалар ҳақида сўз юритганда, жамиятимизнинг бебаҳо бойлиги бўлган тинчлик ва барқарорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган тизимли ишларни алоҳида таъкидлаш зарур.

Маълумки, тинчлик-осойишталик, хавфсизлик, барқарорлик деганда, барчамиз аввало Ватанимиз сарҳадларини кўз қорачиғидек асраб келаётган, мустақиллигимиз, бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолати бўлган Ўзбекистон Қуроли Кучлари ва уларнинг сафларида йигитлик бурчини ўтаётган мард ва фидойи аскар ҳамда офицер йигитларимизни кўз олдимизга келтирамиз. Истиқлол йилларида моддий-техник таъминоти, ҳарбий ва жанговар тайёргарлиги, шахсий таркибнинг жисмоний ва маънавий кўрсаткичлари жиҳатидан барча замонавий талабларга жавоб берадиган миллий армиямиз шаклланиб, тобора қудратли бўлиб бораётгани билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Мамлакатимизда мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб ўз Қуроли Кучларимизни ташкил

этишга улкан эътибор қаратилди. Бошқа соҳалар қатори бу борада ҳам Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг хизматлари беқиёс бўлди. 1991 йил 6 сентябрда Юртбошимизнинг фармони билан Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этилди. Давлатимиз раҳбарининг 1992 йил 14 январда қабул қилинган қарорига мувофиқ республикамиз ҳудудида жойлашган барча ҳарбий тузилмалар Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий тасарруфига ўтказилди.¹ Ана шу тарихий кун – 14 январь юртимизда Ватан ҳимоячилари куни сифатида ҳар йили кенг нишонланади.

Айниқса, 2017 йилги Ватан ҳимоячилари куни байрами алоҳида маъно-мазмун ва руҳ билан нишонланди. Чунки айнан 2017 йил 14 январда Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганига 25 йил тўлди. Аввало, ана шу тарихий санани ҳар томонлама муносиб байрам қилиш учун мамлакатимизда катта тайёргарлик ишлари олиб борилди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 25 йил” эсдалик нишонини таъсис этиш тўғрисида 2016 йил 28 ноябрда имзоланган фармони, ҳеч сўзсиз, ўта муҳим аҳамиятга эга бўлди. Фармонда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг йигирма беш йиллиги нишонланиши муносабати билан ва давлатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ва миллий армияни барпо этишга муносиб ҳисса қўшган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчилари, фахрийлари ва шу соҳада фаолият

¹ Мустақил Ватанимизнинг ишончли ҳимоячилари. ЎЗА, “Ишонч” газетаси, 2017 йил 14 январь.

кўрсатаётган барча хизматчиларни рағбатлантириш мақсадида мазкур эсдалик нишони таъсис этилаётгани таъкидланади.¹

2017 йил 13 январь куни Тошкент шаҳридаги “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 25 йиллиги ҳамда 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва ана шу улуғ айём билан Ватан ҳимоячиларини, бутун халқимизни самимий табриклади, байрам муносабати билан Ватанчимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган ҳарбий хизматчиларга шарафли унвонлар, орден ва медалларни топширди.

Президент табригида ўтган 25 йил давомида Қуролли Кучларимизни барпо этиш йўлида қўлга киритилган беқиёс ютуқларимиз Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов номи билан чамбарчас боғлиқ экани чуқур миннатдорлик билан эсга олинди. Улуғ Юртбошимизнинг қўйидаги сўзлари алоҳида таъкидланди: “Ўзининг буюк тарихи ва аждодларига муносиб ворис бўлган халқимиз мамлакат хавфсизлигини таъминлашга қодир армияни ярата олади”. “Бугунги кунда ана шу улкан ишончга ҳар томонлама лойиқ бўлган Қуролли Кучларимиз ташкил этилганини барчамиз кўриб турибмиз”², деди Шавкат Мирзиёев.

¹ “Халқ сўзи” газетаси, 2016 йил 7 декабрь.

² Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 25 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табриги. “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 14 январь.

Ҳақиқатан ҳам, қисқа муддатда мамлакатимиз мустақиллиги, ҳудудий яхлитлиги, чегараларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армия барпо этилгани, собиқ Иттифоқ ҳудудида турли қуролли тўқнашув ва қарама-қаршиликлар юз бераётган ғоят мураккаб шароитда Ўзбекистон Қуролли Кучларига асос солингани ёш давлатимизни қуриш жараёнида ҳал этилган буюк вазифалардан бири бўлгани Президент табригида алоҳида қайд этилди.

Табрикда мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб барча соҳалар каби ҳарбий йўналишда ҳам тўпланиб қолган кўплаб оғир муаммоларни, аввало қўшинларнинг моддий-техник таъминот тизими яхшилангани, ҳарбий тузилмаларнинг қурилиши ва жанговар таркиби янги пайдо бўлаётган таҳдидларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилгани, малакали ҳарбий кадрлар етишмаслигига барҳам бериш бўйича амалий чора-тадбирлар кўрилгани айтиб ўтилди. Бу борада ҳар томонлама чуқур ўйланган ва узоқ муддатга мўлжалланган стратегия ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилди. Ўтган чорак аср мобайнида мазкур стратегия асосида, Миллий хавфсизлик концепцияси ва Мудофаа доктринаси доирасида кўп ишлар қилингани, юз бериши мумкин бўлган ҳарбий ҳаракатлар театри ва унинг реал хусусиятлари, илғор хорижий тажрибалар ҳар томонлама ҳисобга олиниб, ихчам, яхши таъминланган, юксак жанговар руҳга эга бўлган миллий армия барпо этилгани тантанали мажлисда фахр билан таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари ўз табригида Қуролли Кучларнинг асосий таянчи бўлган ҳарбий кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда малакасини

ошириш тизими принципал жиҳатдан мутлақо янги асосга ўтказилганини уқтирди. Маҳаллий офицерлар истиқлолнинг дастлабки йилларида бор-йўғи 0,6 фоизни ташкил этган. Офицерларни тайёрлаш учта ҳарбий билим юртида учта ҳарбий мутахассислик бўйича олиб борилган. Бу борадаги аҳволни тубдан ўзгартириш учун мустақиллик йилларида қўшимча равишда янги, замонавий учта ҳарбий таълим муассаси ташкил этилди, курсантларни ўқитиш тизими кўп тармоқли асосда йўлга қўйилди. 1995 йили ташкил этилган Ўзбекистон Қуролли Кучлар академияси юқори бўғин қўмондонлик офицерларини тайёрлаш ҳамда мудофаа қурилиши соҳасида илмий тадқиқот ва ишланмаларни амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Сержантлар корпусини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, 2001 йилда илғор халқаро стандартлар асосида ташкил этилган сержантлар тайёрлаш мактабларида 26 та йўналиш ва мутахассислик бўйича ўқув ишлари йўлга қўйилгани давлатимиз раҳбарининг табригида қайд этилди.

Табрикда фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга чақириш тизимида ҳам улкан ўзгаришлар амалга оширилгани, жумладан, муддатли ҳарбий хизмат бир йил этиб белгилангани, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий-маиший шароитлари, озиқ-овқат таъминоти тубдан яхшилангани, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, резервга бўшатилган ёшларнинг ишга жойлашиши ва олий ўқув юртларига ўқишга кириши билан боғлиқ имтиёзлар тизими белгилангани, ана шу ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида фуқароларнинг сафарбарлик чақирув резервидаги ҳарбий хизматни ўташини назарда тутадиган ўзига хос ноёб тизим яра-





тилиб, ёшлар нафақат зарур ҳарбий тайёргарликдан ўтказилаётгани, балки жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиниқтирилаётгани алоҳида айтиб ўтилди.

“Бугунги кунда, – деб фикрини давом эттирди Президентимиз Шавкат Мирзиёев, – миллий армиямиз минг-минглаб ўғлонларимиз учун чинакам мардлик, фидойилик, ҳақиқий ватанпарварлик мактабига айлангани, ҳеч шубҳасиз, шу йўлда эришган энг катта ютуғимиздир. Бу ҳақиқатни юртимиздаги барча ота-оналар, бутун халқимиз ғурур билан, миннатдорчилик билан эътироф этмоқда”.¹

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг ҳар бир нутқ ва маърузасида кун тартибига қўйилган масала бўйича амалга оширилган ишларнинг чуқур таҳлили билан бирга, бу соҳада келгусида амалга оширилиши зарур бўлган долзарб вазифалар аниқ-равшан белгилаб берилади, уларни бажаришнинг самарали механизми, ижро усуллари бўйича янги ғоялар, ташаббуслар илгари сурилади. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 25 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кун муносабати билан Президент табригида ҳам ана шу принцип яққол кўзга ташланди. Байрам табригида миллий армиямизни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш борасида пухта ўйланган ва изчил ҳаракатларни давом эттиришга қаратилган еттита устувор вазифа кўрсатиб берилди. Улар қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, миллий хавфсизлик каби ўта муҳим соҳани қонун талаблари асосида бошқариш самарасини ошириш. Бу борада миллий хавфсизликни таъминлашда стратегик режалаштириш бўйича аниқ давлат тизимини барпо этиш объектив зарурат

¹ Ўша манба.

эканига эътибор қаратилди. Ушбу тизимида доимо янгилашиб борадиган Миллий хавфсизлик концепцияси марказий ўринни эгаллаши шарт экани, унда Ўзбекистон ташқи сиёсатига хос мослашувчанлик ва очиқлик тамойиллари, бизнинг яқин қўшниларимиз билан конструктив муносабатларни ривожлантириш устувор вазифа сифатида аке эътирилиши зарурлиги, айнаи вақтда Ватанимиз мустақиллиги ва суверенитети, халқимизнинг маданий-тарихий ўзига хослигини асраш бўйича қатъий кўрсатмалар белгилаб берилиши кераклиги айтиб ўтилди.

Шунингдек, ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаслик, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий база ва объектларини жойлаштиришга йўл қўймаслик, ҳарбий хизматчиларимизнинг хориждаги тинчликпарварлик операцияларида иштирок этмаслик сиёсатига содиқ қолиш бундан буён ҳам мамлакатимизнинг принципиал позицияси бўлиб қолиши, жаҳонда ва минтақада вазитнинг ривожланиш динамикаси, вужудга келадиган хавф-хатар ва таҳдидларга муносиб зарба бериш зарурати, бизнинг устувор вазифа ва имкониятларимиз Ўзбекистон Республикаси Мудофаа доктринасини қайта ишлаб чиқишни талаб этиши қайд қилинди.

Иккинчидан, Қуролли Кучлар қурилишининг ташкилий тизимини янада такомиллаштириш. Ушбу йўналишда ҳар қайси ҳарбий округнинг таркибий тузилиши ва вазифаларини аниқлаш, бу борада улардан айнан қайси вазифаларни ҳал этиш учун фойдаланиш кераклиги, қўшинларнинг қўлланиш ва шунингдек, операцияларни ўтказиш йўналишлари бўйича ўзига хос хусусиятларига алоҳида эътибор бериш, Ҳаво ҳужумидан мудофаа ва Ҳарбий ҳаво

кучлари қўшинларини оптималлаштириш вазифалари белгилаб берилди.

Учинчидан, қўшинларни тайёрлаш борасидаги тадбирларни режалаштиришга оид янгича ёндашувни ишлаб чиқиш. Бу борадаги ишлар Қуролли Кучларнинг жанговар қобилияти ва ҳарбий тайёргарлигини реал оширишга, уларнинг юқори даражадаги уюшқоқлик ва самарали ҳамкорлигига қаратилиши лозимлиги таъкидланди.

Тўртинчидан, барча бўғиндаги профессионал ҳарбий кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш. Бу борада мутлақо янги Қуролли Кучлар академиясини ташкил этиш, ушбу ўқув маскани Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртининг шонли ҳарбий анъаналари ва ҳозирги мавжуд академия ҳамда мамлакатимиздаги етакчи илмий-таълим муассасаларида тўпланган фаолият тажрибасини ўзига қамраб олиши зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, олий ҳарбий билим юртларига ўқишга қабул қилиш борасида ҳам ўзига хос тизим яратиш лозимлигига эътибор қаратилди. Хусусан, мамлакатимизнинг ҳар бир минтақасида икки-учтадан коллеж ва лицейни белгилаш, улар ўзларининг асосий вазифалари билан бирга, олий ҳарбий ўқув юртларига кирадиган ёшларни чуқур тайёрлаш билан ҳам шуғулланиши кераклиги айтиб ўтилди.

Бешинчидан, қўшинларни замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан қайта таъминлаш. Бу борада биринчи галдаги вазифа сифатида 2017–2021 йилларга мўлжалланган комплекс дастур ишлаб чиқиш, унда ҳарбий аҳамиятга эга маҳсулотлар сотиб олиш, мавжуд техника воситаларини таъмирлаш ва модернизация қилиш, мазкур йўналишдаги ишларни мақ-

садли молиялаштириш бўйича тадбирларни белгилаш зарурлигига диққат-эътибор қаратилди.

Яна бир муҳим ташаббус – мамлакатимизда ҳарбий саноат мажмуасини барпо этиш, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Ж.Раматов бошчилигида мудофаа саноати соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш учун масъул бўлган тегишли давлат органини ташкил этишдан иборат.

Олтинчидан, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш. Бу борада иккита ғоят муҳим ташаббус илгари сурилди. Биринчи ташаббус хизматни ўташ тартиби, фронт орти таъминоти, ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, уларга тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштиришга қаратилган, кўпдан буён ҳаёт талабига айланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишни тезлаштиришни, шунингдек, “Ҳарбий хизматни, ички ишлар ва божхона идораларида хизматни ўтаган шахслар ҳамда уларнинг оила аъзоларини пенсия билан таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини қабул қилишни назарда тутди.

Иккинчи ташаббус эса юртимизда жорий этилган якка тартибда уй-жойлар қуриш учун узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари ажратиш бўйича янги тизимни ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш бўйича ҳам кенг жорий этишдан иборат.

Еттинчидан, ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича узлуксиз олиб бориладиган ишлар биз учун долзарб аҳамиятга эга эканини ҳисобга олган ҳолда, бу борадаги ишларни янги босқичга кўтариш. Айниқса, армия сафларида мардлик ва матонат, Ватанга садоқат билан хизмат қилиш мактабини ўтган

ўғлонлар шу соҳадаги ишларга янги сифат ва самара беришда ишончли таянч ва суянч бўлиб хизмат қилиши зарурлиги, мудофаа ишлари бўйича бошқарма ва бўлимлар бундай ёшлар билан доимо алоқада бўлиши кераклиги, мазкур бошқарма ва бўлимларнинг бу йўналишдаги ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорлик қилиш бўйича ваколатларини кенгайтириш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Яна бир муҳим ташаббус шундан иборатки, Бош вазир А.Н. Арипов бошчилигида муддатли ҳарбий хизматни ва сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматни ўтаган фуқароларни ишга жойлаштириш бўйича республика комиссияси, жойларда эса бевосита ҳокимлар раҳбарлигида вилоят, шаҳар ва туман комиссиялари ташкил этиладиган бўлди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев табригида зикр этиб ўтилган устувор вазифалар Ўзбекистон Республикасини 2017–2021 йилларда ривожлантириш Ҳаракат стратегиясида акс этиши ва албатта уларнинг ижроси таъминланиши алоҳида таъкидланди.¹

Айтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 25 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни юртимизда кенг нишонлангани давлатимиз, халқимизнинг ўз миллий армиясига бўлган юксак ишончи, ҳурмати ва эътиборининг яна бир яққол амалий намунаси бўлди.

Эътиборга молик яна бир ўта муҳим жиҳати шундаки, давлатимиз раҳбарининг табригида кўрсатиб берилган устувор вазифа ва йўналишлар ижроси бўйича амалий ишлар тезлик билан бошлаб юборилди. Буни 2017 йил 26 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош

¹ Ўша манба.

Қўмондони Шавкат Мирзиёевнинг Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида Мудофаа вазирлиги раҳбарияти билан ўтказган йиғилиши яққол тасдиқлади. Мажлисда юқорида зикр этилган табрикда белгиланган вазифалар ижроси муҳокама қилинди, қатор вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ахбороти тингланди. Давлатимиз раҳбари хавфсизлик соҳасига оид қонунчилик самарадорлигини юксалтириш, Қуролли Кучлар ташкилий тизимини янада такомиллаштириш, унинг шахсий таркибини тайёрлаш, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминланиш даражасини янада оширишга қаратилган аниқ вазифаларни белгилаб берди.¹

Юртимизда тинчлик-осойишталик, миллатлараро ва фуқаролараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлашга хизмат қиладиган яна бир муҳим воқеа – бу Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллиги кенг нишонлангани бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ана шу тарихий сана муносабати билан 2017 йил 24 январь куни “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида миллий маданий марказлар фаоллари билан учрашди ва уларнинг бир гуруҳига давлат мукофотларини топширди.²

Республика байналмилал маданият маркази мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки даврида Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан ташкил этилган эди. Ўтган 25 йил да-

¹ Замонавий, қудратли армия – тинч-осойишта ҳаётимиз кафолати. ЎзА. “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 27 январь.

² Миллатларо дўстлик ва ҳамжиҳатлик – халқимиз тинчлиги ва фаровонлигининг муҳим омили. “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 25 январь.

вомида жамиятимиз ҳаётида тинчлик-барқарорлик-ни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш, миллатлараро ва конфессиялараро бағрикенглик, ўзаро мулоқот, ҳурмат, аҳиллик ва иноқлик борасида, ҳар бир миллат вакилларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш йўлида юртимиз қандай ютуқларга эришган бўлса, буларнинг барчасида ушбу марказ ва унинг фаолларининг катта ҳиссаси бор.

Давлатмиз раҳбари Шавкат Мирзиёев мазкур учрашувдаги нутқида ана шу фикрларни алоҳида таъкидлади. Мажлисида Ўзбекистон заминида қадим-қадимдан турли миллат ва дин вакиллари ўзаро аҳил ва иноқ яшаб келгани, бу борада халқимиз катта тажриба ва маданиятга эга экани қайд этилди. Мустақиллик йилларида бу анъаналар янада ривожлантирилиб, янги босқичга кўтарилмоқда. Бизнинг Конституция-миз ва қонунларимизда Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари, миллати, тили ва динидан қатъи назар, тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эга экани мустаҳкамлаб қўйилгани, уларга ўз миллий маданияти, анъана ва урф-одатларини сақлаш ҳамда ҳар томонлама ривожлантириш учун барча имкониятлар яратилгани, мамлакатимизда 16 та конфессияга мансуб диний ташкилотлар эркин фаолият юритаётгани, давлат таълим муассасаларида ўқитиш 7 тилда олиб борилаётгани, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ўз кўрсатувларини 12 тилда намойиш этаётгани, ўндан ортиқ тилда газета ва журналлар нашр қилинаётгани Президентимиз нутқида келтириб ўтилди. Мамлакатимизда этник ўзига хосликни ривожлантириш ва миллатларо муносабатларни янада уйғунлаштиришда 137 та миллий маданий марказ етакчи роль ўйнамоқда. Улар ҳар қайси миллатнинг ўзига хос

маданияти, тили, халқ ҳунармандлигини ривожлантириб, турли маданиятларнинг бир-бирини ўзаро бойитишига, ҳар биримизда кўп миллатли ягона оила туйғусини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Республика байналмилал маданият маркази уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб, амалий ва услубий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Бўлиб ўтган учрашувда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги бўйича фақат Ўзбекистонда ана шундай тузилма ташкил этилгани – бу бизнинг катта ютуғимиз экани қайд этилди.

Мустақиллик йилларида Республика байналмилал маданият маркази ва миллий маданий марказларнинг юздан ортиқ фаоллари фахрий унвонларга сазовор бўлди, орден ва медаллар билан тақдирланди. Турли миллатлар вакиллари бўлган 14 нафар фуқаромиз эса Ўзбекистон Қаҳрамони деган юксак унвон билан мукофотланди.

Ўзбекистон раҳбарининг мазкур нутқида Республика байналмилал маданият марказининг ўтган даврдаги фаолияти ва бунинг аҳамияти атрофлича таҳлил қилинди. Шу билан бирга, келгусида марказ ишини янада ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича долзарб вазифаларга ҳам эътибор қаратилди. Айниқса, Тошкент шаҳридаги илгари “Ўзбекенгилсаноат” акциядорлик жамиятига қарашли бўлган Бобур кўчасидаги бинони Республика байналмилал маданият марказига бериш ва уни Дўстлик саройи деб аташ тўғрисидаги таклиф учрашув қатнашчилари томонидан қизгин қўллаб-қувватланди. Мазкур бинони реконструкция қилиш ва унинг атрофини ободонлаштиришни кўзда тутадиган тегишли ҳукумат қарори қабул қилиниши маълум қилинди.

Учрашув қатнашчилари чуқур мамнуният ва хурсандчилик билан кутиб олган яна бир ташаббус – бу зикр этилган бинонинг ёнида жойлашган ва мустақиллик йилларида Республика байналмилал маданият маркази ўзининг кўплаб тадбирларини ўтказиб келаётган боғни “Дўстлик боғи” деб аташдан иборат бўлди. Шу муносабат билан Бош вазир А.Н.Ариповга тегишли идоралар билан биргаликда, бир ой муддатда мазкур боғ ҳудудида Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча элу элат вакилларининг ўзига хос маданияти, урф-одатлари ва пазандачилик анъаналарини намойиш этиш учун павильонлар барпо қилиш лойиҳасини ишлаб чиқиш топширилди. Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманида Наврўз байрами арафасида очиладиган янги боғ буюк аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан аталадиган бўлди.

Яна бир янгилик – Фанлар академияси институтлари билан ҳамкорликда мамлакатимизда миллатлараро муносабатларни янада ривожлантириш ва уйғунлаштиришга бағишланган илмий тадқиқотлар ўтказишни ташкил этиш Республика байналмилал маданият марказининг долзарб вазифаси сифатида белгилаб берилди.

Айниқса, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган ҳар бир миллий маданий марказнинг фаоллари ўзларининг тарихий ватанлари билан маданий-гуманитар соҳадаги муносабатларни янада фаол ривожлантирадиган бўлса, мақсадга мувофиқ бўлиши ҳақидаги таклифни йиғилганлар ҳар томонлама қўллаб-қувватлади.

“Афсуски, ҳозирги вақтда шундай тажриба шаклланганки, – деди Шавкат Мирзиёев учрашув қат-

нашчилари билан мулоқотни давом эттириб, – мамлакатимизнинг аксарият аҳолиси турли миллат ва элатлар маданиятининг ўзига хос хусусиятлари билан бир йилда бир марта, энг аввало, Наврўз байрами кунларида танишиш имконига эга, бу албатта етарли эмас. Шундан келиб чиққан ҳолда, Республика байналмилал маданият маркази Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда юртимиздаги ижодий ташкилотлар билан ҳамкорликда кенг жамоатчиликни Ўзбекистонда яшаётган турли миллат ва халқлар вакилларининг бетакрор маданияти, халқ ҳунармандчилиги, анъана ва урф-ордатлари билан тизимли ва доимий асосда таништириш бўйича дастур ишлаб чиқиши ва ҳар йили йил давомида уни амалга ошириши айтилиши муддао бўлур эди. Бунинг учун уларга мамлакатимиздаги энг яхши концерт майдончалари, театр саҳналари ва кўргазма залларини бериш керак”.¹

Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллиги муносабати билан мамлакатимиз пойтахти, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида кўплаб тадбирлар бўлиб ўтди. Буларнинг барчасидан хулоса шуки, миллатлар ва конфессиялараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик бизнинг бош қадриятларимиздан бири экани, Ватанимиз равнақи, юртимиз тинчлиги ва халқимиз фаровонлигига хизмат қилаётгани ана шу тадбирлар мисолида яна бир бор амалда тўлиқ намоён бўлди.

1 Ўша манба.

ХУЛОСА

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳада ре-
жалашатирилаётган барча ислоҳотларнинг моҳи-
яти ва мазмуни бир мақсадга – халқимизнинг самарали
меҳнат қилиши ва муносиб турмуш кечириш учун зарур
шароитлар, муносиб иш ҳақи, замонавий уй-жойлар,
сифатли таълим ва тиббий ёрдам, дам олиш ва ҳордиқ
чиқариш учун кенг имкониятлар яратиб беришга қара-
тилгани билан айниқса беқиёс аҳамиятга эгадир.

Хулоса қилиб айтганда, бугун Ўзбекистон тараққи-
ётининг қайси соҳасига эътибор бермайлик, уларнинг
барчасида мустақиллик йилларида бошланган кенг
кўламли ислоҳотлар йўли изчил давом эттирилаётган-
ини кўрасиз. Бу эса бизнинг мамлакатимиз, халқимиз
келажагига бўлган ишончимизни янада оширади, ана
шу жараёнларда аввалгидан ҳам фаол иштирок этиш-
га даъват этади.

Энг муҳими, бу – ислоҳот жараёнининг маълум бир
муддатлик эмас, балки узоқ ва давомли эканидир.

Энг муҳими, бу ислоҳотлар ўзини амалий натижалар-
ини бераётганидир.

Энг муҳими, бу ислоҳотларнинг маъно-мазмуни ҳар
бир юртдошимизга тушунарли эканидир.

Энг муҳими, ҳар бир ватандошимиз қалбида ана шу
ислоҳотларда фаол иштирок этиш ва унинг натижалари-
дан баҳраманд бўлиш хоҳиш-истагининг кучлилигидир.

Шундай экан, Ўзбекистон ўз олдига қўйган мақ-
сад-муддаоларига албатта етади.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши.....	5
Мозийга қайтиб.....	45
Ким эдик?	59
Ким бўлдик?.....	70
Янги даъват, янги гоя ва янги ташаббуслар.....	104
Сармоя – юксак тараққиёт асоси.....	132
Тарихий ташрифлар.....	168
Инсон манфаати ҳар нарсадан улугъ.....	188
Кексалар – ҳаётимиз кўрки ва файзи.....	216
Жаҳонга юз очган диёр.....	249
“Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак”.....	266
“Ватанимизнинг буюк келажagini мард ва олижаноб халқимиз билан биргаликда барпо этамиз”	296
Соғлом халқнинг бахти бекам, иқболи бутун.....	306
Зар қадрини заргар билар.....	315
Адолат – қонун устуворлигида	329
Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик муҳитини шакллантириш асосида янги марралар сари.....	336
Тинчлик ва барқарорликни янада мустаҳкамлаш йўлида	345
Хулоса	362

Илмий-маърифий нашр

Қаландар АБДУРАХМОНОВ

**ЎЗБЕКИСТОНДА
ИНСОН ОМИЛИ ВА
МАНФААТЛАРИ – ЭНГ ОЛИЙ
ҚАДРИЯТ**

Иқтисодий, илмий-таҳлилий рисола

Муҳаррир *Илҳом Зойиров*
Орегинал макет ва Дизайн *Шуҳрат Мирфайёзов*
Техник муҳаррир *Дилмурад Жалилов*
Мусаҳҳиҳ *Доно Тўйчиева*

Нашриёт лицензия рақами АИ № 154. 14.08.2009.
2017 йил 6 июнда босишга рухсат этилди.
Бичими 70x100 ¹/₁₆ Journal Accent гарнитураси.
Офсет босма. 29,575 шартли босма табоқ. 15,75 нашр табоғи.
Адади 1000 нусха. 264 рақамли буюртма.
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
Ғафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа
ижодий уйида чоп этилди.
100128. Тошкент. Лабзак кўчаси, 86.

Телефонлар: (371) 241-25-24, 241-48-62, 241-83-29
Факс: (371) 241-82-69

www.gglit.uz

info@gglit.uz



ISBN 978-9943-4914-0-3



9 789943 491403